

№ 15753

30

ЛАЙЛИ  
ВА  
МАЖНУН



АЛИШЕР  
НАВОИЙ

ЛАЙЛИ  
ВА  
МАЖНУН

№ 15753  
М 3

ЎзССР  
Давлат  
*бадвий адабиёт*  
НАШРИЁТИ  
Тошкент · 1958

1958 ЎзССР  
17747

*Амин Умарий ва Ҳусайнзоданинг*  
насрий ифодаси билан

\* \* \*

*Редактор*  
**Т. ЖАЛОЛОВ**

\* \* \*

*Рассом*  
**В. И. КАЯДАЛОВ**

\*

*Безтаъвичи*  
**Р. В. ЛЕВИЦКИЙ**

## «ЛАЙЛИ ВА МАЖИУН»

«Лайли ва Мажнуун» дostonи шарқ халқлари фольклорларининг энг нодир намунаси саналади. Севги аламларида куйган, ҳажр оловларида ёнган бу бахтсиз ошиқлар ҳикоясини эҳтирос билан эшитмаган киши, эҳтимол Яқин ва Урта шарқда топилмас.

«Лайли ва Мажнуун» дostonи ўтмишда озод кишилиқ муносабати ва севгига йўл йўқлигини, кишилиқнинг шон-шарафи поймол қилинганини, давр савиясидан юқори кўтарилган кишининг бошига тухмат тошларни ёғдирилганини сўзлайди.

Шарқда етишган доҳи ёзувчилар бу ажойиб афсонага эътиборсиз қараб қололмаганлар. Уларнинг ҳар бири кеиғ халқ орасига тарқалган «Лайли ва Мажнуун» дostonи сюжетидан ўз ғояларини рўёбга чиқариш йўлида фойдаландилар. «Лайли ва Мажнуун» афсонаси сюжетида бошлаб асар ёзган, уни ёзма адабиётга киргизган киши, Озорбайжонининг гениал шоири Низомий бўлди (Низомий ўз асарларини форс тилида ёзган эди). Низомийдан сўнг 750 йил давомнда ўн тўққиз нафар ҳинд ва эрон шоири шу сюжетда дoston ёздилар. Масалан, Хисров Деҳлавий, Хотафий, Сухайлий ва бошқалар.

Ўзбек тилида (умуман турки тилида) дастлаб «Лайли ва Мажнуун» сюжетида асар ёзган киши ўзбек поэзиясининг отаси Алишер Навоий бўлди. Навоий бу сюжетда асар ёзган кишиларнинг биринчиси бўлмаганидек, сўнггиси ҳам эмас, Навоийдан сўнг турк тилида Фузулнийнинг машҳур «Лайли ва Мажнуун»и чиқди. XIX асрда Қўқон хони Маъдалихон «Лайли ва Мажнуун» номли бир дoston ёзишга киришган эса-да, асарини тугатгунча бўлмай, ҳалок бўлди. XIX аср давомида Навоийга тақлид қилиб, бир неча ўзбек ёзувчилари наср билан «Лайли ва Мажнуун» ёздилар.

«Лайли ва Мажнуун» сюжетида ўттизлаб ёзувчилар томонидан ёзилган бу дostonлар бир фикрнинг такрор талқинида иборат эмас, албатта. Ҳар бир ёзувчи бу ранж, алам чекувчи ошиқларнинг қайғули саргузаштлари фонида ўзлари яшаган давр воқелигини ифодалашга тиришганлар. Навоий айтгандай, «афсона анга либоси мавзун» вазифасини бажарган. «Лайли ва Мажнуун» номида ёзилган бу дostonларда сюжетга бўлган муносабат ва уни тасвир қилишдағина эмас, балки сюжетнинг ўзида ҳам бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатларни жуда кўп. Сўнгги ёзувчилар бу

сюжетга ўзларидан бир мунча воқналар қўшиб, уни бойитганлар. Навоий эса, бундайларнинг юқори чўққиси сапалади. Навоий ўзи бу дostonини шу сюжетдаги бошқа дostonлардан фарқи ва характерини қуйидагича тайин этади.

Лек ўлғуси дарду сўзий<sup>1</sup> кўпроқ,  
Ҳангомайи дилфурузи кўпроқ.  
Улён гулу сумбул ўлса мавжуд,  
Сен ўт ёққунг аён қилиб дуд.  
Кўрсанг улён дурри ягона  
Сен қилғунг кўз ёшини дона  
Бўлса улён сарв дилхоҳ  
Бўлғуси булён фиғон билан оҳ.

Навоий ўзи айтгандай, бу дostonда кўпроқ қаҳрамонларнинг ички кечирмалари, ҳиссиётлари, дард-аламлари тасвир қилинади. Асар бошдан-оёқ психологик тасвирлар билан тўла, қаҳрамонларнинг руҳий кечирмалари мунгли ва ғоят гўзал лирик формада баён қилинади. Асарлардаги бу руҳ шу қадар кучлики, ўқувчи ҳам ихтиёрсиз шу ғам-ғуссалар гирдобига кириб қолади ва ихтиёрсиз Мажнун билан мунгдошлик қилади. Бу ғайритабиий ҳол эмас. Навоийнинг ўзи ҳам «Лайли ва Мажнун»ни «фасонаи дард», «қора қайғу можароси» деб сифатлагандан кейин:

Сўнггин нечаким узаттим охир,  
Йиғлай-йиғлай, тугаттим охир. . .

дейди.

Навоий «Лайли ва Мажнун»да нималарни куйлайди? Бу дostonда Навоий самимий севги, озод кишилик муносабати, шахснинг озодлиги ва илмнинг афзаллигини тараннум этади. «Лайли ва Мажнун» дostonида Навоийнинг севгига қарашлари камолотнинг юқори босқичига кўтарилади. «Фарҳод ва Ширин»да Навоий Хисровнинг севгини айгламаганидан, унинг гумроҳлигидан, йиртқинчлигидан заҳарханда қилган бўлса, «Лайли ва Мажнун» дostonида феодал-аристократ синфнинг умуман паст савиясидан, инсониятчилик нишонаси ва юрак жавҳарни бўлган ишқни англаш иқтидорига молик эмаслигидан қаттиқ киноя қилади.

Маънавий жиҳатдан ўлган, ахлоқий томондан бузилган феодализм жамияти шароитида самимий севгини тасаввур қилолмас эдилар. У жамиятда севгининг нормал тараққийсига пул ва қилич монелик қиларди. Чин севги қаттиқ гуноҳ саналар эди. Навоий бу дostonда ошиқлиги орқасида гуноҳкор саналган Мажнун билан Лайлининг оқловчиси сифатида майдонга чиқди. Бу қудратли оқловчи ёлғиз ўз ҳимоясида бўлган Лайли ва Мажнунни оқлабгина қолмай, уларни гуноҳкор санаган феодализм жамиятини шиддат билан фoш этиб, у жамиятни руҳан ўлимга ҳукм қилади.

Лайли ва Мажнун фожиаси прогрессив кишилик билан феодализм жамияти орасидаги жиддий тўқниш эди. Бу — адолат билан маърифатнинг зулм ва зулматга қарши кескин исёни эди. Бу исёнда «ишқ элининг

---

<sup>1</sup> Сўзий — куйдириши.

шоҳи»— Мажнун, «Хусн осмонининг моҳи»— Лайли ҳалок бўлдилар. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони эса, ана шу қаҳрамонларга қўйилган адабий ҳайкалдир.

Мажнун ким?

Мажнун образини таҳлил қилишга киришмасдан бурун, Навоий ижодиёти учун ғоят характерли бўлган бир жнҳатни айрим равишда кўрсатиб ўтиш керак. Маълумки, Навоийнинг анча умри сарой доирасида ўтди. У, сарой аҳлининг халққа зулмини, фисқ-фужурини, ахлоқсизлигини ва бошқа пасткашликларини кўриб, ҳамиша нафратланар эди. Тўғриси, Навоий сарой доирасидан, элга намуна қилиб беришга сазовор бир қаҳрамонни қидириб топа олмади. Бу ҳол Навоийнинг саройдан юз ўгириб, яна ҳам халққа яқинлашишига сабаб бўлди. У, буюк талантлар халқ орасида бўлиши мумкин, деган қатъий фикрга келди.

Мана шунинг учун Навоий ижобий қаҳрамонларининг аксарияти ё «шоҳликни тупроқ билан тенг» кўрган шаҳзодалардан, ё омма билан жуда яқин боғланган интеллигенциядан иборат бўлиб, улар ақлий иш билан жаҳоний шуҳратга эгадирлар. Навоий томонидан ҳурмат ва эҳтиром қилинган бу қаҳрамонлар ё буюк олим, шоир, файласуф, ё улур рассом, архитектор, музикашувос ва шунинг билан бирга одил, сахий ва гуманист бўладилар. Масалан, Қоран, Моний, Боний, Дилором, Фарҳод, Шопур, ва бошқа Навоий қаҳрамонларини хотирга олингиз.

Мажнун ҳам ана шу типдаги қаҳрамонларнинг биридир. Мажнуннинг асли оти Қайс бўлиб, «Мажнун» унинг номуносиб лақабидир. Қайс Арабистондаги кичик бир қабила бошлигининг ўғли. Уни, ота-оналари бой бир қабpla бошлигининг, уйда қизини ўқитиш учун очган мактабига ўқишга берадилар. Бу бой қабила бошлигининг қизини Лайли эди. Қайс билан Лайли узоқ вақт бирга ўқийдилар. Ўқиш давомида Қайс ўзининг ўткир зеҳни, ақли ва фаросати билан ҳаммани ҳайрон қолдиради. Ўқувчилар орасида энг пешқадами ҳисобланиб, ўзида зўр шеърини қобилият борлигини кўрсатади. Тирншқоқлик билан ўқиши орқасида замонасининг бирдан-бир олими сифатида танилади, эл ўртасида шуҳрат қозонади.

Оз вақтда айлади замона

Они бари илм аро ягона.

Икки мактабдош — Қайс билан Лайли бир-бирларини ғоят самимий ва оташин бир муҳаббат билан севадилар. Лекин, бу ёшларнинг қовушишларига у даврнинг қонун-қоидалари, урф-одатлари тўсқинлик қилади. Ҳатто, улар бу «сир»нинг фаш бўлишидан қўрқиб, ҳамиша ўзларини хавф-хатар остида ҳис этадилар. Дарҳақиқат, севги гуноҳ ҳисобланган бир жамиятда, бундай хавф йўқ эмас эди:

Бўлғай иккисига хавфи жон ҳам,

Бўлғай талаф икки нотавон ҳам.

Кўп эҳтиёткорликларга қарамасдан, Қайснинг Лайлига бўлган муҳаббати сир бўлиб қололмайди. Унинг ниҳқи тобора камолатга эришиб, туғён уради. Лайлининг васлига бўлган ташналик шу даражага бориб етади-ким, энди Қайс эски турмушнинг инсонини бўғувчи анъаналарини писанд

қилмай, эркин ҳаракат қила бошлайди. Севгилиси Лайлининг васфида гўзал шеърлар ёзиб, ашула қилади. Унинг қабиласини ўзига бир саждагоҳ қилиб олади.

Қайс ўз даврининг савиясидан юқори кўтарилган ва севги бобида янги бир олам яратган шоир, олим ва файласуф эди. Бироқ, маънавиёти пуч, қолоқ феодал жамияти Қайсни англай олмайди, тасаввур қила олмайди. Шунинг учун, Қайсни Мажнун («жинни») деб атай бошлайдилар. Қайсининг «Лайли, Лайли» деб фарёд қилиши, авомнинг уни «мажнун» деб аташларига сабаб бўлган.

Лайли, Лайли дебон чекиб ун  
Эл деб «Мажнундур, ушбу Мажнун».

Қайсда чиндан ҳам мажнуилик («жинни»лик) аломатлари кўринганми? Бундай аломатлар унда қатъиян кўринмайди. Бу ҳолни ҳатто Қайсининг ашаддий душманлари ҳам эътироф қилишга мажбур бўладилар. Улар ҳам Қайсининг буюк ақл эгаси ва олим эканини таъкидлайдилар. Аммо, Қайсининг «жинни»лигига унинг ошиқлигини ва Лайли ҳусни таърифида шеърлар ёзиб, ашула қилиб юрганини «далил» қилиб кўрсатадилар.

Қайсининг «жинни» бўлганини Лайлининг отасига айтгани келган бир ифвогар бундай дейди:

Тоиб илму хирадга пайванд  
Ҳам олим эдию, ҳам хирадманд!

Лек оҳи ели тушса бебок,  
Кўк пардаси бўлса ким, қилур чок.  
Афғонида барча беҳабарлик,  
Алфозида барча пардаварлик.  
Таъби хушу, назми ҳам равондур,  
Андоққи, сенга доғи аёндур.  
Назмида бари бир исм мазкур  
Ким эрмас зикри бизга мақдур.

«Таъби» хуш, назми равон» бўлган Қайс, ўзидаги бу ажойиб фазилатни, эл уни жинни деб ҳукм қилганда ҳам сақлаб қолади. Унинг алфози ҳаминша пардалик бўлади, яъни ҳамма вақт одоб доирасида ҳаракат қилади. Қайсининг бу хислатларини, унинг бутун умр бахтсизлигига сабаб бўлган Лайлининг отаси ҳам билар эди. Бу жоҳил ва мутаассиб одамнинг иқро-ри, Қайсининг шахсиятини англаш учун гоят муҳим бир ҳужжатдир. Бу киши Қайс ҳақида бундай дейди:

Таърифида кўп ўтар эди сўз,  
Гўёки анга еткурдилар кўз.  
Бас қобил эдию дилписанд ул,  
Озодавошу ниёзманд ул,  
Ақлн комил, каломи маъқул,  
Бор эрди менга ҳам асру мақбул,

1 Хирадманд — ақлли.



Қайснинг шахсияти ҳақида шундай юксак фикрда бўлган бу жоҳал, унинг ошиқлигини ва севгига ўз қизи Лайли сабабчи эканини эшитгач, бутунлай ўзгаради. «Ақли комил, каломи маъқул» Қайсни «жинни»га ҳисоблаб, оёқларига занжир солишга фармон беради.

Мажнун билан Лайли орасидаги фожианинг асл омили социал тенгсизликдан иборатдир. Мажнун «қуйи табақа»нинг вакили. У ҳар қанча олим ва оқил бўлса ҳам, барибир «олий табақа»га мансуб бўлган қизни севишга «ҳақсиз». Кўриниб турибдики, бу социал зиддият башарий хислатларга тўсқинлик қилади; «олний» табақанинг тор ахлоқ рамкаларига инсоний фазилатлар сиғмайди. Навоний таъбири билан айтганда, мамлакат «ваҳшатобод» ҳолига келган эди. Модомнки шундай экан, бас у ҳолда «Мажнуннинг ваҳшатли элдн улфат риштасин узгани ва биёбон ваҳшийлари билан анис навосини тузгани...» таажжубланарликим?

Мажнун ўзининг мардлиги, ҳурматкорлиги ва ахлоқи билан мадҳ қилишга сазовор бир йигитдир. Жирканч феодал муҳити Мажнунни ҳар қанча азобласа ҳам, ундаги бу олижаноб хислатларни енголмайди. У шундай ифлос муҳитда ҳам ўзини «қордай оқ, муздай тоза» сақлай олади.

Мажнун бир томондан отасининг тазйиқи, иккинчи томондан ўз ҳомиси Навфалнинг юзидан ўтолмай, унинг қизига уйланишга мажбур бўлади.

Бироқ, бу гўзал қиз қаршисида Мажнун ўзини на ўлик, на тирик ҳис этади. Тўғриси, бу пайтда Мажнун икки ўт орасида ёнар, азобланиб тўлғонар эди. . .

Навфалнинг зийрак қизи Мажнундаги бу руҳий азобланиш ва ички тортишувни жуда яхши сезади ва унга юракдан ачнади. Чунки, у, Мажнун билан Лайли орасидаги воқнадан хабардор эди. Бугина эмас, у қиз ҳам бир йигитнинг севгисига мубтало, яъни ўзи ҳам бошқа бир «Мажнун»нинг Лайлиси эди. Бироқ, Лайлининг ҳолига тушмаслик учун ўз муҳаббатини ҳаммадан яшириб келар эди. Ниҳоят, бу кеча ўзининг бутун юрак сирларини Мажнунга очиб, ундан ўзларига шафқат қилишни сўрайди:

Чун кишвари ишқнинг шаҳисен,  
Ишқ аҳли ўтининг оғаҳисен.  
Бордур доғи менга дардманди,  
Ишқим расанига пойбанди.  
Дардим ўти ичра тоби онинг,  
Мен доғи келиб хароби онинг.  
Бу кеча унинг не ҳоли бўлғай?  
Умри кунининг заволи бўлғай. . .

Мажнун муҳаббатни ҳаммадан ортиқ қадрлар, сева олган юракни чексиз ҳурматга лойиқ деб биларди. Ўзи севги саҳросида саргардон бўлгани ҳолда, бошқа ошиқларнинг бадбахтлигига сабабчи бўлганини эшитиш, Мажнун учун айниқса оғир эди. Юқоридаги сўзларни эшитгач, уларни севгида саботлик бўлишга чақиради ва қизга ташаккур айтиб чиқиб кетади:

Дедиким: аё рамида пайванд,  
Бўл ишқ муҳаббатингга хурсанд.  
Ёрингга вафо шиоринг ўлсун,  
Ким тангри ҳамниша ёринг ўлсун.  
Кўнглингни қилур учун риёят,  
Ошифта замир<sup>1</sup> эдим бағоят.  
Бу лутфки сендин ўлди зоҳир,  
Ўзрингни нечук қилай мен охир?

Бир гуруҳ идроксиз кишилар, Мажнундан севгнни тарк қилишни талаб қиладилар. Ҳолбуки Мажнун севгнсиз яшашни тасаввур қила олмайди. Ишқ — инсонга маънавий куч, руҳий неъмат бағишлайди. Ишқ — ошиқнинг руҳини пок этиб, унинг ижодий юксалишга сабаб бўлади. Мажнуннинг қатъий ва ўзгармас эътиқоди мана шу!

Навоий ишқни инсоний фазилатларнинг энг юқори чўққисндай талқин қилади. Ишқ гўё магнитдай кишилиқнинг ҳамма олижаноб ҳислатларини ўзига тартади. Буларнинг мажмуи ажиб бир гармонияни ташкил этиб, мукамал, лекин идеял бир одам сиймосида гавдаланади, Навоийнинг назарда, ким ошиқ бўлса, у олим, инсонпарвар, қаҳрамон, садоқатли ва саҳий бўлади. Мана шу фикр «Хамса»даги ҳамма достонларда қизил ип бўлиб чўзилиб ётади.

Демак, севгисиз яшаш — бутун башарий фазилатлардан маҳрум бўлишдир. Мана шу ҳақиқатни англамаган анқовлардан Мажнун қаттиқ истеҳзо билан кулади:

Дерлар менга ишқни унутқил,  
Лайли ғамиднн канора тутқил.  
Олло-олло бу не сўз бўлғай,  
Ул қовмга тангри узри қулғай.

Қайс, феодал бидъатларига, диний таассуб ва хурофотларга қарши, эркин кишилиқ муносабати, шахснинг озодлиги учун курашувчи улур исёнкор образидир. Шунинг учун Навоий ўзи Қайснинг шахсиятига жуда юксак баҳо беради. Қайснинг пешонасига «жинни»лик тамғаси босилиб, унинг масхараланишидан Навоий қаттиқ ҳаяжонга келади. Навоий, Қайс кирган йўлни энг тўғри йўл деб тасдиқлайди. Шунинг учун ўзини ҳам Қайс йўли билан бориб, ватанга раҳнамо (йўлбошчи) даражасига етганини ғурур билан сўзлайди:

То тутти жунун йўлин Навоий —  
Ким бўлди ватанга раҳнамоий.

Шоир, олим ва файласуф Қайснинг «Мажнун» саналиши, мутафаккир Гамлетнинг Клавдий саройидаги ҳолатини эсга келтиради. Бунга ўхшаш ҳодисалардан бирини «Илоҳий комедия»нинг эгаси Данте ҳам ҳикоя қилган эди. Қисқаси, жаҳон адабнети тарихи бу хил фожиаларнинг кўпига шоҳиддир.

---

<sup>1</sup> Замир — кўнгил.

«Лайли ва Мажнун» достонининг севимли қаҳрамонларидан бири — Лайли образидир. Лайли ҳам Қайсдек ўз даври савиясидан юқори кўтарилган олима эди. Шунинг учун ҳам Қайснинг юксак маъновийетидан бичинчи марта баҳра олган одам Лайли бўлди. Қайснинг шахсиятига баҳо беришда, ўша вақтдаги жамият бир томонда турдию, Ёлғиз Лайли ўзи бир томонда турди. Феодал-аристократ синфи томонидан «жинни» деб таҳқирлашган шоир ва олим Қайсни Ибни Саломдан юқори қўйган заршунос ҳам яна шу Лайли бўлди.

Лайли билан Қайсни бир-бирига боғлаган маънавий иплар: самимий севгигина эмас, балки савия, фикр ва маслак бирлигидир. Лайли билан Мажнун муҳаббатни бир хил тасаввур қиладилар; ваъда, вафо каби инсоний фазилатларга бир хил қиймат берадилар. Мажнун ўзининг мардлиги, ҳурматкорлиги ва ахлоқи билан ўқувчининг қанча таҳсини ва офаринига лойиқ бўлса, Лайли ҳам ўзининг номус ва ифпати билан ўқувчининг шунча ҳурматиغا сазовордир.

Лайли Ибни Саломдек ифлос девнинг қоили чангалига тушаркан, ўз ифпатини сақлаш ва Мажнунга берган самимий ваъдаларига вафо қилиш учун ўзини ўлдиршига тайёрланади. Мана шу пайтда, у энг оғир, сира чидаб бўлмайдиган руҳий азобланишини ўз бошидан кечиради.

Севги орқасидан Мажнун ўз даврдан қанча ранж-алам чекиб, қанча ғам-андуҳга мубтало бўлса, Лайли ҳам шунча ғам-аламга гирифтор бўлиб, жафо чекди. Ҳижрои оловлари Мажнунни куйдирган бўлса, Лайлини кул қилди. Висол ташналиги Мажнуннинг кўнгил гулшанини хароб қилганда, Лайлини ҳалок қилди. . .

Дарҳақиқат, бу севги можароларида Лайлининг ҳиссаси ниски чандон оғир. Мажнун, инсон шахсиятини бўғувчи феодал муҳитида нафас ололмай, унга қарши исён кўтариб, тоғларга, саҳроларга чиқиб кетди. У ерда кийиклар билан улфат бўлиб, қуёш, ўт ва бутун табнат билан дардлашиб кўнглини бўшатди.

Бироқ, бояқиш Лайли бу имкониятдан маҳрум эди. Чунки у «ожиза» эди. Лайли, дин-шариатнинг кишини гарангситувчи, оғир ва қонли қўлини ҳамиша ўз елкасидан босиб турганини ҳис этди. Лайлининг оҳи-зорини, аламли фарёдини тинглайдиган киши топилмайди.

Лайли ўзининг бу қора ва ғамгин кунларини Мажнунга ёзган мактубида қуйидагича тасвир қилади:

Мискин мени зору пойбаста<sup>1</sup>  
Йўқ, йўқки, заифи пошикаста<sup>2</sup>  
Не майли сукуи, не хадди рафтор<sup>3</sup>  
Юз қайди бало аро гирифтор  
Бўлмоқ юз алам уйда маҳбус  
Бир ён, яна бир ён ўлди номус.  
• • • • •

<sup>1</sup> Пойбаста — оёғи боғлиқ. <sup>2</sup> Пошикаста — оёғи синиқ. <sup>3</sup> Бу мисранинг мазмуни на бир жойда туришга майлим бор, на бир ёққа кетишга ҳаддим демакдир.

Бу меҳпати ишқ печ дарпеч!<sup>1</sup>  
Номус чу кетти, барчаси ҳеч!

Сен тортибон оҳи оташ олуд<sup>2</sup>,  
Мен ўт ёқубон чиқармайин дуд...

Балолар қайдига — кишанига гирифторлик, аламлар уйида маҳбус бўлиб ётиш, қалбида ўт ёнгани ҳолда бировга изҳор қила олмаслик, кўп қизларимиз қаторида Лайлини ҳам ҳалок қилди.

Қайснинг юксак маънавиётидан баҳра олган, унинг шахсиятига тўғри баҳо берган иккинчи киши — Навфалдир. Навфал ўзининг инсонпарварлиги, муруввати ва мардлиги билан ўқувчини тамом ҳайратда қолдиради. Одатда, халқ эртақларида баъзи олий ҳиммат қаҳрамонлар зикр қилинаднки, улар идеял одамлар бўладилар. Навфал ана шу халқ орзу қилган идеял одамнинг образидир.

Навфалнинг Мажнунга оталарча меҳрибонлик қилиши, уни ўз ҳимоясига олиб, Лайлининг отасига қарши қонли урушлар очиши бежиз эмас. Зар қадрини заргар билур, деган ҳикматли халқ мақоли бор. Навфал ана шу донишманд заргар эдиким, балчиққа ташланган зарни таниб олди. Чунки:

Навфал доғи ишқ кўрган эрди,  
Ғам дашти аро юрган эрди.

Демак, Мажнун билан Навфалнинг дўстлашишига маълум бир замиш бор. Навфал билан Мажнуннинг юрак тепиши бир-биринга ҳамоҳанг. Шунинг учун у, Мажнунни ташлаб кета олмайди.

Навфал, Лайлининг отасига ёзган хатида Қайснинг энг олижаноб хислатларини кўрсатиб, шундай йигитга қиз бермаслик мурувват, одамгарчилик ва йигитликдан эмас, дейди.

Навфалнинг назарида Лайли билан Мажнуннинг қовушиши энг мувофиқ бир иш. Навонӣ бу фикрини маъқуллаб, ғоят гўзал метафорали мисралар тузади.

Дур тож уза айбдин йироқдур,  
Лаъл ўлса ёнида яхшироқдур.

Бугина эмас, Навфал Мажнун учун ҳеч қандай яхшиликни дориг тутмайди, Навфал Мажнунга:

Фарзанд қилай сени ўзимга,  
Миннатни қўяй ёруғ юзимга.

деб мардлик, олий ҳимматлик, мурувватпешалнк ва дўстликни охирига етказди.

Дарҳақиқат, Навфал шундай олижаноб сиймоки, бундай кишини фақат орзу қилиш мумкин.

Реакцион феодал аристократиянинг вакили, шу «қора қайғу можароси»нинг бош омили сифатида ҳаракат қилувчи салбий образларнинг би-

<sup>1</sup> Печ дарпеч — чирмашиб кетган.

<sup>2</sup> Оташ-олуд — ўт аралаш.

ри — Лайлининг отасидир. У бир қисм «таассуб ойин» арабларнинг бошлиғи бўлиб, Мажнун, Навфал каби прогрессив идеядаги кишиларга қарши зулмат қўшинига қўмондонлик қилади.

Навоий бошқа асарларида уқдириб ўтганидек бу дostonида ҳам, зулматнинг адолат ва маърифат олдида забун бўлиши муқаррарлигини таъкидлайди. Яъни бу ҳақли курашда Навфал ва Мажнунлар ғолиб келади. Бундай пайтларда «олий табақа» макр, ҳийла ишлатади, ёки ундан ҳам қабнҳроқ йўлга киради. Мана шу гуруҳга мансуб бўлган Лайлининг отаси эса, қизи Лайлини ўлдиришга ҳозирланади.

Ким тонгда ул ойни ҳозир айлай  
Бир дамда ишни охир айлай...  
Ўқ игнасин тикай либосин  
Ханжар сувидин эзай хиносин.

Беҳисоб бойлиги, савлат ва шавкати билан гурурланган Лайлининг отаси, ўзини Арабистон жазирамасининг «худо»си ҳис этади. У, ўзини ҳар қандай қабнҳ жиноятларга ҳозир, истаган кишисини ўлдиришга, ҳатто бутун қабилаларни бехонумон қилиб, араб саҳроларидан ҳайдаб юборишга қодир эканини эълон этиб, инсонларнинг тақдирига таҳдид қилади. Мажнуннинг онласи шу йиртқичнинг комига тушган биринчи қурбон эди.

Лайлининг отаси Мажнуннинг отасига қуйидагича таҳдид қилади:

Билмонгму шукуҳу савлатимни,  
Аъроб аро молу шавкатимни?!  
Ҳам ўғлингга, ҳам сенга билурмен,  
Ким ҳар не қилай десам қилурмен!!  
Бўлса яна буйла амр зоҳир,  
Аввал ани айлагумдур охир!  
Сўнгра сенга доғи қаҳр сургум  
Хайлингни бу даштдин етургум.<sup>2</sup>

Дарҳақиқат, ўзининг бегуноҳ қизини ўлдиришга ҳозирланган бу ваҳшийдан қандай марҳамат кутиб бўлади?

Ўз асрининг типик намояндаси сифатида якки гул орасида дағал тикан бўлиб, Ибни Салом суқилади. Ибни Салом ҳақиқий ошиқ эмас, у, самимий севгини тасаввур ҳам қила олмайди; Ибни Салом ҳажр аламларидан беҳабар, висол нашъасидан бебаҳра эди.

Сева олган қалбни таҳқирлаб, Мажнуннинг бошига туҳмат тошларини ёғдирган бераҳм, беиҳроқ кишилар шу Ибни Саломлар эмасми, ахир?! Кишининг қадр-қийматини унинг молу дунёси билан ўлчайдиган у жамиятда олим Қайсдан кўра жоҳил Ибни Саломнинг қўли баланд эди.

Навоий олтинга толпинувчи бу бандалардан истеҳзо қилиб, Ибни Саломнинг молу-дунёси ҳад-ҳисобсиз бўлгани учун «ҳар мушкул унинг қошида осон» дейди:

<sup>1</sup> Бу мисрнинг маъноси аввал ўғлингни ўлдираман демакдир.

<sup>2</sup> Бутун уруғингни бу ердан ҳайдаб юбораман маъносига.

Ҳам отига йўқ шумора пайдо,  
Ҳам қўйига йўқ канора пайдо.  
Саҳрони тутиб теваси якбанд,  
Ҳайкал аро барча куҳмонанд,  
Чун молиға кимса билмайин сон,  
Ҳар мушкул ўлиб қошида осон.

Бойликка ортиқ ҳирс қўйиш, номус ва виждонни олтинга қурбон қилиш — «олий табақа»нинг сийфий хусусиятидир. Ибни Саломнинг совчилари Лайлининг отаси томонидан мамнуният билан қабул қилиниши олтинга сажда қилишдан бошқа нарса эмас. Дарҳақиқат, бойликдан бошқа ҳеч қандай фазилатга эга бўлмаган бу ҳайвонга Лайлини бериш — маъсум бир қизни аждаҳо комига ташлаш каби мислсиз жабр ва жафо эди:

Ким майл этибон тумон жафога,  
Бергайлар ул ойни аждаҳога.

Лайлининг аждаҳо комига тушиш соати яқинлашиб, тўй бошланади. Шу мудҳиш маъракада Ибни Салом меъёрдан ортиқ ичиб, охири заҳарланади:

Айш айладилар неча тун-кун,  
Ким не кун майсиз эрди, не тун.  
Ичди неча кун чу бемадоро,  
Ул заҳмати ўлди ошкоро  
Ул бўлди ҳаётидан чу маҳжур  
Мотамга мубадал ўлди ул сур.

Яъни Лайлини ютишга ҳозирланган аждаҳо ўз бадаидаги заҳар билан оғулаиб, ўз оғзидан чиққан оловда куйиб кул бўлди.

\* \* \*

Лайли билан Мажнуининг қисмати — ўзбек халқининг ўша даврдаги қора қисмати эди. Гарчи «Лайли ва Мажнуи» достони араб афсонаси асосида ёзилган бўлса ҳам, Навоий бунда ўзбек халқининг ҳисларини, туйғуларини орзу ва нитилишларини тасвир қилди.)

Арабистонда бўлган воқиянинг қаҳрамонларини ўзбек деб талқин қилиш, эҳтимол, ўқувчиларга таажжуб кўринар! Бироқ, чуқурроқ мулоҳаза қилганда, таажжубланадиган ҳеч нарса йўқлиги ҳаммага аён бўлади. Чунки, ҳақиқий миллий хусусият — миллий либосни тасвир қилишдан иборат эмас; балки халқ руҳидан, унинг ҳис ва туйғуларидан иборатдир. Шоир тамом бошқа бир халқ тўғрисида ёзиб, унда ўз халқининг орзу ниятларини акс этдирмоғи мумкин. Улуғ рус ёзувчиси Гоголнинг қуйидаги сўзлари бу фикримизни тўла тасдиқ қилади:

«Ҳақиқий миллийлик — рус кийимини тасвирлашдан иборат эмас, балки халқ руҳидан иборат. Ҳатто тамом бошқа бир дунёни тасвирловчи шоир ҳам миллий шоир ҳисоблана олади. Бунинг учун у ана шу дунёга ўз миллий ҳислари назаридан, ўз халқининг кўзлари билан қараш керак. У шундай ҳис этиши ва гапириши керакки, унинг ватандошлари худди ўзлари ҳис этаётган ва гапирётгандек ҳис этсинлар».

Бу тўғрида Навоий ҳам гоят қимматли фикрлар баёни қилади. У, «Хамса»даги ҳар бир дostonнинг ё муқаддимасида, ё хотимасида, мен бу дostonга турк руҳи бердим, деб фахрланади, «Лайли ва Мажнун»нинг хотимасида бу фикр қуйидагича таъкидланади:

Мен доғи бу майниким сузубмен,  
Туркона суруд анга тузубмен  
Эл кўнглига андин ўлғуси жуп,  
Ким келди бу навҳанинг мунги\*кўб.

\* \* \* \* \*

Қисқаси, Навоий араб афсонаси воситаси билан ўз давр воқелигининг бадий манзарасини яратди. Лайли билан Мажнун араб либоси билан безанган ўзбек йигит-қизларидир. Уларнинг тақдири Октябрь Революциясидан илгариги ўзбек йигит-қизларининг қора тақдиридир. «Лайли ва Мажнун»ни ўқиш — бахтиёр совет ёшларини давримизнинг моҳиятини чуқур англаб, уни қадрлашга ўргатади.

Октябрь Революциясигача кўп қизларимиз «Лайли ва Мажнун» дostonини ўқиб, унинг ҳошияларига: «Бу — Лайли эмас, мен» деб ёзиб қўйганлар. Энди, озод ва бахтиёр қизларимиз бу китобни ўқиб, хўрсиниб, унинг ҳошиясига; «Бу — Лайли ҳам эмас, мен ҳам эмасман, бу — Октябрь Революциясига қадар асоратда яшаган бахтсиз, мазлума опаларим образидир» деб ёзмоқларни мумкин.


\* \* \*

«Лайли ва Мажнун»нинг бу нашри кенг миқёсдаги китобхонларга мўлжалланган учун дostonнинг Амин Умарий ва Ҳусайнзода томонидан тайёрланган насрий ифодаси ҳам қўшиб нашр этилди.

Навоий текстлари учун, 1949 йилда Ўзбекистон Давлат нашриёти томонидан нашр этилган II том асос қилиб олинди ва унда тушириб қолдирилган мисралар тўлдирилди. Шунинг билан бирга китобнинг бошидан, сюжетга алоқаси бўлмаган боблар тушириб қолдирилди.

*Тўхтасин Жалолов*

Тошкент, 1957 йил.



### БИРИНЧИ БОБ

*Ҳайбатли қора тунда хаёл отига минмоқ,  
ишқнинг юз офатлик даштига етмоқ, ишқ-  
нинг шабчирогини топиб, Лайли хаёли  
билан кўришмоқ ва Мажнун савдосига  
тушмоқ*

У тан кечаким сипеҳри пурфан,  
Нур устига бўлди зулмат афган.

Даҳр узра эсиб насими шабгир,  
Кўк жавфи аро сочар эди қир.

Мен гунбази қиргунда маҳбус  
Ул қир этибон эшикни мадрус.

<sup>495</sup> Даврон уза абри қир монанд,  
Тун қири юзига қир пайванд.

Жисмим бўлубон бу қир асри,  
Кўнглумга мақар сипеҳр қири.


Маркаб анга тавсани тахайюл,  
Ҳарён чопар эрди бетааммул.

Шабранги жаҳонда кўп югурди,  
Чун барри арабқа етти, турди,

Ким топти машоми ишқдин бўй,  
Тарк этти, бу бўй ила таку пўй.

<sup>500</sup> Чун водийи ишқ топди манзил,  
Ўтмаклиги мушкул эрди, мушқил.





### БИРИНЧИ БОБ

*Ҳайбатли қора тунда хаёл отига минмоқ,  
ишқнинг юз офатлик даштига етмоқ, ишқ-  
нинг шабчироғин топиб, Лайли хаёли  
билан кўришмоқ ва Мажнун савдосига  
тушмоқ*

Утган кеча ҳийлакор фалак ёруғлиқ устига зулмат ёйганда,  
олам устидан эсаётган тун шамоли осмон қўйнига қорон-  
ғулик сочар эди.

Мен қоронғулик гумбазига қамалганимда, зулмат эшикни  
беркитган эди.

495. Замонни зулмат каби булут қоплаб, туннинг қоронғулигига  
яна қоронғулик қўшилганди.

Жисмим шу қоронғуликка асир бўлиб, кўнглим шу фалак-  
нинг қоронғулигидан жой олган эди.

Шу он кўнгил ўйноқи хаёл отига миниб, ҳар ёнга тўхтовсиз  
чопар эди.

У хаёл оти тундай қоронғу жаҳонда кўп югурди-да, ниҳоят  
араб ерига етиб, туриб қолди.

Ишқнинг бўйини ҳидлаган ҳамона у от чопишдан ҳам тўх-  
тади.

500. Ишқ водийсига жойлангач, ундан ўтиб кетмоқ жуда муш-  
кул эди, мушкул.



Рокибга доғи даранг бўлди,  
Маркабнинг аёғи ланг бўлди.

Ҳам сарсари оҳ этиб ҳаво фош  
Юммай тўкар эрди ҳам булут ёш.

Яъни эсар эрди ел доғи тез,  
Ёмғур доғи эрди ваҳшатангез.

Тун тийралиги демакдин ортуқ.  
Кўзни юмуб истаган ёруғлуқ.

505. Гаҳ Тур уза ламъа кўргузуб барқ,  
Андоқ ёрубонки, меҳрдин шарқ.

Ё Мусо этиб аён таманно,  
Ҳақ Тур уза айлабон тажалло.

Ул навъки Туру соҳиби Тур,  
Бўлғо киби фарқ лужжайи нур.

Гаҳ Ясриб уза бу барқ иниб тез,  
Зулмат уза ашъаси зиёрез.

Андоқки Расули ҳошимий киш,  
Ҳажр ичра чу бўлди вуслат андеш.

Меърож тунини авж тутти,  
Юз ламъасидин жаҳон ёрутти.

Чун барқваш ўлди осмон рав,  
Ясрибга бу барқ солди партав.

510. Гаҳ Қудс уза ул чоқин солиб нур,  
Тун мушкига тўкар эрди кофур,

Андоқки Халил ўтин замона,  
Чектургали дуд аро забона;

Ё ўтқа борурда барқ кирдор  
Намруд юзига солиб анвор.

Ҳар лаҳза аён бўлуб Ямандин,  
Ташлар эди оташин камандин.

Андоқки Суҳайл бўлса толий,  
Бўлғай қора тун Яманга ломий.

Хаёл отига минган кўнгил тайсалланиб, бу ерда от ҳам оқсоқланиб қолган эди.

Ҳавода кучли шамол қўзғалар, булут эса тинмай ёш тўкарди,

яъни бўрон қаттиқ гувуллар, ёмғир эса ундан ҳам даҳшатлироқ ёғар эди.

Кеча шундай қоронғу эдики, гўё кўзни юмиб ёруғлиқ истагандай.

506. Офтобдан шарқ равшан бўлгани каби, баъзан Тур тоғи чақиндан ёруғланар эди.

Ехуд Мусонинг орзуси билан Тур тоғининг устига худонинг жамоли жилвалангандек эди.

У Тур тоғи ва тоғ эгаси Мусо, шу ўринда нур дарёсига фарқ бўлгандек кўринар эди.

Баъзан эса бу яшин суръат билан Мадина сари борар, шуълалари билан зулмат устига нур тўкар эди.

У яшин нури ҳажр ичида худонинг дийдорини умид қилган пайғамбарга ўхшар эди.

Меърож кечаси Расул-пайғамбар осмонга чиқиб, юзининг шуълалари билан жаҳонни ёритди.

Яшин кўкка қараб юксалиб, Мадина томонга нур ёғдира бошлади.

510. Баъзан бу яшин Қуддусни ёритиб, тун зулматига оқ нур тўкар,

яъни қора тутун орасида ловуллаб кўринган Халил ўтига ўхшар эди.

Халилнинг гулханга тушиши яшинга ўхшар эдики, Намруд юзига нурлар сепарди.

Шу яшин ҳар лаҳзада Яман томондан кўриниб, ўзининг ўтлик камандини ташларди.

Сухайл юлдузи Яман томонидан кўринганидек қора тунга нур сочар эди.





515. Пўқ, йўқки, Увайс кўнгли тоби,  
Қилгай қора тунни моҳтоби.

Гаҳ солиб Абуқубайс уза тоб,  
Андин бўлубон ҳарам сафоёб.

Ё нур бўлуб ҳарамга нозил,  
Ул тоғ уза ҳам ёруб манозил.

520. Гоҳи Изам узра ламъа афган,  
Шоҳ узра нечукки нори айман.

Андоқки салам ёғочларин дур,  
Зийнат бергай аён этиб нур.

Гаҳ Нажд уза ўт чоқиб жаҳонга,  
Шуъла чекиб ул ўт осмонга.

Ҳижрон қора шоми зору маҳзун.  
Чеккан киби ўтлуқ оҳ Мажнун.

Гаҳ Шом уза чатри бемадоро,  
Субҳ айлабон анда ошкоро.

525. Андоқки қилиб карашма майли,  
Зулф ичра жамолин очса Лайли.

Секрир эди ул чоқин паёпай,  
Андин кўрунуб қабилаи Ҳай.

Йўқким чоқулурда бетааммул,  
Юз ҳайю қабилани қилиб кул.

Бўлгон сойи барқ нури паррон,  
Ҳарён кўрунуб сиби даррон.

Қоплон била бабру шери хунрез,  
Қон тўккали чанглар қилиб тез.

530. Ушшоқ таники бўлди туфроқ,  
Ҳарён кўрунуб сўнгаклари оқ.

Сўксўк кибиким чу бўлди суда,  
Ётқай ёзи узра тўда-тўда.

515 Йўқ, йўқ, балки Увайс кўнглидан чиққан шу ўт қора тунни  
ойдинлаштирар эди.

Гоҳ Абуқубайс тоғи устида товланиб, ундан ҳарам—Қаъба  
равшан бўлиб турар.

Ёки у нур ҳарамга тушар, ундан тоғ бағридаги бинолар  
ҳам ярқираб кўринардилар.

520. Гоҳи Изам водийсининг дарахтига ўхшаб, шохлари устига  
шуъла ташларди.

Ёки салам оғочларнинг тепасига тушган ўтдек нур билан  
зийнат берар.

Баъзан Нажд томонда у яшин ўт чақиб, ул ўт осмонга нур  
сочар эди.

Ҳижроннинг қоронғу кечасида ғамгин Мажнун ўтлик оҳ  
чеккан каби,

гоҳ бемурса фалак, Шом устида субҳ кўрсатар эди.

525. У қоронғу кечада кўринган нур, гўё Лайлини карашмага  
майил қилиб, қора кокиллари орасидан жамолини кўрса-  
тишига ўхшарди.

У яшин кетма-кет ҳар томонга учар, шу равшанликда  
Лайлининг  
Ҳай қабиласи кўринарди.

Бирин-кетин чақилаётган чақмоқ бир қабилани эмас, балки  
юзларча қабилаларга тегиб кул қилиб юборардек эди.

Унинг нури ҳар томонга учиб юрганда, йиртқич ҳайвонлар  
ҳам кўриниб кетардилар.

Қон тўкиш учун чангалларини ўткирлаб турган қонхўр  
қоплонлар, шер ва йўлбарслар кўринардилар.

530. Шу водийда танлари тупроқ бўлиб кетган бечора ошиқлар-  
нинг суяклари яшин нурида оқариб кўринарди.

Шу суяклар, чўл, қумлоқлардаги саксовул майдаларидек  
тўда-тўда бўлиб ётар.



Кун ганжин итуруб аждаҳолар,  
Тун хайли келиб қаро балолар.

Егни демаким булут адувдек,  
Пайкон тукуб элга қатра сувдек.

Ҳарсори қаро булутқа жунбуш,  
Айлаб қора девдек ғурунбуш.

535. Ҳардамки бўлуб алар мисоси,  
Кўк тоқини дарз этиб садоси.

Оқшом дема зулмати махофат,  
Жон қасдиға ҳарсари юз офат.

Ҳайратда мусофири сабукпай,  
Бўлмаи оёғида бир қадам тай.

Худ қайда қадам урар мажоли,  
Ул бир нимаким йўқ ихтимоли.

Юз офат ичинда жон овучлаб,  
Минг маҳлакадин ниҳон овучлаб.

540. Қўймай анга хавфу заъф гаҳ тоб,  
Ул тор кибики кўрса маҳтоб.

Не ақл анинг рафиқи, не ҳуш,  
Бежон ва гар ўлса жони, беҳуш.

Юз қатла кечиб рамида жондин,  
Оҳанги раҳил этиб жаҳондин.

Офотдин очмай икки кўзни,  
То чекти саҳарга тегру ўзни.

Тонг ели чу тун кулин супурди,  
Меҳнат булутини доғи сурди.

545. Бетоб мусофири рамида,  
Бир лаҳзаи бўлди орамида.

Деб ўзигаким: «Эрур бу тунму?  
Ё дашти балода тийра кунму?»

Мунчаму бўлур жаҳонда офат,  
Ҳарён қадам урса анда офат?

Кундузнинг хазинасини аждаҳолар йўқотиб, ўрнини тун аҳли қора балолари босди.

Ёмғир дема, булут душмандек эл устига ўқларини сувдек ёғдирмоқда.

Бу кечада булутларнинг ҳар томон гувуллаб қўзғалишлари қора девларнинг наъра тортишига ўхшарди.

535. Булутларнинг бир-бирига келиб тегишлари, уларнинг гулдураш садолари фалак гумбазини ёриб юборгандек эди.

Бунни оқшом дема, балки жонга юзларча бахтизликлар келтиргучи офатдир, хавfli зулматдир.

Бунни кўриб югуроқ мусофир шундай хайратга тушдики, Бир қадам ҳам босолмай қолди.

Унда қадам босгани мажол ва бунга эҳтимол ҳам йўқ эди.

Юзларча офат ичида жонини ҳовучлаган мусофир, мингларча таҳликалардан уни яширмоқчи бўлар.

540. Ойдинни кўрганда титилиб кетгучи тошга ўхшаш, қўрқувдан мажоли қолмаган эди.

Унга на ақл йўлдош, на хуш, ўзи бежон, агар жони бўлса, ҳушсиздир.

Қўрққанидан жонидан юз қатла кечган, жаҳондан ҳам кетмоққа қасд қилган.

Офат, балолар дастидан икки кўзини очолмай тонг отдирди.

Тонг ели тун кулини супуриб, азоб булутини ҳам ҳайдади.

545. Кучсиз ва чўчиган мусофир бир лаҳза ором топгандай бўлиб, ўзига дерди:

«Бу тунми ё бало даштининг қора куними?»

Жаҳонда бунча ҳам бахтсизликлар бўладими, қаерга қадам қўймайин офат...



Не води экин бу тийра води  
Ким дам йўлини тутар саводи.

Ул бўлмайини ушбу ишта воқиф,  
Ким қилди нидо хужаста ҳотиф

550. Ким: «Келди бу дашт — ишқ дашти,  
Жон офати келди саргузашти.

Ҳар барқки кўрдунг озари ишқ,  
Ҳар ламъаси барқи ханжари ишқ.

Ҳар тийра саҳоб зулмат андуд,  
Гардун уза ишқ ўтидин дуд.

Ёмғур дема, қатраи баҳорон,  
Ишқ айлабон анда тийрборон.

Дарранда сибёким солиб шўр.  
Бу даштда ҳар тараф ушоғ мўр.

555. Аждар келиб ул фазода ноле,  
Шери яла, мўри хаста ҳоле,

Қиш олдоротиб ҳумуми элни,  
Ёз элпоротиб самуми елни.

Офат алифи киби тиконлар,  
Лоласида ишқдин туконлар.

Кимса бўла олмай анда сокин,  
Сокин неки, йўқ мурури мумкин.

Жуз бир кишиким сипеҳри булбод,  
Билмас яна бир анинг киби ёд.

560. Ғам туфроғи суйидин сиришти,  
Ишқ ўтию ели сарнавишти.

Саргаштау пуягар ниҳод ул,  
Ғам бодиясида гирдбод ул.

Жисмида аносури мураттаб,  
Ким айлади пайкарин мураккаб.

Ҳам туфроғи дард кўйидин гард,  
Ҳам суйи зулоли чашман дард.



Бу қандай қоронғу водики, нафас йўлимни унинг зулмати  
бўғаётир?»

У бунни пайқаганча йўқ эдики, хушхабар хотиф нидо қилди:

550. «Бу ишқ даштидир, саргузашти жон офатларидандир.

Сен кўрган ҳар яшин ишқнинг ўтидир, ўша яшиннинг  
ҳар шуъласи ишқнинг ханжаридан чиққан учқунлардир.

Зулмат билан қопланган ҳар қора булут, ишқ ўтининг  
кўкка чирмашган тутунидир.

Баҳор томчиларини ёмғир дема, у ишқнинг ўқ ёғдириши-  
дир.

Бу ишқ даштида ғовға солаётган йиртқич ҳайвонлар, шу  
даштнинг ҳар томонидаги кичик чумолилардир.

555. Бу даштдаги аждарлар нол-қамиш ичидаги ғозик тола  
каби, ҳайбатли шерлари эса кучсиз чумолилар кабидир.

Бу ишқ водисининг ғамлари қишда гаранг қилиб қўйса,  
ёздаги гармселлари элни илвиратиб кетади.

Бу даштнинг тиканлари офатнинг алифидан, лолаларидаги  
доғлар ишқдан пайдо бўлган.

Бу ерда ҳеч ким туролмайди, бугина эмас, балки ўтишга  
ҳам имкон тополмайди.

Бу эски дунё бир кишидан бошқа ҳеч кимнинг бу водига  
қадам қўйганини билмайди.

560. Унинг яратилиши ғамнинг тупроқ ва сувидан бўлган, ишқ-  
нинг ўти ва ели унинг пешонасига ёзилгандир.

Бундай кишининг яратилиши доимо саргашталиқда ва  
ғамнинг чўлларида қуюнга ўхшашдан иборатдир. Унинг

жисми шу унсурлардан мураккаб, гавдаси шулардан тар-  
киб топган:

Тупроғи дард косаларинингчанг ва ғуборларидан, суви  
бўлса дард булоғидандир.



Ҳам елига қисм сарсари оҳ,  
Ҳам ўти самуми ишқи жонкоҳ.

565. Вайрон тани ғам қуши макони,  
Синғон боши ҳам қуш ошени.

Савдо тутунига сочи монанд,  
Ҳар тори жунун аёғиға банд.

Ишқ ичра жунун анинг сифоти,  
Мажиун дейилиб жаҳонда оти.

Бу дашт анга мақому маскан,  
Ўти гулу хори дашти гулшан.

Бир нодира ишқи мубталоси,  
Не нодираким жаҳон балоси.

570. Андин ажаму араб аламда,  
Йўқ мисли араб била ажамда.

Ишқ ичра нечукки ул ягона,  
Бу — ҳуснда офати замона.

Афсоналари жаҳонда номий,  
Назм айлаб Хусрову Низомий

Ким ишқ сўзин ривоят айлаб,  
Ҳам бу икидин ҳикоят айлаб.

Андоқки бўлуб демакка майли,  
Назм авжининг ахтари Суҳайли,

575. Ким ҳолати назм аро эрур фард,  
Дурпош баени назм парвард.

Хусров руҳиға еткуруб шайн  
Лекин яна бирга қурратулъайн.

Ҳар неча қилиб бирига бедод,  
Руҳин яна бирнинг айлабон шод.

Чун сурмиш килки дурфишонни,  
Таҳрир этмиш бу достонни.

Мақсудки бўйла турфа мақсуд,  
Йўқ даҳр саҳифасида мавжуд.

У унсурнинг ел қисми оҳнинг шамолидан ва ўт қисми жонни койитадиган ишқнинг самумидандир.

566. Вайрон бўлган тани ғам қушининг макони ва аламли боши ғам қушларининг ошиёни эди.

Сочи муҳаббат тутунига ўшар, ҳар толаси эса телбалик оёғига кишандир.

Ишқ ичида сифати девоналик бўлганидан уни жаҳонда Мажнун деб айтиларди.

Бу дашт унинг турар жойи, ўти гули-ю, тиканлари унга гулшандир.

У бир нодиранинг, йўқ, нодира эмас, жаҳон балосининг ишқига мубтало эди.

570. Арабистонда ва Ажамда мислсиз бўлган бу гўзалдан Арабистон ҳам, Ажам ҳам аламда эди.

Ишқ ичида Мажнун ягона бўлгани каби, ҳуснда у замоннинг офати эди.

Буларнинг дунёга машҳур бўлган афсоналарини Хисров билан Низомийлар ҳам назм айлаган эдилар.

Ишқдан сўз очиб, бу иккиси тўғрисида ҳам ҳикоят қилганлар.

Шеърят осмонининг бир юлдузи Суҳайли ҳам Лайли, Мажнун тўғрисида сўйлашга майл қилганди.

575. Ҳозир ҳам шеърятда ягона бўлиб, сўзлари сочилган дурлардекдир.

У Хисров шеърятининг айбини топсада, лекин Низомийнинг кўз нури эди.

У бирининг руҳини шод қилса, бирининг руҳини ранжитади.

Дур сочувчи қаламини қўлга олиб, Лайли, Мажнун достонини таҳрир қилгандир.

Бундан мурод, олам саҳифасида бўлмаган ажойиб бир достон яратиш эди.



580. Бу хайлки бу дам ўлди маълум,  
Ким айладилар бу қисса манзум.

Бу даштқа қилмайин гузар ҳеч  
Топмай бу балийядин хабар ҳеч.

Эшитган ила авомдин сўз,  
Ё ровийи нотамомдин сўз.

Бу қиссаға онча бердилар зеб.  
Ким бўлмас васфи ичра сўз деб.

Сенким бўлубон сипехр ёринг,  
Бу бодияға тушуб гузоринг.

585. Билдинг анга ҳол не экандур,  
Андуҳу малол не экандур.

Мунда етиб ул кишики ёнгай,  
Не дегаю, деса ким нионгай.

Менким отим ўлди ҳодийи ишқ,  
Маскан менга ушбу водийи ишқ.

Этай Мажнун сўзин сенга рост,  
Лайли ғами ичра бекаму кост».

Бу сўз дебон этти қисса оғоз,  
Охирғача бўлди нукта пардоз,

590. Ким бўйлау, бўйла ҳоли онинг,  
Андуҳу ғаму малоли онинг.

«Чун қиссани англадинг равон бўл,  
Сунғил варақу қалам сори қўл.

Сендин рақам айламак ҳикоят,  
Биздин сенга сўз сори ҳидоят.

Сабт айламасанг аларча рангин,  
Маънисн дақиқу лафзи ширин.

Лек ўлғуси дарду сўзи кўпрак,  
Ҳангомаи дилфурузи кўпрак.

595. Улён гулу сунбул ўлса мавжуд,  
Сеи ўт ёққунг аён қилиб дуд.

580 Булар (Низомий, Хисров, Суҳайлилар) бу ҳикояни назм айладилар.

Лекин булар бу даштдан ўтмаган эканлар, бу балолардан хабар топмаган эканлар.

Халқ ва ривоятчилардан бу қиссани чала-чулпа эшитиб, ёзиб кета берган эканлар.

Бу қиссага шунчалик зеб бердиларким, унинг васфи тўғрисида ҳеч сўз айтиб бўлмайди.

Сенга ҳам фалак ёр бўлиб, йўлинг шу ишқ саҳросига тушган экан.

585. Унинг ҳоли ва ғам кулфати қандай эканлигини билдинг.

Бу ишқ даштига кимки келиб, яна қайтиб кетар экан, бу воқиаларни айтолмайди, айтса ҳам ҳеч ким ишонмайди.

Менга ишқнинг йўлбошчиси бўлиш насиб бўлганидан, турар жойим ҳам ишқ саҳроси бўлиб қолди.

Сенга Мажнуннинг Лайли ғамида қандай куйлаганини кам-кўстсиз рост сўзлаб берайин».

Шундай деб бу қиссанинг гўзал маъносини бошдан охиригача сўзлаб,

590. унинг ғам, ҳасрати оғир кунлари шундай-шундай эди, деди.

«Энди бу қиссани англадинг, дадил бўлиб, қоғоз, қаламга қўл узат.

Сен ҳикояларни ёзгин, биз сенга сўз билан тўғри йўл кўрсатайлик.

Уларча ранго-ранг сўзлай олмасангда, ширин тил, нозиклик билан бўлмасада,

лекин сеникида ўртагувчи дардлар ва дилбар ҳангамалари кўпроқ бўлади.

595. Уларники гул ва сумбул бўлса, сен кишилар қалбига ўт ёқиб, тутунини кўрсатасан.



Кўрсанг улён дури ягона,  
Сен қилғунг кўз ёшини дона.

Бўлса улён сарви дилхоҳ,  
Бўлғуси буён фиғон била оҳ».

Чун ишқ ҳаволасини билди,  
Сидқи дил ила қабул қилди.

Жонига етишти завқу ҳолат.  
Рафъ ўлди бори ғаму малолат.

<sup>600</sup> Сўз дерга белини боғлабон руст,  
Ул маркаби узра секриди чуст.

Еткурди чу ҳужраға иқомат,  
Муаззин чекти салоли қомат.

Чун қилдим адои фарзи бори,  
Қўл борди давоту хома сори.

<sup>601</sup> Ул навъки ҳотиф этти иршод,  
Мен ҳам қилдим фасона бунёд.



Уларники қиймат баҳо дурлар бўлса, сен кўз ёшини допа-  
дона қилиб оқизасан.

Уларда кўнгилли, хурсанд нағмалар бўлса, сеникидан  
фигон, оқ эшитилади».

Тақдим қилинган ишқни англаб, уни чин кўнгил билан  
қабул қилди.

Шу билан завқланиб, бутун ғамлари кўтарилди.

600. Ижод учун белни маҳкам боғлаб, хаёл отига чаққонлик  
билан минди.

Ҳужрага етиб келганда тонг отиб, муаззин азон чақирди.

Бутун фарзларни адо қилганимдан сўнг, қўл довот ва  
қаламга борди.

601. Ғойибдан келган овоз тўғри йўл кўрсатганча, мен ҳам  
ҳикояни бошладим.





## И К К И Н Ч И Б О Б

*Қайсиниң туғилғони, ишқдан парвариш  
топиб эл кўзига ширин ва иссиқ  
кўринғони*

**Б**

у силсила ҳалқасида дилгир,  
Бу навъ чекар садои занжир:

Ким барри Арабда комронн,  
Бор эрди Арабқа ҳукмронн.

Маҳкуми аниинг неча қабила,  
Иқболиға истабон васила.

Бечора улусқа чорасоз ул,  
Хон густару, меҳмоннавоз ул.

<sup>610</sup> Осмоқдин аниинг қозони тушмай,  
Тун-кун ўти ўчғали ёвушмай,


Ким бодия ичра йўл қилиб гум,  
Бу ўт анга тийра оқшом анжум.

Дониш анга касбу жуд пеша,  
Дониш била жуд этиб ҳамеша.

Оту теваси ҳисоб ила жуп,  
Қўю қўзиси ҳисобдин кўп.

Айлаб ани умри суръат ойин,  
Бир ёш йўқидин асру гамгин.





## И К К И Н Ч И Б О Б

*Қайснинг туғилғони, ишқдан парвариш  
топиб эл кўзига ширин ва иссиқ кўринғони*

Бу занжирлар ҳалқасига дили боғланган ғамгин кишининг занжирлари шундай садо беради:

Араб мулкида шундай бир бадавлат киши бор бўлиб,  
Арабистонга ҳукмронлик қиларди,

Неча-неча қабилалар унинг ҳукмида бўлиб, унинг иқболи шулардан эди:

Бечора улуснинг оғирини енгил қилгувчи, шафқатли, меҳмондўст эди.

<sup>610</sup>. Осиғлиқ қозони тушмас, тун-кун ўти ўчмас эди.

Саҳрода йўл йўқотганларга бу ўт қоронғу кечадаги ёруғ юлдуз бўлиб кўринарди.

Унинг касби — илм, ҳунари — саҳоват эди

От, тевалари, қўзи, қўйлари сон-саноқсиз эди.

Тез ўтувчи умр, боласи йўқлигидан уни қайғуртирарди.



615. Моли кўпу, умри суст пайванд,  
Фарзандга эрди орзуманд,

Ким эскирибон ҳаёти рахти,  
Майл этса йиқилғали дарахти.

Нахли бўлғай ёнида навбар,  
Раънолиғи ўйлаким санавбар.

Итгач шажари баланд поя,  
Солғай бошига бу нахл соя.

Яъни дури бўлса гум садафдин,  
Хайли ёруғай дури халафдин.

620. Бўтротқали молини ҳаводис,  
Қўймағай агар бор ўлса ворис.

Умрига уёқса меҳри ховар,  
Туққон эса ёна меҳри анвар.

Ул меҳр чу иртифоъ тутқай,  
Мажмуи қабиласин ёрутқай.

Ғофилки, қуруди чун гулистон,  
Гулбонг этмас ҳазордостон.

Ё ғам туни ўчса шамъи анвар,  
Парвонадин ўлмас уй мунаввар.

625. Комингни анингдек эт тахайюл,  
Ким топмасанг этгасен таҳаммул.

Чин тенгрига қилди кўп тезарруъ  
Топти неким айлади таваққуъ.

Чун коми анинг бор эрди фарзанд,  
Берди халафе анга худованд.

Қайси халафи, халифа зоди,  
Ишқ аҳлига қиблаи муроди.

Нутфаки бўлуб бу мазҳари ишқ,  
Маъни садафида гавҳари ишқ.

630. Тан маҳзанининг нуҳуфта сийми,  
Жон гулшанининг ёруғ насими.

615. Моли кўп, ўзи кексайган, фарзанд орзусида эди

Унинг ҳаёт лисоби эскириб, умр дарахти ҳам йиқилишга майл етганда,

Унинг ёнида гўзаллиги санавбарга ўхшаган бир мевали ниҳол бўлса эди.

Шу азамат дарахт тубидан кўчирилиб кетса, бу ниҳол ўсиб соя соларди.

Яъни йўқолган садафдан бир дур (фарзанд) бўлса, унинг қабиласи шу авлод дуридан равшан бўларди.

620. Агар бир меросхўри бўлганда, унинг моли дунёда йўқолишдан сақланарди.

Умрнинг қуёши ботар экан, унинг ўрнига яна ёруғ қуёш керак эди.

У қуёш (фарзанд) юксалиб, бутун қабилаларни ёритган бўлар эди.

Гулистон қуриганда булбул сайрамаслигини билмасди.

Ғам тунисида нурли шам ўчиб қолса, парвона билан уй ёримайди.

625. Хаёл қилган мақсадингни шу каби ўйла, агар тополмасанг сабр қил.

Тангрига ёлбора-ёлбора нима истаган бўлса, шу умидига етди, яъни

Унинг мақсади фарзанд эди, худо унга ўринбосар (ўғил) берди...

Уни ўринбосар дедим, йўқ балки ишқ аҳлининг мурод қибласидир.

Ишқнинг туғилиши бир қатра модда экан, ўша модда маъний садафнинг ичида ишқ гавҳаридир.

630. Шу қатра модда, тан хазинасининг қиммат баҳо кумуши, жон гулшанининг ёруғ шабадаси бўлади.

Э  
Д



Меҳр ояти олида ҳувайдо  
Маншури вафо юзида пайдо.

Ҳукм айлади мулки ишқ шоҳи,  
Ким даҳрни моҳ то бамоҳи.

Сур ичра яроғласунлар ойн,  
Кўк тоқини боғласунлар ойн.

Ул тоқ уза дарди жовидона,  
Чолсун бу тарабла шодиёна.

635. Ғам хайли аро хурӯш тушти,  
Савдо черикига жўш тушти.

Очти кўзини бало сунуб қўл,  
Ким сели балога айлагум йўл.

Бошин силали фироқи авбош,  
Ким ёғдурғум бу бош уза тош.

Юб оғзини дард ҳар ёмондии,  
Ким оҳ ўти кўкка чеккум ондин.

Кўнгли сори ишқ бўлди мойил,  
Ким йўқ менга бўйла пок манзил:

640. Алқисса отоси топқач ул дур,  
Кўп сочти гуҳар, қилиб тафоҳур.

Қайс айлоди ўғли отнини бот,  
Ким ўз отасига бу эди от.

Ҳифз айлади они неча доя,  
Ҳар навъ ишидин топарға воя.

Чирмаб яна кишу ос бирла,  
Ғунча киби юз либос бирла.

Ётқуздилар они маҳд ичинда,  
Гул ёфроғи тушти шаҳд ичинда.

645. Доя киби бахт ила саодат,  
Алқисса нечукки бўлса одат.

Мардум киби кўзда асраб они,  
Ғофил эмас эрдилар замони.

Муҳаббат нишонлари пешонасида товланиб, вафо фармонлари эса юзида кўринади.

Ишқ мулкининг шоҳи, осмондан ергача ҳукм қилдиким,

Бутун айш-ишрат билан осмоннинг гумбазигача зийнат бериб байрам қилсинлар.

Кўк устидаги абадий дард бунинг учун шодиёна нағмасини чалсин.

635. Дунёдаги бутун ғамларга талваса тушиб, севги кўшини кўзғалиб, қайнади.

Бало, ўз селига йўл очаман деб қўли билан унинг кўзини / очди.

Бевош фироқ унинг бошини силаб, «Бу бошнинг тепасидан тош ёғдираман!» деди.

Дард ҳам унинг оғзини ювиб, «Бу ердан оҳ ўтларини фалакка чиқараман» деди.

Ишқ «бундан бошқа пок манзил йўқ» деб унинг кўнглига жойланган эди.

640. Алқисса отаси бу дурни топкандан сўнг, фахрланиб кўп гортиқлар берди.

Ўғлининг номини Қайс кўйди, бу ўз отасининг номи эди.

Бир неча доялар уни боқишиб сақладилар, улғайтиришга тиришдилар.

Қиммат баҳо матолар билан йўрғаклаб, ғунча каби либос билан ўрадилар.

Гул япроғи асалга тушкандек, уни ҳам бешикка боғладилар.

645. Бахт билан саодат, одат бўйича доялик қилиб, уни тарбияладилар.

Бир лаҳза ҳам унинг олдидан кетмай, кўз қорачуғидек сақладилар.



Кўз уйида ҳифзини қилиб фош,  
Ким кўз ичида ажаб эмас ёш.

Кўз маҳди аро тутуб ул ором,  
Зарфу мазруф, мағзу бодом,

Қўймас эди теграсидаги эл,  
Ким эсгай анинг сори совуқ ел.

650. Сут бўғзилин ўтгач ўқ бўлуб қон,  
Бағри бу баҳонадин тўлуб қон.

Маҳд этмак ила танини ранжа,  
Тифл эркапида кўруб шиканжа.

Ерла юруй олмасида бешак,  
Варзиш қилибон кичикдин эмгак.

Ўт кўрсаки майл этиб ниҳони,  
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.

Бўлмай гофил дами ғаму дард  
Улғайтибон они дард парвард.

653. Маҳд ичраки тортибон фиғонлар.  
Афғонида дарддин нишонлар.

Бўлғоч тили лафздин хабарлиқ,  
Ҳар лафзки деб бори асарлиқ.

Чун эл била бошлади такалум,  
Эл ҳушин этиб такаллуми гум.

Рухсорида ламъан малоҳат,  
Гуфторида нашъан фасоҳат.

Ҳар нуктаким ул ривоят айлаб,  
Эл кўнгли аро сироят айлаб.

660. Не қилса баён хирадга маъқул,  
Бошдин аёғи назарда мақбул.

Ҳар сори хабар топиб қабойил,  
Кўрмаклигига тилаб васойил.

Атрофдин эл келиб талсша,  
Ул нодирани қилиб тамоша.

Уни кўз ичида, кўз ёшини сақлагандек асрадилар.

Бодомнинг ичида мағиз қандай сақланган бўлса, буни ҳам кўз бешигида шундай сақладилар.

Унинг атрофини ўраб олган эл, у томонга совуқ шамолни эсгани қўймасдилар.

<sup>650</sup> Унинг бўғзидан сут ўтиши биланоқ қонга айланар, бу ба-  
• ҳона билан бағри ҳам қонга тўлар эди.

• Бешикка ганғилиш билан унинг тани қийналиб, болалик чоғиданоқ азоб кўра бошлади.

Ерда юришга ўрганмаган жуда кичик чоғидан бошлаб эмгаклашга ҳаракат қилар.

• Утни кўрганда, уни ишқ ўти гумон қилиб, унга яширинча майл қилар эди.

• Дард ва ғам бир нафас ҳам ундан ғофил бўлмай, доимо уни уйғотиб турар эди.

<sup>655</sup> Бешикда фиғонлар тортар, фиғонларда эса дарднинг ни-  
• шоналари кўринар эди.

• Унинг тили сўзга кириб гапирар экан, ҳар бир гапи таъ-  
сирли бўлар эди.

• Гаплашганда унинг сўзлари элнинг ҳушини йўқотар эди.

Юзида малоҳатнинг шуълалари бўлса, сўзида фасоҳат нишонлари бор.

Унинг ҳар бир маънодор сўзи эл кўнглига таъсир қиларди.

<sup>660</sup> У нимани баён қилса ақлга маъқул, бошдан-оёқ манзур  
бўлар эди.

Қабилалар ҳар томондан хабар топиб, Қайсни кўрмоқни орзу қилар эдилар.

Атрофлардан келган кинпилар, бу ажойиб болани то-  
моша этишга шошилар эдилар.



Баъзи юзидин топиб таҳайюр,  
Баъзи сўзидин қилиб тафаккур.

Жондин севиб они бенаволар;  
Ҳар кимки кўруб, қилиб дуолар.

665. Бас тифли ажабки, юз куҳан сол,  
Бўлғайлар васфида анинг лол.

Севмакда ато-ано мувофиқ,  
Маъшуқ бир эрди икки ошиқ.

Беҳад эшитиб чу булғажаб сўз,  
Дебким анга тушмасун ёмон кўз.

Жон пардасидин ёпиб паранди,  
Кўз мардумидин сочиб сипанди.

Етгач ёши тўрту беш ароси,  
Таълим сўзин солиб атоси.

670. Истатти қабойил ичра пири,  
Таълим берурга беназири,

Қим мактаб аро хужаста фарзанд,  
Бўлғай бори илмдин баруманд.

Чун илм ила аржуманд бўлғай.  
Офоқ ора сарбаланд бўлғай.

Эй пири муаллиму муаддаб,  
Ақл ўлди қошингда тифли мактаб.

674. Бу тифл илигига бир варақ бер,  
Лекин менга ишқдин сабақ бер!





Уларнинг баъзилари унинг юзини кўриб, ҳайратда қолсалар, баъзилари сўзини эшитиб тафаккур қилардилар.

Фақирлар уни жондан севар, ҳар ким кўрса дуо қилар эди.

665. Бас, шундай ажойиб бола эдики, юзларча қарилар унинг васфиди лол бўлардилар.

Ота-онаси уни севар эдилар, гўё маъшуқ битта-ю, ошиқ иккита эди.

Унинг беҳад ажойиб сўзларини эшитганлар, «ёмон кўз тегмасин» дердилар.

Уни жон пардасига ўраб, кўз қорачуғларини исриқ қилишардилар.

У тўрт-беш яшар бўлганида отаси уни ўқитиш ниятига тушди.


670. Қабилалар ичида тенг бўлмаган устозни қидиртира бошлади.


Углининг, мактабда ўқиб, бахтли бўлиши ва илм-маърифатдан баҳраманд бўлишини истади.

Илмлар билан азиз бўлишини, жаҳонда ном чиқаришни орзу қиларди.

Эй сен одоб ўргатувчи устоз ва муаллим, ақлли бола қошингда шогирд бўлди.

674. Бу шогирдларни ўқитгин. менга бўлса ишқдан сабоқ бергин!





### У Ч И Н Ч И Б О Б

*Қайсининг мактабда илм ўргангани  
ва Лайли ҳуснини кўриб кўнгила оёғига  
ошиқлик тиконлари санчилгани*

Ўз дарсида улки берди таълим,  
Бу навъ этти фасона тақсим:

Ким Қайсга илм учун мурағғиб,  
Ҳар ён чу тилаттилар муаддиб.

Топилди ҳунарвар устаде,  
Одам ичида малак ниҳоде.

Лек асру ҳай ичра эрди побаст,  
Дарс ичра топиб каломни пайваст.


Ул турфа қабилада сарафроз,  
Ҳар ишта ҳай аҳлига навосоз.

Шахсе эди бас азим шопи,  
Рифъатда сипеҳрдии нишони.

Қаҳр этса дами самум янглиғ,  
Хоро илигида мум ёнглиғ.

Хони карамила меҳрп ховар,  
Бир курси фатирдек муҳаққар.

Тун атласига чу йўқ гарона,  
Хайлида бир эски хайлхона.



### У Ч И Н Ч И Б О Б

*Қайснинг мактабда илм ўргангани  
ва Лайли ҳуснини кўриб, кўнгил оёғига  
ошиқлик тиконлари синчилгани*

Сўз дарсидан таълим берувчи, афсонани шундай бошлайди:

Қайсга илм ўргатиш учун бир одоб — таълим берувчини ҳар томондан қидирдилар.

Одамзод ичида малаксимон яратилган бир ҳунарманга устод топилди.

Лекин у устод қабиладан ҳеч ерга жилмасди, дарс беришда шуҳрати жуда кетган эди.

У ажойиб киши қабилада иззат-ҳурматли бўлиб, ҳар ишда қабила аҳлига ёрдамлашгучи ҳам эди.

Зўр шаъни-шовкатга эга, мартабасининг юксаклиги кўкка тенг бир шахс эди.

Қаҳри келганда нафаси самумдек, тошлар қўлида мум бўлар эди.

Унинг қарам дастурхонини олдида қуёш бир қора кулчадек қадрсиз эди.

Чексиз бўлган қоронғу тун, унинг қабиласида эски бир отхона эди.



Ут қаҳриға бўлмаини ҳамовард,  
Ел хайлидин элта олмайин гард.

685. Қўймай ғами даҳрдин табоҳи,  
Ул элга иҳотаи паноҳи.

Ганжида кўп эрди гавҳару дур,  
Бир дурдин этиб, вале тафоҳур

Бўстонида юз гул эрди худрўй,  
Бир гулдин анииг, димоғи хушбўй.

Бир машъал ила кўзи мунаввар,  
Ким учқуни эрди меҳри ховар.

Бир шамъ ила ҳужласи музайян,  
Ким чарх уйи андин эрди равшан.

690. Шамъию не шамъ, чашмаи нур,  
Нурики ёмон кўз олидин дур.

Нахлию, не нахл, сарви озод,  
Сарвию, не сарв, рашки шамшод.

Ойию, не ой, бадри толиъ.  
Бадрию, не бадр, меҳри ломиъ.

Шаҳд икки лаби, вале ратабнўш,  
Бадр икки юзи, вале қасабнўш.

Зулфи тунида узори хуршед,  
Хуршед уза зулфи шоми уммед.

695. Не шомки чун очиб саводин,  
Қўймай кўнгул ичра субҳ ёдин.

Бош ким қўшуб икки эгма қоши,  
Ҳуси ичра экин анинг талоши.

Чун воқиф ўлуб бу можароға,  
Мушкин хутаба кириб ароға.

Чун вусма бериб аларға тазйин,  
Минойи ўлуб ҳилоли мушкин.

Иўқким икки сарви нам дамида,  
Ҳар сори насимидин хамида.

Ут унинг қаҳри билан баравар бўлолмас, ел бўлса унинг қабиласидан битта гардни ҳам учириб кетолмас эди.

685. Унинг элига даҳрнинг ёмонликлари тушмас, у ўз элининг паноҳ қўрғони эди.

Унинг хазинасида дурру-гавҳарлар кўн бўлиб, лекин бир дурдан фахрланар эди.

Бўстонида юзларча чиройлик гуллар бор бўлса-да, бир гулдан унинг димоғи хушбўй эди.

Бир машъалдан унинг кўзи ёруғланган эдики, унинг учқунни нурли қуёш эди.

Турар жойи бир шам билан безанган эдики, жаҳон уйи ҳам ўшандан равшан бўлган эди.

690. Уни шам дема, балки нурларнинг чашмасидир, унинг нури ёмон кўзлардан йироқдир.

Уни ниҳол дема, балки сарв каби хуш қоматдир, сарв ҳам дема, балки шамшодга рашк солгучидир.

Уни ой дема, балки тўлган ойдир, тўлган ой ҳам эмас, балки нур сочгучи қуёшдир.

Икки лаби асал, лекин хурмо мазалик, икки юзи тўлган ой-у лекин инқобда.

Қора зулфлари орасидан юзи қуёшдек, зулфлар эса шу қуёшнинг устидаги умид шоми эди.

705. Шом эмас, балки кўнгилдан субҳнинг ёдини чиқаргучи қоронғуликнинг ёйилишидир.

Туташган икки қоши ўзаро ҳусн талашиб турган чоқда,

Бу можародан воқиф бўлган қора холи орага кирган.

Усма уларга зийнат берганда, янги ойга ўхшаган қора қоши кўкимтир бўлиб товланар,

Ёхуд янги ўсиб чиққан сарв новдалари шабададан ҳар тарафга эгилиб тургандек.



700. Кўзлар икки шўх кофири маст,  
Ҳар қайсиға боқса уйқу ҳамдаст

Ул сарвилар остида узолиб,  
Уйқу тамаиға соя солиб

Мужгон сафиниинг қаро балоси,  
Кўзлар уза сояининг қароси.

Пўқ сояки тўрт саф чекиб занг,  
Мажмуи либоси сурмаи ранг.

Очқунча юмуб кўз ул сипаҳ тез,  
Бир-бирга тегиб қилурға хуирез.

705. Дема бу сипаҳни хайли Ҳинду,  
Чин дашти кийикларига мўнду.

Мушк онча сочиб бу оҳуйи Чин  
Ким айлади мўндуларини мушкин.

Юз, равзан хулддин нишона,  
Хол анда фиреб этарга дона.

Ул донаға сайд ўлуб бир одам,  
Бу донаға борча аҳли олам.

Шаҳди лабидинки коми ширин,  
Андин келибон каломин ширин.

710. Лаълида йиғиб захиран жон,  
Оғзи суйи анда шираи жон.

Жон топибон улки ўпса они,  
Мундин дебон оби зиндзгони.

Ҳам жон келиб икки лаъли майгун,  
Ҳам тавқи зақан келиб анга пуш.

Бир тоза ниҳоли сарв қомат,  
Ким жилвасидин солиб қиёмат.

Не айб қиёмат этса ҳардам,  
Кўрганга етар чу ўзга олам.

700. Шўх, раҳмсиз икки кўзи эса, маст кофирлардек уйқусираб,

ҳалиги сарвлар остида уйқу умиди билан чўзилиб ётгандек.

Киприк сафлари қора балодек, қора кўзлар устидаги соянинг қораси каби.

Соя ҳам эмас, балки тўрт қатор саф тортган сурма ранг кийинган занги қўшинларидир.

Кўз тез-тез очилиб юмилар экан, киприклар икки қўшиндек қон тўкмоқ учун бир-бирига тегар.

705. Бу сипоҳларни ҳинду аскарлари дема, балки чин даштининг кийикларини илинтирмоқ учун ўрнатилган қатор найзалардир.

Бу найзаларга илинган чин кийиклари, шу қадар мушк сочдики, у найзаларни ҳидли қилиб юборди.

Юзи жаннат боғларидан нишона бўлиб, ундаги хол алдаммоқ учун донадир.

У жаннат донасига биргина Одам (Одам ато) алданган бўлса, бу юзидаги хол донасига бутун жаҳон аҳли алдангандир.

Лабининг болидан оғзи ширин бўлгани учун сўзлари ҳам ширин эди.

710. Лабига жон заҳиралари (запаси) йиғилган, оғзининг суви бўлса ўша лабда жон шираларидир.

Улган киши ундан жон топади, шунинг учун уни оби ҳаёт дейилган.

Икки қизил лаби ҳаёт суви бўлса, унинг зулмати няк остидаги бақбақалари эди.

У, бир сарв қомат, нозик ниҳолки, жилвасидан қиёмат кўпоради.

Бас, шундай экан, у ҳар дам бир қиёмат кўпорса, нима айб? Зеро уни кўрган киши ўзга бир оламга ўтиб қолади



715. Бел риштаи жони зор янглиғ,  
Жон пардаси ичра тор янглиғ.

Торики ёпиб либоси они,  
Жон пардасида бўлуб ниҳони.

Ҳам гавҳари ришта шуғлидин пок  
Ҳам лаълиға йўқ газанди ҳаккок.

Пок эрди нечукки рост даъви,  
Бикр эрди нечукки хос маъни.

Йўқ икки сочи тунига ғоят,  
Яъни ики лайли бениҳоят.

720. Андин бўлуб оти жилва орой,  
Андоқки бароту қадр аро ой.

Кимники бўлуб демакка майли,  
Малфуз улмай бағайри Лайли.

Гулдек юз ила бу тоза гулшан,  
Айлаб отанинг кўзини равшан.

Бир уй қилибон ота мураттаб,  
Ким бўлғай ул уй бу ойға мактаб.

Лутф ичра нечукки хирғаҳи моҳ,  
Сокии бўлиб анда моҳи хиргоҳ.

725. Уйини ёрутуб дабири мазкур,  
Таълим олибон фариштадин ҳур.

Атфол тутуб ул уй ичин жум,  
Кўк хирғаҳини нечукки анжум.

Ул хайл аро моҳи мажлис орой,  
Андоқки нужум аросида ой.

Чун Қайс сўзи дийилмиш эрди,  
Ким волиди фикр қилмиш эрди.

Устодға қилмоқ они таслим,  
То қилғай анга улум таълим.

730. Йўқ эрди қабилаларда мактаб,  
Бу мактабдин ўқурға ансаб.



715. Белининг нозиклиги эса, жон пардасидаги ингичка торларга ўхшашдир.

Либосидаги ўриш-арқоқлар жон пардасидаги яширин торлардандир.

Унинг гавҳари ипга тизилмаган, лаъли ҳам уста қўлига тушмаган, содда.

Тўғри даъво каби тоза, очилмаган маънодек бикр эди.

Икки қора сочининг узунлиги интиҳосиз икки қоронғу кечадек.

720. Шунинг учун унинг исми барот ва қадр кечасидаги тўлин ойдек жилваланар.

Кимки унинг исмини айтишга майл қилар экан, Лайлидан бошқа сўзни айтолмас эди.

Бу тоза гулшан (Лайли) гулдек юзи билан отасининг кўзини равшан қилган эди.

Лайлига мактаб бўлсин деб бир уй солдирган эди.

У уй чиройликда ойнинг доирасига ўхшар, Лайли шу уйда ойдек ўтирар.

725. Боя айтганимиз устоз шу мактабнинг муаллими бўлиб, ҳур фариштадан таълим олгандек, Лайли ундан таълим оларди.

Осмон юзини юлдузлар тутганидек, у уй мактаб болалари билан лиқ тўлган эди.

Лайли эса болалар орасида юлдузлар ичидаги ойдек турар эди.

Отаси Қайс тўғрисида шундай фикрга келган эдики,

Уни бир устозга топширса-ю унга илм ўргатса.

730. Қабилаларда Қайснинг ўқишига Лайлининг мактабидан бошқа муносиб келадиган мактаб бўлмаганидан,



Аилоқки бўлур арабла маъхуд,  
Айлаб неки расм бўлса мавжуд.

Топшурдилар оши нуктадонга,  
Гавҳарни муҳити бегаронга.

Чун топти бу навъ гавҳарн пок,  
Баҳр ўлди бу завқдин тарабшок.

Соатни чу ихтиёр қилли,  
Лавҳ узра сабақ нигор қилди.

735. Айлаб анга лавҳи сийм таслим,  
Филҳол этти сабақни таълим.

Таълимига белни чуст қилди,  
Не ул деди, бу дуруст қилди.

Ҳарпеча сабақ дебон фузуироқ,  
Гўёки билиб эди буруироқ.

Ҳамдарслари бу ҳолатидини,  
Ожиз эдилар хижолагидини.

Бир кун эди ҳам сабаққа ҳам так,  
Икинчи кун ўтмиш эрди бешак.

740. Қуи бор эдиким бени-ўн сабақни,  
Аиглаб эвурур эди варақни.

Оз вақтда айлади замона,  
Они бори илм аро ягона.

Ул вақтки ул замона фарди  
Мақтабга келурни бошлаб эрди.

Лайли демай, ул бути паризод,  
Бир ориза бирла эрди ношод.

Табъида қуёш киби ҳарорат,  
Айшига солиб эди марорат.

745. Ҳар табъки зоти ўлса маҳрур,  
Ўз ҳирқат этар танини ранжур.

Зорики ўчук ёнор чароғи,  
Бот ўртанур ортуқ ўлса ёғи.

Арабларда бўлган расм-русмларга мувофиқ,

Гавҳарни чексиз денгизга топширгандек, Қайси ҳам донишмандга топширдилар.

Бундай пок гавҳарни кўрган денгиз жуда завқланди, мавж урди.

Шу соатда унинг тахтасига сабоғини чизиб берди, яъни

735. Олдига кумуш лавҳ қўйиб, дарҳол унга таълим берди.

Муаллим у таълимга қаттиқ бел боғладн, Қайс унинг айтганларини яхшилаб бажарди.

Унга қанча кўп сабоқ берилса, гўё илгари билгандек ўқирди.

Қайс билан ҳамдарс болалар ўз ҳолатларига хижолат тор-тар эдилар.

Қайс бир кун шериклари билан ҳамсабоқ бўлса, иккинчи кун улардан албатта ўтиб кетарди.

740. Шундай кунлар бўлардики, бир кунда беш ўн сабоқни ўқиб, англаб, янги варақлар очарди,

Шу йўсинда замона уни тез вақтда ҳамма илмлар бўйича ягона қилиб қўйди.

Замонанинг яғонаси бўлган Қайс мактабга кела бошлаган вақтда,

Лайли демай, ул санамдек паризод бир касалга дучор бўлган эди.

Унинг табиатига тушган қуёш каби ҳарорат, айшига иссиқлик солган эди.

745. Ҳар кўнгилки аслан куйган бўлса, озгина ҳаракат ҳам унинг танини ранжигадн. ✓

Хира ёниб турган бир чироғнинг ёғи кўпайса у, дарров париллаб ёнади.



Кун қумни қилур неча қизикроқ,  
Ут ёнса бўлур яна исигроқ.

Бор эрди қуёш мизожи норн,  
Қумнинг ҳам эсиб насими ҳори,

Марғуби эди ратаб била шахд,  
Май ичгали ҳам қилур эди жаҳд.

750. Шаҳду, маю табъ ила ҳаво тўрт,  
Чун муштаил ўлди солдилар ўрт.

Жисминки бор эрди ёсимин гул,  
Хуммо қилур эрди оташин гул!

Терким гулидин бўлуб равона,  
Уйни қилибон гулобхона.

Ғунча киби ҳуллаларда ноёб,  
Хурда киби ўт анга солиб тоб.

Қам бўлса мизожиға ҳарорат,  
Титратма қилур эди шарорат.

751. Шамшодига титрамак падидор,  
Тонг елидин ўйлаким сапидор.

Чун зилзила бўлди эрса хора,  
Бўлур нафас ичра пора-пора.

Ул танғаки лутфидин эди гул,  
Ел титратурига не таҳаммул.

Боши уза жамъ ўлуб аҳиббо,  
Ҳозир қилур эрдилар атиббо.

Беморға мушкил эрди парҳез,  
Андоқки кўзи қилурда хунрез.

760. Бу ҳол ила эрди сарви гулхал  
Ким бўлди мизожи заъфи мумтад.

Ҳар неча сипеҳр эди ҳасадгор,  
Ҳам бўлди табиати мададгор.

Заъф ичра табиат ўлса мушфиқ,  
Беҳроқки туман табиби ҳозиқ!

Кун қумни қанчалик қизитмасин, унга ўт ёқилса яна ҳам иссиқроқ бўлади.

У қуёшнинг (Лайлининг) мизожи ўт мизож эди, қумларнинг эса иссиқ шамоли юрган эди.

У хурмо ва асални яхши кўрар, майни ҳам ичар эди.

<sup>750.</sup> Асал, май ва ўзининг иссиқ табиати ҳамда ҳавонинг иссиғи тўртталаси шуълаланиб унга ўт солдилар.

• Унинг оқ гулга ўхшаган жисмини иситма қизил гулга ўхшатиб юборган эди.

• Гул юзидан тушган терлар уйни гулобхона қилиб юборарди.

• У бўлса ғунча каби ҳарир пардаларга ўралган, иситма унга гул зарраларидек ўт солган.

• Мизожидаи ҳарорат кам бўлса уни безгак тутар, титратар эди.

<sup>755.</sup> Тонг шамолидан тераклар титраганидек, унинг шамшод қадди ҳам безгакдан титрар эди.

• Зилзила бўлган чоқда тошлар бир нафасда пора-пора бўлиб кетса,

• У баданки нозикликда гулдай мулойим экан, шамол титратишига қандай чидаб туради?

• Унинг бошида дўстлар жамланиб, табиблар ҳозирлашар эдилар.

• Қон тўқувчи кўзларига чидаш қандай қийин бўлса, унинг учун нарҳез қилиш ҳам шундай қийин эди.

<sup>760.</sup> Шу аҳволда, у гул юзли сарвнинг касали узоққа чўзилди.

Фалак қанча бахиллик қилса, унинг табиати ҳам шунча ёрдам берар эди.

Касалликда табиатининг меҳрибонлиги, юзта тажрибали табнбдан яхшироқдир.



Ғиўқ эрса мизожидин мувосо.  
Жон берса не суд элга Исо,

Ким бўлса табиати муолиж,  
Жисмидин этар маразни хориж.

765. Чун қилди табиати мурувват,  
Заъф ўлди гуму етишти қувват.

Ер ўлди ҳақимнинг иложн,  
Сихҳат сори қўйди юз мизожи.

Майл этти мизожиға саломат,  
Табъиға юз урди истиқомат.

Лаъли лаби нўшханд бўлди,  
Нахли қади сарбаланд бўлди:

Май табъиға бўлди ишрат ангез,  
Қон тўкмак учун ушатти нарҳез.

770. Бўлди яна ул узори гулгун,  
Ҳусн ичра бурунғидин ҳам афзун.

Бир кун эрикиб маҳи муаддаб,  
Тушти бошиға ҳавойи мактаб.

Машинютаи ҳусни олам оро,  
Оройишин этти ошкоро.

Ул ҳусники зеби олам эрди,  
Зеб устиға ёна зеб берди.

Зулфу юзи хад ёнидағи дол,  
Фам нуқтаси оғзи устида хол.

775. Айлаб юз ўтин ёқорға таъжил,  
Гугурд ўти юзда ҳар тараф нил.

Ўтдин гул очиб чу гулстонға,  
Ул гул била ўт солиб жаҳонға.

Фарқи уза зулфи анбар олуд,  
Гулфом ўтиға анбарин дуд.

Ораз уза зарварақ нигори,  
Ул ўту, бу дуднинг шарори.

Юз узраки ўт ёқиб жабини,  
Ахгар анга лаъли оташини.

Агар унинг мизожи тузалишга ёрдам бермаса, Исонинг элга жон беришидан нима фойда?

Ҳар кимнинг ўз табиати касални тузатадиган бўлса, унинг гавдасидан касалликларни қувиб чиқаради.

765. Лайлига табиати мурувват қилгач, хасталик йўқолиб қуватга кирди.

Ҳакимнинг кўрган чоралари ёр бўлиб, унинг мизожи тузалишга юз тутди.

Мизожига саломатлик киргач, табиатида ҳам тинчлик туғилди.

Лаъли лаби табассумга кирди, қоматининг ниҳолн бош кўтарди.

Май таъбига хурсандлик бағишлади, баданига қон югуртирмоқ учун парҳезни ушатди.

770. Яна ўша юз гул рангига кириб, гўзалликда бурунгидан ҳам зиёда бўлди.

У тарбияланган одобли ой, бир кун зерикиб, мактабга борнш ҳавасига тушди.

Оламга зеб бергучи гўзаллик пардозчиси уни безантирди.

У ҳуснки, оламнииг зеб-зийнати эди, зеб устига зеб берди, ясанди.

Унинг сочи хад (юз) ёнидаги долга ўхшайди, фам (оғиз) калимасидаги нуқта, оғзи устидаги холга ўхшайди.

775. Юзининг ўтини ёқмоқ учун гугурт ўти (яъни қора қошлар) нилдек ҳар томонга тортилган эди,

Юзининг гулистонида очилган ўтли гуллар билан жаҳонга ўт солар.

Унинг бошидагн анбар ҳидли қора зулфлари, гул ранг юзида анбарга ўхшаган қора тутундек турар эди.

Юзи устидаги тилла қоши гўё ўтдан чиққан алангалардир.

Пешонасидаги шу ўтли зийнатнинг оташин лаъли унинг чўғлари эди.



780. Жодулиғи бирла холи ҳинду,  
Лаъли ўтида ниҳон қилиб су,

Йўқким лаби оби зиндағони,  
Сув ичра ўт айлабон ниҳони,

Ул лаъл ўтидин жаҳонға куймак.  
Йўқ, йўқ, не жаҳонки жонға куймак.

Утлуғ ики кўзи сурма олул,  
Ул ўтға дағи бу сурмадин дуд.

Бу ўтлар ароки орази ғарқ,  
Ўртарға жаҳонни ҳосилан барқ.

785. Не барқки барқи офат ул юз,  
Ё бориқаи латофат ул юз.

Юз тирдида ақди гавҳар андоқ,  
Қим ой ила бўлғай ахтар андоқ.

Миъжар сочи узра тори ноёб,  
Ул навъки васл шоми маҳтоб.

Ҳусн ичра аёғидин боши хўб,  
Бошдин аёғиға тегру маҳбуб.

Қўргач бу балойи жовидона,  
Қўзғолмай найласун замона.

790. Бу шакл ила ул жаҳонға ошуб,  
Солиб секиз осмонға ошуб.

Кенида неча канизи ҳамқад,  
Борча гул рўю арғувон хад.

Мактаб сори жилва айлади соз  
Боштин аёғиға ҳусн ила ноз,

Қим сайр ила кўнгли хуррам ўлғай,  
Ҳамдарслариға ҳамдам ўлғай.

Хуррам кўруб они фаррух устод,  
Қилғай бори сарвларни озод.

795. Қизлар била азми гулшан этгай,  
Гулшанни жамоли равшан этгай.



780. Ундаги ҳинду (қора хол) жодугарлиги билан, ўт ичига сувни беркитгандек эди (яъни лабининг сувлари).

Еки оби ҳаёт лаби, сув ичига ўт яширгандек.

У лаълнинг ўтидан жаҳон, йўқ, йўқ, балки жон куяди.

Ўтли икки кўзи сурма торгандек, у сурма эса бу ўтнинг тутуни каби.

Бу ўтлар орасида фарқ бўлган юзи жаҳонни куйдирмоқ учун чақин эди.

785. Қандай чақин, офат чақини, ёки у юз, гўзаллик равшанлигидир.

Юзининг атрофига тақилган гавҳарлар, ой теварагидаги юлдузлардай.

Унинг сочлари устидаги дурраси васл шомидаги ойдинликка ўхшарди.

Гўзалликда бошдан оёғигача чиройли, сеvimлидир.

Бу абадий балони кўрган вақтда, замона қўзғолмай нима қилсин?

790. У шу суратда жаҳонга, балки саккиз осмонга шўришлар солиб,

гул юзли, арғувон чехрали бир неча ҳамқад канизларни орқасига эргаштириб,

бошдан-оёғигача ҳусн ва нозга тўлиб, мактаб томон жил-васоз бўлдимки,

ҳамдарсларига ҳамдам бўлиб, сайр-саёҳат билан кўнглини хурсанд қилсин,

муборак устоз уни қувноқ кўриб, бутун ўқувчиларни озод қилиб юборсин. Токи у

795. қизлар билан гулшанга бориб, гулшанни ўз жамоли билан равшан қилсин.



Мактабни ёрутгай ул пари чехр,  
Андоқки сипехр гунбазин меҳр.

Борча қилиб ихтиромин онинг,  
Юқори ясаб мақомин онинг.

Шод ўлди жамолидин дилистон  
Андоқки баҳордин гулистон.

Лекин бу баҳори зиндагони,  
Бир нахлни айлади хазони.

800. Йўқ, йўқ ки тутошти сарбасар ўт,  
Боштин аёғ ўлди ул шажар ўт.

Ё шуълаки ҳар бирига етти,  
Эл барги хазон тасаввур этти.

Яъни кўруб они Қайс маҳзун,  
Рухсорини қилди қаҳрабонун.

Ҳам чехраси ранги қаҳрабодек,  
Ҳам кўнглида кўзгалон сабодек.

Ҳардам йиқилурға жисми мойил,  
Ҳуши доғи лаҳза-лаҳза зойил.

805. Топиб анга жисми нотавон заъф,  
Кўнглида доғи замон-замон заъф,

Тағйир пазир кўзга ҳоли,  
Кўзга неки, ҳардам ўзга ҳоли.

Чун зўр кетурди ишқи бебок,  
Аввал қадаҳ олди ҳушини пок.

Бал май иси бирла маст бўлди,  
Ғам хайлиға зери даст бўлди.

Кўп саъй ўзига қилди ҳамдаст,  
То бўлмади ерга соядек паст.

810. Кўргач ҳам ани нигори зебо,  
Ўз кўнглини топти ношикебо.

Нозуклук ила чу қилди мафҳум,  
Ким эрканин этти яхши маълум.

Қолмади ҳавосида қарори,  
Шавқ ўтиға тушти жони зори.

Кўкни қуёш ёрутгандек, мактабни ҳам у паричеҳра ёритди

Барчалари уни эҳтиром билан юқорига ўтқаздилар .

Баҳордан гулистонлар хурсанд бўлганидек мактаб ҳам унинг жамолидан шод бўлди.

Лекин бу ҳаёт баҳори (Лайли) бир ниҳолни хазон қилди.

800. Йўқ, йўқ, сарбасар ўт туташиб, у дарахт бошдан-оёғигача шу ўтда куйди.

Ёки бир-бирига ўралиб кетган шуълаларни эл хазон барги деб тасаввур қилишди.

Яъни бечора Қайс уни кўриб, юзи қаҳрабодек бўлди.

Чеҳраси ҳам қаҳрабо ранг, кўнгли ҳам сабодек қўзғалган

Ҳар дам йиқилишга мойил бўлиб, ҳар нафас ҳушидан кетай деярди.

805. Унинг гавдаси заифланиб, кўнглида ҳам борган сари ҳас-талиги ортарди.

Унинг аҳволи кўзга ҳар нафас ўзгариб тургандек кўринар, кўзга эмас, ҳали ҳар нафас ўзгача эди.

Раҳмсиз ишқ зўрлик қилиб, биринчи қадаҳдаёқ ҳушини тамомладн.

Балки у май иси билан маст бўлиб, ғам тўдасидан енгилди, яъни ғам лашкаридан мағлуб бўлди.

Кўп уринишлар орқасида, соядек ерга йиқилмай, ўзини базўр ушлаб қолди.

810. Уни кўргач, нигори зебо ҳам ўз кўнглини сабрсиз топди.

Нозиклик билан унинг ким эканини яхшилаб фаҳмлаб олди.

Унинг ишқида қарори қолмай, бечора жони шавқ ўтида куярди.



Оннинг доғи билди изтиробин,  
Ишқи ўтидин ичида тобин.

Билдики, гар этмас ишга чора,  
Ул ҳол ўлур элга ошкора.

815. Эл солсалар изтироб ароға  
Бир навъ тушар ҳижоб ароға,

Ким ёр ўла олмай анда сакин,  
Бўлмас дийдор умеди мумкин.

Таъжил ила қўпти луббати шанг,  
Ким боғ сори қилурбиз оҳанг.

Атфол доғи билиб ғанимат.  
Оннинг била қилдилар азимат.

Таклиф этти бути шакар лаб,  
Ким ҳар киши бўлса аҳли мактаб:

820. «Бир кунгина тарки дашт қилсун,  
Гуллар била боғ гашт қилсун».

Чун кирди ароға бўйла сурат,  
Азм айлади Қайс ҳам зарурат.

Чун Қайс аларға бўлли йўлдош,  
Гулшан ичидин чиқордилар бош.

Эй гулшани ишқ боғбони,  
Гулгун қадаҳе кетур замоне!

821. То гулки бу гулшан ичра сочқунг,  
Маълум этайин не гуллар очқунг



Қайснинг ҳам ўзи ишқида ўтга тушиб, изтиробга қолганини билди.

Шу ишга чора қилмаса бу ҳолнинг элга ошкор бўлишини билди.

815. Эл бу аҳволни пайқаб, ўртага изтироб солар, ўртага бир парда тушиб қолишини ўйлади.

У вақтда Қайс бу ерда туролмайчи, ундан кейин дийдор кўришиш ҳам мумкин бўлмайди.

Шўх қурчоқ (Лайли) тезлик билан туриб, «боққа борамиз» деган ҳавасга тушди.

Болалар ҳам бу вақтни ғанимат билиб, унинг билан бирга боққа жўнадилар.

У шакар лаб санам, бутун мактабдошларига таклиф қилди:


820. «Бир кунгина даштни қўйиб, боғда гуллар билан гашт қилсинлар».

Шундай таклиф бўлгач, Қайснинг ҳам улар билан бориши зарур бўлиб қолди.

Қайс уларга йўлдош бўлгач, барчалари боқамти гулшанга бориб етдилар.

Эй ишқ гулшанининг боғбони, бир нафасга гул ранг қадаҳингни келтир!

824. Бу гулшанга гул сочмоқчиман, маълум қилайчи, нималар сочар эканман.





### ТҮРТИНЧИ БОБ

*Баҳор чоғида Мажнун Лайлини  
боғда кўриб ҳушидан кетиб қолғони*

еҳр истади чун ҳамал фароғи,  
Дашт узра бутар қўзи қулоғи.

Гул шамъи ҳавойи гулшан айлар,  
Гулшанни фуруғи равшан айлар.

Тўти бўлуриға чарх этар завқ,  
Ким қавси қузаҳии айлагай тавқ.

Гар тўти ўлурға қилмас оҳанг,  
Айлар нега ерни тўтаги ранг.


Ё тўти ўлуб сипеҳри хазро,  
Бўлур анга жўжа фарши ғабро.

810. Аъзосидаким бутуб янги пар,  
Тутқон бори ерни сабзан тар.

Тун-кунни қилур бинафш сизғон,  
Кофур ила мушкдин соқизғон.

Сориғ гул уза сабуҳи ёмғур,  
Олтун табақ ичра кўргузур дур.

Ёхуд ярақон ўтин қилиб тез,  
Сориғ юзига бўлур арақ рез.



### ТҮРТИНЧИ БОБ

*Баҳор чоғида Мажнун Лайлини  
боғда кўриб ҳушидан кетиб қолғони.*

Қуёш ҳамалдан қутулиб, савр ойи бошланганда, даштда  
қўзи қулоқлар униб чиқади,

боғдаги гулларнинг очилиши гулшанни ҳам тобора рав-  
шан қилар эди.

Фалак эса тўти бўлиш ҳавасига тушиб, бўйнига най кама-  
лакдан ҳалқа солар эди.

Агар фалак тўти бўлишни орзу қилмас экан, нега ерни  
тўти ранг қилади?

Фалак тўти, ер куррасини жўжа қилганда,

830. Ердаги майсалар унинг аъзосидаги янги парларга ўхшар  
эди.

Оламнинг наққоши эса кунни оқ ва тунни қора ранг би-  
лан бўяб, кофур билан мушкдан, оқ билан қорадан гўё  
ҳакка ясабди.

Сариқ гул устига тушган тонг ёмғири олтин товоқ нчига  
тўлдирган инжуларга ўхшар эди.

Ёхуд ярақон касали унинг ҳароратини ошириб, сариқ юзи-  
га тер доналари тепчитар эди.



Марз узра кияр себарга жавшан,  
Шашпар кўтарур бошига савсан.

835. Ғунча боши узра кўргузур худ,  
Ях тиғи қилур чаманни падруд.

Мева ёғочиға сийм ўкулур,  
Андоқки дирам аро кўмулур.

Илгин кўрубон чинор холи,  
Куйдурур ичин дирам хаёли.

Тоғ бағрида сел йўқки, ҳар тош,  
Фарҳод фироқдин тўкар ёш.

Саҳрода не лола бўлса барбод,  
Парвез кулоҳидин берур ёд.

840. Ҳар ғунчан лола ҳуққан лаъл,  
Очилса ливода шуққай лаъл.

Чун барги тушарга майл қилди,  
Бағри қора дашт уза ёйилди.

Дашт узраки сайр ўлур сабога,  
Бағри қоралар учар ҳавоға.

Сув ичра бинафша ҳар замони,  
Сўна бошидин берур нишони.

Ёш ғунчаға истамак бўлуб иш,  
Жола тушуб оғзиға бўлур тиш.

845. Ё ғунчаки кулгусин узотур,  
Даврон тоши оғзини қонотур.

Ҳар балбалани қилур макони,  
Турно кўзию тазарв қони.

Наргис олур ўлса бодадин ком,  
Норанж терисидин ясар жом.

Насрин барги тўкулса саҳбо,  
Кўп ёғини айлар ошкоро.

Занбак варақи аро сепар мушк,  
Ким атри димоғини қилур хушк.



Ер юзи себаргалардан совут кияркан, савсан бошига шашпар кўтарарди.

835. Гунча бошида худ (жанг қалпоғи) кўрсатган чоғ, муз ҳам чамандан қоча бошлаган эди.

Мева ёғочлари кумушга ўхшаган гул билан безанганда, тангалар ичига кўмилгандек кўринар эди.

Чинор ёғочининг ичдан куфийи ҳам ўзида гул тангаларининг йўқлигидандир.

Тоғ бағрида сел йўқ, тошлар ҳам Фарҳод фироғидан ёш тўкадилар.

Саҳрода учган лола япроқлари Парвез (Хисравнинг) кулоҳини эслатар эди.

840. Лоланинг очилмаган гунчаси бир лаъл қутичасига ўхшайди, очилганлари эса, (вулқон) лавасидир.

Лоланинг барглари тўкила бошлаганда даштга қорабағир қушлари ёйилгандек бўлар.

Дашт устида шамол сайр қилганда, қорабағирлар кўкка учиб кетади.

Сув ичидаги бинафшалар ҳар замон ўрдак боши кўригандек бўлар эди.

Ёш гунчалар эснаган чоқда, шабнам тўкилиб, оғзига тишлар солар.

845. Ёхуд гунчалар кулар (очилар) экан, даврон тоши уларнинг оғзини қонатади.

Май шишаларига тушган гул барглари турна кўзига, ёхуд тустовуқ қонига ўхшарди.

Наргис майдан баҳра олмоқчи бўлса, пўртахол терисидан пиёла ясар.

Насрин барги тўкилгач, ҳумдаги май маска ёғини эслатар.

Занбоқ (оқ гул)нинг баргига тўкилган мушкнинг ҳиди унинг димоғини қуритарди.



850. Гўё тутулуб шамими чоғи,  
Боғ ичра бинафшанинг димоғи.

Дол ўлди димоғи заъфиға бу,  
Ким шабнама бирла оқизур сув.

Шудрун тўкулуб чаман қилур фош,  
Хашхош гули юзида хашхош.

Ҳар қушқина жуфти бирла пуржўш,  
Ҳампар бўлур учса, қўнса ҳамдўш.

Баргики бўлур ёғочқа хилъат,  
Қушларға бўлур мақоми хилват.

855. Ҳар хайлки рафъ этиб надами,  
Сахро сори қўйсалар қадамни,

Чун азми шароби ноб этарлар,  
Жайран қўзисин кабоб этарлар.

Бу фаслда ул гуруҳи чолок,  
Гулшанға ёйилдилар тарабнок.

Боғи эди равзанин нишона,  
Шом аҳли ясаб нишотхона.

Ҳар нахли фалакка тегуруб бош,  
Парвин била хўша айлабон фош.

860. Нажд этагидин чиқиб булоғи,  
Ким тоза бўлуб бу навъ боғи.

Даврон тоши эмди они кўммиш,  
Ул чашма сувин кўзини юммиш.

Асҳобға майли лолаву боғ,  
Ул икки ичинда лоладек доғ.

Асҳобға ғунча сори оҳанг,  
Бу икки нечукки ғунча дилтанг.

Ишқ ичра неча етиб малоли  
Маҳваш қилур эрди забт ҳоли.

865. Бедилға бу ҳифз мушкил эрди,  
Ким ҳуш ила ақли зойил эрди.

850. Гўё ўша мушкнинг бўйи билан боғ ичидаги бинафшаларнинг димоғи тугулиб қолгандек бўлар.

Бинафша думоғининг касал бўлганидан, ундан шабнам суви оқиб турар эди.

Чаманга ёғилган шудринг кўкнор гули япроғига кўкнор доналаридек доғлар сепарди.

Қушчалар ҳам жуфти билан бирлашиб учишар ва ёнма-ён дарахтларга қўнар.

Япроқлар ёғочларга либос, қушларга хилват жой бўлар эди.

855. Одамлар кўнгил очиш учун сахро сари қадам қўйсалар.

Тоза шароблар ичиб, кайф қимоқчи бўлганларида кийик боласини кабоб қилишардилар.

Шундай бир фаслда бир гала келишган кишилар (Лайли ва ўртоқлари) шодлик билан гулшаиға ёйилган эдилар.

Ул гулшан жаннатга ўхшаган бўлиб, Шом аҳли уни шодлик макони қилиб олган эдилар.

Бу боғда ўсган ҳар бир дарахт шундай юксалган эдики, Хулқар юлдузи унинг мевасидек кўринар.

860. Надж тоғининг этагидан чиққан булоқ бу боғни яшнатар эди.

Энди эса даврон тоши у чашмани кўмиб, кўзини юмиб қўйибди.

Бошқалар боғ ва лола томошасига тушган бўлсалар, уларнинг ҳар иккаласининг ичи лоладек доғ эди.

Бошқалар ғунчага интилсалар, булар ғунча каби сиқилган эдилар.

Лайлининг ишқ билан малол қанчалик ошган бўлса-да, лекин ўзини тутишга тиришар.

865. Мажнунга ишқ изтиробидан сақланиш қийин бўлганидан, доимо ўзидан кетиб қоларди.



Эл ҳарнеки сўрса фаҳм қилмай,  
Фаҳм этса жавоб дерни билмай.

Ишқин неча айламай дебон бош,  
Андин ажаб амрлар уруб бош.

Гаҳ кўзидин оқиб ашк ногоҳ,  
Гоҳи чекиб ихтиёрсиз оҳ.

Аҳволида ҳар замонки тағйир,  
Кўнгли ғамин айлаб элга тақрир.

870. Тағйириға топиб они чора,  
Ким ёриға айлагай назора.

Лекин солайин дегач назар тез,  
Кўнгли ўти тортибон шарар тез.

Боқай деса доғи қуввати йўқ,  
Боқмай деса доғи тоқати йўқ.

Кўз учи била боқиб чу гоҳи,  
Жондин чекиб андоқ ўтлуғ оҳи.

Ким боғ юзин хазони айлаб,  
Кўк баргини заъфарони айлаб. .

875. Маҳваш қилибон назора ногаҳ,  
Бўлмоққа анинг ўтидин огаҳ.

Ҳам жисмида печу тобин англаб,  
Ҳам кўнглида изтиробин англаб.

Ўз кўнглида ҳам топиб асарлар,  
Онинг ғами ўтидин шарарлар.

Бир фуржа топарға кўп қилиб майл,  
Ким бир нафас ўлса ғофил ул хайл.

Мақтулиға еткуруб ҳаёти,  
Сўрмоқ била қилса илтифоти.

880. Англатса ўз изтирорини ҳам,  
Ишқи ўтининг шарорини ҳам.

Боғ эрди васиъу халқ сойир,  
Ашжор ғулуси элга сотир.

Шунинг учун у шерикларнинг сўраганларини фаҳм этмас, фаҳм этса ҳам жавоб қайтаришни билмасди.

У ишқини билдирмасликка ҳаракат қилса-да, ажойиб ишлар рўй берар эди:

Гоҳ кўздан ёшлар оқарди, гоҳо ихтиёрсиз оҳу фиғонлар чекарди.

Унда бўлган бундай ўзгаришлар кўнгилдаги ғамни элга ошкор этарди.

870. Узидаги бу ўзгаришларга чора деб, ёрига бир назар солишни орзу қиларди,

Лекин ёрга бир назар солайин деганда, кўнгли ўти ловуллаб кетар эди.

Боқай деса қуввати йўқ, боқмай деса тоқати ҳам қолмаган эди.

Гоҳо кўз учи билан қараганида шундай ўтлик оҳ тортиб юборар эдики,

боғнинг юзини хазон қилиб, яшнаб турган япроқларни саргайтириб юборар эди.

875. Ногоҳ у ой юзли ҳам Қайсн куйдирган ўтидан хабардор бўлиш учун бир назар ташламоқчи бўлди.

Шунда жисмидаги азобларни ва кўнглининг изтиробларини англаб,

ўз кўнгида унинг муҳаббатидан асарлар ва унинг ғамлари ўтидан алангалар топиб,

бошқалар бир нафас хабардор бўлмасалар экан деб, бир пайт топмоқ истади.

Ўлган Қайсига ҳаёт бағишламоқ учун, бир нлифот қилиб, ҳолини сўрамоқчи,

880. ўзининг бетоқатлиги ва ишқининг алангаларини ҳам билдирмоқчи бўларди.

Боғ жуда кенг эди, бошқалар сайр қилиб юришар эдилар, дарахтлар уларнинг кўзини тўсарди.



Гулбун чаманининг иттисоли,  
Ишқ аҳлиға пардаи висоли.

Атфол бўлуб ўюнға машъуф,  
Сарву гул ўлуб аларға маълуф.

Сайр ичра етишти моҳи дилхоҳ,  
Бир гул чамани ичига ногоҳ.

885. Гулбун била руст тўрт ёни,  
Кирса киши кимса топмай они.

Киргач анга ул шугуфта гулзор,  
Кўрди тикон ичра булбули зор.

Кирмиш эди анда Қайс ғамнок,  
Гул янглиғ этиб яқосини чок.

Ўз ҳолиға зор йиғлар эрди,  
Бесабру қарор йиғлар эрди.

Оғзида таронаи фироқи,  
Қим ёр етишти иттифоқи.

890. Чун булбулининг гули шугуфта,  
Топти бори халқдин нуҳуфта.

Ҳар неча йўқ эрди сўзга тоби,  
Кўнглида кўп эрди изтироби.

Йўқ эрди гузири неча сўздин,  
Борғудек ўлуб дегунча ўздин.

Бунёд этти ҳижоб бирла,  
Бал хижлати беҳисоб бирла:

«Кей турфа йигит не ҳолатинг бор,  
Не навъ ғаму малолатинг бор?»

895. Қим шодлиғинг йўқ ўзгалардек,  
Ободлиғинг йўқ ўзгалардек.

Асҳобға майли боғу гулзор,  
Ҳам тан сенга решу ҳам кўнгул зор.

Бу дамки эсиб насими наврўз,  
Гул атрини қилди мажлисафрўз.

Бу чаман гулларининг бир-бирига чирмашиб кетганлиги ишқ аҳлига васл пардаси бўлар эди.

Болалар ўйин билан машғул бўлишиб, сарв ва гул билан улфатчилик қилишардилар.

Мана шундай томоша чоғида Лайли бир тўп гул ичига кириб қолди. Бу ернинг

885. тўрт тарафи гул шохлари билан ўралган бўлиб, кирган кишини кимса тополмас эди,

Лайли очилган гулдек гулзор ичига киргач, тиканзор ичидан булбули зорини кўрди.

У ерга ғамли Қайс кирган ва гул каби ёқаларини чок қилиб,

ўз ҳолига зор ва бесабру қарор йнғлар эди.

У шундай фиरोқ таронасини куйлаб турган эдики, бирдан ёри ҳам етишди.

890. Лайли ўз булбули Қайснинг гули очилган ҳолда, ёлғиз топди.

Сўзлашга тоби йўқ бўлиб, кўнглида изтиробни кўп бўлса-да,

бир неча сўз айтмоқчи бўлар, то сўзлай дегунча, ўзидан кегиб қолар эди.

Кўп хижолатлар тортиб, охири пардали қилиб шундай сўз бошлади:

«Эй ажойиб йигит, ҳолинг қалай, қандай ғаму қайғуларинг бор?»

895. Ўзгалар каби на шодлигинг ва на ободлигинг бор.

Бошқалар боғу гулзор томошасида экан, сеинг танинг яраланиб, кўнглинг қайғу билан тўлибдир.

Ҳозир баҳор шамоллари эсиб, гул ҳидлари ҳар томонга сочилган.



Боғ ўлди баҳордин гулафшон,  
Сунбул бу гул узра кокулафшон.

Бу фаслда азми гулшан этгай,  
Бўстон ҳарамини маскан этгай.

900. Бор онинг учунки шод бўлгай,  
Ҳар бандиға бир кушод бўлгай.

Сен нола қилиб гамин недин сен,  
Ашкинг оқизиб ҳазин недин сен?

Ишрат чоғи меҳнатинг не яъни,  
Шўробаи ҳасратинг не яъни?

Бу гам сенга қайдин ўлди ҳодис,  
Ким бўлди бу шиддатингга бонс?»

Боисни чу сўрди ул дилафрўз,  
Бедил чекибон бир оҳи жонсўз.

905. Ширин сўзидин бўлуб эди лол,  
Қон ёш ила юзга ёзди аҳвол.

Гўқ, йўқки, забони ҳол бирла,  
Шарҳ айлади бу мақол бирла:

«Кей жонима ҳайрат ўти солғон,  
Кўнглумни бурун назарда олғон.

Аввалки жамолидин сочиб барқ,  
Ўт ичра вужудум айлаган ғарқ.

Зулф очмоқ ила олиб қарорим,  
Қилғон қаро рўз рўзгорим.

910. Аввалки фасона зоҳир этгон,  
Кўнглумнинг ишини охир этгон.

Қилғонни ёшурмоғинг не эрди?  
Мендин яна сўрмоғинг не эрди?

Эл онгламасун дебон намуна,  
Урмоқ не бу наъли бозгуна!

Сендин етибон бу шиддат охир,  
Кимга тоқойин бу тухмат охир?!



Боғ, баҳордан гулларга тўлган. Сумбул эса гул устига қокилларини ёйибдир.

Шундай бир фаслда бу гулзорга кириб, бўстон саҳнини маскан қилган киши,

900. шод бўлиб, ҳар қандай тутқунликдан озод бўлиши керак.

Нега сен бундай нолалар чекиб, ғамли кўз ёшларини тўкасан?

Бундай ишрат чоғида азоб тортишинг ва ҳасратли кўз ёши тўкишинг нимаси?

Ажабо, бундай ғам сенга қаердан йўлиқди? Бу оғир аҳволингга сабабчи ким?»

Ул дилдор шундай сўроқ сўраганида Қайс жон ўртовчи бир оҳ чекди.

905. Унинг ширин сўзларидан лол бўлиб, юзига қонли кўз ёшлари билан ўз ҳолини ёзди.

Йўқ, йўқ, ҳол тили билан эмас, қуйидаги сўзлар билан ўз ҳолини, шарҳ қилди:

«Эй жонимга ҳайрат ўтини солган, кўнглимни биринчи қарашда олган!

Аввал, жамолидан чақин ташлаб, вужудимни ўт ичида куйдирган!

Зулф ёймоқ билан қароримни олиб, жаҳонни кўзимга қорайтирган!

910. Аввал афсона бошлаб кўнглимни хароб қилган!

Қилгиликни қилиб, яширишинг, яна мендан сўрашинг нимаси?

Яна эл фаҳмламасин деб нағални тескари қилиб макр қиласан.

Бу изтиробларнинг ҳаммасига сабабчи ўзинг-ку, кимга туҳмат қилайин ахир?



Кўнглумники олмишанг ниҳони,  
Сендин ола олмоғум худ они,

915. Ким аъжами айлаб ўзни ёна,  
Бу нав сураб лабинг фасона.

Жонимники ўртадинг бас эрди,  
Тонмоқ бу сифат керакмас эрди.

Ут узра не эрди қўймоғинг ёғ!  
Куйганга не эрди қўймоғинг доғ!»

Чун бўйла неча хуруш қилди,  
Заъф эттию тарки ҳуш қилди.

Туфроқ уза бўлди ул сифат паст,  
Ким ердагиларга бўлди ҳамдаст.

920. Қўйниға олиб нигор бошин,  
Сочиб кўзидин юзига ёшин.

Беҳушға айлаб изтироби,  
Ҳардам юзига уруб гулоби.

Ўлтурганига ўзи ебон ғам,  
Йиғлаб тутар эрди бўйла мотам.

Истаб ани бир, ики дилором,  
Ул воқна ичра қўйдилар гом.

Гар зулф ила мушкбез эдилар,  
Иккиси анга каниз эдилар.

925. Кўзларига даҳр ўлуб қаронғу,  
Қўрқуб дедилар: «Не ҳол эрур бу?»

Маҳваш ишидин чу парда кўпти,  
Иккисининг олида ер ўпти.

Ул иш неки воқиъ ўлли беҳост,  
Бир-бир деди ул икисига рост.

Даҳр этти чу сиррин ошкора,  
Йиғлоб тилади ғамиға чора.

Бор эрди бириси дардпарвард,  
Филҳол санамға бўлди ҳамдард.

Яширинча кўнглимни олгансан, энди, уни сендан ўзим олмайман.

918. Сен эса, ўзингни билмасликка солиб, яна шундай сўзларни сўзлайсан.

Жонимни ўрташинг кифоя эди, муҳаббатимни инкор қилиш керакмасди.

Ут устига ёғ қўйишинг, куйган устига доғ қўйишинг нимасн?»

Шу зайлда бир неча мартаба сўзлагандан сўнг, заифлик орқасида Қайс ҳушидан кетди.

У тупроққа шундай қовушдики, ердаги нарсаларга тенг бўлди.

920. Нигор (Лайли) эса унинг бошини қўйнига олиб, юзига кўз ёшини тўка бошлади.

Беҳушнинг бундай ҳолига бетоқат бўлганидан, ҳар дам юзига гулоблар сепар эди.

Гўё Қайсни ўзи ўлдиргандек, унга йиғлаб мотам тутар эди.

Лайлини қидириб юрган бир-икки дилором шундай воқиа устидан чиқдилар.

Улар гарчанд сочларидан мушк (хуш ҳид) сочувчи бўлсалар-да, Лайлининг каннзи эдилар.

921. Уларнинг кўзларига дунё қоронғу бўлди, қўрқиб: «Бу қандай ҳол?» дедилар.

Ўз қилмишлари ошкор бўлгани сабабли, у гўзал, иккала каниз олдида ер ўпди.

Бехосдан воқе бўлган бу ишнинг ростини ҳар иккаласига бир-бир айтиб берди.

Олам сирларин ошкр этгач, йиғлаб улардан ғамига чора тилади. Улардан чора тилаб йиғига тушди.

Улардан бириси шундай дардли эди, дарҳол Лайлига ҳамдард бўлиб,



930. Деди: «Ема ғамки бок эмастур,  
Ким ишқ ўтидин ҳалок эмастур.

Сен қўпғилу бизга топшур они,  
Азм айла қабилаға равони.

То бўлмасун эл бу ишдин огоҳ,  
Биз фикр этали нечукки дилхоҳ»...

Маҳваш ул иков дегандек этти,  
Кўнглин қўюб анда эвга кетти.

Бедил кишисин топиб алар ҳам,  
Қилдилар ул ишга ёру маҳрам.

935. Чун бўлди рафиқ анга мулозим,  
Бўлди ул иков ҳам уйга озим.

Эй сода рафиқ, бенавомен,  
Ишқ илгига зору мубталомен.

937. Бехудмену ўлтурур навойиб,  
Бир лаҳза бошимдин ўлма ғойиб!



930 деди: «Ғам ема, ҳеч қандай қўрқинч йўқ. Ишқ ўтидан ким-лар ҳалок бўлмаган.

Сен тургин, буни бизга топшириб, тездан қабилага кетгин.

Яна эл бу ишдан хабардор бўлиб қолмасин, биз бўлсак, сен истаганча чора топайлик».

У гўзал буларнинг айтганини қилиб, кўнглини у ерга қўйиб, уйига жўнади.


Канизлар эса Қайсга қарашли кишиларни топиб, ёрдамлашдилар.

935. Қайснинг дўстлари уни қабул қилгач, у икки каниз ҳам уйга жўнадилар.

Эй содда кўнгилли дўст, мен ожизман, ишқ қўлида зору мубтало бўлиб қолганман.

937. Мен беҳуд мен, бу офатлар мени ўлдирмоқда, бир нафас ҳам бошимдан узоқлашма!





### БЕШИНЧИ БОБ

*Қайснинг ҳушига келиб булбулдек  
нола қилғони ва яна ҳушидан кетғони,  
буни отаси эшитиб, ўғлининг бошига  
келғони ва ўзи билан олиб кетғони*

Ч

ун гулшани чарх гул узори,  
Мағриб сори тортти амори.

Анжум гули бирла бу шабистон,  
Олам юзин айлади гулистон.

940. Ул тоза баҳори нозпарвард,  
Фунчадек ичини қон қилиб дард.

Соз этти қабила сори оҳанг,  
Бедил гамидин валек дилтанг.


Беҳол қабиласиға кетти,  
Гамдин анга етти улча етти.

Гулшан аро Қайс ҳушдин фард,  
Етиб эди ерда ўйлаким гард.

Ҳам мағзида ҳушдин хабар йўқ,  
Ҳам жисмида руҳдин асар йўқ.

945. Ерим кечаким насмни гулбез,  
Бўлди чаман аҳли узра гулрез.

Гул атри димоғиға солиб ҳуш,  
Очти кўзин ул ғариби мадҳуш.



### БЕШИНЧИ БОБ

*Қайснинг ҳушига келиб булбулдек  
нола қилгони ва яна ҳушидан кетгони,  
буни отаси эшитиб, ўғлининг бошига  
келгони ва ўзи билан олиб кетгони.*

938. Гулшанга ўхшаган оламнинг гул юзли қуёши ғарбга бот-  
гандан сўнг,

Кечанинг чечаклардек очилган юлдузлари, олам юзини  
гулистон қилди.

940. У баҳорнинг тоза, нозли гўзали ўз дардлари билан ичини  
ғунчадек қон қилиб,

бедил (яъни Қайс) ғамидан кўнгли ўртаниб, қабила сари  
жўнашга қасд қилди.

Ғам устига ғам ютиб, беҳол қабиласига етди.

Ҳушидан ажралган Қайс гулшан ичида гўё ердаги чангга  
ўхшаб ётарди.

На бошида ҳуши бор, на жисмида жондан асар бор.

945. Ярим кечада эсаётган гул ҳидли шабада, чаманга гуллар  
тақар эди.

Гулларнинг ёқимли, ҳушбўй ҳидидан ҳушсиз ётган боёқиш  
ҳушига келиб, кўзини очди.



Кўрди ўзини чаман ичинда,  
Сарву гулу ёсуман ичинда.

Булбул боши узра нағма пардоз,  
Аҳволига навҳа айлаб оғоз.

Гул ҳолига чун назора айлаб,  
Гулгун ёқасини пора айлаб.

950. Наргис шабнамдин ашк этиб фош,  
Аҳволига юммайин тўкуб ёш.

Чун кўксида ҳажрдин кўруб доғ,  
Кўкси уза лола куйдуруб доғ.

Захми кўкидин бинафшада ғам,  
Сўгига кишиб либоси мотам.

Топиб чу вуқуф бу азоға,  
Ашжор алам чекиб ҳавоға.

Сунбул қилибон қаро узорин,  
Очиб қаро зулфи мушкборин.

955. Сўгига оқар су зор йиғлаб,  
Ун тортибу сўгвор йиғлаб.

Сарв ўлмай меҳнатидин озод,  
Қолмай шамшод дардидин шод.

Дебким ани қилди ишқ бежон,  
Чирмониб ўзига ишқпечон.

Сабза қилиб ўзини сарбасар тил,  
Айтиб ғамидин фасона ҳар тил.

Бу сўглар айлаб ул назора,  
Топмай ўлмакдин ўзга чора.

960. Ҳарён боқиб анда ёр топмай,  
Андуҳи ўти қарор топмай.

Не даврида хайли дўстори,  
Не олида сарви гулузори.

Хуршед кетиб, келиб қаро шом,  
Ё ҳажр куни, вале сияҳ фом.



Ўзини чамандаги гуллар, сарвлар, ёсумонлар ичида кўрди.

Булбул унинг боши устида нағма чекиб, аҳволига тинмай йиғлар эди.

Гул унинг ҳолига назар солар экан, ўзининг қизил ёқасини пора-пора қилар эди.

950. Наргис гули унинг аҳволини кўриб, ўзидаги шабнам резаларини кўз ёшидек тинмай тўкарди.

Бу аламзаданинг кўксидagi айрилқ доғини кўрган лола ҳам, ўз кўксини куйдириб доғлаган эди.

Бинафша ҳам бу ғамзаданинг заҳми кўкни кўриб, мотам либосига ўралибдир...

Бу азадан хабардор бўлган дарахтлар ҳавога тиг кўтарганлар.

Сунбул юзини қора қилиб қоп-қора хушбўй зулфларини ёзганди.

955. Гўёки оқар сувлар ҳам мотам тутганлардек товуш чиқариб зор-зор йиғларди.

Сарв ҳам Қайснинг бошига тушган кулфатдан озод бўлмаганидек, шамшад ҳам унинг дардидан ношод эди.

Уни ишқ жонсиз қилиб қўйди деб печак гул ҳам ўз-ўзига чирмашган эди.


Сабза бутун борлигини тил қилиб, ҳар бир тил унинг ғамидан фасона айтар эди.

Бу мотам манзараларини кўриб, у ўлимдан бошқа чора тополмас эди.

960. Ҳар томонга боқиб ёрини тополмас, аламларининг ўти босилмас эди.

На атрофида дўстлари бор, на олднда гул юзли ёри бор.

Қуёш ботиб, қоронғу тушиши айрилиқ шомига ўхшаган қора тусда эди.



Е ҳажр ўти бўтратиб духонин,  
Айлаб қаро даҳр хонумонин.

Кўнглига ўкулди кўҳи андуҳ,  
Андуҳи йиғилди кўҳ то кўҳ.

965. Соғинди қачон назора қилди,  
Қим чарх уйи бошиға йиқилди.

Чуи дардиға топмади гарона,  
Дард ашкени айлади равона.

Чок айлади тортибон яқосин,  
Чекти тани офият либосин.

Йўққим бу либосини сувурди  
Ким жисмидин они ўтқа урди.

Чун бўлди либоси оташ олуд,  
Гардунға етишти оҳидек дуд.

970. Йўқ, йўқки, бу дуд оҳи эрди,  
Ўртангучи жисми қоҳи эрди.

Гоҳи бу сомонда шуъла, гаҳ дуд,  
Андин тутубон жаҳонни қаҳдуд.

Қаҳдуди фалакка еткуруб бош,  
Афлок кўзига келтуруб ёш.

Гож урди сориг юзига онча,  
Ким они кўк этти ул тапонча.

Гарчи юзи эрди заъфарони,  
Бўлди гулидин кўки нишони.

975. Кўнглида бу заъфарондин озор,  
Қулмак ўрнида йиғлатиб зор.

Кўксига уруб фироқдин тош,  
Ерга уруб иштиёқдин бош.

Кўкси аро шуълаи фироқи,  
Бу ўт била доғи иштиёқи.

Кўнглига сипаҳ чекиб аламлар,  
Оҳи ўти кўргузуб аламлар.

Ғки айрилиқ ўти тутунларини буруқситиб, дунё хонумо-  
нини қора қилган эди.

Унинг кўнглига ғам тоғи йиқилган, гамлари бўлса тоғлар  
қадар йиғилган эди. Ёрини

<sup>965</sup> соғиниб унга назар ташлаган вақтда, осмон бошига туш-  
гандек бўлди.

Дардига даво тополмай, дардли кўз ёшларини равона  
қилди.

Ёқасини чок айлаб, танидаги саломатлик либосини ечди.

Йўқ, балки бу либоси ўз жисмидан олиб ўтга солди.

Либоси оловга айланиб, унинг тутунлари ўз оҳидек фа-  
лакка етди.

<sup>970</sup> Йўқ, йўқ, бу тутунлар унинг оҳи эди, сомон каби заиф  
жисми ёнар эди.

Бу сомондан гоҳ тутун, гоҳ шуъла чиқиб, сомоннинг аччиқ  
тутуни жаҳонни босган эди.

Баъзан аччиқ тутунлар фалакка етиб, фалакнинг кўзига  
ёшлар келтирар эди.

Сариф юзига анча уриб, у шарпалардан юзлари кўкариб  
кетган эди.

Гарчи унинг юзи заъфарон бўлса-да, қўлининг зарбидан  
кўкарган ерлар пайдо бўлганди.

<sup>975</sup> Бу сарғишдан кўнгли озор топиб, кулмак ўрнига зору-зор  
йиғларди.

Фироқдан кўксига тош урар, иштиёқ кучидан ерга бош  
урар эди.

Кўксида фироқ шуъласи, иштиёқи бўлса яна шу ўт билан  
алангаланар.

Аламлар қўшини кўнгилга саф тортиб, оҳининг ўти туф  
кўтарар эди.



Солиб бу сипаҳ ичига ошуб  
Кўнгли мулкин қилиб лагадкўб.

989. Утмай бу сипаҳ эли камоҳи,  
Етиб яна бир бало сипоҳи.

Ҳар хайли жафо қўлин сунуб кенг,  
Ул мулкни ер била қилиб тенг.

Ғам хайли ичинда сондин ортуқ,  
Ҳарнечаки десам ондин ортуқ.

Бу навъ эди ҳажри ибтилоси,  
То чекти алам саҳар ливоси.

Тун урди қумурларини дарҳам,  
Меҳр ўтини субҳ айладн дам.

995. Кўк гулшани гуллари тўкулди,  
Гулларки тўкулди ғунча кулди.

Кўк боғида гуллар ўлди нобуд,  
Ер боғида гуллар ўлди мавжуд.

Ул боғда ҳар неким сочилди,  
Гўёки бу боғ аро очилди.

Бедил кўрубон ёруғ жаҳонни,  
Чекти яна оҳ ила фиғонни.

Гул бошиға эврлуб сабодек,  
Учраб кўзига гул ошнодек.

990. Дебким: «Қани ул гулн шакарханд,  
Ким бу гул эрур юзига монанд?»

Ул чеҳрадин эрди ёдгори,  
Бўлмаса эди ёнида хори.

Ғунча сори боқибон уруб печ,  
Ўхшатмайин они оғзиға ҳеч.

Гаҳ сарв аёғнга қўюб юз,  
Оҳин яна сарвдек чекиб туз.

Дебким: «Гар эмас қади равонн,  
Лекин қадидни эрур иишонн».

Шу алам сипоҳи унинг ичига ғовға солиб, кўнгли мулкани оёқ ости қилар.

980. Бу алам қўшинлари ўтиб кетмасдан туриб, унинг бошига яна янги бало сипоҳлари ёғиларди.

Жафо тўдалари қўлини кенг ёзиб, унинг кўнгил мулкани ер билан тенг қилар.

Унинг кўнглига тўпланган турли-туман ғамлар сон-саноқ-сиз, қанча десам ундан ҳам ортиқ.

У айрилиқ дардига шу зайлда дучор бўлган эдики, тонг ўз байроғини кўтариб чиқди.

Тун ўзининг кўмирларини тўплаганда, тонг ҳам қуёш ўтини дамлаб пудади.

985. Осмон гулзорининг гуллари (юлдузлари) тўкилганда, ғунчалар ҳам жилмайдилар.

Кўк боғининг гуллари йўқолиб, ер боғида гуллар очилди.

Кўк боғида таралиб кетган бор нарса, гўё бу боғда очилгайдек бўлди.

Бедил (Қайс) бу ёруғ жаҳонни кўриб, яна оҳ ва фиғонлар торта бошлади.

Гулларнинг бошидан у тонг елидек айланар, чунки гуллар унга ошнадек кўринарди.

990. У айтар эдики: «у ширин табассумли гул қаердаки, бу гул унинг юзига ўхшайди?»

Уларнинг ёнида тикоилар бўлмаганда ўша юзининг ёдғори ҳисобланар эди.

ғунчаларга тўймасдан қараб, бу ғунчаларни Лайлининг оғзига ҳеч ўхшаголмас эди.

Гоҳо сарв оёғига юзини қўйиб, оҳини шу сарвдек кўтарар эди.

«Бу сарв гарчи унинг жонли қомати бўлмаса ҳам, Лайлининг қаддидан нишон берар» дерди.



999. Гаҳ меҳр қилиб бинафшаға фош,  
Бир лаҳза кўтармай олинди бош.

Атридин ўлуб мурод коми,  
Ул турра иси тўпиб машоми.

Гаҳ сабзаға суртубон узорин,  
Кўкка чекибон фиғону зорин.

Ким: «Гулшан аро ҳиром чоғи,  
Тегмиш сенга гулруҳим аёғи».

Наргис кўзи айлаб они волиҳ,  
Ёри кўзидек куруб бнайиниҳ.

1000. Йиғлаб кўруб онча ранжу темор,  
Ким заъф қилиб печукки бемор.

Туфроғда кўриб аёғ пишоши,  
Ёпиб ики кўзи бирла они.

Ким: «Ёр аёғи етмиш эркин,  
Туфроғини сурма этмиш эркин».

Гоҳи тилабон сувдпи пишоша,  
Ашкин қилибон сувдек равона.

Ким: «Жилва қилурда ул суман бў,  
Аксини топиб эди экин сув».

1005. Булбул била соз этиб навони,  
Булбулдин ошар эди фиғони —

Ким: «Бежиҳат ўлди бу малолини,  
Чун ёринг ила эрур висолинг».

Маскан сенга бўлди тоза гулшан,  
Гулбун уза айладинг ишшман.

Гулшан аро маҳрами ҳарамсен.  
Гул суҳбати ичра муҳтарамсен.

Гўё бу мурод эмас писандинг,  
Ё, ёр висолдини ўсондинг —

1010. Ким шому саҳар қилиб мароға,  
Минг тил била ун солнб ароға.

995. Бир лаҳза ҳам бошини кўтармасдан, гоҳ бинафшага ўз меҳрини билдирар ва

бу бинафшанинг ортидан Лайлининг хушбўй зулфини искагаидек муроди ҳосил бўларди.

Гоҳо юзини сабзага уриб, оқ-фиғоини кўкка чиқарар эди.

«Бу гулшанда сайр-боғ қилиб юрганда ёримнинг оёғи сенга теккан» дерди.

Наргиснинг кўзи худди ёрининг кўзига ўхшаб, Қайси мафтун этган эди.

1000. Кўпгина ранжларни кўриб йиғлаган Қайс, касал кишидек заифланган эди.

Тупроқда оёқ изини кўрар, бу изни икки кўзи билан бер-китиб:

«Бу ерга ёр оёғи текканга ўхшайди, тупроғини сурма қилиб кетибди» дерди.

Гоҳи сувдан нишона сўрар, кўз ёшларини сувдек оқизар эди.

«У оқ юзли гул жилва қилганда акси бу сувга тушган бўлса керак» дерди.

1005. Қайс булбул билан баҳслашиб наво қилар, фиғони булбулникидан ҳам ошиб тушарди.

У, булбулга қараб: «Сен бундай нола қилмасанг ҳам бўлади, чунки ёринг билан биргасан.

Сенинг жойинг тоза гулшан, қўнадиган еринг эса гуллар шохидир,

Сен гулшан ҳарамининг маҳрами, гуллар орасидаги суҳбатнинг муҳтарамсан.

Гуллар орасида турсанг ҳам гўё буни писайд қилмайсан, ёки ёр васлидан тўйдингми?

1010. Минг тил билан сайраб, ҳар шом ва саҳар ғовға қилиб.



Элга етуруб унунгдин озор,  
Айтурсен ўзунгни ошиқи зор,

Ким сен киби урса ишқдин дам,  
Ишқ аҳли қачон тутар мусаллам.

Сен аҳли висолсен дам урма,  
Ҳажр аҳли қошида нукта сурма!

Мискин мену дардманли мажруҳ,  
Топмай тан аро нишонаи руҳ.

1015. Яъни ғам ўтнда жисми зорим,  
Иўқ жон киби сарви гулузорим.

Сен тортма нола мубталовор,  
Ким нола эрур менга сазовор.

Олингда сенинг висолдин боғ,  
Бағримда менинг фироқдин доғ.

Енингда сенинг гули баҳори,  
Кўнглумда менинг фироқ хори».

Чун чекти бу ерга навҳаи дард,  
Бўлди яна ақлу ҳушдин фард.

1020. Ул навъ йиқилди тортибон оҳ,  
Ким жони дегилки чиқти ногоҳ.

Бош устидаги нигоҳбони,  
Ким топшуруб эрди қизлар они.

Бпр гулбун аро тутуб канора,  
Аҳволин этар эди назора.

Чун ҳолин анинг бу навъ билди,  
Қўптию қабила азми қилди.

Етгач қилибон қадамии раҳқўб,  
Уй ичра худ эрди беҳад ошўб.

1025. Бу воқиадинки Қайс ул шом,  
Тутмайдур эди ватанда ором.

Ҳарён кишилар қилиб равона,  
Андин тилар эрдилар нишона.

Чу ул иш эди хилофи одат,  
Ҳардам эди ғамлари зиёдат,



Ўз овозинг билан элга озор бериб, ўзингни ошиқи-зор деб кўрсатасан.

Киши ишқда сен каби дам урса, ишқ аҳллари бунга ишонармиди?

Сен висолга етганлардансен, шунинг учун ҳажр аҳли қошида гапирмасанг ҳам бўлади.

Мен ўз танимда руҳдан асар қолмаган бир дардманл, яраланган мискинман.

1015. Яъни жисмим ғам ўтида куйган, жоним каби гўзал гул юзлим ҳам йўқ.

Нола қилишга мен сазоворман. Сен мубталолик ноласини чекмасанг ҳам бўлади.

Сенинг олдингда висол боғи бўлса, менинг бағримда фи-роқ доғи бор,

сенинг ёнингда баҳор гули бўлса, менинг кўнглимда фи-роқнинг тикани бор» дерди.

Шундай қилиб ғам, нолаши шу ерга етганда, Қайс яна ақла-қушидан кетди.

1020. Шундай оқ тўртиб йиқилдики, худди жони чиққан десанг ҳам бўлади.

Унга қараб туриш учун қизлар, ораларидан бир қизни қўйиб кетган эдилар.

У бир гул тағига яшириниб, унинг аҳволини кўздан кечи-риб турарди;

Қайснинг бу аҳволини кўргач, турди-ю қабилага жўнади.

Қабилага жадал билан етиб борганда, Қайснинг уйида жуда шов-шув эди.

1025. Уша кеча Қайснинг қабилада йўқлигини билганларидан сўнг,

уни топиш учун ҳар томонга кишилар юборилган эди.

Чунки Қайснинг бу иши одатга хилоф бўлганидан, қабила аҳлининг ғами борган сари ортар эди.



Ким етти хужастафол қосид,  
Бўлди бориға раво мақосид.

Андии бўлуб ул гуруҳ афгор,  
Итгон Юсуфларин талабгор.

1030. Ул доғи қилиб тарона оғоз,  
Кўрганга бўлуб фасона пардоз.

Ҳар қиссаки англабон тамомин,  
Шарҳ этти ёшурмайин каломин.

Чун бўлди аён бу можароси,  
Беҳол ўлубон ото-онаси.

Бўлдилар ани тиларга озим,  
Бал аҳли қабила ҳам мулозим.

Қосид дағи хайл аро қадамкаш,  
Ул ерга дегинки ул ситамкаш.

1035. Кўргач ани айлабон назора,  
Кўнглак дема, кўкси пора-нора.


Туфроғ ила ер уза ҳамоғуш,  
Айлаб ғами ишқ горати ҳуш.

Бори қилибон фиғону зори,  
Ҳозир қилибон равон амори.

Айлаб анга маҳмил ичра манзил,  
Манзил сори азм қилди маҳмил.

Эй маҳмили ишқ сорбони,  
Азм айлади дард корвони.

Бир гом қабила сори солма,  
Ҳар сори у хайл борса қолма.



Азиз даракчининг хабаридан сўнг, ҳаммаларининг ҳам кўнгиллари жойига тушди.

Бундан хабардор бўлган ўша гуруҳ, ўз Юсуфларини топиш учун шошилдилар.

1030. У даракчи яна кўрган-билганларининг ҳаммасини бир-бир айта бошлади.

Ҳарна кўрган, эшитган бўлса яширмасдан ҳикоя қилиб берди.

Бу можаролар аён бўлгач, Қайснинг ота-онаси беҳол бўлиб,

уни келтириш учун бутун қабила аҳли билан йўлга равона бўлдилар.

Хабарчи ҳам шу қабила аҳли билан бирга, ўша алам чекаётган Қайс ётган ерига биргалашиб борди.

1035. У ерга боргач, уни кўйлаклари эмас, балки кўкси порадора бўлган бир ҳолда кўрдилар.


Унинг ҳушини ишқнинг ғамми яқсон этганидан, тупроқ устига кўксини бериб ётарди.

Ҳаммалари уни олиб кетиш учун фиғон-зор билан безатилган маофа (кажава) тайёрладилар.

Қайсни шу маофага жойлаштириб, манзилга қараб йўл олдилар.

Дард карвони йўлга чиқди, эй сен, шу ишқ сафарчилари карвон бошиси!

Бир қадам ҳам қабила томонга босма, шу дард карвонидан ҳаргиз ажралма!





### ОЛТИНЧИ БОБ

*Қайсиниң Лайли қабиласи томон жү-  
наши, у қабиланиң чегарасига бориб,  
ети билан ҳамсухбат бўлгони ва Лайлини  
кўриб, у ҳам бу ҳам ўзидан кетгони*

у номаи дард уза қаламқаш,  
Мундоқ қаламини қилур рақамқаш:

Қим Қайси рамида ҳушу беҳол,  
Билмас эдиким етишти не ҳол.

Чун мағзида ҳуш бўлди пайдо,  
Очти кўзин ул занф шайдо.

Ота-онасида ғам уза ғам,  
Не ғам уза ғамки, сўгу мотам.


Бу меҳр ила манглайни ўпти,  
Ул бошиға эврулурға қўпти.

<sup>1045.</sup> Фаҳм айлади Қайс чун бу ҳолат,  
Сув қилди вужудини хижолат.

Ул бирга хижолат айлабон фош,  
Бу бир оёғидин олмайни бош.

Яъники уётдин ўзда қолмай,  
Андоқки юқори боқа олмай.

Чун кўрди ато било аноси,  
Қим они ҳалок этар ҳаёси.



### ОЛТИНЧИ БОБ

*Қайснинг Лайли қабиласи томон жўнаши, у қабиланинг чегарасига бориб, ити билан ҳамсуҳбат бўлгони ва Лайлини кўриб, у ҳам бу ҳам ўзидан кетгони*

Бу дард номаси устида қалам тебратган киши ўз қалами-ни бундай юритди:

Ҳушдан кетиб, беҳол бўлиб қолган Қайс, бошига қандай ҳоллар тушганидан беҳабар эди.

Ҳушига келгандан сўнг, бу заиф шайдо кўзини очиб атроф-га қараса,

шўрлик ота-онаси ғам устига ғам тортиб, мотам тутар эдилар.

Бирн меҳр билан Қайснинг манглайини ўпар, яна бириси бўлса бошидан ўргулар эди.

1045. Қайс бу ҳолни сезгач, хижолатдан аъзойи бадани сувга айлангандек бўлди.

У бирисидан хижолат тортар яна бирисининг оёғидан бо-шини кўтаролмас эди.

Яъни Қайс уялганидан ўзидан кетиб, юқорига боқолмас эди.

Ота-онаси, бу ҳаёдан унинг ҳалок бўлиш эҳтимоли бор деб ўйладилар.



Аҳволиға қилдилар мувосо,  
Сўз демадилар насихат осо,

<sup>1050</sup> Ким бу иш анга шугуфт тушмиш,  
Бу ҳодиса ногрифт тушмиш:

«Биз кўп сўрсак бу сўз мақоли,  
Нобуд эта они иифиоли.

Бу воқиа тарки тутти эркин,  
Ул васвасани унутти эркин.

Тутқай они эмди табъи софи,  
Бу ишгаки айлагай талофи.

Иффат ҳарамида кеш тутқай,  
Тақви била зуҳд пеш тутқай».

<sup>1055</sup> Кўптилар этиб бу фикр лойиқ,  
Нўққим ул иков, борн халойиқ.

Бу деб: «Анга турфа ҳол тушмуш».  
Ул дебки: «Ажаб хаёл тушмиш».

Халқ олида дев уруб анга йўл,  
Билмай муниким пари эмиш ул.

Ҳар ким уйи сори гом солиб,  
Ғам ҳужраси ичра Қайс қолиб.

Бир лаҳза енгиб ани тафаккур,  
Ўз ҳолатиға этиб таҳайюр.

<sup>1060</sup> Бирдам ишига қилиб назора,  
Топмай қатиг эмгакига чора:

Ишқ ичра тутарға кўҳу води,  
Манъ айлаб ото-онаси ёди.

Тутмоққа салоҳ ишқ этиб зўр,  
Кўнгли мулки аро солиб шўр.

Ул чоққачаким сипеҳри худком,  
Офоқ уза ёйди пардаи шом.

Қофурни ёпти мушки суда,  
Кўк шамъи жаҳонға сочти дуда.

Улар Қайснинг аҳволига ачинишиб, унинг кўнглига қаттиқ тегадиган ҳеч нарса демадилар.

1050. Ва Қайснинг бошига тушган бу воқияларни фавқулодда бир ҳолат деб сездилар.

Улар: «Агар биз бунинг аҳволини суриштира берсак, хижолат тортиб, ўзини ҳалок қилиб қўяди.

Энди бу воқияларни қайтадан такрорламас, бундай васвасани эсдан чиқарган бўлса керак.

Унинг табиати софланиб, бундан сўнг бундай ишларга бормас.

Ўзининг номусини сақлаб, бундай бўлмағур ишлардан ўзини тияр» дедилар.

1055. Шундай фикрни маъқул топишиб ота-оналари ва бошқалар ҳам туриб кетдилар.

Бири: «Қайсга қизиқ ҳол тушибди» деса, бошқаси: «ажаб хаёлга ботибди» дерди.

Уни пари уриб кетганини билмасдан, кишилар «дев уриб кетибди» дердилар.

Хар ким уй-уёғига кетгандан сўнг Қайс яна ўз ғамхонасида қолди.

Қайсни ўй, хаёл енгиб қўйганидан, бунга ўзи ҳайратда қоларди.

1060. Ўзининг қилиб турган ишига қараб туриб, бу қаттиқ меҳнатига чора тополмасди.

Ишқини деб тоғ, волийларга чиқиб кетишга ота-онасининг ёди тўсқинлик қилиб турар.

Ишқ унинг кўнгли мулкига ғовға солиб, тўғри йўл тутишга қўймас эди.

Ўзбошимча фалак, дунё юзига шом пардасини ёйганга қадар, аҳволи шундай эди.

Ақли чироғи хираланди, кўк шами (қуёш) жаҳонни ўзининг қора куялари билан бўяди.



1065. Тиїра уї ичида ул ғам андуд,  
Тўлғониб ўзига ўйлаким дуд.

Чеккач яна ишқ ўти забона,  
Қўймади вужуддин нишона.

Ғам хайли кўнгул ҳисорин олди,  
Ишқ илгидин ихтиёрин олди.

Лайли ғами ўйла қилди бедод,  
Ким ото-онони қилмади ёд.

Ошиқлари ҳолини унутти,  
Маъшуқ уйининг йўлини тутти.

1070. Юз урди бало қабиласиға,  
Ул моҳлиқо қабиласиға.

Не гом солурда ҳуш ёри  
Не пўя қилурда ихтиёри.

Ҳардам йиқилиб қўпуб уруб гом,  
Эс бирла ие сайр анга, не ором.

Қўпуб йиқилури мастлардек,  
Бехудлуғи майпарастрлардек.

Чун бўлди қабила ўти пайдо,  
Ул ўт била куйди зор шайдо.

1075. Қўнгли аро қўзғолиб шарори,  
Қолмоди шарорадек қарори.

Қўкка чекиб оҳи оташолуд,  
Ўт сори юз урди ўйлаким дуд.

Тил чекти демак учун тарона,  
Ул навъки ўт чекар забона.

Ўтдек дам ила тутуб сароғоз,  
Ўтқа боқиб ўлди нукта пардоз:

«Кей ҳажр тунида ахтари ишқ,  
Рахшанда нечукки гавҳари ишқ.

1080. Бал машъалан фароғ сенсен,  
Ё гавҳари шабчароғ сенсен.



1065. Ғамга ботган Қайс, қоронғи уй ичида тутундек тўлғанар эди.

Ишқ ўти яна оловланиб, унинг вужудидан нишона ҳам қолдирмагандек бўлди.

Ғам тўдаси унинг кўнгили қўрғонини олиб, ишқ бўлса унинг қўлидан ихтиёрини олди.

Лайлининг ғами зулмидан фарёд қилиб, ота-онасини ҳам ёдидан чиқарди.

Ошиқлари бўлган ота-онасига ҳам қарамай маъшуқаси томон жўнади.

1070. Бало қабиласига, яъни у маҳлиқо (Лайли) қабиласига юз тутди.

Қайсни на қадам ташлашда ҳуши бор эди, ва на юришда ихтиёри бор эди.

Дам йиқилиб, дам туриб қадам босарди, бу ишдан на сайр этар, на ором оларди.

Йиқила-тура юриши мастларга, ҳушсизлиги майпарастрларга ўхшар эди.

Қабила ўти кўрингач, бу зору-шайдо у ўт билан куйди.

1075. Кўнглини алангалар қоплаб, шу алангалардек қарори ҳам қолмади.

Олов каби оҳи кўкка чиқди, тутун каби ўша ўтга юзини урди.

У ўт аланга чиқаргандек, Қайс ҳам куйлаш учун тилини ростлади.

Ўтли нафас билан ўтга қараб шундай сўз дурларини соча бошлади:

«Эй айрилиқ тунидаги ишқ гавҳари каби товланган муҳаббат юлдузи,

1080 фироқ машъали сенсан ёки гавҳари шабчироғ сенсан.



Дуд ичра шарарларниг хужуми,  
Ғам шоми таҳаррурки иужуми

Саргаштан ғамға тун саводи,  
Ламъанг келибон хужаста ҳоди.

Дудунг билла даҳр анбаролуд,  
Иўқ дудким, ул саводи мақсуд.

Кўмган кулунг ичра ҳар фатири,  
Кўк хони аро маҳи мунири.

1085. Ҳар кўзники ул етиб яшортиб,  
Учқон кулунг анга сурма тортиб

Ғар қилмаса кўз ёрутмоқ оҳанг,  
Кўзга нега келди сурмаи ранг.

Ё онингдек очарға кўзни,  
Хокистари этти сурма ўзни.

Ахгар сенга ҳар бири самин лаъл,  
Ўртарға кўнгулини оташин лаъл.

Ранги норню, табъи нори,  
Руммони ўлуб бу лаъл бори.

1090. Тоғ устида лаълдин тарабдур,  
Лаъл устида тоғи зар ажабдур.

Ғам шоми аро қўлумини туттунг,  
Ҳижрон тунида кўзум ёруттунг.

Мадҳингини этай не навъ зоҳир,  
Шукрунгини не тил била де охир.

Ой-қун сенга икки мапқал ўлсун,  
Ҳеминг бори уду сандал ўлсун.

Дойим бу тариқу шевани тут,  
Ҳам ёру ва ҳам жаҳонни ёрут».

1095. Кам қилмаиш эрди бу навони,  
Ким ҳайдин келди ит фиғони.

Ҳам жисмиға печу тоб тушти,  
Ҳам кўнглига изтироб тушти.

Тутунлар ичидаги алангаларинг ҳужуми, ғам шомидаги юлдузларнинг ҳаракатидир.

Ҳар томонни қоплаб олган тунига, шуъланг бахт йўлини кўрсатувчи бўлди.

Дудинг билан дунё қоронғулликка аралашди, у дуд эмас, балки мақсад қораси (нишонаси)дир.

Кулинг ичига кўмилган ҳар бир патир, кўк дастурхонидаги нурли ойга ўхшайди.

1085. Дудларинг (тутунларинг) ҳар кўзни ёшлатар, учган куллариинг унга сурма тортади.

Агар кўзни ёритиш мақсади бўлмаса, кўзлар нега сурма ранг бўлди.

Ёки ўшандай кўзни очмоқ учун сурма ўзини кулга ўхшатдимикан.

Чўғлариинг ҳар бири, кўнгилни куйдириш учун ўтли ёқутдир.

Бу лаъл анорга ўхшаш, ранги ва табиати ҳам ўтдир.

1090. Одатда тож устидаги лаълдан хурсандлик бўлса, қизиқки бу лаълнинг устига тилла тож қўйилмиш.

Қайғули кечаларимда, қўлимдан тутиб, айрилиқ тунларимда кўзимни ёритдинг.

Э олов! Сенинг яхшилигинг ва мақтовингни қайси тил билан изҳор этсам бўлади.

Ой билан кун иккиси сенга манқол ва тутантириқларинг уд, сандал ёғочларидан бўлсин.

Доим сен шу ҳунарингни тут яна, еру жаҳонга ёруғлиқ сочгин.

1095. Ўт билан шундай оҳу-зор чекиб, сўйлашиб бўлмаган эдики, қабила томондан ит фиғони эшитилди.

Ҳам кўнглига изтироб тушиб, ҳам баданлари жимиллаб, қалтираб кетди.



Фарёд қилиб равон ул итдек,  
Юз навъ чекиб фиғон ул итдек.

Андоқки жафойи осмондин,  
Оқшом киши қолса карвондин.

Истаб ани чекса наъра ёри,  
Ул ҳам чекгай фиғону зори.

1100. Дашт узра ул ун сўнгича кетгай,  
То мақсаду манзилига етгай.

Солур эди томи бехудона,  
Оғзида валеқ бу тарона:

«Кей муждан жоң ҳазин нафиринг,  
Рухумға гизо бийик сафиринг.

Ҳам ғам туни кўргузуб вафо сен,  
Ҳам гумшудаларға раҳнамо сен.

Ул кўйга эврулуб қўюб бош,  
Ким бошинга мен ҳам эврулай кош.

1105. Ул кўйгаким бўлуб бадандеш,  
Чаинголу тишинг танин қилиб реш.

Эл қони аёғларинг ҳиноси,  
Қим жоним аёғларинг фидоси.

Мен гар топмай бу комронлиқ,  
Сен айлабон анда посбонлиқ.

Бу ким сену мен биз икки ҳамдам,  
Мен хору валеқ сең муқаррам.

Сен ёр эшикида шоду масрур,  
Маҳрум мен ғарибу маҳжур.

1110. Сен кўйида ҳар тараф шитобон,  
Мен зорға жилвагаҳ биёбон.

Сен кўйида тош уза қўюб бош,  
Бошимға фироқи ёғдуруб тош.

Сен мендин ўлуб вафода афзун,  
Ҳам сидқда, ҳам сафода афзун.

Дарров ўша итдек фарёд қилди, юз навъ фиғону зор чекди.

Фалак бахтсизлигига йўлиқиб, кечаси карвондан адашиб қолган кишилар,

ёрдам тилаб, бир-бирларини қандай чақирган бўлсалар, булар ҳам шу сингари эди.

1100. Буларнинг кўнгли бу дашт бўйлаб мақсад манзилигача етарди.

Ўзини билмай қадам босар, лекин шундай тарона қилар эди:

«Эй жонимнинг хушхабарчиси, сенинг мунгли ноланг ва овозинг руҳимга озиқ беради.

Ҳам ҳам тунининг вафодори, ҳам адашганларнинг раҳномаси сен.

У кўчадан ўргилиб, бошингни қўйибсан, кошки мен ҳам сенинг бошингдан ўргилсам эди.

1101. Кимки, у кўчага ёмон ният билан кирса, чангал ва тишларинг баданларини бурдалаб ташлайди.

Оққан қонлар оёқларингга хина бўлибди, ўша оёқларга жоним фидо бўлсин.

Гарчи мен бу бахтга эришмаган бўлсам ҳам, сен у ернинг посбонисан.

Сен ва мен нккимиз ҳамдам бўлсак-да, мен хор, сен азизсан,

Сен ёр эшигида шодсан, мен айрилиқда маҳрум ва ғариб кишиман.

1110. Сен унинг кўчасида шитобдасан, мен биёбонларда зор-зор бўлиб юрибман.

Сен унинг кўчасида тошга бош қўйиб ётсанг, менинг бошимга бўлса фироқ тош ёғдиради.

Сен менга кўра ҳам вафода, ҳам тўғрилиқ ва ҳам хурсандликда юқорисан.



Иўқса не учун фалак хироми,  
Хор этти мени, сени кироми?

Бу шукрғаким сипеҳри хунхор,  
Қилди сени муҳтарам, мени хор,

1115. Ким соз этибон фиғонни мендин,  
Гоҳи ўп ул остонпи мендин».

Ит бирла тузуб бу можаросин,  
Ким кўрди қабиланинг қаросин.

Ошуфта ичиға юзланиб шўр,  
Қолмади юрур аёғига зўр.

Ҳарнеча юрурға саъй қилди,  
Чирмашти аёғию йиқилди.

Нечаки йиқилди, қўпти ёна,  
Ер ўпмак эди анга баҳона.

1120. Чун ҳайға йиқила-қўпа етти,  
Жон оғзига етти, ҳуши кетти.

Гаҳ ҳушида, гоҳ ҳушидин фард,  
Ҳай давриға айлар эрди новард.

Ғам хайли баланд пояси ул,  
Фитна черики талояси ул.

Ҳар лаҳза чекиб фиғони жонсўз,  
Тортиб ўтлуғ дамин жаҳонсўз.

Лайлики эди араб балоси,  
Ҳам бор эди Қайс мубталоси.

1125. Кўнглида қилиб нуҳуфта дардин,  
Фориғ бўлуб эрди хобу хўрдин.

Тун-кун ичида анинг хаёли,  
Жониға мурод анинг висоли.

Ул кеча бу чоққа тегру қайғу,  
Қўймайдур эди кўзига уйғу.

Ҳардам урар эрди зулфдек печ,  
Оғзи киби сабри йўқ эди ҳеч.

Бўлмаса фалакнинг гардиши нима учун мени хор этиб,  
сенинг мартабангни оширди?

Қонхўр дунё сени яхшилик билан ҳурматлади, мени эса хор қилди.

1115 Менинг бу фиғонларимни эсда тутиб, гоҳо ўша остонани менинг учун ўпиб тургин»

Ит билан шундай можароларни тузгандан сўнг қабиланинг қорасини кўриб қолди.

Паришон Қайснинг кўнглига бунчалик ғовғалар тушиб, юришга ҳам мажоли қолмаган эди.

Юрай-юрай деб шунча тиришса ҳам, оёғи чалишиб йиқиларди.

Неча марта йиқилса ҳам яна турар, ер ўпмоқ унинг баҳонаси эди.

1120 Йиқила-тура қабиласига етган чоқда, жони оғзига келиб, ҳушидан ҳам кетди.

Гоҳ ҳушида, гоҳ беҳуш бўлиб, қабилла атрофида айланар эди.

У қўрғон, ғамнинг жуда баланд пояси ва фитна қўшинининг кузатувчисидир.

Мнинг ҳар лаҳза чеккан фиғони жонни куйдирса, ўтлик нафаси жаҳонни куйдиради.

Тайли арабнинг балоси бўлса-да, Қайснинг мубтолоси эди.

1125 У ўз дардини кўнглига тутиб, уйқу ва овқатни ҳам унутган эди.

Чунки кеча-кундуз Қайсни ўйлаб, унинг васлига етишиш муроиди эди.

Ўша кеча шу вақтга қадар қайғу Лайлининг кўзига уйқу келтирмаган эди.

Туриб-туриб сулфидек буралар, оғзи каби сабру-қарори қолмаган эди.



Тийра қилибон кунин қаро тун,  
Ким ногаҳ эшитти бир ҳазин ун.

1130. Ул ундин ичига тоб тушди,  
Кўнглига ҳам изтироб тушти.

Қўпти доғи қўйдн ул сари гом,  
Кўнглидин итиб қарору ором.

Мажмун қабила уйқу масти,  
Илло буки ишқ пойбасти.

Беишқ улусқа ком уйқу,  
Ишқ аҳлиғадур ҳаром уйқу.

Воқиф эди доя ҳолатидин,  
Ишқ офатида малолатидин.

1135. Ҳам Қайсга эрди меҳрибон ул,  
Шавқидин этиб фидойи жон ул.

Мақтаб аро золи меҳр пеша,  
Кўнглини сўруб анинг ҳамеша.

Ҳам бу ясаб ўзни доя монанд,  
Ҳам ул мунга айлаб ўзни фарзанд.

Ул ой чу югурди, чиқти доя,  
Борди сўнгғича нечукки соя.

Ойни чекар эрди ишқ бебок,  
Ул ерга дегинки Қайс ғамнок.

1140. Бир-бирини кўргач икки дилхоҳ,  
Чектилар анингдек оташин оҳ,

Ким ўтларидин жаҳон ёрушти,  
Хирманлариға бу шуъла тушти.

Эмдики кул ўлди хирмани ҳуш,  
Беҳуш йиқилди икки мадҳуш-

Дояки бу ишқи пок кўрди,  
Ул шуълаи сўзнок кўрди.

Бу навъ икп ишқ ўтиға тафсон,  
Оғизлари ноладин садафсон.



Еруғ кун қора тунга айланган чоқда, бирдан-бир мунгли овоз эшитди.

1130. У овоздан Лайлининг ичига ўт туташди, кўнглини эса изтироб босди.

Кўнглидан қарор ва ороми йўқолиб, у овоз томон туриб, юриб кетди.

Бу пайтда бутун қабила маст уйқуда, аммо ишқ асири бўлган Лайли уйғоқ эди.

Бе ишқ улуснинг мақсади уйқу бўлса, ишқ аҳлига уйқу ҳаромдир.

Унинг ишқ офати билан тортган азобларидаш дояси хабардор эди.

1135. У доя Қайсга ҳам меҳрибон ва унинг орзусида жонни фидо қилгундек эди.

Мактабда бўлган вақтда ҳам бу меҳрибон кампир унинг аҳволдан хабар топиб турар эди.

Ҳам бу кампир ўзини онадек тутар, Қайс ҳам унинг фарзандидек бўлиб қолган эди.

У ой ташқарига чиққанда, кампир ҳам соядек унинг кети-дан борди.

Раҳмсиз ишқ бу ойни ғамли Қайс турган ергача тортар эди.

1140. У кўнгил беришганлар бир-бирларини кўргач, ўтли оҳ чекдилар.

Уларнинг ўтидан жаҳон ёруғланиб, хирмонларига шуъла тушгандек бўлди.

Уларнинг ҳуш хирмони ёниб, кул бўлгандан сўнг, иккиси беҳуш бўлиб йиқилдилар.

Доя уларга қараб бу пок ишқни ва куйдиргувчи шуълани кўрди.

Шундай қилиб бу икки ишқ ўтига қуйганлар, садаф сингарн оғизларини ноладан юмгандилар.



1145. Бўлғонда бу васл ошкоро,  
Нутқ ургали йўқ бирига ёро.

Не бу анга дарду розин айтиб,  
Не ул ғами жонгудозии айтиб.

Хуршед уёқти бўлмайин лайл,  
Девор йиқилди етмайин сайл.

Кўп ғам еди сўгвор йиғлаб,  
Иккисига зор-зор йиғлаб.

Ваҳм этдики кимса билса ногоҳ,  
Бўлғунча ул икки ўздин огоҳ.

1150. Бўлғай икисига хавфи жон ҳам,  
Бўлғай талаф икки иотавон ҳам.

Эгнида қўюб бирини ҳоли,  
Андоқки қуёшни чарх золи,

Ул ҳамлда ҳам қилиб қадин ҳам,  
Ул навъки золи чархи қадхам.

Келтурдию бистариға солди,  
Ётқуздию ёнди пўя олди.

Ул ерга дегинки Қайс бедил,  
Туфроғ уза ётмиш эрди ғофил.

1155. Куюб онадек ғамида жони,  
Ғаҳ судради, ғаҳ кўтарди они.

То чекти қабиладин йироқроқ,  
Эл ваҳму гумонидин қироқроқ.

Ким кўрса бу ҳоли бадписанди,  
Жониға тегурмағай газанди.

Девонани чун йироқ чиқорди,  
Ёндию пари қошиға борди.

Ётқурдию ётти доягона,  
То тонгла не ўйнағай замона.

1143. Шундай висол муяссар бўлган чоқда, сўзламоқ учуи қудратлари ҳам қолмаган эди.

На буниси дард-ҳасратини айта олар, на униси жонини ачитган аламини айта олур эди.

Буларнинг учрашуви, бир-бирларига яқинлашмасдан йиқилишлари, кечаси бўлмасдан қуёш ботгандек ёки сел келмасдан девор йиқилгандек бўлди.

Доя эса ҳасрат-надомат билан ҳар иккисининг аҳволига мотамзодалардек зор-зор йиғлади.

Улар то ўзларига келганча, кишилар билиб қолмасмикан деган ваҳимага тушди.

1150. Агар биров билиб қолса, бу ожизларнинг жони хавф-хатарда қолган бўларди.

Қари осмон қуёшни кўтаргандек, бу ҳам бирини орқасига астагина кўтарди.

Кампирнинг у юкни кўтаришдаги мукчайиши, қари фалакнинг эгилишига ўхшар эди.

Уни келтирибоқ, тўшакка ётқизди-ю, яна дарҳол қайтиб кетди.

Ва бедил Қайснинг ҳушсиз тупроққа ботиб ётган ернгача борди.

1153. унинг ғамида оналарча куйиб, уни дам кўтариб, дам суд-

раб, элнинг ваҳим ва гумонидан узоққа, қабиланинг чега-расига элтиб қўйди.


Бу оғир ҳолни яна кимса кўриб, унинг жонига озор бермасин деб,

у девонани узоқроққа қўйиб, пари ёнига қайтиб кетган эди.

Оналарча ётқизиб қайтди, ким билади замона эртага қандай ўйинлар чиқарар экан?

1160. Эй золи замона доду фарёд!  
Атфолинга неча зулму бедод!


1161. Бу хайлниким, ҳалок этарсен,  
Ўз бағринг эрурки чок этарсен.



110. Эй кампирга ўхшаган замона, дод дастингдан! Болалар-  
рингга тоқайгача зулм қиласан?!

116. Буларни ҳалок этиш билан ўз бағрингни чок этасан-ку!

7/11-63



Селман

18/11-1966

Селман  
3/11-81



## ЕТТИНЧИ БОБ

*Қайснинг ғойиб бўлганидан қабила аҳли хабардор бўлиб, уни бир қум ичида ҳушсиз топиб, уйга келтиргонлари ва ақли-ҳушини йўқотиб, мажнунлик билан шухрат топгани*

М

еҳнат тунидин фасона овар,  
Бу қиссаға тоқти бўйла зевар:

Ким ул кеча Қайс зори бедил,  
Ким бўлди қабила сори мойил.

Лайли ҳашамиға чун ёғушти,  
Тушти анга ҳарне ишки тушти.

1165. Кундуз кўруб уйда они ғойиб,  
Тушти элига яна масойиб.


Ҳам қилди атоси йиғламоқ соз,  
Ҳам этти аноси навҳа оғоз.

Ҳарён кишилар қилиб равона,  
Андин тиламак учун нишона.

Жамъики изин топиб саранжом,  
Лайли ҳашами сари уруб гом.

Ул пай чу етиб муҳозийн ҳай,  
Ҳайдин чиқибон яна ики пай.

1170. Бўлғоч учов иккиси узолиб,  
Қум узра анинг пишони қолиб.



### Е Т Т И Н Ч И Б О Б

*Қайснинг ғойиб бўлганидан қабила аҳли  
хабардор бўлиб, уни бир қум ичида ҳуш-  
сиз топиб, уйга келтиргонлари ва ақли-ҳу-  
шини йўқотиб, мажнунлик билан шуҳрат  
топгони*

Ғам тунидан афсоналар келтиргувчи бу қиссага шундай зебу зийнатлар берди:

Ўша кеча кўнгли яраланган Қайс Лайли қабиласи сари жўнар экан,

Лайлининг даргоҳига яқинлашган вақтида, унинг бошига турли кулфатлар тушган эди.

1165. Кундуз кuni Қайснинг ғойиблигини кўрган эл, яна мусибатга тушдилар.

Отаси ғоят қайғу-ҳасратдан йиғлаб, онаси жонсўз йиғи-сиғиларни бошлаган эди.

Ундан хабар топиш учун ҳар томонга кишилар жўнатилган эди.

Изловчилар Қайснинг Лайли уйи томон кетган изини топишгач, ўша ёққа равона бўлдилар,

у из Ҳай қабиласи чегарасига етгач, қабиладан яна икки из чиқиб қўшилганини кўрдилар.

1170. Учови из бирлашгач, қум устида иккитасининг узалиб ётганлигидан қумда нишона қолган эди.



Андоқ топибон бу хайли човуш,  
Ким бўлгон экин ул икки беҳуш

Ким қум уза қолибон нишона,  
Ёнмоглари вазъи беҳудона.

Бир ёнғони судралиб шитобон,  
Девона киби тутуб биёбон.

Бир ёнғон ўлуб ниҳон паридек,  
Ёхуд кеча меҳри ховаридек,

1175. Бир из ёнибон қабила сори,  
Келган сари-ўқ тушуб гузори

Ул жамъ билибки бўйла ҳолат,  
Не ишларга қилур далолат.

Судралган хат била тутуб йўл,  
Ким қум уза йўл ясаб эди ул.

Топиб ани қум аросида гум,  
Ел эсибу жисмини ёниб қум.

Туфроқ аро ғарқ пой то фарқ,  
Онинг била йўқ ўлук аро фарқ.

1180. Қум ичра нуҳуфта зор жисми,  
Жонсиз киби хоксор жисми.

Ул хайл этибон яқоларни чок,  
Йиғлаб боши узра зору ғамнок.

Андоқ соғинибки, гўйи они,  
Кўммишлар ўлтуруб ниҳони.

Тортиб ани туфроғини очиб,  
Туфроғини бошлариға сочиб.

Англаб бир асири дарду оҳи,  
Оғзиға нафас келурни гоҳи.

1185. Шукр айлабон ўлдилар яна шод,  
Девона кўнгулни айлаб обод.

Тонгиб биров устига ани руст,  
Азм айладилар қабилаға чуст.



Бундан хабардор бўлган қидиргучилар «бу икки беҳуш бўлганлар кимлар эканлар?» деган ўйга тушдилар.

Бу келган изларнинг қайтиши эса мастларнинг қадами сингари чалами-чакки эди.

Бири девона каби тез биёбан томон судралиб, қайтиб кет-

ган бўлса, бири ғойиб бўлган паридек, ёки тунда қуёш ботгандек.

1175. Қабиладан келган яна бир изнинг, қабила томонга қайтгани маълум бўлди.

Қидиргучилар учун бу аҳвол, уларнинг нима қилишлари кераклигига далолат берар эди.

Улар қумда судралиб кетган излар орқасидан йўл солдилар.

Қайсни қумлар орасида кўмилган ҳолда топдилар, шамол учирган қумлар унинг жисмини кўмиб кетган экан.

У бошдан оёғигача тупроққа кўмилганидан, у билан ўликнинг фарқи қолмаган эди.

1180. Унинг қум ичига кўмилган ва азобланган жисми тупроқ каби жонсиз эди.

Қидиргучи кишилар унинг бошида ёқаларини чок қилиб зор-зор йиғлардилар.

Улар, гўё уни яширинча ўлдириб кўмганмикинлар деб ўйладилар.

Тупроқларни очиб ва бошларига сочиб, уни тортиб олар эканлар,

уларнинг орасидан бир дардга асир бўлган, унинг гоҳ-гоҳ нафас олишини сезиб қолди.

1185. Шукур қилиб яна шод бўлдилар, вайрона кўнгилларини обод қилдилар.

Қайсни бир кишининг устига танғиб, қабила томон жўнадилар.



Ҳолин кўрубон бу иавъ отоси,  
Инғлоднию голиб ўлди ёси.

Айлаб онаси дағи фиғонлар,  
Кўздин тўкубон юзига қонлар.

То қўпти келиб димоғига ҳуш,  
Боши қуйи эрди оғзи хомуш.

1190. Уз ҳолида кўрмайин саломат,  
Эл ҳар саридип қилиб маломат.

Ул дебки: «Сенга бу не ҳавасдур»,  
Бу деб: «Ҳавас ўлса мунча басдур».

Ҳар ёндин ўлуб насихат ангез,  
Ҳар панд анга бир синони хунрез.

Қаттиғ сўз илаки панд этиб фош,  
Девона бошига ёғдуруб тош.

Бу тошки зоҳир ўлмай отиб,  
Тап йўқки сўнгаларин ушотиб.

1195. Бу деди: «Керак қулоғига панд»,  
Ул деди: «Керак аёғига банд».

Ул кун дағи бўлди сўз била кеч,  
Ошуфта йигитга йўқ хабар ҳеч.

Не зажр мизожи ичра нохуш,  
Не лутф табиати аро хуш.

То даҳр ёшурди кун чароғин,  
Савдозада қилди тун димоғин.

Эл айлабон уйқу сори оҳанг,  
Савдо қилиб они уйда дилтанг.

1200. Секриб чиқибон қабиладин тез,  
Дилбар ҳашами сори солиб хез.

Тонгда яна зору нотавонлар,  
Ҳарён югуриб қилиб фиғонлар.

Топиб яна они зору маҳзун,  
Дард ичра бурунғидин ҳам афзун.

Унинг бундай аҳволини кўрган ота йиғлади ва маъюслиги кучайди.

Онаси ҳам фиғонлар тортиб, кўзидаи юзларига қонлар оқизди.

Қайс ҳушига келгач, турди-да, бошини қуйи солиб жим ўтирди.

1190. Узининг саломат эмаслигини билар, эл эса ҳар ёқдан уни маломат қилар эдилар.

Бири: «бу сенга нима ҳавасдир» деса, яна бири «ҳавас бўлса шунчаси ҳам басдир-да» деярди.

Ҳар томондан айтилган таънали сўзлар ва насихатлар унга қон тўқувчи найзадек ботар эди.

Насихат тариқасида айтилган қаттиқ сўзлар девонанинг бошига тошдек ёғилар эди.

Кўзга кўринмасдан отилган бу тошлар, унинг танинигина эмас, ҳатто суякларини ҳам майдалар эди.

1195. «Баъзиларни — қулоғига панду насихат қилиш керак» десалар, баъзилари — «оёғига кишан солиш керак» дердилар.

Уша куни шуидай сўзлар билан кеч бўлди, лекин ошифта йигитнинг бу сўзлардан хабарни ҳам йўқ эди (ҳушсиз эди).

На унинг руҳига қийналиш малол келар эди, на табиатиға хурсандлик ёқар эди.

Олам кун чироғини яширгач, тун ҳам чуқур ғамгинликка тушди.

Эл ухлашга киргаида, унинг бошига тушган савдо, уйда кўнглини сиқа бошлади.

1200. Қабиладан тез чиқиб, дилбарининг ҳашамига қараб югурди.

Тонг отгач яна у бечоралар фиғонлар билан ҳар томонга югурдилар.

Уни яна дард ичида, аввалгидан ортиқ хўр ва ғамгии ҳолда топдилар.



Ҳар тун бу сифат анинг фирори,  
Ҳар кун бу бўлуб алар шиори.

Чун ошти қиёсдин балоси,  
Ислоҳдин ўтти можароси.

<sup>1205.</sup> Девонаға ҳуш аҳлидин панд,  
Мажнун сўзидур доғи хирадманд.

Ҳар лаҳза ошиб анинг балоси,  
Ҳар кун тилабон анинг давоси.

Тадбирида эл фусуни ошиб,  
Дам бирла ўти багар тутошиб.

Ожиз бўлубон ото-оноси,  
Балким бори хайлу ақрабоси.

Носиҳлари дам-бадам забунроқ,  
Савдоси замон-замон фузунроқ.

<sup>1210.</sup> Эл етмоғида чу бўлдилар суст,  
Ул доғи жунунин айлади руст.

Савдо қилиб они мухталиф ҳол,  
Тинмай югуриб сўнгича атфол.

«Мажнун» била айлабон хитобин,  
Ким ҳарие деса бериб жавобин.

Эл деб чу етишса ул жигар хун:  
«Келди Мажнуну, келди Мажнун».

Ул бўлуб отип билуридин ёт,  
Муидин доғиким, не нимадур от.

<sup>1215.</sup> Уз отню қавму хайли оти,  
Йўқ ёдида ғайри Лайли оти.

«Лайли, Лайли» дебон чекиб ун,  
Эл деб: «Мажнундур, ушбу Мажнун».

Бу сурат ила ҳар сабоҳу ҳар шом,  
Лайли ҳашами сори уруб гом.

Атрофиға эврулуб неча давр,  
Уз кўксига тошдин қилиб жавр.

Ҳар кеча унинг шиори шу зайилда қочиш бўлиб, ота-оналарининг иши уни қидириш бўлиб қолди.

Бошига тушган балолар ҳаддан ошиб, бу можарони тузатиш қийинлашиб қолди.

1205. Ҳушёр одамларнинг девонага қилган насихатлари, девонанинг оқил кишиларга сўзлаганидек кўринар эди.

Ҳар кун унинг давосини ахтарардилар, лекин унинг балоси ҳар лаҳза ошар эди.

Тузатиш учун қанча сиҳр ва «куф-суф»лар ишлатсалар-да, у дам билан ўти багтар тугашарди.

Бу аҳволдан ота-онаси ва бутун ҳешу-ақраболари ожиз эдилар.

Насихатчилари доимо ундан енгилар, савдоси эса борган сари ортар эди.

1210. Эл унинг дардига даво топишда кучсиз бўлса, унинг жунуни шу қадар ортарди.

Бу савдолар уни турли ҳолларга солганидан, болалар ҳам унинг кетидан югуришиб,

Уни Мажнун деб айтишар, у ҳам ким нима деса жавоб қайтарар эди.

Эл у жигари қон бўлган бечорани кўрганда: «Мажнун келди, Мажнун келди» дердилар.

Мажнун ўз отини ҳам унутган эди, балки от ўзи нима эканини ҳам билмасди.

1215. Лайланинг отидан бошқа ўзининг ва қовми-қариндошларининг оти ҳам ёдига келмас эди.

Қайс — «Лайли, Лайли» деб фарёд чекса, эл уни «Мажнундир, ушбу Мажнун» дердилар.

Шу зайилда ҳар тонг ва шомда у Лайли уйи томон борар,

Қабиласи атрофидан айланиб, кўксига тош уриб, ўзини жабрлар эди.



Ҳар гомки кўксига уруб тош,  
Аввал қадам ўрнига қўюб бош.

1220. Ҳар даврда деб: «Тўкулса қоним,  
Ким садқа қабиласиға жоним».

Андин сўнг ашкидин тўкуб сайл,  
Саҳро сори чуи қилур эди майл.

Манзури қабилан дилором,  
Сайр ичра кейин-кейин уруб гом.

Улдамки ароға кирса ҳойил,  
Бўлур эди дашт сори мойил.

---

Эй даштин айлаган ватангоҳ,  
Йўл озмишам, ўл замони огоҳ.

1225. Қолдим ўропишда, тут қўлумин,  
Кўргуз карам айлабон йўлумин.



Ҳар қадамда кўксига тош уриб, қадам ўрнига бошини қўярди.

1220. Ҳар айланишда — «Агар қоним тўкилса, қабиласига жоним фидо бўлсин» дерди.

Бундан сўнг кўз ёшларини селдек оқизиб, саҳро томон майл этар эди.


Ўзига манзур бўлган дилором қабиласидан аста-аста орқасига тисарилиб кетарди.

Агар ўртага бирон тўсқинлик кирса, дашт сари ўгирилиб кетар эди.

---

Эй ишқ даштини ватан қилган! Йўлимдан адашдим, бир оз қараб қўйгин.

1225. Чарчадим, мадад қилиб қўлимдан тутгин ва менга йўл кўрсатиб қарам қилгин.





### САККИЗИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг ошиқлигидан Лайлининг отаси хабардор бўлиб, Мажнуннинг отасига аччиқ, заҳарли сўзлар билан ҳужум қилгони, бу сўзлар таъсиридан Мажнуннинг отаси ўғлини кишанга солгони*

Б

у сафҳани айлагап нигориш,  
Афсона бу навъ этар гузориш:

Ким қилди чу гардиши замона,  
Мажнун сўзин эл аро фасона.

Ҳарким тилига бу эрди мазкур,  
То барча Арабда бўлди машҳур.

Лайли отасига ҳам ниҳони,  
Арз этти бир-икки меҳрибони

<sup>1230</sup> Ким: «Омир элида Қайс бадрўз,  
Бу ҳайдаки эрди донишомуз.

Топиб илму хирадға паїванд,  
Ҳам олим эдию, ҳам хирадманд.

Бўлмиш боридин фароғи гўё,  
Хабт этмиш анинг димоғи гўё.

Дашт узра фиғон қилиб ҳамеша,  
Кезмак анга бўлмиш эмди пеша.

Ошуфталиғига йўқ ниҳоят,  
Девоналиғига ҳадду ғоят.





### САККИЗИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг ошиқлигидан Лайлининг отаси  
хабардор бўлиб, Мажнуннинг отасига ач-  
чиқ, заҳарли сўзлар билан ҳужум қилгани,  
бу сўзлар таъсиридан Мажнуннинг отаси  
ўғлини кишанга солгани*

Бу манзарани безовчи ўз афсонасини шундай баён этади:

Замонанинг гардиши Мажнун ҳақидаги сўзни эл ичида афсонага айлантирди.

Унинг қилмишлари тилдан-тилга кўчиб, бутун Арабистонга ёйилиб кетди.

Бу сирларни Лайли отасининг бир-икки дўстлари билиб, унга чақдилар.

120. «Омир қабиласидаги бахти қаро Қайс бу қабиллага келиб илм ўрганиб,

илм ҳунарга эга бўлиб, ҳам олим, ақл эгаси бўлган эди.

У ҳозир ақлдан адашиб, гўё ҳамма нарсадан воз кечибди.

Дашту саҳроларда фиғон тортиб кезиб юриш, унга одат бўлибди.

Ғоятда сарсон ва паришон бўлиб, девоналиги ҳам беҳад зўрайибди.



1235. Лекин эл аро будур иборат,  
Ким ақлу ҳавосиға бу ғорат.

Бир ишқ ғаму балосидиндур,  
Бир ҳур сифат ҳавосидиндур».

Сомия чу эшитти бўлди ғамгин,  
Тишлаб илигин дедик: «Мискин!

Таърифида кўп ўтар эди сўз,  
Гўёки анга тегурдилар кўз.

Бас қобил эдию дилписанд ул,  
Озодавашу ниёзманд ул.

1240. Ақли комилу каломи маъқул,  
Бор эрди менга ҳам асру мақбул.

Не эркин анинг атоси ҳоли,  
Бечора аносининг малолли?

Не ўтдин экин бу тоби оё,  
Кўнгли аро изтироби оё?

Қай гулдин экин бу хорхори.  
Қай сарвдин ашки жўйбори?

Бу ҳолиға ким васила эркин  
Қиблагаҳи не қабила эркин?»

1245. Нокил деди: «Эй хужаста сурат!  
Чун сўрдунг эрур демак зарурат;

Бу ишқ гар ўлса зишт ё хўб,  
Айларлар улус бу ҳайға мансуб.

Гўёки улус гумони жупдур.  
Ким бу ишига далил кўпдур.

Бу даштда кўпдурур қабойил.  
Ким кўнгли эмас бирига мойил.

Лекин анга ҳар сабоҳу ҳар шом,  
Етмай бу қабилаға йўқ ором.

1250. Ҳам қиблаи жони бу қабила,  
Ҳам жону жаҳони бу қабила.



1235. Лекин эл орасида шундай сўз тарқалганки, унинг ақли ва ҳушига толон солган,

бир ҳур сифат гўзал ишқининг гами балосидан эмиш».

Лайлининг отаси бу сўзларни эшитгач, ҳайрат бармоқларин тишлаб деди: «Эй бечора!

уни кўп мақташар эдилар, гўё унга кўз тегдирдилар.

У қобил, ювош, назокатли, кўнгли очиқ бечорапарвар эди.

1240. Унинг ақли расолиги, ширин сўзлиги менга ҳам жуда маъқул тушган эди.

Энди отасининг ҳоли нима бўлиб, бечора онаси қандай азоблар тортаётган экан?

Унинг бунчалик тобланиши қайси ўтдан ва кўнглидаги изтироби нимадан бўлса экан?

Қайси гулнинг тикани унга санчилган, қайси сарв қомат унинг кўз ёшларини сувдек оқизган экан?

Унинг бу ҳолига сабабчи ким, ва унинг сиғинадигани қайси қабила экан?»

1245. Сўзловчи деди: «Эй азиз муҳтарам! Модомики сен сўрар экансан, жавоб бериш ҳам бурчимиздир.

Унинг ишқи ёмонми, яхшими, ҳар ҳолда, халқ бизнинг қабилага нисбат бермоқдалар.

Элнинг гумони тўғри бўлса керак, бунинг учун далил ҳам кўпдир,

Бу даштда қабила жуда кўп, унинг кўнгли бирига ҳам чопмайди.

Лекин унинг ҳар шом ва ҳар саҳар бу қабилага келмасдан ороми йўқ.

1250. Ҳам қиблайи жони, ҳам жони жаҳони шу қабила бўлган.



Бу ҳужла эрур ҳарими иффат,  
Эсмай анга жуз насими иффат.

Атрофида пардалар намуди,  
Исмағ била зухд тору пуди.

Лек охи ели етишса бебок,  
Кўк пардаси бўлса ҳам қилур чок.

Алфғопила барча беҳабарлиқ,  
Алфозида барча пардадарлиқ.

1255. Табъи хушу назми ҳам равондур,  
Андоқки сенга дағи аёндур.

Назмида бори бир исм мазкур,  
Ким эрмас зикри бизга мақдур.

Биз айттуқ эмди сен билурсен,  
Бу ишта не фикрким қилурсен».

Эшитгучи билдиким недур ҳол,  
Тўлғонди ўзига ўйлаким нол.

Бошин тутуб ўлди бир замон геч,  
Сўз демади яхши, ё ёмон ҳеч.

1260. Чун яхши тааммул этти лахте,  
Тил чекти нечукки шўр бахте.

Ноқилға дедик: «Тез уруб гом,  
Қил саййиди омирийға нъллом:

Ким бўйла ҳадиси номуносиб,  
Не бизгаву, не сенга муносиб.

Бор эрмиш улус тилида жори,  
Сендин бу ажаб кўрунди бори.

Ким мундоқ иш англаб ошкоро,  
Бу чоққача айладинг мадоро,

1255. Ким топса эди жунунға пайванд,  
Мажнунға илож банд эрур, банд.

Билмангму шукуху савлатимни,  
Аъроб аро молу шавкатимии?

Бу қабила иффат ҳарамии эди, бунга иффат насимидан бошқа нарса аралашмас эди.

Унинг атрофида пардалар ва унинг орқоқ ва ўриши поклик ва зуҳддан эди.

Лекин унинг қўрқмас оҳи кўк пардаларни ҳам парчалаб юборди.

Унинг ҳамма фиғонлари беҳабарларча, лекин сўзлари одоб доирасида.

1255. Табининг яхшилиги, назмининг равонлиги санга ҳам маълумдир.

Унинг назмида бир исм такрорланадиги, уни сенга айтиш учун бизда қудрат йўқдир.

Биз билганимизни айтдик, уёғи сенинг ихтиёрингдадир».

Бу сўзларни эшитгучи, бу аҳволдан беҳузур бўлиб, нолдик тўлғонди.

Бошини қуйи солиб турди, яхши ҳам, ёмон ҳам бирор сўз айтмади.

1260. Бир оз сабр этгач, шўр пешоналардек сўзлай бошлади.

Уларга шундай деди: «Омир қабиласининг бошлиғига тездан бориб айтинг:

Бундай сўзлар сенга ҳам, бизга ҳам муносиб эмас.

Эл оғзида тарқалган бу ажиб ҳолларнинг сендан бўлиши қизиқ кўринди.

Шундай ишнинг ошқора ҳолда эканини билсанг ҳам шу чоққача индамагансан.

1265. Қимки жиннилик билан иш қилар экан, ундай одамни кишанлаш даркор!

Шочи-шовкатимни ва араблар орасидаги молу давлатимни билмайсанми?



Ҳам ўғлунга, ҳам сенга билурмен,  
Ким ҳарне қилай десам қилурмен.

Лекин сенга бу тағофул ўлмиш.  
Ғафлат юзидин тажоҳул ўлмиш

Қил забтин анинг чу бўлдунг огоҳ,  
Мундин нориким, наузу биллоҳ!..

1270. Бўлса яна бўйла амр зоҳир,  
Аввал ани айлағумдур охир.

Сўнгра сенга доғи қаҳр сургум,  
Хайлингни бу даштдин итургум!»

Бу қаҳр ўқидин чекиб забона,  
Сўз ҳомилини айлади равона.

Қосид келибон анинг паёмин,  
Айтур кишига деди тамомин.

Соминь чу эшитти сўз ҳисобин,  
Сўз топмади дегали жавобин.

1275. Кўнглини ул иш малул қилди,  
Чора йўқ эди — қабул қилди.

Қосид қўпубон чу бўлди раҳқўб,  
Тушти бу қабила ичра ошуб.

Тўш-тўшқа чиқиб бори қабила,  
Мажнунға топиб йнғор васила.

Топиб ани бир қум ичра нолон,  
Қилғон кишидек қароқчи толон.

Дашт узра анга қарор бермай,  
Келтурдилар ихтиёр бермай.

1280. Солдилар ани уй ичра бехуд,  
Занжир ила айлабон муқайяд.

Андоми салосил ичра маҳқам,  
Ҳар силсила печ-печу, ҳам-хам.

Ўғлингни ҳам, сеии ҳам, нима қиламан десам қиламан.

Лекин сен буни билмасдан, нодонларча ғафлатда қолибсан.

Бу сўзларимни эшитгач, ўғлингни албатта қўлга олгин!  
Бундан кейин, худо кўрсатмасин!

1270. Агар шундай ишлар яна такрорланса, аввал унинг масаласини ҳал қиламан.

Ўзингни ҳам қаҳримга олиб, бутун авлодинг билан бу даштдан йўқогаман!»

У шундай қаҳрли сўз ўқларин сочиб, элчиларни равона қилди

Элчилар унинг сўзларини Мажнуннинг отасига битта-битта айтиб бердилар.

Эшитувчи бу сўзларни англаб, жавоб қайтариш учун сўз тополмади.

1275. Бу ишдан унинг кўнгли ранжиди, лекин чорасизликдан қабул қилди.

Элчилар туриб орқаларига қайтгач, бу қабилага нотинчлик тушди.

Бутун қабила аҳли, Мажнунни қидириш учун, тўш-тўшга югурдилар,

Уни қароқчи талаган кишидек бир қум ичида нола қилиб ётгани ҳолда тондилар.

Унинг даштда қолишига йўл бермай, ўз ихтиёрига қўймасдан келтирдилар.


1280. Мажнунни беҳуд ҳолича занжирга солиб, бир уйга қамаб қўйдилар.

Унинг бутун гавдаси занжирбанд этилган, занжир ҳалқалари ҳам ўралган ва эгилган эдилар.




Эй силсилаи жунун аро банд!  
Бўлғил бу салосил ичра хурсанд.

<sup>1283</sup>. Бу қайд ила кимки шол бўлди,  
Мустважиби юз кушод бўлди.



Эй жунун занжирига боғланган! Бу занжир орасида шод бўлгин.

1283. Кимки бу занжирла хурсанд бўлса, юз мартаба озод бўлишга сазовор бўлади.





### ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг фироқ ва ҳижрон тануридаги ўтдек тўлғингони, тузоққа тушган қушдек изтироб чеккони ва ҳақилнинг дори дармонларидан дардининг баттар кучайгани ва кўнгли ўтининг таъсиридан занжирларнинг сувдек эриб, Мажнуннинг саҳро сари азм этгани*

**Б**

у халқа аро асири қуллоб,  
Сўз риштасидин бу навъ очар тоб:

<sup>1285.</sup> Ким телба чу бўлди банд асири,  
Ул банд аро юз газанд асири.

Бир неча кун уйда эрди побаст.  
Фарёд анга гаҳ баланду, гоҳ паст.

Йўқ кундузу кеча хўрду хоби,  
Дом ичида қушдек изтироби.


Уйқу кўзидин тутуб канора,  
Ҳар кирпики уйқуга катора.

Ул кўзда не навъ турғай уйқу,  
Ким бир нафас анда турмағай сув.

<sup>1290.</sup> Кўнгли аро ҳушдин хабар йўқ,  
Не ҳушки кўнглидин асар йўқ.

Қолмай чу солиб бало ўти жўш,  
Танда кўнгулу кўнгул аро ҳуш.

Савдо ўтидин ёниб чароғи,  
Дудиға мақар бўлуб димоғи.



### ТУҶҚИЗИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг фироқ ва ҳижрон тануридаги ўтдек тўлғангони, тузоққа тушган қушдек изтироб чеккони ва ҳақимнинг дори-дармонларидан дирдининг баттар кўчайгони ва кўнгли ўтининг таъсиридан занжирларнинг сувдек эриб, Мажнуннинг саҳро сари азм этгони*

Бу ҳалқага илиниб асир бўлган киши, сўз ипларининг чагалларини шундай очади:

1285. Занжирбанд бўлган телба юз хил офат ва бахтсизликларнинг асири бўлган эди.

Бир неча кун уйда оёқлари боғлиқ ётди, гоҳ фарёди баланд, гоҳ наса бўларди.

Кеча-қундузлари на овқат ер, на ухларди, гўё тузоққа тушган қушдек изтиробда эди.

Уйқу кўзидан қочиб, ҳар киприги уйқуга қарши бир ханжар бўлган эди.

Сув бир нафас ҳам туролмаган у кўзда, қандай қилиб уйқу тура олсин.

1290. Кўнгли аро ҳушдан хабар йўқ, чунки унда кўнгилнинг ўзидан ҳам асар йўқ эди.

Бало ўтининг шиддатидан, танида кўнгли ва кўнглида ҳуши ҳам қолмаганди.

Лайли савдосининг ўтидан чироғи ёниб, унинг тутунлари эса Мажнуннинг ҳушини ўраб олган эди.



Бу дуд чу ул уй ичра ортиб,  
Тақвою хирад юзин қарортиб.

Эмдики бу икки тошибон рахт,  
Анда урубон жуиуи шаҳи тахт.

1296. Ул дуд бўлуб сипоҳи савдо,  
Ҳардам солиб ул сипоҳ ғавғо.

Бу навъ димоғи ичра ошўб,  
Кўнглини жунун этиб лагадкўб.

Ғам ханжари бирла ёра кўнгли,  
Не ёраки, пора-пора кўнгли.

Онинг бу сифат ғаму балоси,  
Бу турфаки нотавон атоси.

Боши уза келтуруб ҳакими,  
Ким бергай анга умеду бийми.

1300. Ул ишқ балосидин хабарсиз,  
Кўнгли бу забонадин шарарсиз.

Англаб чу табиб изтироби,  
Ҳар лаҳза анга қилиб азоби,

Ғаҳ нукта суруб насиҳатомиз,  
Утин бу нафасдин айлабон тез.

Шарбат ичарин ирода айлаб,  
Қон ютмоғини зиёда айлаб.

Берганда ғизо олур учун баҳр,  
Оғзиға наволалар келиб заҳр.

1305. Чун манъ этиб ашки хуфшонип,  
Афзун қилиб оҳ ило фиғонин.

Чун дебки: «фиғонни айлагил кам»  
Қон ёши бўлуб фузун дамодам.

Гоҳики ёғоч олиб, уруб руст,  
Кулгу қилибон раמידани суст.

Чун кулгусидин топиб хиҷолат,  
Йиғламоғи еткуруб малолат.

Бу тутунларнинг тобора ортиши ундаги тақво ва ақл юзидан ҳам қорайтирар эди.

Ақл билан кўнгил юкини ташиб кетгандан сўнг, унинг ўрнида тентакликнинг подшоҳи тахт қурган эди.

1295. Савдо ўтининг тутунлари қўшин тортиб, ҳар дам ғавғо солар эди.

Шу тарзда унинг фикри ғавғоларга тўлиб, кўнгилни жунун топтаган эди.

Ғам ханжари билан кўнгил яраланган, балки пора-пора бўлган эди.

Унинг ғам ва балолари шу зайлда, қизиғи шундаки нотавон отаси,

умидворлик билан бошига ҳақим — табиб келтирди.

1300. Лекин у ҳақим на ишқ офатидан хабардор ва на кўнгилда ишқ алангасининг учқунлари бор эди.

Мажнуннинг изтиробини англаган табиб, борган сари унга азоб берар эди.

Гоҳ насихатомуз сўзлар билан унинг ўтини шу нафасдан яна оширар.

Мажнунни шарбат ичишга даъват қилиб, унинг қон ютишини оширар эди.

Мажнунга баҳра олсин учун берилган овқатлар унга зарarli луқмалардай бўларди.

1305. Қонли кўз ёш оқизишни ман этиб, унинг оқ ва фиғонларини яна ҳам орттирар эди.

«Кўп фиғон тортма!» деса, унинг қонли ёшлари борган сари ортарди.

Табиб эса унинг жинини қувмоқчи бўлиб калтақлар, лекин у кулги билан қолдан кетарди.

Унинг кулгисидан хижолатда қолган табиб, йиғисидан ҳам малолланар эди.



Ҳар лаҳза анга қилиб жафойи,  
Кўрмак ани хастага балойи.

1310. Фаҳм айламайин ҳакими бедард,  
Ким ўртар ани не сўзу, не дард.

Пайкондин этай дебон танин пок,  
Жисмин қилур эрди ҳар тараф чок.

Бу чок тикарга меҳрибонлар,  
Игна чекибон демай, синонлар.

Пайкон учун ул танини ёриб,  
Тикмакка бу хайл ўқ чиқориб.

Жаврида буларға бу тақуи,  
Пайкон худ ўлуб ғам ўтидин сув.

1315. Ул сувлар оқиб борн кўзидин,  
Бечора судек бориб ўзидин.

Гаҳ ўзида, гоҳ йўқ ўзида,  
Гаҳ сув, гаҳ қон анинг кўзида.

Бу иавъ эди неча вақт ҳоли,  
Лаҳза-лаҳза ошиб малоли.

Бир тунки сипеҳри зулмат андуд,  
Қун сафҳасин этти анбаролуд.

Ваҳ тун демаким қаро балойи,  
Қун ганжини кўмган аждаҳойи.

1320. Ғам дўзахининг бухор уди,  
Оташкадан фироқ дуди.

Дудидин ўлуб малак сияҳбол,  
Тулидин ўлуб фалак куҳансол.

Тонг булбули тумшуғин тутуб руст,  
Хуффош қанотларин қилиб суст.

Бир учи унутуб ибтидонн,  
Бир учи соғинмай шитиҳони.

Тун йўқки, қоронғу меҳнатобод,  
Ошиқлару хасталарға жаллод.

Унга шундай жафолар берганидан табиб Мажнунга бало-дек кўринар эди.

1310. Бедард ҳаким Мажнуннинг қандай ўтда ёнишини ва қандай дарддан жафо чекнишини англамас эди.

Мажнун танини ишқ найзаларидан халос этаман деган табиб, унинг жисмини яна чок-чок этар эди.

Бу чокларни тикадиган меҳрибонлар, игна билан эмас, балки найза билан тикардилар.

Ўқ учларини топаман деб табиб баданини ёрган бўлса, бу кишилар уни тикмоқ учун ўқ келтирдилар.

Булар ўқ ахтариб, овора бўлардилар, ҳолбуки ўқ ҳам ўтида эриб, сув бўлган эди.

1315. У сувларнинг бариси унинг кўзидан оқар, у бечора ҳам шу кўз ёшларидек оқиб борар эди.

У гоҳ ўзидан кетар, гоҳ ўзига келар, кўзларидан эса, гоҳ сув, гоҳ қон оқар эди.

Неча вақтгача унинг аҳволи шу тарзда бўлиб, лаҳза сайин кулфати ортарди.

Зулмат сочгучи фалак бир кеча, кун варақларини қорайтирар эди.

Бу тун эмас, балки қора бало, кундуз хазинасини босиб олган аждаҳодир.

1320. Ғам дўзахининг қоп-қора буғи, айрилиқ оташхонасининг қуруми эди.

Бу тутунлардан малакнинг қанотлари қорайиб, кеча узунлигидан осмон ҳам қартайган эди.

Шу узун кеча тонг булбулининг тумшугини боғлар, кўршапалакларнинг ҳам қанотларини суслантирарди.

Бу кеча аввалини унутганидек, охиричи ҳам соғинмас эди.

Бу кеча эмас, балки ошиқ ва дардмандларни азоблаб ўлдиргучи жаллоддир.





1325. Ҳар телбаки нотавони савдо,  
Ул кеча анга жаҳони савдо.

Бедардин масти хоб қилғон,  
Дард аҳли ишин хароб қилғон.

Бу кечада дардманди маҳзун,  
Ҳижрон тунининг асири Мажнун.

Ўз ҳолиға чун тааммул этти,  
Ғам барқи вужудини кул этти.

Ўз ҳолиға қилди навҳа оғоз,  
Ҳар дардиға бўлди навҳапардоз

1330. Қим: «Бўлмаса неткай эрди будум.  
Ё бўлса эди адам вужудум.

Мен хастани айламакта мавжуд,  
Не эрди экин қозоға мақсуд.

Жисмимға қадарки руҳ берди,  
Бермаса эди не бўлғай эрди?

Чун жисмима руҳ бўлди йўлдош,  
Тўққон нафас ўлсам эрди эй кош.

Маълум этибон чу ўлганимни,  
Ит олиға солибон танимни.

1335. Жонимни халос этиб аюдин,  
Қутқорсалар эрди минг балодин.

Жисмимни талашса эрди итлар,  
Қонимни ялашса эрди итлар.

Қут айласа қону рағларимни,  
Чайнаб, ушотиб сўнгақларимни.

Ул туъманинг устида улушуб,  
Қут айласалар эди урушуб.

Бал ит дағи ҳайф бу ғизоға,  
Солмоқ недур итни ҳам балоға.

1340. Ит жисмимаким тиш ургай эрди,  
Ургон нафас-ўқ қутурғай эрди.

1325. Севги билан телбаланган ҳар бир нотовонга бу кеча қорон-  
ғу бир жаҳон эди.

Бу кеча бедардларни маст уйқуга солиб, дард аҳлининг  
ишини хароб қилган эди.

Бу кечада, дардли маҳзун, яъни ҳижрон тунига асир тушган  
Мажнун,

ўз аҳволини ўйлади, ғам чақини тегиб унинг вужудини  
кул қилди.

Ўз ҳолига йиғлаб, ҳар бир дардини шундай мунглар билан  
тасвирлади:

1330. «Борлигим бўлмаса нима бўларди, ёки вужудим йўқ бўлиб  
кетса бўлмасмиди?»

Мен хастанни яратиб, балоларга дучор этишдан қазонинг  
мақсади нима экан?

Жисмимга руҳ бериб қўйибди, шуни бермаса нима бўлар  
эди?

Жисмимга жон кирган чоқ, туғилган вақтдаёқ кошки ўл-  
сам эди.

Ўлганимни кўришгач, танларимни ит олдига ташлаб,

1335. жонимни бу машаққатлардан халос этиб, бу балолардан  
қутқазсалар, нима бўларди?

Танимни итлар талашиб, қонимни ялашсалар эди.

Қон ва томирларимдан баҳраланиб, суякларимни чайнаб,  
ушатсалар эди.

Бу таомнинг устида галалашиб ва уриш-талаш билан  
есалар эди.

Балки бу овқатга ит ҳам ҳайф, уни ҳам балога дучор  
этишнинг нима кераги бор.

1340. Ит танимни тишлаганда, шу ондаёқ қутуриб,



Телба бўлуб ўт жаҳонга солиб,  
Юз хастаи нотавонга солиб.

Тор айлаб ўкуш нафас чароғи,  
Ўлтургай эдилар они доғи.

Авло бу эдики шайн бошлаб,  
Куйдурсалар эрди ўтқа ташлаб.

Ул ўт аро печу тоб бирла,  
Куйса эди изтироб бирла.

1145. Қолғоч кули ўт аро нишони,  
Совурсалар эрди кўкка они .

Ул кўкка дағи етиб касофат,  
Бўлғай эди шояд анда офат.

Эмдики не бу ва не ул ўлди,  
Жисмимға бақо сори йўл ўлди.

Етмас бурун ишқдин зўр,  
Кош ўлғай эди ики кўзум кўр.

Изҳор этибон бу бенаволиқ,  
Қилсам эди қут учун гадолиқ.

1350. Мўхтож бўлуб илик-иликка,  
Сайр этсам эди эшик-эшикка.

Бир луқмаға мен бўлуб балокаш,  
Бир луқмахўр олима асокаш.

Бу ҳодисаи ҳалок ичинда,  
Онсиз йиқилиб мағок ичинда.

Тортиб бу машаққату балони,  
Кўрмагай эдим бу ибтилонни.

Кўздин бу аноға учрамишмен,  
Юз дарди балоға учрамишмен.

1355. Бўлмаса ул икки мотамангез,  
Бошимға ики балойи хунрез.

Бўлғайму эдим назарда маъзур,  
Қилғайму эдим кишини манзур

Телба бўлар, жаҳонга ва юзларча хаста нотовонларга ўт солар эди.

У вақт улус, ит нафасининг чироғини қорайтириб, уни ҳам тутиб ўлдирар эди.

Энг яхшиси мени тўполон ва ғавғо билан ўтга ташлаб куйдириш эди.

У ўт ичида таним буралиб, қийналиб куйса яхши бўлар эди.

1345. Ўтдан шишона бўлиб қолган кулни ҳам кўкка совурсалар эди.

Ул чоқ куллар кўкка чиқиб офат булутига айланар эдилар, балки у ерда ҳам бирор бахтсизлик рўй берарди.

Энди эса у ҳам бўлмади, бу ҳам, аттанг, вужудим тириклик сари йўл солди.

Ишқнинг кучини кўрмасдан бурун, икки кўзим кошки кўр бўлса эди.

Ўз бенаволигимни изҳор қилиб, бир парча нон учун гадолик қилсам эди.

1350. Кишиларнинг қўлларига муҳтож бўлиб, эшикма-эшик юрсам эди.

Бир луқмани деб мен бало чексам, яна бир луқмахўр менга асокаш бўлса.

Бу ҳалоқат ҳодисалари ичида, етакчисиз бир қоп-қоронғу чуқурга йиқилганимда,

Шундай машаққат ва балоларни тортиб, бу хилда ишқ аламларига гирифтор бўлмасдим.

Шу кўзим туфайлидан шундай қайғу ва юзларча дард, балоларга учрадим.

1355. Шу икки мотам келтиргучи ва бошимга битган икки қон тўкувчи бало бўлмаганда,

бировга қарармидим, ва кишини манзур қилармидим.



Машъуф бўлуб назар ишига,  
Бергайму эдим кўнгул кишига.

Хосса, не кишики, жон балоси,  
Не жонки, бари жаҳон балоси.

Улким ел агар очиб ниқобин,  
Кўргызса жамоли офтобин.

1360 Бир ламъадин ўт жаҳонга тушгай,  
Балким тўқуз осмонга тушгай.

Ул ўт ичида қуёш фатири,  
Ойни не дейинки, қурс қийри.

Мен даҳрда бир заиф хасмен,  
Ким жисмда хасча ҳам эмасмен.

Кўз кўрмак ила йиғиб ҳавасни,  
Ул ўтга ғаним этар бу хасни.

Неткай печа бўлса ишқ бебок,  
Минг барқнинг ўтрисида хошок.

1365. Чун зўр қилиб бу мубталоға,  
Солгай бу азим ибтилоға.

Қўймагай ул ўтқа хос бўлмоқ,  
Ўртанмак ила халоо бўлмоқ.

Ҳижрон ўти бўлгай анга рўзи,  
Ким бўлгай аиниғ минг улча сўзи.

Ҳажр ўтида ҳам жунунга солгай,  
Ҳам меҳнати гуна-гунага солгай.

Бўлмай бу балия бирла хурсанд,  
Зиндонга солиб ҳам айлагай банд.

1370 Чун ҳуш ила ақлини итургай,  
Бошига ҳақим ҳам кетургай.

Юз меҳнату бийм дарди бирён,  
Бедард ҳақим дарди бирён.

Жон ёра қилурға ул қўюб юз,  
Панд аҳли сепиб яросиға туз.

Назар ишига мағлуб бўлиб, бировга кўнгил берган бўлар-  
мидим.

Хулласи у, жоннинг, йўқ жоннинг ҳам эмас, бутун жаҳон-  
нинг балоси бўлди.

Агар шамол унинг юзидаги ниқобини очиб, офтобдек  
жамолини кўрсатса эди,

1360. бир гуруллашидан бутун жаҳонга, балки тўққиз осмонга

ўт тушар, у ўт ичида қуёш бир фатирдек, ойна айтиб ҳам  
турмайман, чунки у куйган қулчадек бўлиб қоларди.

Мен дунёда бир хасдек заифман, жисмим бўлса шу хас-  
чалик ҳам эмас.

Ҳавас билан уни кўрган кўз, ўша ўтга бу хасни тортиқ  
қилди.

Бунчалик қўрқмас ишқ яшинининг рўбарўсида хашак  
нима ҳам қила олар эди?

1365. Бу ишқнинг зўри мубтало қилиб, катта-катта балоларга  
гирифтор қилади.

У ўтга тушгач, унга хос бўлолмагандек ўртаниш билан  
ҳам халос бўла олмайди.

Унга ҳижрон ўти насиб бўлиб куйиб-ёниши минг чандон  
ортиқ бўлади.

Шу айрилиқ ўти ҳам телбаликка солиб, ҳам ҳар турли  
азоб-уқубатларга учратар.

Бу балоларнинг устига яна кишини занжирбаид қилиб  
зиндонга ҳам солади.

1370. Ҳуш ва ақлини йўқотиб, бошига ҳақим ҳам келтиради.

Юз хил азоб-уқубат бир ёқда бўлса, бедард ҳақимнинг  
берган дардлари ҳам бир ёқда.

Ҳақим жонни яралайди, насиҳат аҳли эса бу ярага туз  
сепади.



Юз мунча гам ўлса умр фарсой,  
Бўлсам эди кўҳу дашт паймой,

Гаҳ тоғ уза нола урсам эрди.  
Гаҳ бодияга югурсам эрди.

1375. Филжумла бор эрди ихтимоли.  
Қилмоқ нафасе кўнгулни холи.

Бир уй қачон ўлса ўтқа маскан,  
Боғланса эшик тутулса равзан.

Чок ўлмоқдин маоф бўлғай,  
Бал ҳар тарафи шикоф бўлғай.

Ўт ҳар тарафин шикоф қилмоқ.  
Бўлғай анга мужиби йиқилмоқ.

Кўнглум уйин этти қайғу зиндон,  
Жисм уйи яна қоронғу зиндон.

1380. Зиндонки танимдур анда маҳбус,  
Ҳам тунглуки ҳам эшики мадрус.

Ичкаррак уй ичра ғусса тоби,  
Бал фурқат ўтининг илтиҳоби.

Уйлар не ажаб ёрилмоқ охир,  
Бир-бирн уза йиқилмоқ охир.

Бу икки-уч уй чидорға не ҳад,  
Бал ети-секиз раъфи кунбад.

Ул ўт тафидин аён қилиб ларз,  
Очилғали ҳар бирига юз дарз.

1385. О ваҳки, бу ўтдин ўлди тобим,  
Пўқ, йўқки, ичинда изтиробим.

Кулбамдаву масканимда бу ўт,  
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.

Ўт ичра бировниким солурлар,  
Бандини аёғидин олурлар.

Ўт банд ила бўлди жилвагоҳим,  
Мундоқму азим эмиш гуноҳим?

Юз шунча ғам бўлса-ю, табиб қўлида қийналишдан кўра,  
тоғ-даштларда юрсам.

Гоҳ тоғларда нола уриб, гоҳ чўлу биёбонларда саргардон  
бўлиб юрсам эди.

1375. Шу вақтдагина кўнглини ғамлардан қитдек ҳоли қилиш  
эҳтимоли бўлар эди.

Агар бир уй ўтга жой бўлиб, эшик-туйнуклари беркитилса,  
у уй албатта ёрилади, балки ҳар тарафдан тешилади.

Ўт ҳар тарафини тешиб кетгач, у уй албатта йиқилишга  
юз тутар.

Қайғу кўнглим уйини зиндон этди, жисмим уйи бўлса  
ундан багтар қоронғу зиндондир.

1380. Эшик-туйнуклари маҳкам парчинланган ўша зиндонла  
таним маҳбусдир.

Уй ичкарисидаги ғуссанинг тобланиши, балки айрилиқ  
ўтининг елқинлари бўларкан,

Ахир уйларнинг ёрилишидан, бир-бири устига йиқилиш-  
дан ажабланмаса ҳам бўлади.

У ўтнинг тобига бу икки-уч уй эмас, балки етти-саккиз  
кўк ҳам бардош беролмайди.

У ўтнинг ҳарорати билан ларзага тушган уйларнинг ҳар  
бирдан юзларча дарз пайдо бўлди.

1385. Эй воҳ, бу ўтдан тобу тоқатим қолмади, йўқ-йўқ, унинг  
ичида изтиробларим ҳам ошиб кетди.

Кулбамда ва жойимда шу ўт, ҳатто жону танимда ҳам шу  
ўтнинг ўзи.

Одатда бировни ўт ичига ташлагандан сўнг, оёғидан ки-  
шанини оладилар.

Менинг гуноҳим шундай катта эканми, турар жойим ки-  
шан билан ўтда бўлди?





Ут онча эмаски бу қаро дуд,  
Иўқ дудки, шоми дуда андуд.

1390. Жонимда онинг қаро балоси,  
Кўнглумда ҳам онинг ибтилоси.

Тун йўқки, мени қаро босибдур,  
Е кўҳи ғаму бало босибдур.

Ғар босмади жисмим ул оғир юк,  
Мундоқ нега бўлди бетаҳаррук».

Ё жон қуши учти жисми хасдин,  
Азми ватан айлади қафасдин?

Танға не таҳаррук ихтиёри,  
Улган ҳаракатдин ўлди ори.

1395. Жисмини қилиб мазанна сокин,  
Толпинмоқ эди иши ва лекин.

Чун жисми эди наҳиф асру,  
Оёғ, илиги заиф асру.

Солғонда оёғ илик уруб тоб,  
Жон ришталариға келтуруб тоб.

Ҳам синғон эмиш ёғочға пайванд,  
Ҳам чиқмиш аёғидин темур банд.

Чун топти бу изтироби таскин,  
Чеккач оёқ ул ғариби мискин.

1400. Кўрдикки халос эрур аёғи,  
Икки кўли, балки буйни доғи.

Юз шукур ила ерга қўйди бошин,  
Кўздин оқизиб инёз ёшин.

Оҳиста қўпуб эшикни очти,  
Борғонча заиф оёғи қочти.

Бир даштқа кетти ул макондин,  
Ким қатъи йироқ эди гумондин.

Утику унча эмас, унинг қора тутуни, балки мудҳиш қорага  
бўялган шоми,

1390. жонимга қора бало бўлиб, кўнглимни шу балоларга дучор  
этди.

Тун эмас, мени қора босган, ёки ғам тоғининг балолари  
босган.

Агар у оғир юк танимни босмаган бўлса, нега бундай  
беҳаракат бўлиб қолдим?

Ё жон қуши хасдек жисмимдан учди, қафасини ташлаб,  
азми ватан қилдимиз?»

Мажнуннинг ҳаракатланишга ҳам ихтиёри йўқ эди, ўлган  
танда албатта ҳаракат бўлмайди-да.

1395. Унинг жисмини ҳар хил гумонлар тинчитган бўлса-да,  
лекин унинг иши ҳадеб топинмоқ эди.

Жисми ғоятда заиф, оёқ-қўли эса ғоятда кучсизланган  
эди.

Оёқ-қўлларини ёзиб, жон риштасига ҳаракат келтириб  
чиранганда,

боғланган ёғоч синиб, оёқларидан темир кишанлар чиқиб  
кетмиш.

Бу қийноқлардан андак ором олиб, ул ғариб бечора оёғини  
қимирлатар экан,

1400. оёғи, икки қўлини ва бўйнининг ҳам бўшалганини кўргач,

юз шўкурлар билан, кўзларидан ёшлар тўкиб, юзини ерга  
суртди.

Шундан сўнг у оҳисталик билан эшикни очди-да, жуда  
узоқларга қочиб кетди.

Ниҳоят бир даштга етдики, у ерга бориш гумондан ҳам  
йироқ эди.

Эй қайди замона бирла хурсайд,  
Бўлгон сенга ўзлукунг оғир банд.

<sup>1408.</sup> Узлукдин ўзунгни айла озод,  
То дашти фаноға киргасен шод.



Эй замона занжирига боғланиб шод бўлган киши, ўз-  
линг сенга оғир кишан бўлибди.

105. Узлигингдан ўзингни қутқаргин, токи фано даштига хур-  
сандлик билан кирасан.





### УНИНЧИ БОБ

*Лайлининг гулшандан уйга қайтар чоғида  
Ибни Салом уни кўриб, ошиқ бўлгони,  
Лайли отасига совчилар юборгони ва ро-  
зилик олиб хурсанд бўлгони, Лайлининг  
бундан хабар топиб, ғам билан касал  
бўлгони*



ундоқ деди сўз гуҳарфишони,  
Айтурда бу нуктаднн нишони.

Ким уйга суманбарн гулаидом,  
Чун боғдин этти азм ул шом.

Олам аро чеҳрадин гул очиб,  
Хай бирла гулоб ерга сочиб

Зоҳир қилиб ул гулу гулоби,  
Ишқ ўтидин ўзга обу тоби.

**119.** Ҳар бир монгишида юз латофат,  
Йўқ, йўқки, сочиб жаҳонга офат.

Гул баргига сарв узра манзил,  
Ҳам сарви равони гулга ҳомил.

Таъриф қилурча юз жамоли,  
Васф этгуча юз минг иътидоли.

Лекин ғами ишқдин мушавваш,  
Уйга борур эрди ул париваш.

Гўлла они кўрди навжувоне,  
Хайли араб ичра комроне.



### УНИНЧИ БОБ

*Лайлининг гулшандан уйга қайтар чоғида  
Ибни Салом уни кўриб ошиқ бўлгони,  
Лайли отасига совчилар юборгони ва ро-  
зилик олиб, хурсанд бўлгони. Лайлининг  
бундан хабар топиб ғам билан қасал  
бўлгони*

Бу сўз инжуларини сочгучи, бу маъноларни шундай баён қилади:

Шом пайтида, у гул танли суманбар боғдан уйи сари қайтар экан,

Ўз чеҳрасидан оламга гул очиб, нозли юришлари билан ерларга гулоб сочиб,

шу гуллар ва гулобни намойиш этиб, ишқ ўтидан юзлари қизариб, беҳад гўзалланган эди.

1415. Ҳар бир қадам босишида юзларча латофат, йўқ, балки жаҳонга офат сочар эди.

У сарв тепасида очилган гул, ёки сарвнинг гул кўтариб келишига ўхшарди.

Жамоли таъриф қилингандан юз мартаба ортиқ бўлса, сифатлашга сазовор бўлган юз мингча назокати бор эди.

Лекин ишқ ғамидан ташвишга тушган у париваш уйга қайтар чоқда,

Араб элидаги бир бадавлат ёш йигит уни йўлда кўриб қолди.



1420. Солим анга барча айбдин зот,  
Бахт Ибни Салом деб анга от.

Ҳам отиға йўқ шумора пайдо,  
Ҳам қўйиға йўқ канора пайдо.

Саҳрони тутуб теваси якбанд,  
Ҳайкал аро барча кўҳ монанд.

Чун молиға кимса билмайин сон,  
Ҳар мушкил ўлуб қошида осон.

Меҳнат тунида йўл айлаган гум,  
Ғам йўқ чу кўрар дирамдин анжум.

1425. Чун Ибни Салом кўрди они,  
Шавқ ўтиға тушти хаста жони.

Ул чора ипига бўлмалди суст,  
Пайванд хаёлин айлади чуст.

Азм этти қабиласиға филҳол,  
Ғинғди неки мумкин эрди амвол.

Юз навъ ҳадияи киромни,  
Юз тухфани нақд барча номни.

Ҳоди қилибон неча хирадманд,  
Афсона гузору шайх монанд.

1430. Шарҳ айлаб аларға орзунни,  
Ул бобда барча гуфту-гўни.

Мақсудға сўзни банд айлаб,  
Эл барча сўзни писанд айлаб.

Юклаб бори тухфаву хазона,  
Мақсад сари бўлдилар равона.

Лайли отаси бўлуб хабардор,  
Ул муждадин ўлди баҳра бардор.

Чун Ибни Саломни бурунроқ,  
Тонир эди барчадин фузунроқ,

1435. Қим ёр анга ҳуш ила хираддур,  
Молию жиҳози беададдур.

1420. Хеч қандай нуқсони йўқ, соғлом бўлган бу зотни бахт  
Ибни-Салом деб атаган эди.

Унинг отлари ҳам беҳисоб, қўйлари ҳам сон-саноксиз эди.

Саҳрони бўлса тоғдек тевалари тутиб кетган эди.

Шунинг учун беҳад мол-давлати олдида ҳар қандай муш-  
кул иш осонлик билан ҳал этиларди.

Ғам тунида йўл йўқотган киши тангада юлдузни кўрса,  
унга не ғам.

1425. Ибни-Салом Лайлини кўргач, кўнгли шавқ ўтига тушди.

У Лайлига етишмоқ хаёлига ва бу ишнинг чорасига тездан  
киришди.

Дарҳол қабиласига қайтиб бориб, бутун мол-давлатини  
йиғиштира бошлади.

Юз хил қиммат баҳо ҳадия ва тухфаларни тайёрлаб, бир

неча сўзга уста маслаҳатгўй, оқил кишиларни атрофга  
тўплаб,

1430. бу ҳақдаги барча орзуларини бирин-бирин сўзлаб берди.

Ибни-Салом ҳам мақсадини айтиб бўлди, йиғилган киши-  
лар унинг ҳамма сўзини маъқулладилар.

Бутун хазина ва тортиқларини юклаб, Лайли уйи томон  
равона бўлдилар.

Лайлининг отаси эса бу хушxabарни эшитгач жуда хур-  
санд бўлди.

У Ибни-Саломни илгари ҳам барчадан яхшироқ танир эди.

1435. Ибни-Саломнинг оқил ва фаросатли йиғит эканини, ҳисоб-  
сиз мол ва ашёга молик эканини,





Ҳам хайли Бани Асадға воли,  
Юз хайли Баии Асадча моли.

Топиб чу бу навъ камронлиқ;  
Юз меҳр ила қилди мизбонлиқ.

Меҳмонлар ани чу кўрдилар гарм,  
Фош айладилар шафоату шарм.

Тортиб неки тўхфан кироманл,  
Андин сўнг ўлуб фасона пайванд.

1440. Изҳор этибон виқору тамкин,  
Юз нукта суруб балоғат ошин.

Таърифлар ўйлаким сазодур,  
Мазкур этиб улча муддаодур.

Мақсудларин чу айлабон фоти,  
Посух тилаю қуйн солиб бош.

Сомий чу топиб ғаразни таҳқиқ,  
Дедики: «Худой берса тавфиқ,

Ул қилса ўғуллуғум ҳавоси,  
Бўлғаймену мен дағи отоси.

1445. Дуррум анга зеби торақ ўлғай,  
Иншо-оллоҳ муборақ ўлғай.

Лекин анга сабр ҳам керакдур,  
Ким шохи гулум шикастарақдур.

Ҳам наврас эруб бу нахли уммед,  
Яъники ҳилол эрур, бу хуршед.

Ҳам табъида қолмасун малоти,  
Ҳам сарвиға етсун иътидоли.

Андин сўнг бу хужаста фарзанд,  
Не комки бўлмиш орзуманд.

1450. Келсун дағи жоми васл этиб нўш,  
Сарв ўлсуну гул била ҳамоғўш».

Уммед ила барча шодмона,  
Уйлар сари бўлдилар равона.

ва Баниасад қабиласига волий бўлиб, моли эса Баниасад қабиласига нисбатан юз баравар кўплигини биларди.

Унинг бундай бадавлат киши эканлигини билганидан Ибни-Салом меҳмонларини катта меҳрибонлик билан қаршилади.

Меҳмонлар уни бу қадар иссиқ ва очиқ юз билан кўргач тортинмасдан сўзлай бошладилар.

Бутун қимматли тортиқларини беришгач, ундан сўнг кетма-кет сўзга тушдилар.

1440. Ҳалимлик билан оёққа туриб, балоғат ва фасоҳат билан маъноли сўзлар сўзладилар.

Лоийқ таърифларни изҳор этишгач, қандай муддаода эканликларини билдирдилар.

Мақсадларини айтишгандан сўнг, бошларини қуйи солиб жавоб кутдилар.

Эшитгучи уларнинг муддаоларини англаб шундай деди: «Тангри мадад берсин.

Агар у менга ўғил бўлиш тилагида экан, мен ҳам унинг отаси бўлайин.

1445. Менинг дурым унинг бошидаги тожнинг зебу-зийнати бўлсин, иншоолло мартабаси ҳам баланд бўлғусидир.

Лекин унинг бир оз сабр қилиши ҳам керак, чунки гулимнинг шохи шикастроқдир.

Ҳали бу уммид новдаси ёш, яъни бу қуёшим тўлмаган ойга ўхшагандир.

Кўнглидан дардлари кетиб соғайсин ва ҳам бўйга етсин.

Ана ўшандан кейин бу азиз фарзанд, қандай орзу-ҳавасда бўлса,

1450. келсин-да, висол жомидан ичиб, сарв қомат йигит гул танли қиз билан қовушсинлар».

Барчалари умидворлик билан хурсанд бўлишиб, уйларига қараб жўнадилар.



Ул вақтким ул бути дилоро,  
Гулшан сари бўлди маҳфилоро.

Боғ ичра кезарда ҳар тараф тез,  
Гуллар анга очти ишқи хунрез,

Ким рози очилди ҳар биридип,  
Бал қон иси келди ҳар биридин.

1455. Яъники сугурди теги бебок,  
Кўнгли аро солди чок уза чок.

Чун ғунчани пора-пора қилди.  
Ишқ ичра анга бу гул очилди.

Йўқким чаманида ғунчаи дард,  
Чок ўлғач очилди оташин вард.

Чун ишқ бу оташин гул очти,  
Гулбарг киби шарора сочти.

Бу ўт била куйди жони доғи.  
Балким тани нотавони доғи.

1460. Бас йўқ эди ишқ ўти гудози.  
Етти ғами ҳажр турктози.

Ул равзадин ул нишонан ҳур,  
Ҳам ошиқу, ҳам заифу маҳжур

Ҳосил, хўру хоби кетмиш эрди,  
Ул сори азимат этмиш эрди.

Ҳардам бўлур эрди нотавонроқ,  
Аҳволи нафас, нафас ёмонроқ.

Лекин бу сўз эрди қийлу-қоли,  
Ким сайрда авд этиб малולי.

1465. Бўлмиш таниға иситма озим,  
Заъф ўлмиш анинг била мулозим.

Деган анга ўзни ёру ёвар,  
Бу сўзни қилурлар эрди бовар

Лекин билур эрди баъзи они,  
Бир ўзга балодурур инҳони.

У гўзал дилбар, яъни Лайли гулшандаги гуллар ичида  
бориб товланиб,

боғнинг ҳар тарафини тез-тез кезар, гуллар эса қон  
тўкувчи ишқ каби очилар эдилар.

Шу вақт гулларнинг ҳар бирининг дарди очилди, балки  
ҳар биридан қон ҳиди келарди.

1455. Яъни улар раҳмсиз тифни қиндан суғуриб, унинг кўнглини  
чок-чок этдилар.

Ғунчадек Лайли кўнгли пора-пора бўлгач, ишқ ичида  
унга шундай гуллар очилди.

Ўўқ, балки чамандаги дард ғунчаси чок бўларкан оловли  
парчалар кўринди.

Ишқ бу оташини гулини очгач, гул барги каби учқунлар  
сочди.

Бу ўт билан Лайлининг жони ва ожиз тани баттарроқ  
кўйишга тушди.

1460. Ишқ ўтида кўйини етмасмидики, бунинг устига ҳажр ғамининг  
отлиқ қонхўри ҳам келиб етди.

Жанинатга ўхшаган бўстонда, фариштанамо ошиқ ва  
кўнгли паришон Лайли,

кўзига уйқу келмай иштаҳаси бўғилиб, шу томон кетаётган  
эди.

Борган сари аҳволи ўзгариб, ҳар нафасда ночорлана борар  
эди.

Бу можаро уни ҳам ҳаминша машғул қилар, сайр ва томошада  
экан, ҳар қадамда малолни ошиб кетарди.

1465. Унинг танига иентма қасд қилиб келар, касаллик унга  
ҳамроҳ бўларди.

Унга ўзларини дўст, кўмакдош ҳисоблаб келганлар, унинг  
куюшига ишонардилар.

Лекин уларнинг баъзилари унда яширин бир бало борлигини  
билар эдилар.



Доя била неча маҳрами роз,  
Бор эрдилар анга гуссапардоз.

Ранжида ғамин эрурлар эрди,  
Дардида кўнгул берурлар эрди.

1470. Англаб эди дояи жигарсўз,  
Ҳам ул неча маҳрами ғамандўз

Қим Ибни Салом ишини ул ҳур,  
Фаҳм этгач ўлур мизожи ранжур.

Ҳам жисми забунроқ ўлғусидур,  
Ҳам дарди фузунроқ ўлғусидур.

Андин ёшурурлар эрди беҳад,  
Қим билмагай они сарви гулхад.

Ул ишқ ўтидин мушавваш эрди,  
Бу шуъла ичинда саркаш эрди.

1475. Бир кун неча хайлу ошноси,  
Нисбат ара хешу ақрабоси.

Келмишлар эди иёдатиға,  
Бал меҳнатининг зиёдатиға.

Бир золи рамида ҳуши фартут,  
Тадбири хатову ақли мабҳут.

Бедилни дами қилурға хушдил,  
Тил чекти, не тилки тиғи қотил.

Зоҳир қилиб ул ғами ниҳонн,  
Солди араға бу можарони —

1480. Қим: «Ғам ема, эй гули суманбар,  
Зулфунг сочиб ул юз узра анбар.

Тонглаки етиб замони сиҳҳат,  
Топса баданнинг нишони сиҳҳат.

Бахт ичра аён бўлуб кушодинг,  
Ҳосил бўлғай бори муродинг.

Ул навъки йўқ сенга назире,  
Еринг дағи тушти дилпазире.

Дояси билан бир неча сирдош маҳрамлари ҳар хил ҳикоялар билан уни овинтирар эдилар.

Улар ғамдан ранжиган одамлар эдилар, Лайлига дилдорлик қилиб, дардига кўнгил берардилар.

1470. У жигари куйган доя, ҳам бир неча ғамхўр маҳрамларига

агар Ибни-Саломнинг совчи юборганини бу ҳур фаҳмлаб қолса, кўнгли ранжиб,

ҳам аҳволи баттар оғирлашувини, ҳам дарди зўрайишини билар эдилар.

Бу аҳволни гул юзли Лайли билмасин дейишиб, ундан беҳад яширар эдилар.

у бўлса бу ишқ ўтидан ташвишли эди, ишқ ўти бўлса унинг ичида алангаланар эди.

1475. Кунлардан бир кун бир неча ошна ва ҳешу-ақраболари.

Лайлини кўришга, яна тўғриси унинг ғам ва кулфатларни ошириш учун келган эдилар.

Жирканч, ақли паст, эсини еган, бемаъни лахма бир

кампир, кўнгилсиз Лайлининг кўнглини ҳуш қиламан деб сўзга тушди, унинг сўзлари сўз бўлмай, жаллод тиғига ўх-

шарди. У кампир, яширин тутилган ғамни ошкор этиб, орага бу можарони солди:

1480. «Эй сочлари юзига анбар сочган суманбар қиз, ғам емагин!

Эрта-индин баданларинг соғайиб, саломатликка юз тутгач,

бахтинг очилади ва бутун муродинг ҳам ҳосил бўлади.

Узинг дунёда тенги йўқ бир қиз бўлганингдек, ёринг ҳам жуда кўнгилга ёқадиган;



Маҳвашлар аро бу гуфту-гўдур,  
Иқболинг аларга орзудур.

1485. Лекин бу талаб патнжа бермас.  
Давлаг иши саъй бирла эрмас.

Бахтинг майи тўлди шукр лиллоҳ,  
Бас турфа иш ўлди шукр лиллоҳ».

Ул кимсаки достонини айтиб,  
Ҳам оини ҳам нишонини айтиб.


Бу сўзлар эшитгач ул дилоро,  
Билди не иш ўлмиш ошкоро.

Кўнглин бузуб ул сифат масойиб,  
Заъф этти ўзидин они ғойиб.

---

1490. Эй маҳфи ўлуб, валеқ зоҳир,  
Кўзга ғойиб, кўнгулга ҳозир.

1491 Чун ёрутқуиғ кўнгул чароғи,  
Қил жилва аён кўзумга доғи.



ой юзлилар орасида сенинг бахтинг ҳақида сўз юриб, иқ-  
болингни орзу қиладилар.

1485. Лекин уларнинг орзуси натижа бермайди, чунки бахт ҳа-  
ракат билан қўлга кирмайди.

Тангрига шукурлар бўлсинки, бахтинг ҳам очилди ва шун-  
дай гаройиб ишлар бўлди».

У кампир юқоридаги дostonни айтганидек, Ибни-Салом-  
нинг отини ва сифатларини таърифлаб берди.


Бу сўзларни эшитган Лайли нима ишлар бўлаётганини  
англаб олди.

Бундай мусибатлар Лайли кўнглини бузиб, уни беҳуш қи-  
либ, ўзидан кеткизиб қўйди.


---

1490. Эй ўзи кўринмай зоҳир бўлган, кўзга кўринмасдан кўнгли-  
да ҳозир бўлган,

1491. кўнгил чироғини ёқар экасан, менинг кўзларим олдида  
ҳам жилва қилгин.







## У Н Б И Р И Н Ч И Б О Б

*Лайли Ибни Салом совчи юборганини билиб, қонли ёшлар билан изтиробга тушгони ва қизининг бу аҳволини кўрган онанинг йиғи-сиғи кўтаргони*

С  
Ўз чашмасин улкн қилди ковиш,  
Бу навъ су айлади таровиш:

Ким заъф ила сарви сидра поя,  
Ким ётмиш эди нечукки соя.

Чун ҳушига келди айлади ёд,  
Ул сўзники андин эрди ношод.

<sup>1495.</sup> Ортар эди дам-бадам малоли,  
Кўнглин қила олмас эрди холи.


Кўрдикн ҳалок бўлғудекдур,  
Умри тўни чок бўлғудекдур

Доясига кўп тазаллум этти,  
Юз ажз била такаллум этти:

«Кей ҳолима айлаган мадоро,  
Сиррим назарингда ошкоро.

Сендин ишим ўлмагай ниҳонн,  
Ҳар меҳнатим ўлса билган они.

<sup>1500.</sup> Бир сўз эшитиб дурур қулоғим,  
Ким шуъласидин куяр димоғим.



### У Н Б И Р И Н Ч И Б О Б

*Лайли, Ибни Саломнинг совчи юборганини билиб, қонли кўз ёшлар тўкиб, изтиробга тушгани ва қизининг бу аҳволини кўрган онанинг йиғи-сиги кўтаргани*

У одамки сўз чашмасини ковлади, бу чашмадан чиққан сувлар шундай жимиллаб оқди:

Олий мартабали сарв (Лайли) камоли дарддан соядек ерда ётар эди.

У ҳушига келгач, ўзини ношод қилган ўша сўзни яна эслади.

1495. Мана шундан хафалиги дам-бадам ортар, кўнглини ундан холи қилолмас (бўшатолмас) эди.

Бу кулфатлар ичида ўзининг ҳалок бўлишини ва умр тўнининг чок бўлишини кўриб,

доясига қараб, шикоят қилди, юзларча ожизлик билан сўз бошлади:

«Эй аҳволимга раҳм-шафқат этгувчи, менинг сирларим сенга маълумдир.

Сендан ҳеч сирни яширганим йўқ, бутун дардимдан хабардорсан.

1500. Шундай бир сўз эшитдимки, унинг шуъласидан димоғим куймоқда.



Гўё они сен дағи билурсен,  
Лекин мендин ниҳон қилурсен.

Гар дафъ эта олсанг эрди они,  
Қилғуниг эди анда саъийи жонни

Сен дафъ этмак эмас чу мақдур  
Тошг йўқ сени тутсам анда маъзур.

Лекин эрур ушбу илтимосим,  
Бирдам тутсанг эшикда носим

1499. Ким кўнглум эрур халул асру,  
Ғавғодин эрур малул асру.

Эл кирмаса хилватимға бирдам,  
Қўйса мени меҳнатимға бирдам».

Доя кўзига қўюб иликни,  
Чиқти дағи боғлади эшикни.

«Турманг — деди — уйга ёқин ул бу,  
Ким кирмиш ул ой кўзига уйқу».

Лайли кўруб элдин уйин холи,  
Чок этти уруб яқони ҳоли.

1500. Гаҳ бахти кўзига урди туфроқ,  
Гаҳ боши уза совурди туфроқ.

Кўксинки уруб фиғор қилди,  
Тирпоғи билла шиёр қилди.

Экти сочибон сиришк анбуҳ,  
Таи мазраи ичра тухми андуҳ.

Рангин ёшидинки тўкти хуноб,  
Юз сафҳаси ичра чекти абвоб.

Ҳар бобида ёзилиб ҳисоби,  
Ғам дарсида бир бало китоби.

1510. Ҳасрат овучин қоқиб, чекиб оҳ,  
Ким тортар эди фиғонни жонкоҳ.

Ул унлар ила топиб дамодам,  
Иқболу нишот қушлари рам.

Афтидаи сен ҳам буни биласану, лекин мепдан яширасан.

Агар сен уни даф эта олганинга, ҳаракат қилган бўлур эдинг.

Агар даф этишга қудратинг етмаса, у вақтда сени кечи-  
раман.

Лекин сендан илтимосим бор, бир нафас эшик олдида пой-  
лаб тур.

1500. Чунки кўнглим ғамдан беннҳоя ўксиган, ғовғалардан ҳам  
жуда безган.

Эл менинг олдимга кпрмаса-ю, мен ўз дардларимни торт-  
сам».

Доя қўлини кўзига қўйиб, таъзим қилиб чиқди-да, эшикни  
занжирлади.

у одамларга «уй яқинига келманг, оӣ кўзига уйқу кирди»  
деди.

Лайли уйни кишилардан ҳоли бўлганини кўриб, ёқасини  
чок-чок этиб, фарёд кўтарди.

1505. Гоҳ бахтининг кўзига тупроқ сочди, гоҳ бошига тупроқ-сеп-  
ди.

Уриб кўксини яралади, тирноғи билан тирнаб моматалақ  
қилди.

Кўз ёш қатраларини сочавериб, танининг тупроғига ғам  
уруғларини экди.

Кўзидан қонли ёшлар тўкиб, юзининг саҳифаларидан боб-  
лар очди.

Унинг ҳар бобида ғам дарсининг ва бало китобининг ҳисо-  
би ёзилди.

1510. Хасрат чапакларини уриб, жон ачитғич фиғонлар тортар  
эди.

Унинг тортган фиғонидан, борган сари иқбол ва хурсанд-  
лик қушлари ҳурка бошлар эдилар.



Эгар эди кож уруб қамарни,  
Кун чашмаси ичра нилуфарни.

Ул юзга бўлурга ғафр маҳрам,  
Кийдурур эди либоси мотам.

Деб ким: «Недур, эй сипеҳри золим,  
Солмоқ бу шикасталикка ҳолим.

1515. Нахлимгаки эрди зерндастинг,  
Не эрди шикаст уза шикастинг?

Нахлики ушоттинг оқи осон,  
Туфроқ ила қадди бўлди яксон.

Тортиб яна тешан жафони,  
Юз пора не эрди қилмоқ оқи?

Эмдики қилиб жафо писанди,  
Бедодинг айирди банд-банди.

Недур яна жузв-жузвин олмоқ,  
Оташкадан балоға солмоқ?

1520. Мен бор эдим ул ниҳоли наврас,  
Иўқ шохима хору теграма хас.

Шохи тарабим бу дам қилиб гул,  
Бошим уза тонгла очилиб гул.

Не нахлима мевадни нишоқи,  
Не баргима офати хазони,

Ким багрига хор тиктим эркин,  
Не кўкка бошимни чектим эркин,

Ким ишқ елига қоттинг оқи,  
Ул сарсар ила ушоттинг оқи.

1525. Ишқ оқи ушотқач ошқора,  
Ҳижрон қўлиға бериб катора.

Боштин-оёғини ёра қилдинг,  
Ажзосини пора-пора қилдинг.

Чун айладинг оқи неча парқанд,  
Қилмай мунга ҳам ўзунгни хурсанл.

Гўё қуёш чашмасига нулуфар гулини эккандек, юзига шапалоқ уриб кўкартирар эди.

У юзга ёт кишининг маҳрам бўлиши сезилганидан унга, мотам либосини кийдирар эди.

«Эй золим фалак! Менинг ҳолимга шикаст етказишдан мурод нима?»

1515. Сенинг қўлингга қарам бўлган ёш жонимга шикаст устига шикаст етказиб нима қилмоқчисан?

Мендай ёш повдани осонгина синдирдинг, қаддимни тупроқ билан тенг қилдинг.

Яна жафо тешасини тортиб, уни юз парча қилганинг нимаси?

Оғир жафони раво кўриб, зулминг билан банд-бандидан айирдингку.

Уни майда-майда қилиб, бало оташхонасига солмоқдан мақсад нима?

1520. Мен ёш, янги ниҳол эдим, шохимда эса тиканлар, атрофимда хаслар ҳам йўқ эди.

Шўх, ўйноқни шохларимда ва бошларим устида топ-тоза янги гуллар очила бошлаган эди.

Ҳали ниҳолим мева кўрмаган, баргларимга ҳам офат хазони тегмаган эди.

Кимнинг кўксига тикан урибман, нега кўкка қараб бош кўтардим экан?

Ишқ ели билан уни букиб, даҳшатли шамолинг билан уни синдирдинг.

1525. Ишқ уни ушатгач, ҳижрон қўлига ханжар бериб,

бошдан оёқ яралаб, бутун вужудини пора-пора қилиб ташладинг.

Уни титиб ташладингу, лекин бундан хурсанд ҳам бўлмадинг.



Куйдургали жузв-жузвин олдинг,  
Ғам дўзахи ичра доғи солдинг.

Дўзах менга эмди бу хабардур,  
Ким жонима ўтидин шарардур.

1530. Йўқ, йўқ, не шарарки, барқи офат,  
Андин бори даҳр ғарқи офат.

Офат ўти даҳр аро тудошса,  
Ким дуди онинг фалакдин ошса.

Андин менга тушса бир шарора,  
Кул бўлмоқдин йўқ ўзга чора.

Хосса, тудошиб бу нотавонға,  
Андин шараре тушуб жаҳонға.

Ҳам даҳрин қилғай оташолуд.  
Ҳам кўкка етушгай ўтидин дуд.

1535. Ул ўт аро бу заифи ғамнок,  
Қайси ғамнок; балки хошок.

Хошок дема, шикаста мўри,  
Жони юкидин таниға зўри.

Ул мўрға тушса бўйла дўзах,  
Овах, нечук этгусидур, овах.

Ул мўр мени шикастапо мен,  
Ким бу томуғ ичра мубталомен.

Бир мўрни қилмиш ўлғай, эй чарх,  
Қилмоқни не билмиш ўлғай, эй чарх?

1540. Ким қасдиға тез ўлўб хироминг,  
Минг барқ ила бўлғай итиқоминг.

Мен худ бу сифат бало асирн,  
Юз меҳнату ибтило асирн.

Ул зору заифи ногузирим,  
Ким бордур ул менинг асирим.

Оё не экин ғамимда ҳоли,  
Чирманмоқ ила тани чу поли?

Куйдириш учун ҳар бир парчасини олдинг-да, уларни ҳам дўзахига ташладинг.

У хабар менга дўзах бўлди, жонимга эса ўтидан учқунлар сочилди.

1530. Пўқ, йўқ, у учқун эмас, офат чақини, у учқунга бутун олам фарқ бўлади.

Агар бу офатнинг ўти оламга туташса, унинг тутунлари фалакдан ҳам ошса,

ундан менга бир учқун тегса, кул бўлишдан бошқа чора йўқ...

Хуллас, бу нотовонга туташиб, унинг учқунлари жаҳонга тушиб,

ҳам дунёни оловга қориштиради, ҳам тутунлари кўкка чўзилади.

1535. Ўша ўт орасида бу кучсиз, ғамгин, ғамгин ҳам эмас, хашаққа ўхшаган,

Хашақ ҳам эмас, балки жонини ҳам кўтаришга мажоли қолмаган бир ожиз чумолиман.

Шу чумолининг бошига бундай дўзах азоби тушса, эвоҳ қандай тоқат қила олар экан?

Ўша дўзахга тушган чўлоқ чумоли менман, мен ўша нота-вонмен.

Бир кичик чумоли нима ҳам қила олар, қўлидан нима ҳам келарди, эй фалак!

1540. Унга қасдига жадаллаб, миигларча чақинларинг билан интиқом ҳам олмоқчисан.

Мен бу зайл балога асир бўлибман, менгина юз хил жафога мубтало ва тутқунман.

У зор, ожиз, чорасиз — (Мажнун) менинг асиримдир.

Ажабо, менинг ғамимдан нолдек буралган нозик тани қандоқ экан?





Ишқим ўтида ёпарму эркин,  
Ҳажрим ғамида чидарму эркин?

1543. Шавқим чиқорурму эркин оҳин,  
Оҳи учурурму жисми коҳини?

Савдоки сочим ғамида тортар,  
Ҳар лаҳза печук жупуни ортар?

Чун қаддим учун тузар навони,  
Не навъ буюк бўлур фиғони?

Чеҳрам тилаб ўлса навҳа ангез,  
Айларму экин сиришки гулрез?

Зулфум шикашида қилса атноб,  
Жисмиға печук тушар экин тоб?

1550. Ғамзам сари бўлса фикрат апдеш,  
Соңчилур экиниму бағриға неш?

Лаълимки сув оқизур кўзидин,  
Борурму экин судек ўзидин?

Оғзим сўзин айлагач такаллум,  
Бўлурму экин адам аро гум?

Белим сори чун тушар хаёли,  
Қолурму вужуди иҳтимоли?

Қошим хамидин чу тортқач вай,  
Қадди ҳам ўлурму ўйлаким ёй?

1555. Фикрики мижамдин айлар эркин,  
Юз хора аро кўнгли найлар эркин?

Кўзум сари сурса можаронин,  
Кўрмас экин оқ ила қаронин.

Эрим ғами ашкин этса Жайҳун,  
Борурму экин ул ашк майгун?

Холим ғами еб тўярму эркин,  
Кўз мардумини ўярму эркин?

Ед этса тазарвлек хироним,  
Бўлурму экин асири домим?

1560. Истарму экин юзумни ҳар кун,  
Йўқларму экин сочимни ҳар тун?

Ишқим ўтида ёнармикан, ҳажрим ғамига қандай чидар экан?

1545. Шавқим унинг оҳини чиқарурмикан, тортган оҳи танини сомондек учирармикан?

Сочимнинг ғамида ишқ-савдоси ортиб, ҳар замон телбалиги қандай ошар экан?

Қоматимни деб наво тузганда, фиғони қай холда юксалар экан?

Жамолимни тилаб йиғлаганда, кўзларидан гул парчаларидек ёш тўкармикан?

Гажжакларимни эслаб, буралиб қайрилса, жисмига қандай тоб тушар экан?

1550. Нозу карашмаларимни ўйлаганда, кўксига неш санчилармикан?

Лабларимни деб кўз ёшларини тўкканда, ўзи ҳам сувдак оқиб кетармикан?

Менинг оғзимни деб сўзлаганда, йўқлик дунёсида йўқолармикан?

Хаёли белимга тушганда, вужуднинг омон қолиш эҳтимолли бормикан?

Қошларим ғамида сҳ-воҳ тортганда қомати ёйдек эгилармикан?

1555. Фикри-ёдп киприкларимла бўлганда, юз-юз тикашлар орасида қолиб не қилар экан?

Кўзларим можаросида, оқу қорани кўролмас экан.

Дудоқларим унинг кўз ёшларини Жайхун қилса, кўзидан қизил майдек ёшлар оқармикан?

Холим ғамидан тўярмикан, кўз қорачуғини ўярмикан?

Тустовуқдек юришларимни ўйлаб, домимга асир тушармикан?

1560. Ҳар кун юзларимни истаб, ҳар тун сочларимни йўқлармикан?



Дардимдин ўзига доб экинму,  
Ҳажримдин иши хароб экинму?

Бас йўқ эди мунча меҳнату ғам,  
Қим билгусидур бу қиссани ҳам.

Бу ишки эмас хужаста фоли,  
Худ бўлмоғининиг не ихтимоли.

Олам эли бирён ўлса яксар,  
Мумкии эмас ўлмоғи муяссар!

1565. Соғинағай ул эмгак опшоси,  
Меидии бўлмоқ бу иш ризоси.

Гар ҳар ғам аро ўзумни солмон,  
Бу ғамға нетайки тузаолмон.

Фарёдки ўлгудек ғамим бор,  
Тонг йўқ гар ўзумга мотамим бор»

Хилватда анга бу навҳалар иш,  
Онгдиб онаси каминда эрмиш.


Англаб они бўйла мунқалиб ҳол,  
Кўп бўлди бу ғамда музтариб ҳол.

1570. Тун-қуи иши моҳпора фикри,  
Бу дарду ғамиға чора фикри.

---

Эй чоранамо, илик йиғиштур,  
Қим дарднма чора саъб эштур.

1572. Чора тиламакдин эт канора,  
Бечоралиқ англа бизга чора.



менинг дарлу аламимни ўзига одат қилдимикан, ё ҳажримдан хароб бўлармикан?

Бунчалик ғаму ғуссалар устига бу воқиани ҳам эшитса нима қилар экан?

Бу номуборак ишнинг бўлиши эҳтимолдан узоқ ҳам эмас.

Бутун дунё аҳли бир ёққа йиғилганида ҳам бу ишга эриша олмайдилар!

1565. Лекин у жафолар ошнаси «бу ишга шу рози бўлган» деб ўйлайди.

Ҳамма ғамга чидасам ҳам, бу ғамга ҳеч тоқат қилолмайман.

Фарёдки ўлгунча ғамим бор, шунинг учун ўзимга мотам тутсам ажабланарлик эмас».


Хилватда унинг иши, шунингдай фарёдлардан иборат эди, онаси эса бу пайт пойлаб турар эди.

Қизини бу бахтсизликка учраганини билган она, ғамдан изтиробга тушди.

1570. Она кеча-кундуз шу ой парчасининг ўйи-хаёли билан бўлиб, дард ва ғамига чора излар эди.

Эй чора излагучи! Бу ишдан қўлингни торт, менинг дардимга чора топиш мушкул.

1572. Чора топиш умидини қилма, билгинки, бечоралик бизга чорадир.





### УН ИККИНЧИ БОБ

*Отаси Мажнунни ишқ даштидач келтириб,  
Катбаги олиб боргони ни Мажнуннинг эса  
муножот билан кўнглидаги яраларичи ёр-  
ғони, ҳожилар орасида ғовға қўпоргони*

ундоқ дедп ноқили маони,  
Қилгоч бу бадиъ суз баёни:

Ким қочти чу ул рамида пайванд,  
Ул тун уйидин рамида монанд.

1575. Кундуз эли уйла топмай они,  
Бошлаб яна навҳаю азони.

Харён чиқибон ёёғу отлиқ,  
Қайтиб бори топмайни уётлиқ.


Лол этти яна отосини ғам,  
Беҳолу ҳазин оносини ҳам.

Ўлтурдиллар икки зори беҳуд,  
Кўп фикр этиб эттилар яна рад.

Кўп сўз юзин ул очиб бу ёпти,  
Охир мушга сўз қарор топти:

1580. Ким ҳар саридин узуб таваққуъ  
Тенгрига-ўқ айлабон тазарруъ.

Ҳақдин иков они истагайлар,  
Пайдову ниҳони истагайлар.



### У Н И К К И Н Ч И Б О Б

*Отаси Мажнунчи кыч даштидан келтириб,  
Катбеге олиб бергани ва Мажнунчига эи  
мунжот билан кўпелидисе яраларина ер-  
гани, ҳожилар орасида ғоғи кўпоргони*

Маънилари нақл этгучи бу нафис сўзлари шундай баён қилади:

Уша кечаси Мажнун ўз уйидан ҳуркандек қочиб кетган эди.

1575. Тонг отганда, бутун эли унинг уйда йўқлигини билиб, яна дэд-фарёд кўтарди.

Улар яёву отлиқ, ҳар томони қидириб, уни тополмай, хижолат чекиб қайтдилар.

Ғам отасининг қаддини яна букиб, онасини ҳолсизлантириб қўйди.

Ҳар иккала зору беҳуд (ота-она) турли ўйларга бордилар, лекин ўз фикрларини ўзлари рад қилдилар.

Кўп гап-сўзлардан кейин, шундай қарорга келдилар.

1580. Кўрган чоралари натижа бермагач, умидни узиб, охири тангрига ёлбориб,

ҳар иккалалари ҳам йўқолган ўғилнинг топиллишини ҳақ-



Хушвақт қилиб ннѐз аҳлин,  
Осуда замир роз аҳлин.

Ҳар гўшанишиниу бенавойн,  
Қилғайлар анинг учун дуойи.

Ҳақ раҳм этиб икки бенавоға,  
Бергай они ул ото-оноға.

1585. Ҳаж мавсими эрди иттифоқи,  
Айлаб бори Каъбанинг яроқи.

Бориб неча кун тилаб ўзу ёт,  
Мажнунни топиб кетурдилар бот.

Қилдилар ани ул ишдин огоҳ.  
Ул иш анга ҳам бор эрди дилхоҳ.

Ўлтуртуб ани амори ичра,  
Утни маиқали ҳисори ичра.

Фурсатни бори билиб ғанимат,  
Каъба сори қилдилар азимат.

1590. Чун бўлдилар ул ҳарамға маҳрам,  
Йўқ, йўқ, не ҳарамки, арши аъзам.

Ер узра сипеҳрдин нишоне,  
Туфроқ уза балки осмоне.

Ер мақдаминдин фалакка монанд,  
Ул бу фалак узра арш пайванд.

Ҳар рўкни келиб сўкунға мақрун,  
Аркон анга мисли рубъи маскун.

Ё сўфийи мазҳари жамоли,  
Жуз ҳақдин ўлуб замири холи.

1595. Ер натъида ўлтуруб мураббаъ  
Сўфи киби эғнида мураққаъ.

Ўрнида нечукки қутби собит,  
Атрофи ушоқ тоши савобит.

Не қутбки теграсида актоб,  
Мужгон била хокрўби абвоб.

дан тилаб, муҳтож кишиларни ҳушнуд қилиб, дард аҳли-  
нинг эса кўнглини тинчлантириб.

тарки дунё қилган сўфилардан, бечоралардан Мажнун учун  
дуолар олсалар,

бу икки бечорага худонинг раҳми келиб, уни топиб ота-  
онасига бергай дедилар.

1586. Иттифоқо, ҳаж мавсими эди, Қаъба зиёратига бориш учун  
ҳозирлик кўрдилар.

Бир неча кун ўзлари ва бегоналар хўб қидирдилар, охири  
Мажнушни ҳам топиб келтирдилар.

Унга ҳажга бориш ниятини билдирдилар, унинг ҳам кўн-  
глида шу тилак бор эди.

Худди ўтти манқалга солгандек, уни ҳам амори (кажава)  
ичига ўтиргиздилар.

Ҳаммалари фурсатни ғанимат билиб, Қаъбага қараб ра-  
вона бўлдилар.

1590. Қаъбага, йўқ, йўқ, Қаъбага эмас арши аъзамга яқинлаш-  
дилар.

Қаъба ер устида фалакдан иншоа берар, ёки тупроқ  
устидаги осмондай эди.

Қаъбанинг шарофатидан ер осмонга, у-ер, осмонининг усти-  
даги аршга ўхшайди.

Ер юзининг барча улуг ва кичик одамлари бу манзилга  
келиб, зиёрат қиладилар.

Ёки у Қаъба кўринишга, кўнглида таиридан бошқа ҳеч  
нарсга йўқ сўфига ўхшайдилар.

1595. Ёки ўша сўфининг чопон кийиб, ерда чўкка тушиб ўтир-  
ганига ўхшайдилар.

Ўрнида қимирламай туриши қутб юлдузи, атрофидаги май-  
да тошлар майда юлдузлардир.

Бу қутб юлдузи эмас, балки зўр авлиёдирик, кўп авли-  
ёлар эшини супурганлар.





Меҳнат хасин анла топмайин эл,  
Азбаски малак қаноғидин ел.

Лвжида малоийик учмоғи фош,  
Ҳар кеча печукки хайли хуффош.

<sup>1600.</sup> Сўздек топибон асоси маҳкам,  
Кўздек кийибон либоси мотам.

Тавфилин улусқа зилли шоҳи,  
Атрофи сипеҳр саждагоҳи.

Мажнунга кўрунғач ул салобат,  
Кўнгли сари юзланиб маҳобат.

Ишқ этти димоғини мушавваш,  
Кўнгли аро шавқ ёқти оташ.

Ёғдурди кўзи ёнин ёғинлек,  
Оҳ урдию секриди чоқиндек.

<sup>1605.</sup> Даврида ҳарамнинг ўлли дойир,  
Ёр гирдида мисли чархи сойир.

Юз бирла қилиб тошини заркор,  
Ашқини оқизиб печукки паркор.

Рухсори сунурғач ул эпиккин,  
Ҳалқасиға урди чуст иликкин.

Ҳар бормоғиғаки руст ўлуб тоб,  
Бир ҳалқаға тушти иеча қуллоб.

Ул тавқи мурод ичига дарҳам  
Қуллоби муҳаббат ўлди маҳкам.

<sup>1610.</sup> Қуллоби чу бўлди ҳалқаға банд,  
Занжири тазаллум ўлди пайванд.

Бир навъ тазаллум оҳи чекти,  
Ул дуд ила ғам сипоҳи чекти,

Ким чарх либосин этти улдам,  
Каъба тўнидек либоси мотам.

Айлаб ани бўйла мотамн зор,  
Фарёд кўтарди мотамивор.

У ердан меҳнат (қийинчилик) хашагини ҳеч ким тополмайди, чупки уларни фаришталар қанотининг шамоли учириб кетган.

Фаришталар, унинг тепасида худди кечалари учган кўршапалаклардек учиб юрадилар.

1600. Унинг пойдевори сўздай маҳкам, кўзга ўхшаш қора мотам либоси кийган.

Унинг зиёрати элга подшоҳлик кўланкаси каби, атрофи эса фалакнинг саждагоҳидир.

Қаъбанинг бундай салобатини кўриб, Мажнуннинг кўнглига ваҳималар тушди.

Ишқ уни ташвишга солиб, ҳавас-шавқ кўнглига ўт ёқди.

Кўз ёшларини ёмгирдек қуйиб ёғдириб, оҳ уриб чақиндек сакради.

1605. У Қаъбанинг теварагида, ер атрофида фалак айлангандек айлана бошлади.

Юзи билан тошларига зар бериб, ҳалқа-ҳалқа кўз ёшлари

оқизли, юзи билан у эшикни супурса, қўллари билан эшик ҳалқасини маҳкам ушлади.

Ҳамма бармоқлари букилиб, бир ҳалқага неча-неча панжа тушгандек бўлди.

Мурод ҳалқасининг ичига муҳаббат панжалари маҳкам ёпишди.

1610. Панжалари ўша ҳалқага осилганча, фарёд қила бошлади.

У шундай фарёд кўтардики, унинг тутуни билан ғам сипоҳи тўпланди.

Мажпун бу тутунилари билан фалак либосини ҳам Қаъба тўнидек қорайтириб юборди.

У, мотам тутган кишидек фарёд кўтариб, Қаъбани мотамхонага айлантирди.



Дедики: «Аё ҳақими доно,  
Ҳар ҳукмда ҳоқиму тавоно!

1615. Эй ишқ ўтин айлаган жаҳонсўз,  
Анди мени потавонни жонсўз.

Эй ургон ул ўтин хирманимға,  
Хирман неки, жон била танимға!

Эй ишқ ангаким, мулозим эткан,  
Ҳижрон ўтин анга лозим эткан!

Эй кимгаки ишқдин солиб банд,  
Талх айлаб анга насиҳату панд!

Эй ишқ ила ошқим қилиб фош,  
Атфолдин анга ёғдуруб тош!

1620. Эй кимники айлаган паричеҳр,  
Девонаси сори бермаган меҳр!

Кўнгул салафида тавҳари ишқ,  
Эй жон аро солиб озари ишқ.

Ишқ ичра букун мени шикаста,  
Келмиш мен асру пойбаста.

Ҳар рағи таним ичра ишқ банди,  
Жон риштаси ишқнинг каманди.

Тори баданим аро бўғунлар,  
Ҳам ишқ танобидини тугунлар.

1625. Жисмим аро доғи бегарона,  
Ишқ ўтларидин келиб нишона,

Мамлу анинг ўти бирла жоним,  
Жоним неки, мағзи устухоним.

Бу ишқ ўтиким баён қилурмен,  
Муҳлик ғамини аён қилурмен.

Демонки мени тарабға хос эт,  
Ёҳуд ғамин ишқдин халос эт!

Дерменки менга бу ўтчи ҳар дам,  
Афзуи қилу, қилма зарраи кам!

Ундан сўнг, шундай деди: «Эй ҳукмига ҳоким бўлган доно  
ва қодир ҳаким!

1615. Эй, ишқ ўтини жаҳон куйдирувчи қилган, ишқ ўти билан  
мендек бечоранинг ҳам жонини куйдирган!

Эй, ул ўтни хирмонимга, хирмон ҳам эмас, балки жоним ва  
танзимга урган!

Эй, ишқни кимсага ҳамроҳ қилиб, айрилиқ ўтини лойиқ  
кўрган!

Эй, бировни ишққа кишанлаб, яна панд-насиҳатларни унга  
аччиқ қилган!

Эй, ишқ билан унинг донгини чиқариб, балолар тошбўрони-  
га қолдирган!

1620. Эй, бировни пари чеҳра этиб, уни девонасига бемехр қил-  
ган!

Эй, жонга ишқ оловини солиб, кўнгил садафига ишқ гав-  
ҳарини тўлдирган!

Мен ишқ дарлидан шикаст еб, бугун қўл-оёғи боғланган  
бир асир бўлиб келдим.

Танимнинг ҳар бир томири ишққа банд, жонимнинг ришта-  
лари эса ишқнинг каманди бўлибди.

Баданимдаги асаб ва томирларнинг бўғинлари ишқ ипла-  
рининг тугунларидир.

1625. Жисмимдаги чексиз доғлар ишқ ўтлари солган нишоналар-  
дир.

Унинг ўти билан жоним ва устухонларимнинг иликлари  
тўлгандир.

Бу ишқ ўтини баён қилиш билан, ҳалокат келтиргучи ғам-  
ни ҳам аён этаман.

Ишқ ғамидан қутултириб, мени шодлантиргин, демайман!

Аксинча, бу ўтни ҳар дам кўпайтирсангу, сира кам қил-  
масанг, дейман!



1630. Чек айнима ишқ тўтиёсин,  
Ур қалбима ишқ кимиёсин!

Кўнглумга фазо ҳарими ишқ эт,  
Жонимга физо насими ишқ эт!

Ишқ исидин эт дамимни мушкин,  
Ишқ ўтидин эт юзумни ранггин!

Бўйнуи уза, «айн»ин айлагил тавқ,  
«Шин»ин қил ичимга шуълаи шавқ.

«Қоф»ин менга айла кўҳи андуҳ,  
Кўнглумга ғамини кўҳ то кўҳ.

1635. Уч нуқтасини шарора айла,  
Иккисини икки хора айла,

Ул шуълаға ҳам керак шарора,  
Бу қофға доғи хора пора.

Жонимга сол ул шарорани ҳам,  
Бошимга ур ушбу хорани ҳам.

Юз мунчаға элни мониъ этма,  
Минг мунчаға мени қониъ этма!

Кўнглум ғам ила тўқ айла, ё раб!  
Ишқ ичра мени йўқ айла, ё раб!

1640. Дерлар менга: «Ишқни унутғил,  
Лайли ғамидин канора тутғил».

Оллоҳ-оллоҳ, бу не сўз ўлғай,  
Ул қавмга тенгри узр қўлғай.

Ёрабки бу хушгвор бода,  
Жоми талабимга қуй зиёда!

Ул боладин ўйла тут менга қўш,  
Ким ёдима ҳаргиз ўтмасун хуш!

Лайли ишқин танимда жон қил,  
Лайли шавқин рагимда қон қил.

1645. Дардини нажотим эт илоҳи,  
Ёдини ҳаётим эт илоҳи!

1630. Кўзимга ишқ тўтиёсини сурт, юрагимга ишқ кимёси (то-  
шини) ур!

Кўнглимнинг жилвагоҳи ишқ саҳнаси бўлсин, ишқ насими-  
дан жонимни озиқлантир!

Ишқ бўйидан нафасимни хушбўй эт, ишқ ўтидан эса юзим-  
га ранг бер!

Ишқ сўзининг аъён ҳарфини бўйимга халқа ва шини  
кўнглимга шавқ шуъласи деб киритгин.

Қофини менга ҳам тоғи эт-да, ҳамини эса кўнглимга тоғ-  
тоғ қилиб жойлаштир.

1635. Уч нуқтасини учқун айлаб икки нуқтасини қаттиқ тошга  
айлантир.

У шуълага ҳам учқун керак бўлгани каби, бу ҳам тоғига  
ҳам тош парчалари лозим.

Ўша учқунларни ҳам жонимга сол, тош порчаларини эса  
бошимга ёғдир!

Эл менга юз бунчалик азоб берса ҳам қайтарма, минглар-  
ча шундай азобларга мени қондирма!

Кўнглимни ҳам билан тўқ этгил, раббим, ишқ ичида мени  
йўқ этгил, раббим!

1640. Менга: «ишқни унутиб, Лайли ҳамидан узоқлаш» ҳам деб  
айтадилар.

Ажабо, бу нима деган сўз, тангри у кишиларни афв қил-  
син.

Ё раббим бу лаззатли бодани талабим жомига кўпроқ  
қуйгин!

У вафо майидан менга қўш-қўш тутгинки, эсимга ҳаргиз  
хуш келмасин!

Лайлининг ишқни танимда жон этиб, Лайлига бўлган  
ўтли тилагимни танимда қон айла!

1645. Эй тангри, Лайли дардини нажотим, ёдини эса ҳаётим айла!



Ҳардамки эмас анинг хаёли,  
Кўнглум уйин андин айла холи!

Ҳар ўтки йўқ анда ишқ сўзи,  
Мен хастага қилма они рўзи!

Ҳуйики эмас анинг ғамидин,  
Фош этма бу телбанинг дамидин.

Дардимға хаёлини табиб эт!  
Жонимға вислолини насиб эт!

1650. Ғайрин назаримда фони айла,  
Меҳрин менга жовидони айла!

То бўлса ҳаётдин нишоним,  
Савдосини қил тан ичра жоним!

Жон чиқса бу жисми нотавондин.  
Еди била — ўқ чиқор жаҳондин.

Танлар тирилурга қўйсалар юз,  
Кўйин елидин танимни тиргуз!

Дўзах менга етса жовидони,  
Ишқи ўтидин қизитқил они.

1655. Жаннат сари чекса сарнавиштим,  
Васли ҳарамини қил биҳиштим.

Онсиз мени бирдам этма мавжуд,  
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!»

Гарм айлабон оии бу муножот,  
Атрофида лол аҳли ҳожот.

Ул қойилу юз асири ғамғиц,  
Борининг ўлуб ҳадиси «омин».

Бехуд қолибон фақир отоси,  
Ҳайрон бори хешу ақрабоси.

1660. Бу навҳаву ашк нолишидин,  
Бори юдилар илик ишидин.

Ул ҳам чу тугатти навҳаи дард.  
Бўлди яна ақлу ҳушидин фард.

Бир нафас бўлса ҳам унинг хаёлини кўнглим уйдан чиқарма!

Ишқ олови бўлмаган ҳар қандай ўтни менга насиб этма!

Оқ унинг ғамидан бўлмас экан, ундай оҳни мен девонанинг дамидан чиқарма!

Унинг хаёлини дардимга табиб эт! Васлини эса жонимга насиб эт!

1650. Лайлидан бошқа бегонага кўзимни туширма, унинг меҳрини менга абадий эт!

Мен ҳаёт эканман, унинг ишқ савдосини танимда жондек сақла!

Бу нотавон танимдан жоним чиқса, унинг ёди билан жаҳондан чиқар!

Кишилар тирила бошласа, Лайли кўйининг шабаласи билан танимни тиргизгин!

Доимий дўзахга тушишга тўғри келса, уни Лайли ишқ ўтидан қизитгин!

1655. Қисматимда жаннатга кириш бор бўлса, унинг васл ҳарамини беҳиштим этгин!

Унингсиз мени бир нафас бўлсин яшатма, унингсиз тирик бўлсам бутун бағримни нобуд этгин!»

Бу муножот уни шундай қизитиб юбордики атрофидаги ҳожат аҳллари ҳайрон бўлиб қолдилар.

У сўйлар экан, атрофида ғамга асир бўлганлар: «Омин» деярдилар.

Бечора отаси ҳушидан кетиб, ҳеш ва ақраболари ҳайрон бўлиб қолдилар.

1660. Мажнуннинг бу хилдаги нолишини кўрган кишилар, унинг ишидан қўл ювдилар.

У ҳам дардли йиғисини тугатгач, яна ақл ва ҳушидан кетиб қолди.





Охир кўтариб неча дилафгор,  
Манзилларин ўлдилар талабгор.

Ишқ ўти кўнгулни куйдурур чоғ,  
Манъиға су қуйсалар бўлур ёғ.

Ҳаж тавфида ишқини ирола,  
Кам айлабу ул бўлуб зиёда.

1665. Эй, зойири каъбан саодат,  
Лутфунгдин этармеи истифодат,

1666. Ким бизни дағи дуода ёд эт,  
Бу ишқ ўти шуъласин зиёд эт!



Охири бир неча дили куйганлар Мажнунни кўтариб, манзилларига қайтдилар.


Ишқ ўти кўнглини куйдирган пайтда, уни ўчириш учун сув қуйилса ёғ бўлғусидир.

Ишқни камайтиришни тилаб ҳажни зиёрат этгач, у ишқ яна зўрайиб кетди.

---

1665. Эй содатли Каъбанинг зиёратчиси, марҳаматингдан бебаҳра қолмайин!

1666. Дуода бизни ҳам ёд этиб, бу ишқ ўтининг шуъласини яна ҳам оширгин!





### У Н У Ч И Н Ч И Б О Б

*Мажнуннинг ваҳшатлик элдин улфатлик  
риштасин узғони ва биёбоннинг ваҳший  
ҳайвонлари билан дўстлашиб, Навфалга  
дуч келгани*

илғон бу фасона ков-кови,  
Бу қиссаға бўйла бўлди рови:

Ким ёнли чу ҳаж тавофидин хайл,  
Ҳар ким ватанига айлади майл.

Мажнун отосига ранжи жовид,  
Уғлндин ўлуб тамом навмид.

<sup>1670.</sup> Забтини билибки мумкин эрмас,  
Бефонда иш натижа бермас.

Авд этти тутуб жаҳонни ёши,  
Маънос бори уруғ-қаёши


Девона дағи ёниб шитобон,  
Қатъ айлаб тоғ ила биёбон.

Ҳар кун яна бир тараф хироми,  
Ҳар тун яна бир даман мақоми.

Не турғонида қарори онинг,  
Не азмида ихтиёри онинг.

<sup>1675.</sup> Ниҳ ҳеч сўз айтмоққа майли,  
Айтур сўзи бу қадарки: «Лайли».





### У Н У Ч И Н Ч И Б О Б

*Мажнуннинг ваҳшатлик элдин улфатлик  
риштасин узғони ва бидённинг ваҳший  
ҳайвонлари билан дўстлашиб, Навфалга  
Оуч келгани*

Бу ривоятни ков-ков қилган баёнчи қиссани бундай давом этдирди:

Ҳаж зиёрати тамом бўлгач, ҳар ким ўз ватанига қараб қайта бошлади.

Мажнуннинг отасини абадий ғам босиб, ўғлидан умидини узди.

1670. Мажнунни сақлаш мумкин эмаслигини ва бу йўлдаги уринишларнинг фойдасиз, натижа бермаслигини билгач,

ҳаммалари ва уруғ қуёши бўлган отаси ҳам маънос ҳолда жаҳонни кўз ёшлари билан тўлдириб қайтдилар.

Девона Мажнуни ҳам тез қайтиб, тоғу тошларни кезиб юрди.

У ҳар кун ҳар тарафга кетиб, ҳар тун бир тепаликни макон қилар эди.

На туришга қарори на юришда ихтиёри бор эди.

1675. «Лайли» деган сўздан бошқа сўз айтишга майли йўқ эди.



Ҳам Лайли ўлуб тилида зикри,  
Ҳам Лайли ўлуб нчида фикри.

Ҳаръён назар этса ошкоро,  
Лайли назарида жилваоро.

Тасвир этибон юзи хаёлин,  
Кўзга кетуруб қади мисолин.

Иккисига чун қилиб тааммул,  
Сарв узра гул айлабон тахайюл.

<sup>1680</sup> Ҳам сарвнинг олида қўюб бош,  
Ҳам ул гул учун равон қилиб ёш.

Лайли ғамидин қилиб тафаккур.  
Юз байту ғазал деб ўйлаким дур.

Ҳам қофияси анинг сифоти,  
Ҳам барча радифи онинг оти.

Эшитгач ани ғамину дилшод,  
Юз завқу нишот ила тутуб ёд.

Абётига маъни оташолуд,  
Назми чиқориб димоғидин дуд.

<sup>1685</sup> Ҳар лафзида шавқ ҳарфи мубҳам,  
Ҳар ҳарфида ишқ сирри мудғам.

Ул назм илаким тузуб павое,  
Солиб улус ичра ҳой-ҳое.

Пажмурдаға жон мулосиқ айлаб,  
Афсурдани зору ошиқ айлаб.

То ҳуш димоғиға солиб тоб,  
Абъёт деб ўйлаким дури ноб.

Чун монии ҳуш ўлуб жунини,  
Ёва сўз ўлуб анинг фунуни.

<sup>1690</sup> Эл ҳарне такаллум этса билмай,  
Ўз сўзини доғи фаҳм қилмай.

Ўртаб кўнглини жунун ҳам ичра,  
Ҳар дам солиб ўзга олам ичра.

Унинг тилдаги зикри ҳам Лайли, кўнглидаги фикри ҳам Лайли эди.

Қаёққа боқмасин, унинг кўзига жилваланиб Лайли кўри-  
нарди.

Юзини хаёлида тасвир этар, кўз олдида эса қомати гав-  
даланарди.

Бу иккисини у, гўё сарв устидаги гул деб тасаввур қиларди.

1680. У ҳам сарв олдига бошини қўяр, ҳам гул учун кўз ёши  
тўкар эди.

Лайли ғамидан хаёлга чўмиб, юзларча дурдона байт ва  
ғазаллар айтарди.

Бу байту ғазалларнинг қофияси Лайлининг сифати бўлса,  
бутун радифлари унинг отидан иборат эди.

Ғамгин ва шод кишилар, унинг ғазалларини эшитиб, юз  
завқ ва севинчга тўлиб, уларни ёдлаб олардилар.

Байтларининг мазмуни оташ билан тўлиб, назми димоғи-  
дан оқ дудларини чиқарар эди.

1685. Унинг ҳар бир сўзи ичига шавқ ҳарфлари яширинган, ҳар  
ҳарфида эса ишқ сирлари сингдирилганди.

У назмлардан наво тузиб, эл орасига ҳай-ҳуй соларди.

Сўлғинларга жон киргизиб, маъюсларни ошиқи-зор этарди.

У ҳушига келганда тоза дур сингари байтлар айтар эди.

Аммо ҳушидан кетганида телбалардек ҳар хил сўзлар  
айтиш унинг касби эди.

1690. Элнинг ҳам сўзига тушунмас ва ўзи нима деганини ҳам  
билмас эди.

Кўнгли жунун ғамида қолиб куйганидан, ўзи турли ҳо-  
латларга тушар эди.



Келмай нафасе ўзнга ҳуши,  
Саҳро вуҳуши киби хуруши.

Не йиғларига ғазаб муайян.  
Не кулмакига сабаб муайян.

Рухсори тапонча бирла мажруҳ,  
Аъзосида йўқ нишонаи руҳ.

1695. Бу ҳолатидин гаҳи қнлиб ҳавл,  
Ўз ҳолига айлар эрди лоҳавл.

Ул нақшни ёна ишқи бебок,  
Филҳол юр эрди кўнглидин пок.

Тоғ ичра уни тушуб сабодек,  
Қум узра тани қуруқ гиёдек.

Ёшлардек этиб йиғию фаръёд.  
Қилмай ота-онасин, вале ёд.

Ёр айлабу ошно балони,  
Соғинмай ёру ошнони.

1700. Андуҳ еб, этиб жафо майи нўш,  
Ичмак-емаги бўлуб фаромуш.

Кўз ёшидек ўлмаи орамида,  
Жайран киби халқдин рамида.

Нафс итлигидин кечиб тамоми,  
Дашт узра кийик мутиу роми.

Ҳар қумғаки мақдами етишиб,  
Бир дашт кийик анга эришиб.

Гирдида кийик, тўла ябони,  
Ул ўртада ўйлаким шубони.

1705. Гоҳи ўпубон мунунг жабинини,  
Гоҳи силабон анинг суринини.

Ҳаръён бўри посбон итидек,  
Йўқ, йўқ, не дедим, шубон итидек.

Бу даштқаким тушуб гузори  
Ким кўкка етиб фиғону зори,



Бир нафас ҳам ҳуши ўзига келмас, саҳро ваҳшийлари ка-  
би хуруш қила бошларди.

На йиғисида ғазаб кўринарди, на куйишида сабаб.

Юзлари шапалоқ зарбидан кўкарган, аъзосида руҳдан асар  
қолмаганди.

1695. Гоҳо бу ҳолатидан ўзи ҳам ваҳимага тушиб, «лоҳовла»  
ўқир эди.

Бу қўрқув изларини, қўрқмас ишқ дарҳол ювиб, кўнглидан  
чиқарар эди.

Овози тоғларни жаранглатар, тани эса қумдаги қуруқ  
ғиёҳдек бўлиб қолган эди.

Еш болалардек фарёд кўтариб йиғлар, лекин ота-онасини  
эсламас эди.

Балони ёр-ошна қилиб, ёр-ошнасини соғинмас эди.

1700. Ичмоқ ва емоқни ҳам унутиб, гамдан озиқланар, жафо  
майини ичар эди.

У кўз ёшларидек тинмас эди, жийрон каби одамлардан  
ҳуркиб қочарди.

У нафсининг итлигидан кечиб, даштдаги кийиклар билан  
улфат бўлиб олган эди.

У қайси қумга қадам босмасин, бир дашт кийиги унга эр-  
гашар эди.

Чор атрофини кийиклар ўраб олишар, бу бўлса уларга пос-  
бон бўлиб, ўртада чўпондек юрарди.

1705. Баъзиларнинг пешонасини ўпар, баъзиларининг эса сағ-  
рисини силарди.

Ҳар томонда посбон птдек, йўқ, йўқ, янглишдим, чўпон  
итидек бўрилар кезарди.

Мажнун қайси даштга бормасин фиғону зори кўкка чиқар  
эди.



Навфалки Арабда эрди нодир,  
Тиғиға қадар, ўқиға қодир.

Яхшилиқ ила Арабда мавсум,  
Оромғахи бу марз ила бўм.

1710. Ул кун қилибон ҳавоғи нахчир,  
Ов амриға қилмиш эрди тадбир.

Ҳар хайлдин эл қилиб мураттаб,  
Сахро сори сурмиш эрди маркаб.

Чарга аро қолмиш эрди Мажнун,  
Даврида кийик ададдин афзун.

Ҳар сайдики ул сипаҳни кўрди,  
Тўш-тўшдин аиниғ сори югурди.

Борисиға иш анга ялинмоқ,  
То мумкин аиниғ сори сигинмоқ.

1715. Навфал кўруб ул хилофи одат,  
Ҳайрат анга ажз этиб зиёдат.

Сўрди элидинки: «Бу ғаробат,  
Ким кўнглум аро солур маҳобат.

Сиз ҳам кўрасизму, йўқса йўқму,  
Ё келди менинғ кўзумга-ўқму?»

Ул хайлда баъзи эрди ҳамроҳ,  
Мажнун ишидин саросар огоҳ.

Навфал қошида суруб ҳикоят,  
Ул қиссани қилдилар ривоят.

1720. Навфал дағи ишқ кўрган эрди,  
Ғам дашти аро югурган эрди.

Бу ишники билди йиғлади зор,  
Ул сайд қилурдин ўлди безор.

Дедикн: «Не кимиё эрур ишқ,  
Не бориқан зиё эрур ишқ,

Ким ҳар кишиники қилдн ғамнок,  
Ғашдин қилур ўйла қалбини пок,

Араб мамлакатида подир, тиг ва ўққа қодир бўлган Навфал исмли ботир бор эди.

Араблар орасида яхшилик билан донги чиққан бўлиб, бу ерлар ҳам унга қарар эди.

1710. Уша куни катта ҳавас билан овга чиқиш тадбирини кўрган эдп.

Бутун қабилалардан кишилар тўплаб, саҳрога от сурди.

Мажнун шу пайтда овчилар қуршовида қолди, унинг атрофида кийиклар жуда кўп эди.

Кийиклар Навфал йигитларини кўриб, тўш-тўшдан Мажнун томонга югурдилар.

Улар Мажнунга ялғиниб, иложи борича унинг паноҳига сизгидилар.

1715. Навфал одатдан ташқари бу ҳолни кўргач, ҳайратда қолиб дармонсизланди.

У, йигитларидан сўради! «Бу ғаройиб манзара кўнглимга ваҳима соляпти.

Сиз ҳам кўряпсизми, ё кўрмаяпсизми ёхуд менинг кўзимгагина шундай бўлиб кўриняптими?»

У кишиларнинг баъзилари Мажнун ишидан тўла хабардор эдилар.

Улар Навфалга Мажнун ҳикоясини бошдан-оёқ сўзлаб бердилар.

1720. Навфал ҳам бир вақтлар ишқ можаросини бошидан кечирган ва ҳам даштида кезган эди.

Мажнун ишидан хабардор бўлгач, у йиғлади ва ов қилишдан ҳам воз кечди.

У деди: «Ишқ гавҳар, у кўз қамаштиргучи порлоқ нур.

Ишқ кимни ҳамга солса, унинг қалбини ғашдан пок этади.



Ким ваҳши бўлмас эл била ром,  
Сахро аро тутмас онсиз ором.

1725. Ишқ ўйла вужудин оришибдур,  
Андоқ башарияти итибдир,

Ким ваҳшга йўқ қошида даҳшат,  
Чун кетти башарлиқ, итти ваҳшат».

Тарк айлади сайлға жафони.  
Элга деди: «Ташланг ўқу ёни,

Ҳам итлнкингизни ташлангиз чуст,  
Ҳам итларингизни боғлангиз руст!»

Чун хайлиға қилди бўйла аҳком,  
Тушти, дағи қўйди ул тараф гом:

1730. Мажнун кўруб они ошноваш,  
Келмаклиги келди кўнглига хуш.

Гарчи даду дом қилдилар рам.  
Мажнуни рамида турди бирдам.

Етгач Навфал салом қилди,  
Мажнун анга ихтиром қилди.

Дедиким: «Аё хужаста дийдор,  
Чеҳрангда хужасталиқ падидор.

Ҳам меҳри сафо юзунгда толнъ,  
Ҳам нури вафо эгингда ломинъ.

1735. Юз ком сенга насиб келди,  
Сендин кўзума ғариб келди,

Ким ғофил улус киби чекиб ўқ,  
Ваҳш этидин ўзни истамак тўқ.

Чун йўқ бу ғизоға ихтиёжинг,  
Озор недин тилар мизожинг?

Ким нафс нишотиға чекиб хайл,  
Қон тўккалн кўнглинғ айлағай майл.

Бу зулм ила ул ғизому бўлғай,  
Сендин бу сифат равому бўлғай?

Шунинг учун ҳам ёввойи ҳайвонлар одам билан дўстлашганлар, унингсиз улар саҳрода ором ололмайдилар.

1725. Ишқ унинг вужудини шундай эритибдики, унинг инсонлиги ҳам йўқолибди.

Ваҳшийларга унинг олдида даҳшат йўқ, чунки ундан ишон ваҳшийлиги йўқолган».

Навфал кийикларга озор беришдан воз кечиб, йигитларга: «ўқ-ёйингизни ташланг!»

Итлигингизни дарҳол йўқотинг, итларингизни эса маҳкам бағланг» — деди.

Одамларига шундай деб буюриб, ўзи Мажнун тарафга қараб юрди.

1730. Мажнун Навфални танишдай кўриб, келганига хурсанд бўлди.

Навфал келиши билан ҳалиги ёввойи ва хонаки ҳайвонлар қочсалар-да, ҳуркавич Мажнун қочмади.

Навфал бориб салом берди, Мажнун унга эҳтиром кўрсатди.

Мажнун деди: «Эй муборак сиймо, чеҳрангдан покликнинг равшанлигини кўраман.

Юзингда меҳр нури кўринади, устингда вафо нурининг жилвалари.

1735. Сени бутун мақсадларига эришган деб кўрдим, лекин бир нарса қизиқ кўриндики,

Ғофил кишилар каби ўқ отиб, ҳайвонлар гўшти билан қорин тўйдириш истагига тушибсан.

Бу озуққа эҳтиёжинг йўқ-ку, нечун уларга озор берасан?

Нафс севинчи учун шунча элни бошлаб, қон тўкишга кўнглинг майл этдимми?

Шундай зулм билан ҳам овқат еб бўладими, шундай ишни ўзингга раво кўрасанми?



1740. Гар урса тикан аёғинга неш,  
Кўнглунг аёғинг учун бўлур реш.

Не мазлама ёйин ўлди қурмоқ,  
Уқ чекмаку жониварни урмоқ?

Ҳақ берди буларга доғи жони,  
Ойини ҳаётдин нишони.

Бу неча рамида жонидин кеч,  
Бежурм гуруҳ қонидин кеч!».

Навфал кўруб ул каломи дурпош,  
Ер ўптию қўйди олида бош.

1745. Дедиким: «Аё фаришта пайванд,  
Келмай сифатинг башарга монанд!

Бу сўзки муродинг эрди билдим,  
Ҳар неки дединг қабул қилдим.

Жонимга раво кўрай қилич, ўқ,  
Лекин бу сурук рамидага йўқ,

Чун сен қилдинг ҳикоят изҳор,  
Эмди менга ҳам ҳикояте бор».

Мажнун анга бўйла берди посух,  
Ким: «Айтқил, эй жамоли фаррух».

1750. Навфал деди: «Улки қилдинг иршод.  
Ким қилма рамидаларга бедод.

Билдим нафасинг ҳаловатини,  
Қўйдум борининг адоватини.

Сенким, элдин қилиб жудолиқ,  
Қилмишсен аларга ошнолиқ.

Йўқ эл била улфатинг зиёдат,  
Бу иш ҳам эрур хилофи одат.

Инсонки эрур чароғи биниш,  
Бал чашму чароғи офариниш.

1755. Андин ўзин айламак рамида,  
Ҳайвон била бўлмоқ орамида.

1740. Агар оёғингга тикан санчилса оёғинг учун кўнглинг куяди-ку.

Зулм ёйини тўғрилаб, ўқ отиб, жониворларни уришдан нима фойда?!

Ҳақ буларга ҳам жон бериб, ҳаётнинг гўзал нишоналарини бағишлабди.

Энди бу ҳуркович ожизларнинг жонидан кеч, бу бегуноҳ галанинг қонини тўкма!»

Навфал Мажнуннинг бундай дур сочгучи сўзларини эшитиб, унинг олдида бош эгиб, ер ўпди.

1745. У деди: «Эй фариштага ўхшаган, башарга сифатинг ҳам монанд тушмаган!

Бу сўзларингдан муродинг нималигини билдим, ҳар на деган бўлсанг, барисини қабул қилдим.

Бу ҳуркович кийик галаларига урадиган қилич ва ўқларни ўз жонимга раво кўрайин.

Сен энди ҳикояларингни айтиб бердинг, мендан ҳам бир ҳикоя эшит».

Мажнун унга қулоқ солиб, «Эй соҳибжамол, айтгин» деди.

1750. Навфал деди: «Сен менга бу қўрқоқ ҳайвонларни азоблама» дединг.

Бу сўзларингнинг ҳаловотини билдим, шунинг учун ҳам уларга бўлган адоватни кўнгилдан чиқардим.

Сен элдан айрилиб, булар билан ошна бўлибсан.

Эл билан улфатчиликни узибсан, бу ахир одатга хилоф иш-ку.

Инсон ақл чироғи, қолаверса бутун кoinот кўзининг ёруғлигидир.

1755. Инсонлардан қочиб, ҳайвонлар билан ҳамулфат бўлишинг



Ақл олида бесабаб кўрунди,  
Сендин менга бас ажаб кўрунди.

Андоқ дедиларки: гулʼузоре,  
Солмиш юракингга хорхоре

Гар андоқ иш ўлғон эрса ҳодис,  
Бўлғон эса мундоқ ишга боис,

Бўлғил бу рамидалардин озод,  
Кезгил неча кун менинг била шод.

1760. Ул ердаки зору мубталосен,  
Ғам домида бастаи балосен.

Имкони боринча айлайин жаҳд,  
Токим қилай они сенга ҳаммаҳд.

Ер тутмаса нақду молу дархост,  
Ҳар сори сипоҳ ишин қилай рост.

Е туҳфау моли хост бирла,  
Ул бўлмаса зарби рост бирла.

Гар даври фалак муовин ўлғай,  
Ҳар навъ билаки мумкин ўлғай.

1765. Бу уқдадин истабон кушодинг,  
Коминг била еткурай муродинг.

Гар бўлмаса ул ғараз муяссар,  
Бордур худ анга эваз муяссар.

Фарзанд қилай сени ўзумга,  
Миннатни қўяй ёруқ кўзумга.

Лекин даду домдин чекнб гом,  
Тутқил бу рамида бирла ором.

Одам била ваҳш келди кам жинс,  
Одамга ҳам одам ўлди ҳамжинс.

1770. Гар ёр висоли ўлса коминг,  
Бу ишда керакдур ихтимоминг».

Чун васл сўзин эшитти Мажнун,  
Шавқ ўлди бурунғидин ҳам афзун



ақл олдида сабабсиз кўринди, бу ҳолат эса менга жуда қизиқ туюлди.

Менга: бир гул юзли бунинг юрагига тиканлар санчган деб айтдилар.

Агар шундай ҳодиса рўй берган бўлса ва бу ишнинг сабаби шу бўлса,

бу ёввойи ҳайвонлардан кечиб, мен билан юр-да, кунларингни хурсандлик билан ўтказ.

1760. Бу ерда зору мубтало бўлиб, ғам домига илинган экансан,

мен кўлимдан келганча уришиб, уни сенга қовуштирай.

Агар пулу молга кўнмаса, аскар кучи билан ҳал этай.

Е тухфа-тортиқ ва яхшилик билан, унга кўнмаса, роса зарб-зўрлик билан кўндирай.

Агар фалак менга мадад берса, бу иш қайси йўл билан ҳал бўлса,

1765. бу чигал тугунлардан сени қутқариб, мурод мақсадингга еткизайин.

Агар унга муяссар бўлинмаса, унинг ўрнига бошқаси ҳам бор.

Сени ўзимга фарзанд этайин, марҳамат ва ёрдамларимни аямайин.

Бу ҳайвонлардан узоқлашиб, мен билан бирга бўл.

Одам билан ҳайвонларинг ҳамжинслиги кўрилмаган нарса, фақат одам билан одам ҳамжинсдир.

1770. Агар мақсадинг ёрга етишмоқ бўлса, унга аҳамият ва ҳаракат керакдир».

Мажнун висол сўзини эшитгач, шавқи бурунгидан зиёд бўлди.



Хушқоллиқ этти они беҳол,  
Беҳоллиқ этти нутқини лол.

Юз саъи била қилиб такаллум,  
Кўзида сув, оғзида табассум.

Деди: «Неким айладинг хитобим,  
Борисиға бор эди жавобим.

1775. Чун васл сўзин дединг унуттум,  
Ул барчасидин канора туттум.

Бу ваъдаки қилдинг ошкоро,  
Бўлмоса вафосиға мадоро.

Юзумдурур ашҳабинг тувоғи,  
Бошимдурур маркабинг аёғи».

Икки сори мундоқ ўлғоч озарм.  
Бир-бирларини сўруштилар гарм,


Ул пояда ихтилот бўлди,  
Ким мужиби юз нишот бўлди.

1780. Чун васл ила берди муждағони,  
Навфал олиб уйга борди они.

---

Эй ҳажрда жисми нотавонинг,  
Чун муждаи васл топти жонинг.

1782. Гар васл иши маҳолвашдур.  
Филҳол бу мужда бори хушдур.



Хурсандлигидан беҳол бўлди, беҳолликдан эса, гапиролмай қолди.

Юз хил ҳаракат билан кўзида ёш, оғзида табассум билан деди:

«Сеннинг гапирган ҳамма сўзларингга жавобим бор эди,

1775. Висол сўзини айтишинг билан ўзимни унутдим, уларнинг барчасидан узоқлашдим.

Бу айтган ваъдаларингга вафо қилмасанг ҳам,

юзим кўк отингнинг туёғи бўлсин, бошим эса отингнинг оёғи бўлсин».


Ҳар иккалалари шундай меҳрибончилик билан бир-бирларини иссиқ-иссиқ қучоқладилар.


У ерда буларнинг қучоқлашишлари кўп хурсандчиликка сабаб бўлди.

1780. Навфал висолдан хушхабар бериб, Мажнунни ўз уйига олиб кетди.

Эй ҳажрда жисми нотавон бўлган одам, жонинг васлнинг хушхабарларини топди.

1782. Ерга етиш гарчи мушкул иш бўлса ҳам, ҳар ҳолда бу хушхабар яхшидир.





### У Н Т У Р Т И Н Ч И Б О Б

*Лайлини Мажнунга олиб бермоқ учун  
Навфалнинг Лайли отасига элчи ва хат  
юборгани, Лайли отаси унинг талабини рад  
эtgач, Навфалнинг уруш очгани*

**Б**

у дашт тай айлаган мусофир,  
Бу навъ этти фасона зоҳир:

Ким ёр ўлуб ул ики ягона,  
Чун бўлдилар уй сори равона.

<sup>1785.</sup> Навфал тилади неча суханвар,  
Ҳар мушқил иш ичра раъйи анвар.

Шарҳ айлаб аларга сурати ҳол,  
Лайли ҳашамиға қилди ирсол.


Айлаб отасига бўйла пайғом:  
«Кей тавсани бахту толиъинг ром!

Қайс улки Арабда бебадалдур,  
Ҳар фазлда эл аро масалдур.

Лайли сари ишқи пок пайванд,  
Қилғон эмиш они орзуманд.

<sup>1790.</sup> Ифрот ҳаёву инфиоли,  
Қўймай қилуриға шарҳ ҳоли.

Қавму хайлин унутқон эрмиш,  
Ул ишқ ила дашт тутқон эрмиш.



### У Н Т У Р Т И Н Ч И Б О Б

*Лайлини Мажнунга олиб бермоқ учун  
Навфалнинг Лайли отасига элчи ва хат  
юборгони, Лайли отаси унинг талабини рад  
этгач, Навфалнинг уруш очгони*

Бу даштдан ўтган мусофир шундай афсонани сўзлади:

Навфал билан Мажнун бир-бирларига ёр бўлиб уйга равона бўлдилар.

1785. Навфал ҳар қандай мушкул иш тушса, тўғри кенгаш бергучи бир неча доно кишиларни чақирди.

Бутун бўлган аҳволни бирма-бир айтгач, Лайли отасига нома юборди.

Лайли отасига юборган хабари шундай эди: «Эй бахт ва толенинг ўйноқи отини ром қилган!

Араблар ичида мислсиз ва эл оғзида, илму ҳунарлари билан масалга айланиб, шуҳрат топган Қайс,

Лайлига пок ишқ боғлаб, унинг орзусида юрган эмиш.

1790. Унинг ҳаддан зиёд ҳаё ва хижолати ўз дардини айтишга қўймаганидан.

У қовм-қариндошини унутиб, ишқ кўйида даштни ўзига жой қилган эмиш.



Савдо аро бўлмиш ўйла мафтун,  
Ким эл дер эмишлар они «Мажнун».

Хайлинг аро касби илм қилмиш,  
Оламда не илм бори билмиш.

Сен доғи ишин билур эмишсен.  
Дойим сифатин қилур эмишсен.

1795. Бўлғонда бу ишқ мубталоси,  
Не фикрни айламиш отоси.

Гар худ сенга эрмас эрди фарзанд,  
Фарзандинга худ бор эрди монанд.

Сен доғи илик чекиб ишидин,  
Аҳволини англамай кишидин.

Қўймишсен они асири андуҳ,  
Ким тутмиш гоҳ дашт, гаҳи кўҳ.

Мундоқму бўлур мурувват охир,  
Мардумлиғ ила фугувват охир.

1800. Ўткандин шиква қилса бўлмас,  
Ҳар негаки ўтти етса бўлмас.

Мең дашт аро тилаб нишони,  
Уйга кетурубмең эмди оии.

Этибмен ўзумга ёру фарзанд,  
Бўлмиш яна воқифу хирадманд.

Эмди будур илтимос дархост,  
Ким қилсоқ иков никоҳ ишин рост.

Қўз устида улча расму ойин,  
Жон ўртада улча ақди кобин.

1805. Дур тож уза айбдин йироқдур,  
Лаъл ўлса ёнида яхшироқдур.

Гар тўлғар эсанг бўюн бу ишдин,  
Ваҳм айлагасең кўнгул қолишдин».

Бу сўз била кўп бериб табаррук,  
Айлаб алар ул сори таҳаррук.

Ишқ уни шундай мафтуп этканки, эл уни «Мажнун» дер эмиш.

У сенинг қабилаигда ўқиб, оламдаги бутун илму ҳунарни ўрганган эмиш.

Узинг ҳам унинг ишларидан хабардор бўлиб, доим уни мақтар экансан,

1795. Унинг ишққа мубтало бўлганини кўрган отаси нима фикр қилди экан?

У сенинг фарзандинг бўлмаса ҳам фарзандингга монанд эди-ку.

Сен яна кишилардан унинг аҳволини сўрамасдан, бутун ишлардан қўл тортиб,

Уни ғамга асир этибсан, у бўлса гоҳ дашт, гоҳ тоғларга чиқиб кетибди.

Ахир мурувват ва одамгарчилик ҳам шундақа бўладими?

1800. Утган иш ўтиб кетди, пушаймон қилмаслик керак, чунки у қайтиб келмайди энди.

Мен даштда юриб, уни топдим-да, ўзим билан уйимга олиб келдим.

Уни ўзимга дўст ва фарзанд этдим, у яна ўз ақли-хушига келди.

Энди илтимос ва талабим шуки, икковининг никоҳ қилиб тўйини ўтказсак.

Расм-одатларни яхшилаб ўтказиб, маҳрига жонни тиксак.

1805. Тож устидаги дур ҳар қандай нуқсонлардан ҳоли бўлса ҳам, ёнида лаъл бўлса, яна ҳам яхшироқ бўлади.

Агар бу ишдан бўйин товласанг, кўнгил қолишдан қўрқишинг керак!»

Шундай сўзларни айтиб ва кўп тортиқлар бериб, элчиларни жўнатди.



Лайли отаси ҳам ўлғоч огоҳ,  
Мажлис ясабон нечукки дилхоҳ.

Пайғом аҳлини айлаб икром,  
Пайғомини айлаб аҳли пайғом.

1810. Сомийға қатиг келиб бағоят,  
Тўлғонди ўзига бениҳоят.

Бевақт ўлуб этти бўйла тақрир:  
«Ким мундоқ эмиш азалда тақдир:

Ким ул бути чину моҳи фархор,  
Бу боғда гар гул ўлса, гар хор,

Бир ўзга муҳиб ҳабиби бўлғай,  
Ўзга кишининг насиби бўлғай.

Алқисса қазойи осмони,  
Еткурди яна бировга они.

1815. Гар бўлмаса эрди ҳам бу сурат.  
Йўқ эрди менга баче зарурат,

Навфал сўзига итоат этмак,  
Ҳар ишгаки амр қилди етмак.

Хоссаки қилиб сўзнини тақсим,  
Бир қисмин умед этиб бирин бийм.

Уммед ила кўнглум айлагай хуш,  
Бийми била хотирпм мушавваш.

Ул ойки асири беададлур,  
Бу лаҳза бировга номзадлур.

1820. Гар топса бу сўзидин надомат,  
Ул норию биз берн саломат.

Бу сўз била топмас ўлса таскин,  
Гар лутф аён қилур, вагар кин.

Лутф айласа фориг ўлтуруббиз,  
Кин кўргузур ўлса ҳам туруббиз.

Андоқ дағи бўлмасун анга фаҳм,  
Ким кинидин этгумиздурур ваҳм.



Лайли отаси бундан огоҳ бўлгач, яқин кишиларини тўп-  
лаб, мажлис қурди.

Элчиларни ҳурмат билан қаршилади, элчилар Навфалнинг  
хабарини топширдилар.

1810. Бу хабар Лайли отасига ғоят қаттиқ текканлигидан бени-  
ҳоят ғазабланди.

Хафа бўлиб сўзини шундай бошлади: «Тақдир азал шун-  
дай экан.

Бу чин гўзали бўлган ой юзли, боғимнинг гулими тикани-  
ми, ҳар ҳолда,

Ўзга бир киши унинг маҳбуби ва дўсти бўлиб, унга насиб  
этилгандир.

Лекин тақдир уни яна бошқа бировга насиб этибди.

1815. Борди-ю бировга фотиҳа қилиб қўймаганимизда ҳам, ме-  
нинг:

Навфал сўзига итоат этиб, амр қилган ишини бажаришга  
унча заруратим йўқ эди.

Қисқаси, сўзининг бир қисмини умидворлик боғлаб, бир  
қисмини ваҳима билан тўлдириб,

умид билан кўнглимни хурсанд қилмоқчи-ю, ваҳимаси би-  
лан хотиримни ташвишга солмоқчи.

Ҳисобсиз кишиларни ўзига асир этган ул ой, ҳозир би-  
ровга номзод этилгандир.

1820. Агар у айтган сўзидан пушаймонлик тортса, ул нарию  
биз бери тинч қола берамиз.

Агар у бу сўзларимдан қаноатланмаса, лутфини кўрғазар  
ёки ўчини билдирар.

Лутф кўрсатса хотиржам ўтирармиз, ўч олмоқчи бўлса  
ҳам тайёрмиз.

У, бизни «ўчимдан қўрқади» деб ўйламасин.



Разм айласа азм қилғумиздур,  
Азм айласа разм қилғумиздур».

1825. Сўзни чу бу ерга хатм берди,  
Деди: «Борингизки сўз бу эрди!»

Қўптилар ул эл топиб хижолат,  
Навфалға кетурдилар малолат:

Навфалға чу бўлди қисса маълум,  
Бўлди бу хабардин асру мағмум.

Ул навъки ваъда қилмиш эрди,  
Бу иш бўлуруни билмиш эрди.

Жамъ айлади ҳар қабиладин хайл,  
Филҳол урушқа айлади майл.

1830. Мажнунни қилиб ёнида ёвар,  
Ўт остида ел киби таковар.

Ҳам тўниға еткуруб шамома,  
Ҳам бошиға чирматиб амома.

Ул ҳарне қилурдин ўлмай огоҳ,  
Гаҳ нола қилиб, гаҳи чекиб оҳ.

От қай сариким борур дам урмай  
Тўрса дағи йўл юругга сурмай.

Тайёр қилиб сипоҳи жаррор,  
Жаррорлиқ ичра барча тайёр.

1835. Мажнун иши саъю ҳийласиға,  
Сурди Лайли қабиласиға:

Огаҳ бўлғоҳ алар доғи бот,  
Ойини жалодат айлаб исбот.

Ҳаръён киши чоптуруб йнғиб эл,  
Кин амрида маҳкам айлабон бел.

Ўтру чиқибон адувға ҳоли,  
Қўшиш била туздилар ясоли,

Ким фаҳм этиб ўйла қаҳру кинлар,  
Чарх айлади ҳар дам офаринлар.

У уруш очса, биз юриш бошлаймиз, юриш бошласа уруш очамиз!»

1825. Гапини шу ерда тугатгач: «Бўладиган сўзим шу, энди кетсангиз ҳам бўлади» деди.

Келган элчилар хижолат тортиб, Навфалга Лайли отасидан маломат етказдилар.

Навфалга бу қисса маълум бўлгач, бу хабардан ғамга тушди.

Мажнунга ваъда берган чоғида шуидай бўлишини билган эди.

Бутун қабилалардан одамлар тўплаб, дарров урушга майл этди.

1830. Мажнунни ҳам ўз ёнига олиб, у ўтти шамолдек чопқир отга мингизди.

Унга яхши тўнлар кийгизиб, бошига салла ўратди.

Лекин Мажнун бу ишларнинг тагига етолмай, гоҳ нола қилар, гоҳ оҳ тортар эди.

От қаёққа борса ҳам индамайди, тўхтаса юришга қистамайди.

Тайёр қилинган бош кесар аскарларнинг ҳаммаси ҳам бош кесишга тайёр эдилар.

1835. Мажнуннинг ишини ҳал қилиш учун бутун кучни Лайли қабиласига сурди.

Улар ҳам бу воқиядан хабардор бўлишгач, чаққонлик билан қаршилиқ кўрсатишга қарор қилишди.

Ҳар томонга одам таратиб, эл тўладилар, ғазаб билан маҳкам бел боғладилар.

Уша ондаёқ душман билан юзма-юз бўлиб, ғайрат билан саф тортдилар.

Буларнинг бундай қаҳр ва ғазабларини фалак ҳам англаб ҳар дам офаринлар ўқиди.



1840. Навфал черики доғи чекиб саф,  
Усрук тевалар киби сочиб каф.

Бу навъ ики сипоҳи хупрез,  
Қон тўккали барча даҳшатангез.

Бир-бирга етуштилар ғазабнок,  
Қатл этгали барча тунду бебок.

Маркаб ели арсани супурди,  
Озарм гияҳларин совурди.

Андоқки ёғин ёғар баҳорон,  
Майдонға сув урди тийр борон.

1845. Дашт узра эгаргучи ҳаюнлар,  
Ошубда ўйлаким қуюнлар.

Печ урмоқ ишида ҳар синони,  
Бошин киши янчғон йилони.

Дол ўлди синони шед янглиғ,  
Ҳайъат била барги бед япғлиғ.

Иттик қилич истаб эл ҳалоки,  
Бош қирқар учун нечукки поки.

Поки киби тезлик қилиб фош,  
Қирқиб, лекин соч ўрниға бош.

1850. Ўқ тойириким учуб ҳавоға.  
Йўл ҳайъати кўргузуб балоға.

Чун учқали очилиб қаноти,  
Аъдо танидин ўчуб ҳаёти.

Пайконлар ўлуб ҳавоға мойил,  
Юз кавкаби наҳс барча қотил.

Ҳар танғаки марг ўтини ёқиб,  
Умр ахтари турмайин уёқиб.

Ҳар сори шиҳобвор ҳарба,  
Чун майл қилиб тамом зарба.

1855. Бўлса зириҳ андоқ ўтуб андин,  
Ким игна ҳариру парниёндин.

1840. Навфалнинг аскарлари ҳам саф чекиб, маст тевалар каби кўпиклар сочарди.

Шундай қилиб бу икки қон тўкувчи қўшин, даҳшат билан қон тўкиш учун,

ўлим бозорини қизитиш учун бир-бирларига ғазаб билан яқинлашдилар.

Отларнинг шабадаси жанг майдонини супуриб, шафқат ва марҳамат гиёҳларини кўкка совурди.

Худди баҳор ёмғири қуйгандек майдонга ўқлар ёғилди.

1845. Даштдаги барча от ва тевалар ҳам қуюн каби тўс-тўполов ичида қолди.

Айлантириб урилган найзалар боши янчилган илон каби буралиб кўринарди.

Найзаларнинг дастаси, офтоб доирасидек эгилиб кетди, учи бўлса, тол баргидек эди.

Кескир қиличлар элни ҳалок этар, устарадек бош олар.

Бу ўткир қиличлар покидек тез бўлиб, соч ўрнига бош қирар эди.

1850. Уқ қушлари ҳавога учиб, балога йўл очиб берар эди.

Уқ қушлари қанотини ёзганда, ёвнинг танидан ҳаётини учириб кетар эди.

Кўкка қараб учган найзалар бахтсизлик келтиргучи юзларча юлдузлардек барчани ўлдирар эди.

Ҳар танага ажал ўтини ёқиб, умр юлдузи туролмай ботар эди.

Ҳар томондан кўтарилган учар юлдузга ўхшаган ёлқинли қилч ва ханжарлар зарб билан урилар.

1855. Бу қилич ва ханжарлар совут кўйлақлардан худди ҳарир-шоҳидан ўтган игналардай ўтарди.



Ханжар қилиб ўзни муттасил тил,  
Қон тўкмак этиб они қизил тил.

Ул захми забон ила ҳамеша,  
Эл бағрини ёрмоқ анга пеша.

Гурз айлаб ўзин улусга саркўб,  
Эл мағзида ҳар дам андин ошўб.

Ногаҳки зуҳур этиб хилофи,  
Бош косалари бўлуб ғилофи.

1860. Наъра била кирди абри ғуррон,  
Ул абрға барқ тиғи буррон.

Ул абри бало, бу барқи офат,  
Андин бори даҳр ғарқи офат.

Остида ҳаюни ваҳшатангез,  
Ел ўйлаки, абрни қилур тез.

Суръат аро барқдин дарахши,  
Ружъат аро барқ гом рахши.

Рокиб анга қатлдин уруб дам,  
Пархош кун нечукки Рустам.

1865. Ҳар бир араби таассуб ойин,  
Равшан қилиб онча шуълаи кин,

Қим кўкка бўлуб шарори пайваст,  
Даръе суви айлай олмайин паст.

Бу навъ ики сипоҳи қотил,  
Бир-бирга чу бўлдилар муқобил.

Навфал сипаҳи қалинроқ эрди,  
Қаҳрининг ўти ялинроқ эрди.

Аъдоси бу шуълани кўруб гарм,  
Фарз ўлди тариқи ҳазму озарм.

1870. Чун бор эди элга бийму офот,  
Ер беркига мойил ўлдилар бот.

Гўё бўлуб эрди кун доғи кеч,  
Бир сори шикаст тушмади ҳеч.

Ханжар доимо ўзини тилга ўхшатса-да, қон тўкиш уни қизил тилга айлантиради.

Унинг иши доимо эл бағрини тешиб ярадор қилмоқ ва зиён етказмоқдир.

Гурзи улуснинг бошини чақади, ҳар вақт элнинг миясида ўшанинг ғовғаси.

Ногоҳ, у бошга тушса, бош косалари унинг ғилофи бўлар эди.

1860. Қўшин булуту наъра тортиб кирди, бу булутнинг чақмоғи эса ўткир тиллар эди.

У бало булуту бўлса, бу офат чақмоғидир, бутун олам шулардан офатга ғарқ бўлади.

Буларнинг остида қолган ваҳшатли отлар, шамолдек булутларни ҳайдар.

Тезликда яшиндек, қайтишда эса чақиндек, ялтирайди.

Отлиқлар жанг кундаги Рустамдек ўлдиришга киришганлар.

1865. Ҳар бир мутаассуб араб душманлик ўтини қизитиб, ўч шуъласини равшан ёндирган.

Унинг учқунлари кўкка боғланар, дарё суви ҳам уни пассивиролмас эди.

Мана шу зайлдаги икки қотил қўшин, бир-бирига дуч келишди.

Навфал аскарлари кўп ва қаҳрининг ўти жуда ҳароратли эди.

Душманлари бу шуъланинг иссиқлигини кўриб, ярашиш йўлини истардилар.

1870. Бу ишдан элга офат қўрқинчи бўлгани учун, бир-бировларига тездан мойил бўлдилар.

Уша кун кун кеч бўлиб, ҳар икки томонга шижаст ҳам етмади.



Навфал дағи ёнди шоду хуррам,  
Ер топти сипаҳ тушарга маҳкам.

Чун икки черикка бўлди таскин,  
Кин аҳлиға зоҳир ўлди бас кин.

Зулмат синаҳи чу солди соя,  
Анжум юругуб анга талоя.

1875. Чун хусрави қилди тарки авранг,  
Ер юзини тутти хусрави ранг.

Ул икки сипаҳ қилиб, мадоро,  
Жазм ўлди аларға ошкоро.

Ҳар сори талоялар равона,  
То тонгла не айлагай замона.

---

Эй ишқ элининг силоҳ шўри,  
Келди менга ғам сипоҳи зўри.

1879. Тут майки дами фараҳ топойин,  
Ул хайлға бош яланг чопойин.





Навфал ҳам хурсандлик билан қайтиб, аскарларини маҳкам бир жойга туширди.

Ҳар икки қўшин тинчлангач, улар орасидаги адоват ҳам тўхтади.

Қоронғулик қўшини соя солгач, юлдузлар шу қўшиннинг кузатувчиси бўлиб чиқа бошладилар.

1875. Хитой шоҳи бўлган қуёш ўз тахтини тарк этди, ер юзини эса қоронғулик босди.

Ҳар икки томоннинг келишуви маълум бўлди ва бир қарорга келдилар.

Кузатувчилар «эртага нима бўлар экан» деб айланиб юрар эдилар.

---

Эй ишқ элининг қиличбозлари менга ҳам ғам қўшинининг зўри тушди.

1879. Менга май бергин, бир нафас хурсанд бўлайин-да, у қўшин томон бошланг чопайин.





### У Н Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

*Лайли отаси енгилишини кўриб, душманга урмоқчи бўлган тиг билан ўз қизининг қонини оқизмоқчи бўлгони, Мажнун уни тушида кўргони, Навфал олдида юлдуздек ёш тўккони ва Навфалнинг урушини тўхтатгони*

Р

оқимки узотти тил синонин,  
Бу навъ эвурур қалам инонин:

Ким ул кун уруш чу бўлди қойим,  
Қўнмоққа сипоҳ бўлди нойим.

Навфал чу урушқа эрди толиб,  
Хасми сори бўлди ваҳм ғолиб.

Лайли отаси элин кўруб суст,  
Чора сори боғлади белин руст.


Чорлатти равон уруқ-қаёшин,  
Солди ораға ул иш кенгошин:

<sup>1885.</sup> Қўп гуфту-шунид ароға тушти,  
Кўи тул бу можароға тушти.

Охир мунга қилди сўзни кўтаҳ,  
Ким: «Эл қочибон наузбиллаҳ.

Навфал сори бўлса фатҳ ёвар,  
Сурса ҳашамим сори таковар,

Ҳукмин сурубон амирлардек,  
Лайлини чекиб асирлардек.



### У Н Б Е Ш И Н Ч И Б О Б

*Лайли отаси енгилишини кўриб, душманга урмоқчи бўлган тиг билан ўз қизининг қонини оқизмоқчи бўлгони, Мажнун уни тушиди кўргони, Навфал олдида юлдуздек ёш тўккони ва Навфалнинг урушни тўхтатгони*

Тил найзаларини узатган ёзувчи, қалам жиловини шундай бурди:

Ўша куни уруш тўхтатилгач, аскарлар бир жойга қўниб, ётишга тутундилар.

Навфал урушмоқни тиласа ҳам душмани унинг ёлиб келишидан ваҳимага тушар эди.

Лайлининг отаси ўз элининг кучсизлигини кўриб, чора ахтариш учун белини маҳкам боғлади.

Тездан ўз уруғининг бошлиқларини чақириб, улар билан кенгаш ясади.

1685. Кўп гап ва сўзлар билан бу можаро жуда чўзилди:

Охири гапни қисқа қилиб, бундай деди: «Худо кўрсатмасин, бизнинг одамлар қочиб,

Навфалга фатҳ кўмак бериб, у саройимга от солдирса,

амирлардек ҳукмини юргузиб, Лайлини асир этиб қўлга олади.



Хайлим ара солса буйла афсус,  
Тушса қаро ерга нангу номус.

1890. Ул лаҳза ажаб бало бўлур иш,  
Ё ўлмаку ё жало бўлур иш.

Бўлур қаро ер тубига бормоқ,  
Бўлмас араб ичра бош чиқормоқ.

Бўлгунча бу навъ амри нохуш,  
Бир фикр келур баса менга хуш,

Ким тонгла ул ойни ҳозир айлай,  
Бир дамда ишини охир айлай.

Уқ игнасин тикай либосин,  
Ханжар суйидин эзай ҳиносин.

1895. Туфроққа солай қади ниҳолин,  
Ерга киюрай қоши ҳилолин.

Ҳар неча кўзум чароғи улдур,  
Жоним тару тоза боғи улдур.

Офат елидин ўчуб чароғим,  
Торож хазонга қолса боғим.

Хушроқки адувга ком бўлғай,  
Номус менга ҳаром бўлғай».

Чун сўзни бу ерга айлади банд,  
Таҳсин этиб ўлди барча хурсанд.

1900. Навфал сори нусрат эрди ҳосил.  
Хайлу сипаҳи эди қавий дил.

Мажнунга ғариб ҳолат эрди,  
Гаҳ завқу гаҳи малолат эрди.

Чун ёр висолин айлабон ёд,  
Кўнгли бу умед ила бўлуб шод.

Лек ўлмоғи ёр хайли мағлуб,  
Кўнглин анинг айлар эрди манқуб

Ошиқлиқ иши эрур забунлуқ,  
Меҳнат чаҳи ичра сарнигунлуқ.

Бундай ачинарлик ҳол қабилам бошига тушаркан, ору номусим қаро ер билан яксон бўлади.

1890. У вақтда ишим бир бало бўлиб, ё ўлмоқ, ё ватандан аж-ралишга тўғри келади.

Араблар ичида бош кўтаролмай, қаро ерга кирмоқ афзал-роқ бўлади.

Бундай кўнгилсиз, аянч аҳволга тушгандан кўра, шундай фикрни қилмоқ яхшироқдир:

Эртага Лайлини ҳозирлаб, бир дамда ишини тамомлай;

ўқ игнаси билан либосини тикиб, ханжар сувидан хинаси-ни эзайин.

1895. Унинг ниҳол қаддини тупроққа кўмайин-да, ҳиллолдек қо-шини ерга киргизай!

Гарчи у кўзимнинг чироғи бўлиб, жоним меваларининг боғи бўлса ҳам,

офат елидан чироғим ўчиб, боғим хазон ва торож этил-са-да,

душман мақсадига етиб, номусим барбод бўлгандан кўра бу яхшироқ!»

У, шундай деб сўзини тамомлагач барчалари таҳсин ай-тишиб хурсанд бўлдилар.

1900. Навфалнинг қўли баланд келган эди, аскарлари ҳам го-либ бўлиб чиқишга ишонган, кўнгиллари кўтарилган эди.

Мажнун эса ажойиб бир ҳолда қолиб, гоҳ завққа тўлар, гоҳ мусибат тортарди.

У ёрнинг васлини эслаб, кўнгли умидворлик билан шод-ланар эди.

Лекин ёри томонининг мағлуб бўлиши, унинг кўнглини тобора бузар эди.

Ошиқлик — иши ожиз бўлишдан, кулфат чоҳига бош ту-бан бўлиб тушишдан иборатдир.



1905. Бедилни енгиб эди бу қайғу,  
Ким бахт кўзига солди уйқу.

Кўрдик келур ингори зебо,  
Боштин-аёғига хаззу дебо.

Йўқ, йўқ, не нигор, сарви гулчехр,  
Не сарв, не гулки, ғайрати меҳр.

Кўз чашмасида зулоли бегаш,  
Жон гулшанида ниҳоли саркаш.

Саҳройи латофат ичра лола,  
Не лолаки, мушкбў ғазола.

1910. Даръёйи малоҳат ичра гавҳар,  
Гавҳар неки акси меҳри ховар.

Кўз мардумидек кўнгулга ёққан,  
Яъники ҳамеша ашки оққан.

Ҳажр ўтида шамъи олам афрўз,  
Яъники иши гудоз ила сўз.

Кўз ёшини субҳдек ёшурғои,  
Яъни гули меҳрдин дам урғои.

Сабрини оқизғои ашк сайли,  
Яъни маҳу меҳр рашки Лайли.

1915. Ҳам оғзида оҳи иштиёқи,  
Ҳам савтида навҳаи фироқи.

Еткач алиф қадин қилиб дол,  
Мажнунни аёғин ўпти филҳол.

Сўнгра қучушурға бўлди мойил,  
Бўйнига қўли қилиб ҳамойил.

Дедик: «Аё рафиқи жони,  
Йўқ, йўқки, аписи жовидони.

Ишқингда отам яроқ қилмиш,  
Эл ҳам бори иттифоқ қилмиш.

1905. Бу қайғулар бедил Мажнуини талвасага туширгач бахт келиб унинг кўзига уйқу солди.

У (тушида) нигори зебони (Лайлини) бошдан-оёғигача ғоят ҳарир ипак кийимларга ўралган ҳолда келаётганини кўрди,

йўқ, у нигор эмас, гул юзли сарв, сарв ҳам, гул ҳам эмас, балки қуёшнинг ҳам рашкини келтиргучи нариваш эди.

У кўз чашмасининг беғубор суви эди, жон гулшонида етилган ниҳолга ўхшар эди.

Латофат саҳросининг лоласи, йўқ, балки хуш исли ғазали— кийгидир.

1910. Малоҳат дарёсининг гавҳари, гавҳар ҳам эмас, балки қуёшнинг аксидир.

Кўз қорачуғидек кўнглға ёқимлидирки, доимо ёши тўкилар.

Ҳажр ўтида оламини ёндиргучи бир шамдирки ҳамма вақт иши қайғу ва куйишдан иборат.

Кўз ёшини яширган тонгга ўхшашдирки, меҳр гулидан дам урар.

Унинг сабрини кўз ёшининг сели оқизган, яъни у ою куннинг рашкини келтирган Лайли эди.

1915. Унинг оғзида иштиёқ оҳи, товушида фироқ ноласи бор эди.

Лайли яқинлашгач, алифдек қоматини эгиб дол қилиб, дарҳол Мажнун оёғини ўпди.

Сўнгра қучоқлашга мойил бўлиб, қўлини Мажнуннинг бўйнига солди.

Деди: «Эй, жондан азиз дўстим, йўқ, йўқ, балки абадий қадрдоним.

Сенинг ишқингдан отам мени ажратмоқчи бўлди, барча эл ҳам у билан иттифоқ қилиб,



1920. Ким қатлима тонгла айлаб оҳанг,  
Қоним била ерни айлағай ранг.

Меҳримға қарин завол қилғай,  
Қонимни шафақ мисол қилғай.

Меҳрини шафақваш этса қоним,  
Ер остини айлағай маконим.

Ишқингда менга бу эрди мақсуд,  
Ким кўрсам ўзумни анда нобуд.

Даврон бу муродима етурди,  
Не истадим олима кетурди.

1925. Ишқингда не орзуки эттим,  
Ул навъки комим эрди еттим.

Тушти менинг олима ажаб йўл,  
Сен яхши қол эмдию тирик бўл».

Бу сўз била кўздин оқизиб рўд,  
Девонаси бирла қилди падруд.

Мажнунға дегач бу сўзлар ул ой,  
Сесканди анингдек айлабон: «вой!»

Ким ўчти улус кўзидин уйқу,  
Эл ҳайрат этибки: «не эди бу».

1930. Мотамзадалар киби ўкурди,  
Навфал сори ашкидек югурди.

Еткач ер ўпуб сўз этти оғоз:  
«Кей хасмға голибу сарафроз!

Тенгри учун эмди чекмагил тиг,  
Қўй, кинаю разм қилмоғил биғ!

Ким тигинг этар кўнгул шикофи,  
Жон қасди этар анинг масофи.

Тонгла яна разм тузма охир,  
Пайванди ҳаётим узма охир!

1935. Кин ёйин элингдин айлагил йўқ,  
Ким жонима тегмагай менинг ўқ».

Ҳайрат била Навфал этти тафтиш,  
Ким эрди хилофи одат ул иш.



1920. эртага мени ўлдирмоқчи ва қоним билан ерни бўямоқчилар.

Қуёшимга заволни яқинлаштирмоқчи, қонимни эса шафақ мисол қилмоқчилар.

Қоним билан қуёшим шафақ ранг бўлса, мени ерга кўмадилар.

Сенинг ишқингда қурбон бўлиш, менинг мақсадим эди.

Даврон мақсадимга етказди, барча истакларимни бажарди.

1925. Ишқингда ҳарна орзу қилган бўлсам ҳаммасига ҳам эришдим.

Менинг олдимга ажаб йўл тўғри келди, энди сен яхши қол ва омон бўл!»

Шу сўзлар билан кўздан дарёдек ёш оқизиб, девонаси билан видолашди.

Ул ой Мажнунга бу сўзларни айтгач, Мажнун ҳам «вой!» деб сесканди.

Бу товушдан бошқа кишилар ҳам уйғониб кетишди, «нима бўлиб қолди экан?» деб, ҳайратга тушдилар.

1930. Мотамзадалар каби ҳўнграб, кўз ёшларидек, Навфал томон югурди,

етгач ер ўпиб сўзга тушди: «Эй душманига ғолиб келиб, устунлик қозонган!

Тангри ҳаққи ортиқ тиғ тортмагин, ўч ва урушни бас қилгин!

Тиғинг кўнгилни тешар, саф билан тортилган тиғлар эса, жонимга қасд бўлибдилар.

Эртага яна уруш бошламагин, ҳаётим пайвандини узмагин, ахир!

1935. Ўч ёйини элингдан йўқотгин, токи жонимга ўқ тегмасин!»

Навфал бу ишнинг одатга хилоф эканини билиб, ҳайратга тушиб суриштирди.



Арз айлади кайфиятни Мажнун,  
Навфалки эшитти, бўлди маҳзун.

Жазм эттики: «Бу қазия чиндур,  
Мажнун туши бегумон яқиндур».

Англаб эди кўнглининг сафосин,  
Бал ойинаи жаҳоннамосин,

1940. Ким айламас анда ошкоро,  
Жуз сидқ жамоли жилва оро.

Чун тун араби мусофирона,  
Ҳар сори тушурди хайлхона.

Кўк мазраи ичра бетаваҳҳум,  
Оқ уйини тикти турки анжум.


Ҳам бу хабар ўлди элга таҳқиқ,  
Эл барча қилиб сўзига тасдиқ.

Навфал ҳашамиға қўйди юз бот,  
Ким етмагай ул санамға офот.

1945. Мажнун дағи қилди дашт азми,  
Ким фатҳ қарини бўлди разми.

Эйким, менга ҳамдаму қаринсен!  
Муставжиби юз минг офарин сен.

1947. Бандангмен, агар қилиб мени ёд,  
Бошингдин эвуруб этсанг озод.



Мажнун бу аҳволларни билдиргач, Навфал эшитиб ғамга тушди.

«Бу воқиа балки чиндир, Мажнуннинг туши эҳтимол тўғридир» деб ўйлади.

Навфал Мажнун кўнглининг поклигини, балки ойинаи жаҳоннамо эканлигини англаган эди.

1940. У ойинаи жаҳоннамода фақат тўғрилиқ жамолининг жил-васигина кўринади.

Араб туни мусофирларча чодирларини ҳар томонга туширди.

Кўк сабззорига юлдузлар турки, яъни қуёш ҳам оқ уйини тикди.

Бу хабарни эшитган барча эл, унинг сўзини маъқул деб билдилар,


ул санамга зиён-заҳмат етмасин деб Навфал ўз саройига тезликда жўнаб кетди.


1945. Мажнун ҳам дашт томон жўнади, зафари ҳам яқинлашган эди.

---

Эй менинг яқин ҳамдамим! Юз минг зафарли офаринларга сазоварсан.

1947. Агар мени бошинг ҳаққи учун, шу ғамлардан қутқариб, севинтирсанг, банданг бўлар эдим.





## УН ОЛТИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг Навфалдан айрилиб, биёбонга кетгани, Зайдга йўлиқиб, аҳволини айтгани, унинг бошига тушган кулфатдан Зайдга алаж етгани ва Зайдни Лайли қабиласига жўнагани*

### Б

у сафҳани айлаган мунаққаш,  
Сўзга бу сифат бўлур рақамкаш:

Ким ёнди чу Навфали вафокеш,  
Лайли эли бўлди фикратандеш,

1960. Ким Навфал иши ажаб кўрунди,  
Енмоғлиғи бесабаб кўрунди.

Ваҳм айладиларки: «Макр этгай,  
Ғофил қилибон бошига етгай».


Ул даштдин этдилар равон кўч,  
Қилғон киби ҳажга корвон кўч.

Боғланди чу бухти узра маҳмил,  
Оромгаҳ ўлди ўзга манзил.

Ул толиъи корсоз бўлғон,  
Аъдосиға сарфароз бўлғон.

1965. Бош тортғон ўйла шамъ бахти,  
Ким куйган уйию барча рахти.

Иқболи саманди секраган чуст,  
Туфроқ уза они ташлаган руст:



### У Н О Л Т И Н Ч И Б О Б

*Мажнуннинг Навфалдан айрилиб, бидбонга кетгани, Зайдга йўлиқиб, аҳволини айтгани, унинг бошига тушган кулфатдан Зайдга алам етгани ва Зайдни Лайли қабиласига жўнагани*

Бу саҳифаларга нақш бергучи, наққош сўзга шундай зебо-оро берди:

У вафодор Навфал кетгандан сўнг, Лайлининг эли ўйга тушиб қолди.

150. Чунки Навфалнинг бу иши уларга қизиқ туюлди, қайти-шининг сабабини билолмадилар.

«У ҳийла қилаётир, бизни ғафлатда қолдириб, бошимизга етади» деган ваҳимага тушдилар.

Ҳажга кетаётган кўчли карвонлардек, улар ҳам даштдан кўча бошладилар:

Бутун мол-давлатларини ортишиб, бошқа бир манзилга жойлашдилар.

Ул толеи баланд, душманига устун келган,

151. бахтининг шами ўта шуълаланган, уй ва рўзгорларини куйдирган,

иқболининг каманди чаққонлик билан сакраган, лекин ўзини ўраб тупроққа ташлаган.



Бахти чаманида бутган ул вард,  
Ким бошига атридин етиб дард.

Яъни Мажнуни дил рамида,  
Борур эди бўлмаи орамида.

Ногоҳ йўлуқти дардманде,  
Етган анга даҳрдин газанде.

1960. Мажнун кўруб анда ғам нишоии,  
Ғамгин бўлдию сўрди они —

Ким: «Чарх не иш бошингга солди,  
Ким бўйла гириҳ қошингга солди?»

Мендек не учун малолатинг бор,  
Де тенгри учун не ҳолатинг бор?»

Ғамгин чекиб оҳи дардпарвард,  
Бу навъ дедики: «Эй жувонмард!

Мен, мен араб ичра хоксоре  
Бемояу тийра рўзгоре.

1965. Ул пояда ажзу бенаволиқ,  
Ким рўзи учун қилиб гадолиқ.

Лайли ҳашами менинг паноҳим,  
Ул ҳай туфроғи такъягоҳим.

Ул хайл отим хитоб этиб, Зайд  
Бир хайли аёл этиб мени қайд.

Бу вақтки Навфали жафогар.  
Мажнунга бўлуб мутиу чокар.

Оразмға садди роҳ чекти,  
Лайли элига сипоҳ чекти.

1970. Ҳеч иш бўлмаи арода воқибъ,  
Бўлди яна манзилиға рожибъ.

Лайли эли ваҳм этибки ногоҳ,  
Ул вақтки ўлмаса эл огоҳ.

Ғофил қилиб элни эмди кетгай,  
Енгай дағи этгай улча этгай,

Бахтининг чаманида гуллар битган, ҳидидан бошига дардлар йиғилган.

Яъни кўнгли ваҳимага тушган Мажнун оромсиз кетар эди.

Ногоҳ замонасидан бахтсизликка учраган бир дардманд йўлиқди.

1960. Мажнун унинг юзидаги ғам нишонларини кўргач, қайғуга тушиб сўради:

«Фалак бошингга нималар солди? Сени ким бундай мушкулликка солди?»

Нима учун сен мендек ғамга ботгансан, тангри ҳаққи аҳволингга нима бўлди? Айтгин».

У дард билан тўлган, ғамгин киши оҳ тортиб, бундай деди: «Э ёш йигит!

Мен араблар ичида хўрланган, бедавлат бир бахти қаро одамман.

1965. Менинг ожиз ва бенаволигим шу даражадаки, кунларимни гадолик билан ўтказаман.

Лайли саройи менинг паноҳим, Ҳай тупроғи эса менинг суянчиғимдир.

У қабила одамлари мени Зайд деб чақирадилар, ўзим эса аёлманд бир кишиман.

Шу вақт Навфал деган жафо бергучи, Мажнунга дўст бўлиб, унинг хизматини бажариб,

яраш йўлини тўсди-да, Лайли элига қўшин тортди.

1970. Арода ҳеч иш бўлмай яна манзилга қайтди.

Лайли эли эса, Навфални элни огоҳлантирмасдан ғафлатда қолдириб, ногоҳ

етиб келар-да, яна истаганича ўлдирар, ёндирар деб ваҳимага тушдилар.



Борди эса ихтиёр иликдин,  
Очилмас иш ул замон биликдин.

Журъатдин эрур нишот қилмоқ,  
Лекин керак ихтиёт қилмоқ.

1975. Машъуф ўлубон бу нукта дерга,  
Чектилар улусни берк ерга.

Чун қилди қабила аҳли шабгир,  
Тун олам аро сочар эди қийр.

Чун кўч элидин назарни ёздим.  
Очқунча юмуб назарни оздим.

Манзилда бўлуб алар қарори,  
Мен тушкан эмишмен ўзга сори.

Чун меҳр саҳар йўлни ёрутти,  
Икки тевалик йўлумни тугти.

1980. Навфал сипаҳини тарқатиб жазм,  
Қилғон эмиш уйга ул иков азм.

Тутмоқ мутааззир эрди гўша,  
Анбончада ҳарне эрди тўша

Одилару икки, уч дирам ҳам,  
Бал ҳарне бор эрди бешу кам ҳам,

Бу онча эмас эдики ёна,  
Чектилар иковла тозиёна:

«Нақдингни нетибсен, айтғил!» деб,  
«Кўмган ери сори қайтғил» деб.

1985. Урмоқ била жисмим айлабон реш,  
Чун топмадилар нима каму беш.

Солдилару қилдилар азимат,  
Мен фурсатни билиб ғанимат,

Гом урғали бу тараф ошуқтум,  
Токим сенга бу замон йўлуқтум.

Сен доғи агар алардин ўлсанг,  
Саҳрода киши талардин ўлсанг.



Иш қўлдан кетгандан кейин, юз тадбир қилсанг ҳам фойда бермайди.

Душман олдида шодлик қилиш журъатдандир, шундай бўлса ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак.

1975. Бу сўздан хурсанд бўлишиб, улусни бир пана жойга кўчиришга тушдилар.

Қабила аҳли кечаси йўлга тушдилар, тун эса оламга зулмат сочар эди.

Мен эса кўчувчи элдан кўзимни олдим, натижада кўз очиб-юмгунча адашиб қолдим.

Улар манзилга жойланадилар, мен эса бошқа томонга кетибман.

Қуёш тонг йўлини ёритгач, икки тевалик йўлимни тўсди.

1982. Навфал қўшипларини тарқатиб юборганидан сўнг, булар ҳам ўз уйларига қайтишиб кетаётган экан.

Улардан бирор пана ерга қочиб қутулмоқ менга қийин эди, халтамда бўлган озиқ-овқатларимни,

ва икки-уч танга пулимни ҳам бошқа бор-йўғимни тортиб олдилар.

Бунинг устига яна улар мени қамчиладилар!

«Пулингни нима қилдинг, кўмган жойингни кўрсат!» деб,

1985. урдилар, баданларимни тилим-тилим қилиб юбордилар, охири ҳеч нарса тополмадилар.

Шундан сўнг улар ўз йўлларига равона бўлдилар, мен эса фурсатни ғанимат билиб,

бу тарафга юришга ошиқдим, энди эса сенга йўлиқдим.

Сеп ҳам агар ўшалардан бўлиб, саҳрода одам таловчилардан бўлсанг,



Йўқ кисада нақддин нишоним,  
Бордур керак эрса нақди жоним».

1990. Мажнун эштиб бу можарони,  
Отдиц солиб ўзни, қучти они.

Йиглаб деди: «Эй рафиқи мажруҳ!  
Нетгай сенга анласам фидо руҳ?»

Жоним баданинг шифоси бўлсун,  
Бошим қадаминг фидоси бўлсун.

Навфал элидин не бўлса ҳодис,  
Мажнун анга ўлгон ўлса бонс,

Мажнун мени тийра рўзмен бил  
Тиф ол, неки хотиринг тилар қил.

1995. Жисмим тилаганча айла ёра,  
Кўнглумни худ айла пора-пора.

Ваҳм этма бу ишда тангдилмен.  
Ким ҳар неки айласанг биҳилмен.

Гар қатлима айламассен оҳанг,  
Ким олам элигадур бу иш нанг.

Ҳам нақдинг учун эваздур отим  
Ҳам ўзга жиҳотинга жиҳотим»,

Деб ҳар неки киймиш эрд сўйди.  
Мажмуин анинг қошига қўйди.

2000. Ҳам қошига чекти бодпойин,  
Қолқону, қиличу, ўқу ёйин.

Кўп бўйла қилиб рамида диллиқ.  
Ўпти аёғин тилаб биҳиллиқ,

Дедики: «Агар азимат этсанг,  
Лайли ҳашамига ёна етсанг.

Не тил била де, етур саломим,  
Е бўйлаву, бўйла де паёмим,

Ким онча менинг хижолатим бор,  
Ул пояда сатб ҳолатим бор,

киссамда ҳеч қандай пулдан дарак ҳам йўқ, керак бўлса фақат нақд жоним бор».

1990. Мажнун бу можарони эшитиб, отдан тушиб, уни қучоқлади.

Ундан сўнг йиғлаб деди: «Эй мажруҳ дўст! Сенга жонимни фидо қилсам бўлмайдами?»

Жоним баданингга шифо бўлсин, бошим қадамингга фидо бўлсин.

Навфал эли томонидан шундай ҳодисалар қилиниб, бунга сабабчи Мажнун бўлса,

ўша сен айтган қаро кунда қолган Мажнун мен бўламан, қўлингга тиг ол-да, кўнгил тилаганини қил.

1995. Жисмимни тилаганингча яралаб, кўнглимни хоҳлаганингча пора-пора этгин.

Бу ишдан тортинмагин, мени аччиғланали деб ўйламагин, ҳар нарса қилсанг ҳам розиман.

Агар мени ўлдиришдан қўл тортсанг, бу иш олам элига номус бўлғусидир.

Ўғирлатган пулларинг эвазига отимни ол, олдирган нарсаларинг ўрнига мана бу нарсаларни ол»,

деб барча кийган кийимларини ечди ва ҳаммасини унинг олдига қўйди;

2000. учар отини, қалқон, қилич ва ўқ-ёйини ҳам унинг олдига қўйди.

Шундай сўзлардан сўнг, унинг кўнглини кўтариб ва кечиримлар сўраб, оёғини ўнди.

Деди: «Агар қайтишингда яна Лайли саройига борсанг,

саломимни етказгин деб қайси тил билан айтайин, ёхуд шундай-шундай хабаримни айт, деб қандай айта оламан.

Мен шундай қаттиқ хижолат ва шу даражада қийин аҳволда қолдимки,



2005. Ким мумкин эмас такаллум этмак,  
Худ бўлмас ани таваҳҳум этмак.

Бўлдунг чу балода раҳшуносим.  
Бордур сенга мунча илтимосим,

Ким ёр қабиласин эришгил,  
Қай сорики бордилар етишгил.

Ҳам олма юзунгни ул макондин,  
Бошингни дағи ул остондин.

Жисминг ул эшикда хоксор эт,  
Шукронаға жонни ҳам нисор эт.

2010. Жон бергали бермаса кўнгул ёр,  
Менда доғи жон била кўнгул бор.

Иккисини сенга топшуромен,  
Туфроғ аро танни ёшуромен.

Жоним эшигида айла помол,  
Кўнглумни итининг олиға сол».

Они бу фасона айлабон тез,  
Эшитгучи кўнгли ҳайратангез.

Билгач ўзин, англабон каломин  
Ер ўптию қилди ихтиромин.

2015. Дедиким: «Аё гузини айём,  
Ишқ ояти ичра ҳарфи идғом!

Ул ҳажр тунига субҳи уммед,  
Не субҳи умед, меҳри жовид,

Меҳрига саодат авжи матлаъ,  
Исмаат ҳулали юзига бурқабъ.

Ул навъ ғамингда нотавондур,  
Ким элга ҳадиси дostonдур.

Ҳам оғзи аро сенинг мақолинг,  
Ҳам кўнгли аро сенинг хаёлинг.

2020. Гар қилсанг ишпораткин, сурсам,  
Сендин хабари анга етурсам.

2005. Буни эса, сўз билан айтиш эмас, ҳатто ўйлаш ҳам мумкин эмас.

Бу бало даштида сен менга йўлдош бўлдинг, сенга шундай илтимосим бор:

Ер қабиласига эришгин, қайси томонга кетган бўлсалар этиб олгин,

ул макондан ҳаргиз юзингни ўғирма, бошингни ҳам ул остонадан олма.

Жисмингни унинг эшигида хоксор этиб, шукронасига жонингни ҳам нисор эт.

2010. Жон беришга кўнглинг кўнмаса, менда ҳам жон билан кўнгил бор.

Ҳар иккисини сенга топшириб, танимни эса тупроққа топширайин.

Сен эса жонимни эшиги тагида поймол эт, кўнглимни итининг олдига ташла!»

Бу сўзлар Мажнуннинг ўзини ҳаяжонга солиб, эшитувчини ҳайратда қолдирди.

Зайл Мажнунни таниб, унинг сўзларини англагач, ер ўпиб эҳтиром қилди.

2015. Деди: «Эй, ишқ оятига сингиб кетган, замонанинг яғонаси!

У ҳажр тунининг умид тонги, йўқ, балки абадий қуёши,

жамоли саодат осмондан чиқадиган, покизалик пардалари юзига ниқоб бўлган (Лайли),

сенинг ғамингда шундай нотавонки, сўзи элга дostonдир.

Оғзида сенинг сифатларинг, кўнглида эса, хаёлинг жилваланади.

2020. Сен бирор нарса десанг, мен унга етказиб, хабарингни айтсам.



Бу муждадур анга жондин ортуқ,  
Бал ҳар неки дермен ондин ортуқ.

Неким менга сен риоят этсанг,  
Мунча нимаким иноят этсанг.

Сендин анга айтсам фасона,  
Ул бергуси икки мунча ёна.

Ҳар сўз десанг анга еткурурмен,  
Амр ўлса жавоб келтурурмен.

2025. Ҳам ком топар ики дилором,  
Уртада дағи менга етар ком».

Мажнун деди: «Эй рафиқи ҳамдам!  
Жонбахш даминг ярамға марҳам,

Ҳижрони тилимни лол этибдур.  
Сўз дерни менга маҳол этибдур.

Лекин чу ишимни сўрдунг охир,  
Ҳолим бу дурурки кўрдунг охир,

Ким, мен мени дардманди маҳжур,  
То бўлғай отим қошингда мазкур.

2030. Сен чунки бу ёрлиғ қилурсен,  
Ҳарне дер эсанг ўзунг билурсен.

Ойини вафо шиоринг ўлсун,  
Бор эмдики тенгри ёринг ўлсун»:

Зайд ўлди фалакрав узра рокиб,  
Сурди андоқки нажми соқиб.

Ул тез қабила сори сурди,  
Мажнун дағи ёнди пўя урди.

Ул ерга дегин югурди жондин,  
Ким кўчмиш эди қабила ондин.

2035. Эй ёри манозили насими,  
Жон атри берур даминг шамими.

2036. Етгач бу шамим беҳуд ўлдум,  
Жонон хабарин де, йўқса ўлдум!

Бу хушхабар унга жондан ҳам ортиқ бўлажак, балки нима айтмайин, ундан ҳам ортиқ бўлиб тушар.

Менга раҳминг келиб, шунчалик нарсаларни бағишладинг.

Унга мен сенинг хабарингни еткизсам, у ҳам менга икки шунча нарсалар бергусидир.

Айтган сўзларингни унга еткизаман, агар буюрса жавобини ҳам келтираман.

2025. Икки дилором ҳам муролига етади ва ўртада турган мен ҳам мақсадимга етишаман.»

Мажнун деди: «Эй менинг айрилмас дўстим! Жон бағишловчи сўзларинг яраларимга малҳамдир.

Унинг ҳижрони менинг тилимни лол этиб, сўзлашни ҳам маҳол қилиб қўйган.

Ниҳоят менинг ишимни сўрадинг, аҳволимнинг нима эканлигини ўзинг кўрдинг.

Мен бир дардманд, жудолик дардига тушганлигимни ва ким эканлигимни билдинг.

2030. Сен шундай дўстлик қилаётирсан, ҳар нарса десанг ҳам ўзинг биласан!

Энди вафо расми сенинг шиоринг бўлсин, бор энди, тангри ёринг бўлсин!»

Зайд худди фалакнинг учар отига мингандек, учар юлдузга ўхшаш отини сурди.

Зайд тездан қабила томон от чоптирди, Мажнун ҳам қайтиб кетди.

Мажнун жон-жаҳти билан Лайли қабиласи кўчиб кетган ергача югуриб борди.

---

2035. Эй ёр манзилининг насми, сенинг нафасларинг жон атирини сочади.

2036. Уша атирнинг хушбўйлигидан беҳуд бўлдим, жонондан хабар бергин, йўқса ўлдим-ку!



## УН ЕТТИНЧИ БОБ

*Қудш ўзининг иссиқ нурлари билан ҳар ёқни қизитганда, Мажнун Лайлининг кўчиб кетган жойига бориб, қўтир ит билан оўстларчи учришгани ва ўткинчи кишилар билан суҳбатлашгани ва Зайднинг Лайлидан хабир еткизгани*

**Б**

у арсада айлаган таку пўй,  
Сўз соҳатида бу навъ урар гўй:

Ким етти чу ул даманга Мажиун,  
Ким сайр этиб эрди меҳри гардун.

Кун туш идию тамуз фасли,  
Жавзо била меҳр тоб васли.

2040. Кун гарм бўлуб ҳалок жонга,  
Лайли киби ўт солиб жаҳонга.

Ҳар елки эсиб ҳароратомез,  
Мажиун дамидек жароҳатангез.


Тинмай югуриб қуюн тагидин,  
Қум узра аёғи куймагидин.

Хуршед ҳароратидин анжум,  
Ер сояси остида бўлуб гум.

Кўк табъига чун ҳарорат ошиб,  
Жисмига шафақдин ўт тудошиб.

2045. Тоғдин кишиким тилаб нишони,  
Бир тўда қизиқ кул англаб они.





## У Н Е Т Т И Н Ч И Б О Б

*Қуёш ўзининг иссиқ нурлари билан ҳар ёқни қизитганда, Мажнун Лайлининг қўлиб кетган жойига бориб, қўтир ит билан дўстларча учрашгани ва ўтқинчи кишилар билан суҳбатлашгани ва Зайдининг Лайлидан хабар етқизгани*

Бу майдонда тинмай югурган киши, сўз майдонида шундай тўп ўйнайди:

Мажнун Лайлининг қолдириб кетган жойига етганда, осмон қуёши ҳам сайр этарди.

Ез фаслининг туш чоғи бўлиб, жовза ойининг энг жазирама вақти келган эди.

2040. Кун ўз ҳарорати билан жонга ҳалокат келтирар, Лайли каби жаҳонга ўт соларди.

Ҳар бир эсан ҳароратли шамол, Мажнун нафасидек жароҳатловчи эди.

Мажнун қум устида оёғи куйганидан, қуюн тагида тинмай югурар эди.

Осмондаги барча юлдузлар ҳам қуёшнинг ҳароратидан ернинг соясига яширинган эдилар.

Кўкнинг ҳам ҳарорати ошиб, бутун танига шафақлардан ўт туташиб кетган эди.

2045. Қимки тоғдан нишона истаса, уни бир тўда қизиган қул тасаввур қилар эди.



Жисмидағи оташин гуҳарлар,  
Андоқки кул ичра ўт кўмарлар.

Даръёга солиб исиг ҳаво тоб,  
Тўлғонмоғи ўз-ўзига гирдоб.

Урдак анга чун аёғ узотиб,  
Сув жўши аёғин элпиротиб.

Ул сув тафидин тилаб фароғин,  
Парда аро чирмабон аёғин.

2050. Буғдой бори хўшадни арилиб,  
Тоба нахуди киби ёрилиб.

Оқартиб экинни меҳри пурнур,  
Кўк хатни нечуки табъи маҳрур.

Хирман ерида тазарву дуррож,  
Ер тобасидин териб қовурмоч.

Ўргамчи шабоққа парда солиб,  
Ул парда ичинда соя олиб.

Итлар тили ерга тегуруб бош.  
Гурра асад ичра айлабон фош.

2055. Қуртики ҳарорат ўртоб они.  
Тар мева аро кириб ниҳони.

Ул мевани меҳр парваришта,  
Айлаб бори хом эканда кишта.

Қўллар ери сувни жазб этиб пок,  
Сув ҳасратидин танида юз чок.

Ул кўнглини ҳажр чок қилғон,  
Ғам жонини дарднок қилғон.

Ул ерга етишти ногаҳондн,  
Ким кўчмиш эди қабила ондин.

2060. Эврулди ҳамул дамани бисъёр,  
Не ақл, вале анга не ҳис ёор.

Қўчмиш эди бори хайлхона,  
Ерда қолиб ўрнидин нишона.

Тоғ ичидаги гавҳарлар кул ичига кўмилган чўғдек кўри-  
нар эди.

Иссиқ ҳаво дарёга ҳам тоб солган, унинг иссиқдан тўлға-  
ниши эса ўзига гирдоб бўларди.

Дарёда юзаётган ўрдакнинг оёқларини сувнинг қайнаши  
илвиратиб юборар эди.

Сувнинг иссиқлигидан қутулиш учун, ўрдак, оёқларини  
парда ичига олган эди.

2050. Бўғдойлар қовурилган нўхадлар каби бошоқларидан аж-  
ралиб кетган эдилар.

Кўк ипини ҳароратли табиат қандай оқартириб юборса, нур-  
ли қуёш экинларни ҳам шундай қовжиратиб юборган эди.

Хирмондаги каклик ва тустовуқлар ернинг қайноқ қозо-  
нидан қовирмоч тергандек бўлардилар.

Ўргамчи бўлса шувоққа парда солиб, шу парда соясида  
ётарди.

Асад оғи бошланиб, итларнинг тили ергача осилиб қолган  
эди.

2055. Қуртларни ҳам иссиқ куйдирганидан ҳўл мевалар орасига  
яширинган эдилар.

Қуёш меваларни парвариш чоғида, ғўрлигидаёқ қуритиб  
қўйган эди.

Кўллар сувни тамом шимиб олганидан, сув ҳасратидан  
унинг тани тарс-тарс ёрилиб кетган эди.

Ҳажр билан кўнгли бурдаланган, ғам билан жони куйган  
Мажнун,

ногоҳ у ерга етдиким, қабила ундан кўчиб кетган эди.

2060. У хароба жойни кўп айланди, лекин ақл ва ҳушдан бегона  
эди.

Ерда нишонлар қолдириб, бутун хонадонлар у ердан  
кўчиб кетган эдилар.



Ҳар ердаки кўрди уй маконин,  
Юз бирла сушурди остонин.

То сайр ила етти иттифоқи,  
Ул ергаки ул санам висоқи.

Кўнглига тутошти ўйла нийрон,  
Қим хилқати мулкин этти вайрон

2065. Ҳам жисмиға печу тоб тушти,  
Ҳам кўнглига изтироб тушти.

Билхосса ишқин хонапардоз,  
Кўнгли аро солди махфи ул роз,

Қим ёр мақоми бу дамандур.  
Қим туфроғи жонига ватандур.

Ҳам дилбар исин топиб димоғи,  
Бўлди яна тоза ишқ доғи.

Кўнглини ғам айлади лагадкўб,  
Жони аро тушти онча ошўб,

2070 Қим даҳрни қўзғади ниҳони,  
Кўнглидағи ишқ қўзғолони.

Бирдам чу бу ўти топти таскин,  
Қўпти яна ул ғариб мискин.

Манзилға юз урди гом-баргом,  
Юз қўйдию сажда қилди ҳар гом.

Жонон уйн ўрнини чу топти,  
Жон пардаси бирла онн ёпти.

Қирпиклар ила ерип сушуруб,  
Туфроғини кўз аро ёшуруб.

2075. Ашки била балчиғ айлаб онн,  
Беркитғали равзани балони.

Бир лаҳза танур ичинда итти,  
Утлуғ дамиди ани қизитти.

Қилларни кўзига сурма тортиб,  
Кўз уйини сурмадек қарортиб.

Унда-бунда қолган уй-жойларни кўриб, юзи билан остона-ларини супурди.

Айланиб юриб, ниҳоят ўша санамнинг уйига етди.

Кўнглига шундай оловлар туташиб, вужуд мулкани вайрон қилди.

2065. Ҳам жисмига печ-тоб тушди, ҳам кўнглига изтироб тушди.

Хусусан хона пардоз ишқ, унинг кўнглига яширин сирлар солдиким,

бу ер ёр мақомидир, тупроғи эса жонига ватандир.

Унинг димоғи дилбар исиниш топгач, ишқининг доғи қайтадан тозаланди.

2070. Кўнглини ғам яна поймол қилди, жоии бесаранжомликка тушди.

Кўнглидаги ишқнинг кўзголови, жаҳонни ҳам кўзгаб юборгандек бўлди.

Унинг бу ўти бирдан пасайиб, у ғариб бечора яна турди.

Қадамма-қадам тупроғига юзини қўйиб, ҳар қадамда саждалар қилди.

Жонои уйининг ўрнини топгач, жонининг пардаси билан уни ёпди.

Киприклари билан ериши супуриб, тупроғини кўзлари орасига яширди.

2075. Бало туйнугини беркитиш учун, кўз ёшлари билан уни балчиқ айлади.

Тандир ичига кириб, бирпас ётди-да, ўтлиқ дами билан уни қизитди.

Кулларини кўзига сурмадек тортиб, кўз уйини сурмадек қорайтирди.



Охур аро лаҳзаи қўюб гом,  
Каҳ баргидек айда тутти ором.

Ҳар донани томидинки чекти,  
Кўнгли аро меҳр тухмин экти.

2080. Кийз порасин оҳи куйдуруб чувт,  
Боши ярасиға боғлади рушт.

Ҳарён югурур эли уруб оҳ,  
Ким бир қўтур итни кўрди ногоҳ.

Эти тери заҳматидин ориб,  
Аъзоси харошдин қизориб,

Ҳам суйи равон оғиз-бурундин,  
Ҳам жисми жуда бўғун-бўғундин.

Қон қолмади улча рағларига,  
Жилди ёпишиб сўнгақларига.

2085. Аъзосида унда-мунда бир тук,  
Ул ҳам бўлуб анга бир оғир юк.

Қилмай юрумакка майл ҳаргиз,  
Қуйруғи юкин чекарга ожиз.

Эрники ёпилмайин тишига,  
Яъники кулумсуб ўз ишига.

Кўзики ўзин чуқурға солиб,  
Аъзосиға боққали уёлиб.

Оғзи нафаси насими меҳнат,  
Қуйруғ анга зайли мимн меҳнат.

2090. Юз йўл таниға ясаб жароҳат,  
Меҳнат кирибон чиқарға роҳат.

Баским тани равзан узра равзан,  
Равзан-равзан бўлуб анга тан.

Яралари ичра қайнашиб қурт,  
Ҳам анда аларға туъма, ҳам юрт.

Қилғоч ярасини қурт дарҳам,  
Тил бирла яламоқ анга марҳам.

Сўнгра охурга қадам қўйиб, осмон парчасидек бир нафас унда ором олди.

Томидан териб олган ҳар бир донадан, кўнглига муҳаббат уруғини экиди.

2080. Ўз оқидан куйган кигиз парчаларини, бошидаги ярасига маҳкам боғлади.

Ҳар томонга оқ уриб, югуриб юрган вақтда, ногоҳ бир қўтир итни учратди.

Терисидаги яралардан гўшти қочган, қашишдан аъзоси қизариб кетган эди.

Ҳам оғзи-бурунидан суви оққан, ҳам жисми бўғин-бўғинидан айрилган.

Томирларидан қон қочиб, териси суякларига ёпишиб кетган.

2085. Аъзосида унда-мунда бир тук, у ҳам унга бир оғир юк бўлиб,

юришга ҳам мажоли қолмаган эди, ҳатто қуйруғининг юкини ҳам кўтаришга ожиз эди.

Лаблари бир-бирига ёпишмаганидан, тишларни иржайиб, гўё ўз ҳолига куйгандек бўлар эди.

Кўзлари ҳам ўз аъзосига қарашга уялганидан, чуқур тушиб кетган эдилар.

Оғзидан чиққан нафаси, азоб-уқубат насимидир. Букук думи эса меҳнат мимининг дамонасидир.

2090. Азобнинг кириши ва роҳатнинг чиқиши учун, унинг танига жароҳатлар юзлаб йўл ясаган эдилар.

Танлари илма-тешик бўлиб, шу тешик тан, унга тан хизматини ўтар эди.

Яралари ичида қуртлар қайнашар, у яралар қуртлар учун ҳам юрт, ҳам озиқдир.

Қуртлар унинг ярасини кавлаб юборганидан тили билан ялаганда унга малҳамдек туюларди.



Балким бу адувга қаҳр сурмак,  
Ҳар лаҳза аларға тил тегурмак.

2395. Қонлиғ жасадида бир сурук зоғ,  
Бир лолада ўйлаким неча доғ.

Учуб-қўпуб айлаб анга қиилар,  
Захм устида ўйлаким чибиңлар.

Йўқ анга чиби қўрур мажоли,  
Қуш қовғали худ не ихтимоли?

Мажпун кўргач бўлуб мушавваш  
Кўнглига бу зулм келди нохуш

Итга қўюбон тани итоат,  
Ул хайлға бошлади шафоат:

2100. «Кей талъату лавниигиз муборак,  
Бўлғон меига барча тожи торак.

Бошимдаки юз яро нишони,  
Ҳар бир биригизнинг ошъёни.

Кўнглумдаки юз тешук тешиб оҳ,  
Ҳар бир биригиз учуи ватаигоҳ.

Айлаиғ бу харобани нишиман,  
Қим жавру жафо чекар кишиман.

Кўзумни чўқунг, танимни тишлаиғ,  
Онинг кўзину тании бағишланг.

2105. Қасдингиз агар наҳиф итдур,  
Бу хаста доғи заиф итдур».

Кўрдики бу узру лобау печ,  
Қушларға тафовуг айламас ҳеч.

Фаръёд ила ваҳшат этти оғоз,  
Рам топиб, аларға бўлди парвоз.

Келдию ул ит табоини ўпти,  
Гах пайкари нотавонини ўпти.

Кўп кўргач анинг танида ёра,  
Ўз кўнглагини этти пора-пора.



Итнинг ҳар нафас ўша қуртларга тил теккизиши, худди душманга қарши қаҳр-ғазаб сочмоқдек эди.

2095. Қонли жасадига қўнган зоғлар, лолага тушган доғларга ўхшарди.

Ярага ёпишган чивинлардек уларнинг учиб қўнишлари итга азоб берар эди.

Пашшаларни қўригани мажоли йўғу, қушларни қувишга қандай кучи етсин?

Мажнун бу аянч аҳволни кўриб, ташвишга тушди ва кўнгли баттарроқ бузилди.

Итга раҳми келиб, у қушлар ва ҳашаротларга шундай деди:

2100. «Эй кийинган кийимлари ва бўйлари муборак бўлиб, менинг бошимга тож бўлганлар!

Бошимдаги юзларча яраларнинг нишонлари ҳар бирингиз учун ашёндр.

Оҳларим зарбидан пора бўлган кўнглимнинг тешиклари, ҳар бирингиз учун ватангоҳдир.

Бу харобага келиб жойланинг, чунки мен жабру жафо чекувчи кишиман.

Кўзларимни чўқинг, танларимни тишланг, унинг кўз ва танини қўйинг.

2105. Агар қасдингиз шу ожиз итда бўлса, мен ҳам бир заиф итман».

Бу ялиниш ёлборишлар қушларнинг парвойига келмаганини кўриб,

овозининг борича ваҳшат солиб бақирди, қушлар бундан чўчиб, учиб кетдилар.

Ит олдига келиб, унинг гоҳ товонини, гоҳ нотавон гавдасини ўпди.

Унинг танида кўпгина яраларини кўргач, ўз кўйлагини ҳам пора-пора қилиб,



210. Олдию оритти ёрадин қон,  
Ул пайкари пора-порадин қон.

Қонин танидин чу айлади кам.  
Боғлади яроларини маҳкам.

Ўз кўнглакини анга жул этти,  
Қон ёшидин анга гул-гул этти.

Чун бўлди ани тонгордин озод,  
Юз дард ила нудба қилди бунъёд:

«Кей меҳру вафо била сириштинг,  
Андуҳу малол сарнавиштинг.

215. Улдамки танингда сиҳҳат эрди,  
Кўнглунгда шукуҳу қувват эрди.

Табъинг топибон мизожи хуффош,  
Ҳазминг берибон язакқа хашхош.

Ваҳминг қилибон бўри кўзин тўрт,  
Ҳар тун таниға кўзи солиб ўрт.

Чангингга паланг кўз солур чоғ,  
Боштин-аёғи бу ғуссадин доғ.

Ғабр олинга ўйлаким сақатлар,  
Тирноғингдин танида хатлар.

220. Барс отламоғинг малолатидин,  
Боғлаб кўзини хижолатидин.

Насрин дебоң эл кафинг маконин,  
Парвин деб улус изинг нишонин.

Илгингга хино ёқиб муайян,  
Гаҳ жайрану, гоҳи гавзи жайран.

Бўйнунг аро шўхлар таноби,  
Бошинг уза шўхлар рикоби.

Гоҳики ғазаб билан ирилдаб,  
Гардун асади сори хирилдаб.

225. Бу дамки малол ила бўлубсен,  
Яъники бу ҳол ила бўлубсеп.

2110 Йиртиб олди-да, у пора-пора бўлган тanning яраларидан  
чиққан қонларни тозалади.

Танидаги қонларни артгач, яраларини маҳкам боғлаб  
қўйди.

Ўз қўллақларини унга кийгизди ва у қўйлакка қоили  
ёшларидан гуллар солди.

Шу аялч манзаралардан озод қилганлаи сўнг, юз дард  
билан мунгли куллади:

«Эй муҳаббат, вафо билан яратилган тақдири ғам, кулфат  
билан тўлган!

2115. Бир вақтлар соғлом ва кўнглинг шодлик, қувват билан  
тўлган эди.

Кечалари кўршапалаклардек уйғоқ ва қоровуллар сенинг  
ҳушёрлигинг олдида кўкнори бўлиб қолардилар.

Ваҳимаиғ билан бўрининг кўзи жовдирар, ҳар тун унинг  
танига кўзинг олов соларди.

Чангалларингга арслоннинг кўзи тушган чоқда, бошдан-  
оёғи у ғусса чекиб доғ (хол-хол) бўлиб қоларди.

Йўлбарс ҳам сенинг олдингда ўлик ҳайвондек, тирноғинг  
зарбидан унинг танида чизиқлар бўларди.

2120. Сенинг отилиб санчишингдан йўлбарслар ҳам ваҳимага ту-  
шиб, хижолат тортиб, кўзини юмардилар.

Кафтларинг тушган ерни эл, насрин гули ва изларингни  
ҳулкар деб анлардилар.

Қўлларингнинг хинаси гоҳ кийик, гоҳ буғулар қонидан  
бўлар эди.

Бўйнингга шўх тўзаллар ип боғлардилар, шоҳларнинг  
узангиси сенинг бошингда эди.

Гоҳ ғазаб билан ириллаб, гоҳ жаҳон шери каби ҳайқи-  
рардинг.

2125. Энди эса шундай аҳволга тушиб, ночарликда қолибсан.



Сендин қилур эрса эл танаффу,  
Бордур менга суҳбатинг тафоҳур

Бир кун неки кўйи ичра ҳурдунг,  
Итлар била ҳар тараф югурдунг.

Ҳар тун неки тортибоғ фиғони,  
Бўлдунг эшигида посибони.

Бир вақт неким вафо йўлидин,  
Бошингга сўнгатк единг қўлидин.

2130. Бир чоғ неки лутф этиб ирода,  
Солиб эди бўйунга қилода

Жоним бўлсун танинг нисори,  
Бағрим бўлсун тишинг фиғори.

Ераб, фалак айлабон ғаминг рафъ,  
Бўлсун бори заъфу меҳнатинг дафъ.

Ҳам бурнодин эмди чустроқ бўл,  
Ҳам тозау тандурстроқ бўл.

Улдам яна бўлса бахт ҳамдам,  
Бўлсанг яна ул эшикка маҳрам.

2135. Ётлиғ сифатини тутмағайсен,  
Мен хастани ҳам унутмағайсен.

Жоним олиб ул тараф гузор эт,  
Туфроғига кўйининг нисор эт.

Итлар била айласанг таку пўй,  
Мендин борининг қошида юз кўй.

Кўйида сўнгатк ғизо қилур дам,  
Ед эт бу заиф жисмини ҳам.

Гар толиъу бахт ёр топсанг,  
Жонон ҳарамига бор топсанг.

2140. Бор аҳли қовуб ул остондин,  
Кимса сени «чиқ!» демаса ондин.

Тун бўлсау ул ҳарам паноҳинг,  
Даҳлези ичинда такъягоҳинг.

Сендан эл нафратланса, мен суҳбатинг билан фахрланаман.

Бир вақтлар унинг кўчасида ҳуриб, итлар билан тўс-тўполон қўпорар эдинг.

Кечалари эса фиғон тортиб, унинг эшигида посбонлик қилар эдинг.

Сен унинг қўлидан бир вақт эмас, кўп вақт вафо суякларини егансан.

2130. Кўп чоғлар сенга лутф этиб, бўйнингга ҳалқа боғладилар.

Жоним танларингга қурбон бўлсин, тишларингдан бағрим тешилсин!

Илоий фалак, сенинг барча азоб-уқубатларингни даф этсин.

Аввалгидан ҳам кучлироқ бўл. илгаригидан ҳам соғломроқ бўлгин.

Бахт сенга яна йўлдош бўлиб, у эшикка яна маҳрам бўлсанг,

2135. ўзингни бегона олиб, мен хастанни ҳам унутмагин.

Жонимни ўша тарафга олиб бориб, кўчасининг тупроғига бағишла.

Итлар билан тўполон қўзғаб юрганнигда, мен учун улар қошида тиз чўккин.

Ушанинг кўчасида суяк кемириб, озиқланаётган вақтингда, мен кучсизнинг жисмини ҳам ёдингга солиб қўйгин.

Агар бахт-толеинг ёр бўлиб, жононнинг ҳарамига йўл топсанг,

2140. давлатлилар ўша остонадан сени қувламасалар, кимса сени у ердан «кет!» демаса,

кечаси у ҳарам паноҳинг бўлиб, даҳлизи суянчиғинг бўлганда,



Етиб ингакинг иликка қўйсанг,  
Тумшугунг ўшал эшикка қўйсанг,

Мендин ул эшикни ўп ниҳони,  
Йўқ ўйлаки кимса билгай они».

Оғзига кўзини суртубон кўп,  
Дедики: «Аёғи туфроғин ўп.

2145. Иккисини тирноғинг била ўй,  
Ҳар ердаки ул аёғ босар қўй».

Бу нукталар ул қилиб шумора,  
Уткунчилар айлабон назора.

Ҳар ким таниб они зор йиғлаб,  
Ғам кўнглин этиб фиғор йиғлаб.

Тонимағон айлабон таҳайюр,  
Аҳволиға йўл топиб тағайюр.

Кўнгли кууб ўйла мижародин,  
Бир сўхта сўрди ул ародин:

2150. «Кей ишқ ўти ичра ахгар ўлғон!  
Не ахгарким, самандар ўлғон.

Бу ўт била пайкарингга таркиб.  
Бу ўт била хилқатингга тартиб.

Зотинг бўлуб ўт била сиришта,  
Тонг йўқ десалар сени фаришта.

Ҳам келди фариштаваш сифотинг,  
Ҳам бўлди малак сифот зотинг.

Мунчаки топиб сен итга улфат,  
Ит бирла малак аро не нисбат?

2155. Ҳар уйғаки бўлса итга манзил,  
Бўлмас малак ул уй ичра нозил?

Нечун аронгиздадур масофот,  
Чун бор ул иков аро мунофот?»

Мажнун дели йиғлабон чекиб оҳ:  
«Кей ишқдин ўлмоғон сен огоҳ!

иякларингни оёгингга тираб тумшуфингни ўша эшикка қўйганингда,

кимсага сездирмай, менинг учун ўша эшикни ўп».

Мажнун унинг оғзига кўзини суртиб дедп: «Босган изларининг тупроғини ўпиб қўй.

2145. Тирноғинг билан менинг икки кўзимни ўй-да, босган қадамларининг ўрнига қўй».

Шундаё сўзларни бирма-бир айтиб турган чоқда, йўловчилар кўриб қолдилар.

Уни таниганлар жуда ғамгин бўлишиб, кўнгиллари бузилиб зор-зор йиғладилар.

Танимаганлар эса Мажнуннинг аҳволидан ҳайратга тушиб ўзгардилар.

Улардан бири бу можародан кўнгли куйиб, ачиниб сўради:

2150. «Эй ишқ ичида чўғ бўлган. йўқ, балки ловиллама олов бўлган!

Баданинг шу ўтдан ясалиб, бағринг шу ўтдан таркиб топган.

Зотинг ўт билан юғрилгандир, сени, фаришта десалар ажабланарлик эмас.

Сифатларинг ҳам фариштага ўхшайди, зотинг ҳам малак сифат экан.

Нега ит билан улфатсан, ит билан малакнинг қандай муносабати бор?

2155. Итга манзил бўлган ҳар қандай уйга, малак тушмайди-ку?

Ўртада шунчалик зиддият бўлиб туриб, нима учун орангизда тенглик бор?»

Мажнун оҳ чекиб, йиғлаб деди: «Эй, муҳаббатдан беҳабар киши!



Иўқ, сени малак десам гариби,  
Ким йўқ сенга ишқдин насиби.

Мендекни эрур малак демак рев,  
Ким кўрса мени қироқ тутар дев.

2150. Ишқ ўртади ул сифат вужудум.  
Ким бўлди набуд барча будум.

Ул ўт аро айласанг тааммул  
Топқунг бадашимни тўдан кул.

Не тонг агар ит хиром қилса,  
Тўда кул аро мақом қилса?

Ҳар итгаки етса бир жароҳат,  
Кулдин етишур танига роҳат.

Бу итнинг эрур жароҳати кўп,  
Демак бўлмас кул устидин кўп.

2155. Йўқ, йўқки, эмастур итлик анда,  
Итлик манга хатм эрур жаҳонда.

Ит мен, мен, улусқа ор мен, мен,  
Бошдин аёғи фиғор мен, мен!

Кўп захм танимни урди барҳам,  
Ул келди бу захмларга марҳам,

Ким бўлса танида кўп фиғори,  
Ҳар захмдин ўлса изтирори,

Ким марҳам ила давоси қилса,  
Жонин не ажаб фидоси қилса?

2170. Бўлса эди менда юз тумай жон,  
Ер топмағай эрди бу бадан жон.

Борин анга зор қилғай эрдим,  
Йўлига писор қилғай эрдим».

Бу эрди фасонаву фусини,  
Ким қилди яна ғулу жузунни.

Едиға чу кирди ваҳшийи дашт,  
Қилмоқ кийику қулон била гашт.



Сени малак десам таажжуб эмас, чунки сенга ишқ пасиб  
бўлмаган.

Менга ўхшаганини малак демак, ёлғоччиликдир, мени дев  
кўрса ҳам қочади.

2160. Ишқ бутун вужудимни шундай ўртадики, бутун борлигим  
ҳам побуд бўлган.

У ўтга зеҳн солганингда эди, баданимнинг кул тўдаси бўл-  
ганини кўрар эдинг.

Ит юриб келиб шу кул тўдасида мақом тутса не ажаб?

Агар ҳар қандай итга жароҳат етса, кулдан тани роҳат  
топади.

Бу итининг жароҳати кўп экан, шунда шифо бергучи кул-  
дан (кет) деб ҳайдаб бўлмайди.

2165. Йўқ-йўқ, унда итлик кўринмайди, итлик жаҳонда фақат  
менга хос.

Ит мен, мен, улус ор қилган мен бўламан. Бошдан оёғи-  
гача яраланган мен бўламан!

Кўп яралар танимни тугатдилар, у келди-да яраларимга  
малҳам қўйди.

Баданида яраларни бўлиб, ундан азоб чеккан кишига

кимки дори-дармон билан даво қиларкан, унга жонини ҳам  
фидо қилса не ажаб?

2170. Менда юз туман жон бўлса эди, баданимда ҳеч қолдир-  
масдан ҳаммасини ҳам бағишлар эдим.

Ҳаммасини унга бағишлаб, йўлида қурбон қилар эдим».

Шундай жозибали сўзларни айтгач, унинг жунуни (телба-  
лиги) яна ҳаддан ошди.

Елига дашт ҳайвонлари: кийик, қулонлар билан гашт эт-  
моқ тушди.



Ул итнинг аёғ-илигин ўпти.  
Нахжир азиматиға қўпти.

2175. Бўлди яна сойири биёбон,  
Маънусларин тилай шитобон.

Ул лаҳзаки Зайд бўлди қосид,  
Лайли сари топибон мақосид.

Ҳай ичида чун қарор топти,  
Хилватда ул ойға бор топти.

Ул пардалар ичра ғунча кирдор,  
Бу ташқари бўлди анга сирдор.

Некин билиб эрди ёридн сўз,  
Девонаи беқароридин сўз.

2180. Кўргузди демакда ихтимомин,  
Арз айлади олида тамомин.

Лайли чу анинг сўзин эшитти,  
Кўнгли темуриин дами эритти.

Жони аро андоғ ўт туюшти,  
Ким дуди анинг бошидин ошти.

Гисусиму эрди анбаролуд,  
Ё чққмиш эди бошиға ул дуд?

Гису киби печу тоб топти,  
Тоб ичра ўзин хароб топти.

2185. Юз узр ила Зайд сори боқиб,  
Ҳасрат суйи кўзлоридин оқиб:

«Кей тан аро жон бериб каломинг,  
Жисмимға равоң бериб паёминг!

Жон дардиға чоракўш сен сен,  
Одам демайини, суруш сен сен».

Кўп узр қилиб сўзига пайванд,  
Нақдина баса топиб кироманд.

Ташқари юбордиким: «Мунн ол,  
Оз эрди қошимда нақд филҳол.

У итнинг қўл-оёқларини ўпиб, кийиклар маконига қараб кетди.

2175. Ҳамсуҳбат улфатларини ахтариб, тездан биёбон сайрига тушди.

Зайд Мажнуннинг хабарини Лайлига етказиш учун йўлга тушган эди.

У Ҳай қабиласига етгач, бир хилватда ой юзли Лайлини учратди.

У, пардалар ичидаги ғунчага бу ташқаридан туриб сирдор бўлди.

Зайд, Лайлининг беқарор, девона ёри тўғрисида нимаки билган бўлса,

2180. ҳаммасини унга бирма-бир, қолдирмасдан, батамом айтиб берди.

Лайли унинг сўзини эшитгач, тортган оҳидан қўнглининг темири ҳам эриб кетди.

Жонига шундай ўт туташдики, тутунлари бошидан ҳам ошиб кетди.

Уша тутунлар унинг бошига чиққан эдими? Еки у қоп-қора анбар олул зулфими эди?

Бу хабарни эшитгач, олов ичида зулфи каби буралиб-буралиб, ўзини унутди.

2185. Кўзидан ҳасрат ёшлари томиб, юз узр билан Зайд томонга боқди.

«Эй, сўзлари танимга жон бериб, хабарлари жисмимда қон юргизган!

Жоним дардига чора топгучи сенсан, одам демайин, хуш-хабар келтиргучи сенсан» деб,

кўп узрлар айтиб, унга қимматли тортиқлар берди.

Зайдни ташқарига чиқариб: «Буни олгин, ҳозирча қўлда бори шу,



2190. Узрунгни бу навъ қўлмоғумдур,  
Юз мунчага қониъ ўлмоғумдур.

Бўлғаймуки лутф ила вафодин,  
Бир руқъа бу зор мубталодин.

Девонавашим сори етурсанг,  
Ҳам мунда жавобини кетурсанг?»

Зайд этмади дилситонга мишнат,  
Дедики: «Эрур бу жонга мишнат.

Бот бўлки ҳариф мунтазирдур,  
Бу амрда макс бас музирдур».

2195. Лайли тилабон давоту хома,  
Филҳол муҳаррар этти нома.

Эл онларидини нчида юз бийм,  
Қосидга ниҳони этти таслим.

Қосид олиб ўлди даштпаймо.  
Ул ергаким, ул ғариби шайдо.

Иш кайфиятин солиб ароға,  
Топшурди битикини бенавоға.

Не эрканнини чу билди Мажнун,  
Заъф этганидини йиқилди Мажнун.

2200. Жисмиғаки ерга паст тушти,  
Нома киби юз шикаст тушти.

Ул номаға чун кушод берди,  
Мазмуни ўқур замон бу эрди.



2190. қилган хизматларингни унутмайман, юз шунча нарса берсам ҳам озлик қилади.

Сен бир лутф этиб, вафо кўрсатсанг, мен зору мубталодан бир мактубни,

девонагинамга олиб борсангу, ҳам менга жавобини келтирсанг?»

Зайд дилбарнинг тилагини қабул қилиб, деди: «Жоним билан бу менинг бурчимдир.

Тез бўлгин, душманлар воқиф бўлиб қолмасинлар, бу ерда маҳтал бўлиб туриш зарар келтиради».

2195. Лайли давот, қалам олиб, дарров нома ёзди.

Кишиларнинг билиб қолишларидан қўрқиб, хабарчига номани махфий топширди.

Хабарчи номани олиб, ул ғариб шайдога етказиш учун дашт томон кетди.

Бутун аҳволларини айтиб, номани у бенавога топширди.

Мажнун аҳволнинг нима эканлигини билгач, ҳолдан кетиб йиқилди.

2200. Уша юз букилган номадек, Мажнун ҳам буралиб-буралиб ерга йиқилди.

У номани очиб ўқиди, унинг мазмуни шундай эди.





## У Н САККИЗИНЧИ БОБ

*Лайлининг Мажнунга ёзган мактуби*

л тенгри оти била бу маншур,  
Ким берди кўнгулга ишқдин нур.

2205. Урғоч майи ишқнинг салоси,  
Одамға етишти ибтилоси.

Бир журъаки чекти ул жигархун  
Маст ўлди, не маст балки мажнун.

Ул май била кимгаким бериб бар,  
Талх этти фироқдин қотиб захр.

Берганга муфорақат балосин,  
Еткурди мувосалат шифосин.

Булбулники қилди зору ғамнок,  
Гул кўнглагини ҳам айлади чок.

2210. Парвона гудозу сўзи андин,  
Ут шамъға доғи рўзи андин».

Чун бўйла сочиб базе жавоҳир,  
Андин сўнг этиб бу нукта зоҳир.

Ким: «Ушбу рақамки нақши Чиндур.  
Бир хастаға бир шикастандиндур.



## У Н С А Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

*Лайлининг Мажнунга ёзган мактуби*

«Кўнгилга ишқдан нур берган тангри оти билан бу нома-  
ни бошлайман.

2205. Ишқ майининг даъвати билан одамлар балоларга мубтало  
бўлдилар.

Шу ишқ майидан бир ҳўплаган у жигар қон маст бўлди,  
маст эмас, балки мажнун бўлди.

Кимгаки, у майни тортиқ этган бўлса, фироқ заҳарини қў-  
шиб, уни аччиқ қилди.

Айрилнқ балосига гирифтор бўлганларга васл шифосини  
ҳам ато қилди.

Булбулни зор ғамгин этиб, гул кўйлагини ҳам чок-чок  
этди.

2210. Парвонанинг беҳад куйиши, ёниши, шамга ўтнинг насиб  
бўлнши ҳам шундан».

Шундай жавоҳирларни сочиб, сўнгра бу сўз дурларни  
чизди:

«Хитой нақшларига ўхшаган бу сатрлар, бир шикастанинг  
бир хастага ёзганларидир.



Яъни мени зору мубталодин,  
Сенгаки қутулмадинг балодин.

Эй, ишқ ўтида хасим нечуксен,  
Эй! бедилу бекасим нечуксен!

2215. Эй бўлғали ишқим ичра мадҳуш,  
Бир журъан васл қилмагон нўш!

Эй фурқатим ичра гар ёғиб тош,  
Минг тош ебон яшурмайин бош!

Эй ҳажрим ўтида гар бўлуб кул,  
Ҳар шуъла кўрунубон анга гул!

Эй хори ғамимни жонға урғон.  
Гулбонгин анинг жаҳонға урғон!

Эй силсилаи жуиун элингда,  
Дад қуйруғидин расан белингда,

2220. Ҳолинг недурур фироқим ичра?  
Фикринг недур иштиёқим ичра?

Сочингға ёпншса хору хошок,  
Ким тортар экин бирин-бирин пок?

Фарқингки эмиш қуш ошъёни,  
Ким уркутур эркин андин они?

Бошингки сипеҳр ушотти дарҳам,  
Ким боғлар экин аларға марҳам?

Ултурса юзунгга гарду хори,  
Ким оритур эркин они бори?

2225. Жисмингки қонаса ғам тошидин,  
Ким юр экин они кўз ёшидин?

Хорики кафингға борур эркин,  
Кирпик билаким чиқорур эркин?

Ҳажр ўти танингни куйдурур чоғ,  
Ким сочар экин ул ўтқа туфроғ?

Қум узра йиқилса жисми зоринг,  
Ким бор экин анда ғамгусоринг?



Яъни мен зору мубталодан, сенгаки қутулмадинг балодан.

Эй меннинг ишқ ўтидаги хасим нечуксан? Қўнгли озор топган кимса сизим нечуксан?

2215. Эй, менинг ишқимда беҳуш бўлмоқ учун, васл майидан тотмаган!

Эй, менинг фирқатимда бошига тош ёғиб, минг тош еса ҳам бошини яширмаган!

Эй, ҳажрим ўтида кул бўлган, ҳар шуълани гул деб билган!

Эй, ғамим тиканини жонига урган, булбулдек фарёдини жаҳонга тарқатган!

Эй, жиннилик занжирини қўлига солган, ваҳшийлар қуйруғини арқон қилиб белига боғлаган!

2220. Фироқим ичра аҳволни қандай? Иштиёқим ичра фикринг недир?

Сочларингга хару хас ёпишса, ким бир-бир тортиб олар экан?

Бошинги қушларнинг уяси эмиш, у ердан қушларни ким қувар экан?

Фалак парчалаган бошинга кимлар малҳам қўяр экан?

Юзингга чанг-тўзон ўтирса, уни, ким артар экан?

2225. Ғам тошидан тананг қонаса, уни кўз ёши билан ким ювар экан?

Кафтингга кирган тиканларни, киприги билан ким чиқарар экан?

Ҳажр ўти танингни куйдирганда, у ўтга ким тупроқ сочар экан?

Азобланган жисминг қумга йиқилганда, сенга ким ғам-хўрлик қилар экан?



Ҳаръён югурурда зору бекас,  
Соянг сенга ҳамраҳ эркину бас.

2230. Тоғ ичида иссиғ ўлса маълум,  
Соя қилур эркин устунга бум.

Вайронада муҳлик ўлса андуҳ,  
Чўғз айлар экин бошинг уза «дуҳ».

Ҳижрон туни бошинг олса бобок,  
Субҳ айлар экин сенга яқо чок.

Ғам заъфида дашт узра ётсанг,  
Қум бистар экин аёғ узотсанг.

Тун бошинга ваҳш ўлур экин жамъ,  
Олингда бўри кўзи экин шамъ.

2235. Қон ютқали истасанг пиёла,  
Топилмас экин бағайри лола.

Ўлтурур экин чибин қошинга,  
Эврулур экин қуюн бошинга.

Эй кош сипеҳри тийра айжум,  
Бергай менга доғи ул танаъум,

Ким туну кун ўлғамен рафиқинг,  
Йўлсиз югурурда ҳамтариқинг

Сен бўлсангу мен жаҳонда мавжуд,  
Бўлса яна коннот нобуд.

2240. Гаҳ собиту, гаҳ жаҳонда сайёр,  
Йўқ даҳр диёри ичра дайёр.

Дилхоҳ ила иккимиз маоши,  
Ойини висол бетаҳоши.

Маъман баданимга қўйиниғ ўлса,  
Маскан илигимга бўйиниғ ўлса.

Гаҳ эғнима такъя қилса бошинг,  
Тавқи зақанимда бўлса қошинг.

Гаҳ юзума тутса юзунг ором,  
Оғзингга етурса лабларим ком.

Елгиз ўзинг фарёд уриб, ҳар томон югурганинда, фақат соянг сенга ҳамроҳ экан.

2230. Тоғлар ораси исиб кетганда, устинга фақат бумгина соя солар экан.

Вайронларда сенинг ғаминг ҳалокатга еткизса, бошинг устида бойқушлар «дуҳ» дея қичқирар экан.

Айрилиқ оқшоми бошингни олса, тонг сенга ёқасини чок этиб боқар экан.

Ғамдан заифланиб даштда ётганинда, қумлар сенга тўшак экан.

Кечаси йиртқич ҳайвонлар атрофинда тўпланганда, олдиндаги шаминг бўрининг кўзи экан.

2236. Қон ютиш учун пиёла ахтарсанг, лоладан бошқа ҳеч нарса топилмас экан.

Қошинга чибинлар ўтирар экан, бошингдан қуюн айланар экан.

Кошки қоронғу зиндонга ўхшаган олам, менга ҳам шундай неъматларни бағишласа.

Қун-тун рафиқинг бўлиб, йўлсиз югуришда ҳамроҳинг бўлсам.

Жаҳонда сен билан мен бўлсаму, бутун коинот нобуд бўлса!..

2240. Гоҳ тўхтасак, гоҳ сайр қилиб юрсак-да, бу оламда жим турмасак.

Иккимиз дилхоҳлик билан умр ўтказиб, тинчлик билан васл гаштини сурсак.

Қучоғим баданингда паноҳ бўлса, қўлларим мудом бўйнингда бўлса.

Бошинг гоҳ елкамга суянса, қошинг бақбақамда турса.

Гоҳ юзимга юзинг ором бериб, лабларим оғзигга баҳра берса.



2245. Етса танима тиларда воя,  
Ҳамхобалиғинг нечукки соя.

Найлайки сипехри ҳарза новард,  
Қилди бу муроддин мени фард.

Сениг нечаким ғамингға йўқ маҳл,  
Чун эр кишисен бу саҳл эрур, саҳл.

Ҳар сори урай десанг такингни,  
Тутқучи тикандур этагингни.

Эток дағи пойбандинг эрмас,  
Даври зиҳи ҳам камандинг эрмас.

2250. Мискин мени зору пойбаста,  
Йўқ, йўқки, заифи пошикаста.

Не майли сукун, не хадди рафтор,  
Юз қайди бало аро гирифтор.

Бўлмоқ юз алам уйида маҳбус,  
Биръён, яна биръён ўлди номус.

Эр мажлиси ичра роҳ эрур зеб,  
Хотун кишига салоҳ эрур зеб.

Бу меҳнати ишқ печ-дарпеч,  
Номус чу кетти барчаси ҳеч.

2255. Пардасини ғунча айласа чок,  
Барбод этар они чархи бебок.

Сенсизки ғамим дами кам эрмас,  
Сендин гар эмас кўп, оз ҳам эрмас.

Сен тортибон оҳн оташолуд,  
Мен ўт ёқибон чиқормайин дуд.

Ҳар неча ғамимдин оҳ чектинг,  
Навфал билаким сипоҳ чектинг.

Хайлим юзига бало уруб кож,  
Аҳлу ҳашамимға бийми торож.

2260. Истаб ота ҳам ҳалоки жоним,  
Тўкмак тилабон ер узра қоним.

2245. Сояга ўхшаб сен билан бирга ётсак-да, таним тилаган мақсадига етса.

Нима қилайки, фалакнинг бу беҳуда ғовғалари мени му-  
родга етиштирмади.

Сенинг ғаминг кўп бўлса ҳам, эр киши бўлганинг учун бу  
ҳеч нарса эмас.

Қайси томонга чопай десанг, этагингни тикандан бошқа  
тутадиган нарса йўқ.

Этагинг ҳам оёғингни боғламайди, унинг ҳошияси (мағзи)  
ҳам оёғингга кишан бўлолмайди.

2250. Мен ожиз бир нотавон, оёғи боғлиқ, йўқ, балки оёғи  
синган занфман.

Не туришга майлим, не юришга ҳаддим бор, юз хил бало  
кишанларига гирифторман.

Юзлаб аламлар уйда маҳбуслик бир томон, яна бир то-  
монда ору номус.

Эрлар мажлисининг зебу зийнати — шароб, шодликдир,  
хотин кишининг зебу зийнати — тўғрилиқ ва яхшилиқдир.

Бу ишқ меҳнати устма-уст чирмашиб кетган бўлса ҳам,  
номус кетгач ҳаммаси ҳечдир.

2255. Ғунча пардасини чок этса, раҳмсиз фалак уни барбод  
этади.

Сенсиз ғамларим кам ҳам эмас, сеникидан кўп бўлмаса оз  
ҳам эмас.

Сен олов аралаш оҳ тортсанг, мен ўтни юрагимда ёқаману  
лекин тутун чиқаролмайман.

Ғамимда ҳар қанча оҳ чексанг ҳам, Навфал билан усти-  
мизга қўшин тортдинг.

Қабилам юзига бало шапалоғини уриб, саройим аҳлига  
толон қўрқинчини солдинг.

2260. Отам ҳам мени ўлдириб, қонларимни ерга тўкмоқ истади.



Мен мунча балият ичра хушдил,  
Ким ёрға ком бўлса ҳосил.

Гар воқиа жуз ҳалок эмасдур,  
Юз мунча ҳам ўлса бок эмасдур.

Мундоғ дағи дедилар фасона.  
Ким: Навфал ила бўлуб ягона.

Чун ҳужласи сори кўз солибсен,  
Олмоққа қизини сўз солибсен.

— Бўлсун сенга бахт ёру ёвар,  
Биллаҳ менга тушмади бу бовар.

Бўлса дағи чун сенга эрур ком,  
Не ком сенга, менга эрур ком.

Боғ ичра қўюб қадамни бир кун,  
Кўрмиш эдим ул санамни бир кун.

Ҳам хўбу, ҳам элга меҳрибондур,  
Неча деса яхшиғина жондур.

Евар сенга ҳақ таборак ўлсун,  
Бу хайр ишинг муборак ўлсун.

<sup>2270.</sup> Бўлсанг неча онинг ила хуррам,  
Ед айла гаҳи бу хастани ҳам.

Инсофға ҳам канора тутма,  
Бизни дағи бир йўли унутма».

Мажнун ўқуғунча бўйла нома,  
Заъф этти тани мисоли хома.

Зайд олиға ҳар замон қўюб бош,  
Арз айлади сайлдек тўкуб ёш:

«Кей чок юракка чора андеш,  
Марҳам аро ёшуруб баче неш.

<sup>2275.</sup> Бу номаки жонни қилди бетоб.  
Ёзмоққа жавоб йўқтур асбоб».

Зайд айлаб эди борин мураттаб.  
Қоғаз дағи хомау мураккаб,

Мен шунчалик ранж ва озорлар ичида бўлсам ҳам, ёрим мақсадига эришсин деб кўнглим хушдир.

Гарчи воқиалар ҳалокатлидир, лекин юз мунча бўлганда ҳам ҳеч боқиси йўқ.

Яна, мана шундай афсоналарни ҳам айтадилар, тўё сен Навфал билан тил бириктириб,

унинг безалган уйига кўз ташлаб, қизига уйланмоқчи бўлиб, оғиз солибсан.

2265. Бахтинг ёр бўлсин, биллоҳ мен бунга ишонмадим.

Сенинг мақсадинг шундай бўлса, менинг ҳам мақсадим шудир.

Кунлардан бир кун боғда томоша қилиб юрганымда, у санамни кўрган эдим.

Ўзи дуруст, элга меҳрибон, яхшигина жонон деса ҳам бўлади.

Ҳақ таборак сенга йўлдош бўлсин! Бу хайрли ишинг ҳам муборак бўлсин.

2270. Уша билан хуррам бўлган човларингда, бу хастани ҳам гоҳ-гоҳ эслаб қўй!

Инсофни ҳам тарк этмагин, бизни ҳам бир йўли унутиб юборма!»

Мажнун бундай мактубни ўқиб бўлгунча тани қаламдек титраб, мадорсизланди.

Зайд олдига қайта-қайта бошини қўйди ва селдек кўз ёшларини тўкиб арз этди:

«Эй чок бўлган юракка чора изловчи, малҳам орасига ништарларни жойлаштириб келган!

2275. Келтирган номанг жонни азоблади, нима қилайки жавоб ёзгани асбобим йўқ».

Зайд ўзи билан бирга қоғоз-қалам, сиёҳ ҳозирлаб, олиб келган эди.




Кўйди борисин қошиға бир-бир,  
Ул қилди жавоби нома таҳрир,

Зайд олдию йўлға хез солди,  
Ҳар лаҳза қадамни тез солди.

Пўяда сабақ бериб сабоға,  
Топшурди битикни дилрабоға.

2280 Хилватға кириб очиб суманбар,  
Кўрди суман узра гарди анбар.

2281 Чун солди саводиға назар тез,  
Бу навъ бўлуб эди гуҳаррез.






Ҳаммасини бир-бир Мажнун қошига қўйди, Мажнун эса жавоб ёзишга тушди.

Зайд жавоб мактубини олиб турди-да, жадаллаб йўлга равона бўлди.

Чопишда шамолга сабоқ бериб, мактубни дилрабога топширди.

2280. У суманбар хилватга кириб, мактубни очди, суман гули устига тушган анбар резаларини кўрди.

2281. Бу қора сатрларга тездан назар солди, номадан эса шундай гавҳарлар тўкилар эди.





### У Н ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг Лайлига ёзган  
жавоб мактуби*

л тенгри оти била бу нома,  
Ким ишқ элидин кўтарди хома.

Фардики йўқ аввал ибтидоси,  
Ҳаййики йўқ охир интиҳоси.

Тоғ балчиғи узра жола урғон  
Қум туфроғи узра мола урғон.

2285. Ҳар кимники айлабон парирўй,  
Тунд айлаган анга одату хўй.


Ҳажр эмгокини қатиг яратқон,  
Ғам шарбатини ачиг яратқон.

Ишқ ўтиға кимни куйдуруб жум,  
Маъшуқига бермаган тараҳҳум.

Қилғон неча ошиқ ўлса ношод,  
Маъшуқлуғ иқтизоси бедод.

Ошиқ ичи юз минг ўлса парканд,  
Маъшуқини айлаб анга хурсанд.

2290. Маъшуққаким эсиб насими,  
Ошиқ ичига солиб жаҳими!»



## У Н Т У Қ Қ И З И Н Ч И Б О Б

*Мажнуннинг Лайлига ёзган жавоб мактуби*

«Ишқ элидан қалам кўтарган, тангри оти билан бу нома-  
ни бошлай:

У тангри шундай якка ва ягонаки, унинг ибтидоси номаъ-  
лум, у шундай барҳаётки охири ҳам кўринмайди.

Тоғ балчиғи устига дўл ёғдирган, қум-тупроқ устига мола  
юрғизган.

2285. Ҳар кимни пари юз айлаган бўлса, аччиқ сўзликни унга  
одат этган.

Айрилиқ кулфатини қаттиқ яратиб, ғам шарбатини аччиқ  
яратган.

Бировни эса ишқ ўтига куйдириб, маъшуқни бераҳм этган.

Неча-неча ошиқларни ношод қилиб-да, маъшуқларнинг  
истағига бедодлик берган.

Ошиқ кўнглини парча-парча этиб, маъшуқини ундан  
хурсанд этган.

2290. Маъшуқ томон насимлар эсдириб, ошиқ ичига ўтлар ту-  
таштирган!»



Чун буйла бўлуб фасона пардоз,  
Андин сўнг этиб бу нукта оғоз —

Қим: «Ушбу ғаму алам баёни,  
Жон сафҳасида боғир нишони.

Мендинки ичим ғамингда қондур,  
Сенгаки ғаминг танимда жондур.

Яъни: бу жунун фасонасидин,  
Расволиқ ўти забонасидин.

2295. Гулрухлар аросида париға,  
Анжум аро меҳри ховариға.

Не ҳадлим ила дуо дегаймен,  
Юз мадҳ била сано дегаймен?

Мадҳинг дегали дағи қони тил?  
Бўлса де олурму ҳам они тил?

Қун васфини қилмоқ ошкоро,  
Хуффош тилига қайда ёро?

Ҳар нечаки чекти тилни савсаи,  
Гул васфида келди лолу алкаи.

2300. Ҳар неча бу навъдур назирим.  
Йўқ бир неча нуктадин гузирим:

Эй кишвари ҳусн подшоҳи.  
Ҳусн аҳли бу кишваринг сипоҳи:

Эй нозу карашма боғида вард,  
Не вард, баҳори нозпарвард.

Эй лутф жаҳопининг баҳори,  
Юзунг бу баҳор лолазори.

Бўлғонда саҳар ели гулафшон,  
Зулфунгниму айламас паришон?

2305. Машшота қилурда вусмани пок,  
Қошингниму айламас гиреҳнок?

Сармаст кўзунгки эрди бемор.  
Соғ ўлмоғи бўлдимү падидор?

Мақтубининг аввалини шундай сўзлар билан безаб, ундан сўнг қуйидаги сатрларни бошлади:

«Ушбу ғам ва аламларнинг баёни — жоним саҳифасидаги бағрим нишонасидир.

Ичи ғамингда қон бўлган мендан, ғами танимда жон бўлган сенга.

Яъни: расволик алангалари ичида ўртанган, афсона бўлган бу девонадан,

2295. гул юзликлар орасидаги парига, ва юлдузлар орасидаги тўлган қуёшга.

Не ҳаддим билан дуо айлаб, юз мадҳ билан мақтайин сени?

Мадҳингни айтгани тил қани, тил бўлса ҳам гапира олармиди?

Кун васфини кўршапалак қайси куч, қайси тил билан айта олади?

Савсан ҳар қанча тил узайтирса ҳам, гулни таърифлашда соқовланиб қолади.

2300. Мен шулардек бўлсам ҳам, ноилож бир неча сўзларни дейман:

Эй ҳусн ўлкасининг подшоҳи, бутун ҳусн аҳли бу ўлканнинг қўшинидир.

Эй нозу карашма боғининг қизил гули, қизил гул эмас, балки нозлар билан тўлган баҳор.

Эй, лутф жаҳонининг баҳори, юзинг баҳорнинг лолазори бўлган!

Саҳар ели гул сочганда, кокилларингни паришон айла-масмикан?

2305. Пардоз берувчи ўсма қўйганда, қошларингни қайирмасмикан?

Хумор кўзларинг бемор эди, энди соғ ва равшан бўлиб кетдимикан?



Рухсорипг ўтида холи ҳинду,  
Ўзидек улусни куйдурурму?

Гулбарг уза сунбулунг тушуб ҳеч,  
Қил янглиғ урарму ўт аро печ.

Юзунг хайию сочинг таноби,  
Борму ул иковнинг обу тоби.

2310. Оғзингки адамда бор эди гум,  
Айларму аён ани такаллум.

Қаддинг қилибон ҳавоий рафтор,  
Айларму жаҳон элин гирифтор?

Ноз уйқусидин очормусен кўз,  
Юз ноз ила элга дермусен сўз?

Кўюнгдаки йўқ менинг киби хас,  
Хасдин дағи қадр ичиндаву пас.

Бу эрмиш иродаи илоҳий,  
Ким сиррини билмас эл камоҳи,

2315. Ким кўзки ўюлғай эрди, эй кош,  
Не кўзки, кесилғай эрди бу бош.

Ул орази дилрабоға тушгай,  
Жон бирла кўнгул балоға тушгай.

Фикр этсам эди бу навъ ўзумни,  
Кўр этгай эдим ики кўзумни.

Мен ким эдиму бу дарди жовид,  
Зарра бошида ҳавоий хуршед.

Бехост юзунга бир нигоҳим,  
Тушганга менинг недур гуноҳим,

2320. Ким мунча келиб бало бошимға,  
Бу дарду бало қаро бошимға.

Девона бўлуб чиқиб жаҳондин,  
Овора диёру хонумондин.

Ҳар кун ватаним бир ўзга води  
Ҳар тун яна бир даман саводи.

Рухсоринг ўтидаги қора хол, элни ҳам ўзидек куйдира-  
дими?

Сумбул сочларинг гул баргига тегиб, оловга тушган қилдек  
ҳеч буралармикан?

Юзингнинг тери ва тола-тола сочларинг, бу ҳар иккиси-  
нинг обу тоби бормикан?

2310. Оғзинг камоли торлигидан кўзга илашмас эди, сўзлаган  
вақтда у кўринармикан?

Қадди-қоматинг юриш ҳавасига тушганда, жаҳон элини  
ўзига гирифтор этармикан?

Ноз уйқусидан уйғониб, юз ноз билан элга сўзлармикан-  
сан?

Кўйингда менингдек хас каби, ҳатто хасдан ҳам қадрсиз  
киши топилмайди.

Бу оллоҳнинг иродасидандирким, эл бунинг ҳақиқий мо-  
ҳиятини билмайди.

2315. Кошки кўзим ўйилса эди, кўз тугил бошим кесилса эди.

Кўзимнинг ул дилрабо юзига тушишини ва жон билан  
кўнглининг балога дучор бўлишини,

аввалдан билганимда эди, икки кўзимни кўр қилган бўлар  
эдим.

Мен ким эдим у бундай абадий дардга йўлиқиш, заррага  
қуёш ҳавосида бўлишлик нима эди.

Беҳосдан нигоҳим юзингга тушган бўлса, менинг нима  
гуноҳим бор эдики,

2320. бунчалик дарду балолар мен шўрликнинг қора бошимга  
тушибди.

Девона бўлиб жаҳондан чиқибман, хонумондан ажралиб  
овора бўлибман.

Ҳар кун ўзга бир водий ватаним бўлиб, ҳар кеча яна таш-  
ландиқ қоронғу ерларда тунайман.



Кум натъи бўлуб менинг саририм,  
Кун қурси бўлуб менинг фатирим.

От менга жибол қулласидин,  
Тўн менга самум ҳулласидин.

2325. Гаҳ ёру мусоҳибим даду-дом,  
Гаҳ тутмай алар била ҳам ором.

Дашт узра чу ваҳшатим топиб тул,  
Рам топиб ваҳш, бал қочиб ғул.

Ҳайратда вухуш ваҳшатимдин,  
Меҳнатда туюр меҳнатимдин.

Андуҳу бало гумондин ортуқ,  
Заъф ончаки бўлмас ондин ортуқ.

Бир таври адам бўлуб менга жисм,  
Ким анга вужуд берибон исм.

2330. Бу заъф била чу пўя қилиб,  
Ўргамчи танобидин йиқилиб.

Кўксумники тиғи ҳажр этиб чок,  
Кириб ҳашарот ичимга бебок.

Кўксум ичида чибин солиб шўр,  
Кўзум уйида ватан қилиб мўр.

Бу навъ қотиглиғу ириклик,  
Едингдин ўлуб менга тириклик.

Бу дамки гуҳарнисор хоманг,  
Таҳрир этибон етишти номанг.

2335. Алфозин ўқурда руҳ топтим.  
Ҳар ҳарфида юз футуҳ топтим.

Лекин ики сўз эди муҳаррар,  
Ким жонима солди ўт мукаррар:

Аввалки назарга бўлди маълум,  
Навфал иши бўлмиш эрди марқум

Қим: «Тортиб иков сипоҳи хунрез,  
Ҳайлим сари тиг чектингиз тез».



Қумлар менинг кўрпа-тўшагим, кулчага ўхшаган қуёш эса менинг патирим бўлди.

Тоғ чўққилари менинг отим, самум ели менинг тўёна тўним бўлди.

2325. Гоҳ ваҳший ҳайвонлар билан дўст ва ҳамсуҳбат бўламан, гоҳ улардан ҳам қочаман.

Менинг ваҳшатим дашт бўйи ёйилиб, бутун ваҳший ҳайвонлар, ҳаттоки ғуллар ҳам мендан қўрқиб қочадилар.

Ваҳший ҳайвонлар ваҳшатимдан ҳайратга тушадилар, қушлар ҳам, кулфатимдан ранжу алам топадилар.

Бошимдаги кулфат ва балолар ақлга сиғмас даражада кўп, ҳолсизлик эса мени ҳаддан ташқари заиф этибдир.

Бир хил йўқлиқ менга жисм бўлипти-да, унга вужуд деб исм берилибди.

2330. Шундай ҳолсиз ва кучсизманки, юрганда ўргамчи танобидан йиқиламан.

Кўксимни ҳижрон тиғи чок этганидан, ҳашаротлар қўрқмасдан ичимга кириб жойлашганлар.

Кўксим ичига кирган пашшалар ғовға қўзғатиб, чумолилар кўзим уйига ватан қурганлар.

Шундай қаттиқ қийинчиликларни тортсам ҳам, ёдинг менга тириклик берар эди (ҳаёт бағишлайди).

Шу онда гавҳарлар сочгучи қаламинг билан ёзилган номанг менга тегди.

2335. Ул номани ўқиб, сўзларидан руҳландим, ҳар ҳарфидан юзларча шафқат ва марҳаматлар топдим.

Лекин у номада ёзилган икки сўз жонимга қайта-қайта ўт солди.

Биринчиси: Навфал воқисаи тўғрисида ёзганинг.

Яъни «икковингиз қонхўр қўшинингиз билан менинг қабиламга тиғ чектингиз» дебсан.



Оллоҳ-оллоҳ, бу не балодур,  
Ким риштани дерки аждаҳодур.

2340. Пашша киму филлик хаёли,  
Ё мўрға шерлик мажоли.

Бу мундоқ эдиким: ул сипаҳбад,  
Етганда менга сипаҳ эди дад.

Билгач ғами нотавонлиғимни,  
Ишқинг аро хаста жонлиғимни.

Бўлмиш нафасе қошимда сокин,  
Сўзлар дағи демиш улча мумкин.

Мен бирдам ўзумдамен, лами йўқ,  
Мундин ажаб элга олами йўқ.

2345. Сўз ичра чу кўрдум изтиробин,  
Билмон не дедим анинг жавобин.

Ул олди мению уйга кетти,  
Ул ерга етишти ишки етти.

Чун кинаву қатлин англадим рост,  
Қилдим неки мумкин эрди дархост,

Ким қиниға солди ханжари кин,  
Тутти ёнибон уйида таскин.

Бўлғонда фусун қилурға ҳамдам,  
Уйланмак ишин деди экин ҳам.

2350. Не англадим айлаган хитобин.  
Не оники, не дедим жавобин.

Қўнглумдин ўлуб ҳам эрди барбод,  
Номанг ўқуғондин айладим ёд.

Қилмоқ менга мундоқ ишни мансуб,  
Тутғайму мурувват аҳли маҳсуб?

Мен мунча бало чекиб вафода,  
Сең бўйла хаёлу муддаода.

Неким битидинг нечук қилай рад,  
Не қилса қилур ким ўлса беҳуд.

Эй тавба, бу қандай балодирки риштани аждаҳо санайдилар.

2340. Пашшанинг ўзи нимаки, у филлик хаёлига тушса ёки шерлик кучини кўрсатишлик чумолига қоптими?

Воқиа шундай эди, у лашкарбоши (Навфал) мени кўрганда йиртқишлар менинг қўшиним эди.

Ғамингда нотавонлигимни ва ишқингда жонимнинг хасталигини билгач,

бирпас қошимда ўтирди-да, ундан сўнг билганича сўзлабди.

Мен бўлсам дам ўзимда, дам ўзимни тутолмасдим ва бундай ажабланишли ҳол оламда кўрилмаган эди.

2345. У сўзларкан изтиробга тушганини кўриб, нима деб жавоб берганимни ҳам билмайман.

Ул мени ўзи билан уйига олиб кетгандан кейин, ўзингга маълум ишлар бўлди.

Унинг юрагидаги ўчни тездан англаб, жоним борича йўлини тўсишга тиришдим.

Натижада ўч ханжарини қинига солди ва ўз уйига қайтиб тинчланди.

У мени алдаш учун уринган вақтда, менинг уйланишим тўғрисида ҳам гапирган экан.

2350. Унинг нималар деганини ҳам англамадим, ўзим нима деб жавоб берганимни ҳам билмайман.

Эсимдан ҳам чиқиб кетган экан, номангни ўқиғач, ёдимга тушди.

Бундай ишларни менга нисбат бериш, мурувват аҳлининг иши бўлмаса керак?

Мен вафо кўраманми деб, бунчалик балоларни чекаману сен эса бундай муддаоларни хаёл қиласан.

Сенинг ёзганларингни қандай рад қилай, ҳушсиз киши ҳар нарса қилса ҳам қилади.



2355. Гавғони жунунға мубталомен,  
Боштин-аёғимғача хатомен.

Номанға фидо кўнгул, кўзум ҳам,  
Лекин сенга бор бир сўзум ҳам:

Навфал сўзиким қилиб эдинг забт,  
Мендин эмас эрди воқий ул хабт.

Ул ишқу жунундин ўлди ҳодис,  
Сен ишқ била жунунға боис.

Уйланмак ишики нисбат этдинг,  
Бизга ўз ишингни тухмат этдинг.

2360. Ким Ибни Салом этиб хаёлинг,  
Балким тамаъ айлабон висолинг.

Кўнглини отанг қилиб тарози,  
Бўлмиш не ул истаганга рози.

Сен рози эрур, эмасни билмон,  
Билмас нима тухматини қилмон.

Ҳай, ҳай, не фасоналар бўлур бу,  
Хориж не тароналар бўлур бу?

Гўё савдо йўлумни урди,  
Ҳушумни жунун ели совурди.

2365. Чун сўзда шуур эмас шиорим,  
Йўқ ҳарза демакда ихтиёрим.

Девонамен, эй пари сифат ҳур,  
Маъзурдур улки тутса маъзур.

Бўлдум чу сенинг ғамингда нобуд,  
Нобудға нукта қайда мавжуд?

Йўқнинг неки сўз бўлур хитоби,  
Тутмоқ керак они йўқ ҳисоби.

Йўқлуқ менга гар булубтурур йўл,  
Сен бор бўлу бу йўққа ёр ўл.

2370. Иқбол ила бахт ёринг ўлсун,  
Жонлар нақди нисорнинг ўлсун».

2355. Жунун говрасига мубтало бўлиб, бошдан-оёқ ўзимни йўқотганман.

Номангга кўнгил ва кўзим қурбон бўлсин, лекин сенга айтадиган битта сўзим ҳам бор:

Навфал тўғрисида айтганларингни мендан кўрма, мен мундай хатоларга бормайман.

Бу ҳодисаларнинг ҳаммаси ишқнинг берган девоналигидандир. Ишқ ва жунунга эса сен ўзинг сабабсан!

Уйланмоқ тўғрисида гапириб ўз ишингни менга туҳмат қилдинг.

2360. Чунки Ибни Салом сенинг хаёлингни қилиб, ҳатто висолнинг тамаида юрибдир.

Отанг эса Ибни Салом кўнглини рози қилиб, у нима истган бўлса кўнибди.

Сенинг рози ва рози эмаслигингни билмайман, билмаганим учун туҳмат ҳам қилмайман.

Ҳай-ҳай бу қандай афсоналар, чегарадан ташқари қандай тароналар бўляпти-я?

Гўё ишқ-савдо, йўлимни уриб, ҳушимни телбалик шамоли совурди.

2365. Шуур билан сўзлаш шиорим эмас, беҳуда гаплар айтишда ҳам ихтиёрим йўқ.

Эй, парига ўхшаган ҳур! Мен телбаман, маъзур тутасан.

Сенинг гамингда нобуд бўлдим, нобуд кишидан қаерда маъноли сўз чиқади!

Йўқнинг сўз ва хитобларини ҳам йўққа ҳисоблаш керак.

Менинг йўлим йўқлик бўлган экан, сен бор бўлгинда, бу йўққа ёр бўлгин.

2370. Иқбол ва бахт ёринг бўлсин, жонлар эса, сенга қурбон бўлсин.»



Мактуб ўқугунча шўхи марғуб,  
Кўп топти шикан нечукки мактуб.

Ҳар бир сўзи ичра фикр этиб кеч,  
Кўп урди ўзига номадек печ.

Инсофга чунки дахл берди,  
Ўз сўзларининг жавоби эрди.

Ўз номасиди бўлуб мушавваш,  
Бу нома замирини қилиб хуш.

2375. Таъвиз этиб ул саводи мавзун,  
Онинг битигин нечукки Мажнун.

---

Эй қосиди номабар хабар не,  
Дегил сенга равшан ўлса ҳарне.

2377. Бир сўз била дардима даво бер,  
Номанг бор эса, чиқор менго бер!



Бу мактубни ўқигунча дилкаш ёр, мактуб букилгандек синиб кетди.

Кечгача мактубдаги ҳар бир сўзни ўйлаб, нома каби буралиб-буралиб кетди.

Ниҳоят инсофга келиб, ҳақиқатан ҳам ўз сўзларининг жавоби эканини билди.

Лайли ўз номасидан ташвишга тушди, бу нома эса кўнглини хурсанд қилди.

2375. Унинг маънодор, ўлчовли хатини, Мажнун тумор қилиб тақиб олгандек, бу ҳам унинг хагини тумор қилиб тақди.

Эй мактуб ташувчи элчи! Ҳарна хабар сенга равшан бўлса айтгин.

2377. Бир сўз билан дардимга даво бериб, номанг бўлса менга чиқариб бер!





### ИГИРМАНЧИ БОБ

*Мажнуннинг отаси даштга бориб, йўқолган девонасини топгани, уни ўзига келтириб сўзлашгани ва насиҳат билан уйга олиб боргани*

Б

у номани улки қилди марқум,  
Афсонани бўйла этти маълум:

Ким телбаи бенаво отоси,  
Юз ғуссага мубтало оиоси.

<sup>2380.</sup> Чун муддати ўғлидин эди фард,  
Қўнглини жароҳат айлабон дард.

Ғолиб бўлуб айга иштиёқи,  
Сахро сори тушти иттифоқи.

Ким топса фиғону зор қилгай,  
Шоядки ичига кор қилгай.


Афғониға мулҳақ айлабон панд,  
Шояд ани айлагай забонбанд.

Юз нуктага тилни қойил этгай,  
Шояд ани уйга мойил этгай.

<sup>2385.</sup> Руҳин қилиб ул умед тоза,  
Ҳар сори сурар эди жамоза.

Чун иеча кун ул талабда чопти,  
Охир ани бир бузуғда топти.





### ИГИРМАНЧИ БОБ

*Мажнуннинг отаси даштга бориб йўқолган  
девонасини топгани, уни ўзига келтириб  
сўзлашгани ва насиҳат билан уйга олиб  
боргани*

Бу номани ёзган киши афсонани шундай маълум қилади:

Телба Мажнуннинг бенаво отаси ва юзларча кулфатларга тушган онаси,

2380. кўнгилларини дардлар жароҳатлаган ҳолда, кўп вақтлардан буён ўғилларидан айрилган эдилар.

Ўз ўғлини соғинган ота, уни топиш ниятида иттифоқо саҳрога чиққан эди.

Мабодо топиб олсам, фиғон-зоримдан шояд у таъсирланиб,

панд-насиҳатларим унинг афғонларини тўхтатса, сўзларим шояд уни ўзига келтирса.

Айтганларимга қойил келса, сўзларим шояд уни уйга қайтишга мойил қилса.

2385. Руҳини шундай тоза умидларга тўлдириб, ҳар томонга тевасини чоптирар эди.

Шундай ният ва орзу билан неча кун чопгач, охири Мажнунни бир вайронада топди.



Хушроқ бузуғ анга хонумондин,  
Лекин ўзи кўп бузуғроқ ондин.

Ошуфталиғи гумондин ортуғ,  
Не келса гумонға ондин ортуғ.

Гоҳи тутуб ўлтурур эди мўр,  
Гаҳ туфроқ ила ясар эди гўр.

<sup>2390.</sup> Гаҳ шуғли кесак тоширга таъжил,  
Ясар эди ул кесак била мил.

Гаҳ сочар эди бошиға туфроғ,  
Гаҳ тиш била олур эди тирноғ.

Гаҳ томға қўпуб минар эди чуст.  
Ҳар сори аёғларин этиб руст.

Чимдир эди энгларини ҳардам,  
Чайнар эди энгларини ҳардам.

Гаҳ чўғз била навода ҳамдард,  
Гаҳ бум юзидин оритиб гард.

<sup>2395.</sup> Ҳам чўғз қўнуб қўлида густох,  
Ҳам бум бошиға суртубон шох.

Том узра не хатки чекса ногоҳ,  
Ул хат келиб ихтиёрсиз «оҳ».

Бошиғаки урди захм гардун,  
Боши тукидин ададда афзун.

Қонлиғ кўзида тикан била чўп,  
Қирпиқларидин ҳисоб аро кўп.

Қўргач отаси бу навъ ҳолот,  
Ҳайрат анн қилди ўрнида мот.

<sup>2400.</sup> Дедики: «Недин, мисол экин бу,  
Субҳоналлоҳ, не ҳол экин бу?»

Ким кўрди бу навъ одамизод,  
Ким бермағай ўйла одами ёд».

Ҳар нечаки саъб эди бу сурат.  
Гом урди анинг сори зарурат.

Мажнун учун бу вайрона ер, хонумондан ҳам яхшироқ эди, лекин ўзи бу вайронадан ҳам хароброқ эди.

Унинг қайғу ва аламлари ҳаддан ташқари, ақлга сиғмас даражада кўп эди.

Гоҳо чумолилар тутиб ва гоҳо тупроқдан гўрлар ясаб ўтирарди.

2390. Гоҳо шошилиб кесак ташиш билан машғул бўлар ва у кесаклардан тепаликлар яшашга уринар эди.

Гоҳ бошига тупроқ сочар, ва гоҳ тишлари билан тирноқ олар эди.

Гоҳ оёқларини дадил кўтариб, ихчамлик билан деворга минар эди.

У доим баданларини чимдилар ва енгларини чайнар эди.

Гоҳ бойқуш билан ҳамдамлашиб сайрашар, гоҳо бум қушнинг юзидаги чангларини артар.

2395. Бойқуш ҳам Мажнуннинг қўлига тортинмай қўнар, бум қуш бўлса ўз шохини бошига суртар.

У вайронанинг деворларига хат чизганида, ихтиёрсиз «оҳ» калимаси ёзилиб қолар эди.

Замонанинг унинг бошига туширган яралари бошидаги сочлардан ҳам кўп эди.

Қонли кўзидаги тикан ва чўплар, кирпичларидан ҳам кўп эди.

Бундай ҳолатни кўрган отаси, ҳайратга тушиб, ўз ерида қотиб қолди.

2400. Таажжуб билан деди: «Бу ниманинг тимсоли экан, субҳоналлоҳ, бу қандай аҳвол экан?»

Бундай одамзодни ким кўрган экан, одамзод бундай суратни яратмаган эди-ку?!»

Бу аҳвол отасига жуда оғир туюлса ҳам, куйганидан унинг олдига боришга мажбур бўлди.



Кўргач отасин канора тутти,  
Гўё оталиғ ҳақин унутти.

Йиғлаб отаси яқо қилиб чок,  
Бунъёд этти ҳазину ғамнок:

2405. «Кей юз яралиғ боғирға пора,  
Мендин нега айладинг канора».

Мажнун отаси эканни билди,  
Оҳ урдию олиға йиқилди.

Бошин кўтариб қучуб отоси,  
Жонин тилаб айламак фидоси.

Чирмаштилар ўйла чусту маҳкам,  
Бир жинс ики ҳарф ўлса мудҳам.

Ҳар лаҳза йиғидин эрди ошуб,  
Ҳижрон ачиғидин эрди ошуб.

2410. Ошублари чу топти таскин,  
Бунъёд этиб ул занфи мискин.

Дедиким: «Аё рамида фарзанд!  
Пайванд боғирға, балки парканд.

Кўксум ярасини сўкма мунча,  
Бағрим қонини тўкма мунча.

Сенинг танинг ўлса ёра ғамдин.  
Менинг жигарим бўлур аламдин.

Ҳардам жигаримға қилма ковиш,  
Кўргилки не навъ этар таровиш.

2415. Ул лаҳзаки йўқ эди нишонинг,  
Қоним аро музмар эрди қонинг.

Айлаб тиларингни муддаолар,  
Садқа берибу қилиб дуолар.

Оч тўйғазибон ялангни ёптим,  
Ўлдум деганимда сени топтим.

Уч-тўрт ёшингға тегру пайваст,  
Ғам қолмади бермаган менга даст.

Мажнун отасини кўргач, гўё оталик ҳаққини унутгандек ўзини бир чеккага олди.

Отаси эса ёқасини йиртиб йиғлади ва ғамгинлик билан сўради:

2405. «Эй, юзларча яралик кўнглимнинг парчаси, мендан нега қочдинг?»

Мажнун ҳам ўз отаси эканлигини билиб, бир оҳ тортиб, унинг олдига йиқилди.

Отаси унинг бонини кўтариб қучоқлади, йўлида жонини фидо қилмоқчи бўлди.

Худди икки ҳамжинс ҳарф бир-бирига туташгандек, улар ҳам бир-бирларига шундай маҳкам чирмашиб кетдилар.

Ҳар бир лаҳзада йиғи ва ҳижрон аччиғидан ҳаяжонга тушар эдилар.

2410. Ҳаяжонлари пасайгач, у заиф мискин, яъни Мажнуннинг отаси дедиким:

«Эй юрагимнинг пайванди ва кўнглимнинг парчаси, ота-онадан узоқлашган фарзанд!

Кўксимдаги яраларни бунчалик сўкма, бағрим қонларини бунчалик тўкмасангчи.

Сенинг кўксинг ғамдин яраланган бўлса менинг жигарим аламдан яра бўлди.

Ҳар доим жигарларимни ковламасанг-чи, унинг не хилда эзилаётганини кўрмайсанми?

2415. Сен дунёга келмаган вақтда, қонинг қонимнинг ичига аралашганда,

сени не муддаолар билан тилаб, садақалар бердим, дуолар қилдим.

Очларни тўйғазиб, яланғочларни кийинтирдим, ўлдим деганимда сени топган эдим.

Уч-тўрт ёшга киргунча, менга қўл чўзмаган ғам ҳам қолмади.



Сен қатраи сутдин олғуча ком,  
Юз қатраи қон қилиб мен ошом.

2420. Айлаб тобонингни чун тикан рещ,  
Менинг жигаримга санчилиб неш.

То илму-адабни ком қилдинг,  
Мактаб тарафи хиром қилдинг.

Гофил бўлмай ишингда ғамдин,  
Борур-келурунгда бир қадамдин,

Ким фазлу-камол ёринг ўлғай,  
Илму-хунар ихтиёринг ўлғай,

Қилғонда таним раҳил ёдин,  
Етса менга чархи бевафодин.

2425. Ул ишки ота-онамга етти,  
Бир, бир андоққи барча кетти.

Сен бўлғасен ул замон қошимда,  
Гоҳи оёғимда, гаҳ бошимда.

Рух этган ила танимни маҳжур,  
Чун шамъи ҳаётим ўлса бенур.

Ришта киби печу тобинг ўлғай,  
Парвонадек изтиробинг ўлғай.

Сен умрға бўлғасен василам,  
Сендин ёруғай яна қабилам.

2430. Гар нуридин ўлса шамъ маҳжур,  
Машъал солғай қабилаға нур.

Гум бўлмағай эл ичинда отим,  
Бегонаға қолмағай жиҳотим,

Йиққон неки махзани ҳисори.  
Бўлғай нақдим қўлунгда бори.

Ел ҳужлама солмағай гузар тез,  
Кимса ҳашамим сори назар тез.

Рухум бўлубон халаф била шод,  
Қолғай бори қавму хайлим обод.

Сен бир қатра сут эмгунча, мен юз қатра қонлар ютар эдим.

2420. Агар товонингга тикан киргандек бўлса, менинг жигаримга ништар санчилгандек бўларди.

Илм ва одоб олиш мақсади билан мактабга борганингда,

сенинг ғамингни еб, мактабга бориб-келишингдан ғафлатда қолмас эдим.

Фазл-камолга эришиб, илму ҳунар эгаси бўлишингни тилар эдим.

Бевафо дунёдан менга ўлим хабари келиб, таним нариги дунёга кўчмоқчи бўлиб,

2425. худди ота-онамни ва барчани бир-бир олиб кетгандек, мен ҳам ўлим тўшагида ётсам,

Сен ўша вақтда қошимда ва гоҳ оёғимда, гоҳ бошимда бўлсанг,

Тангри амри билан танимдан жоним чиққанда ҳаёт шамим

ўчганда, ип каби печ-тобга тушасан, парвонадек изтиробга тушасан.

Сен умримнинг давоми бўлиб, қабилам яна ёруғланади.

2430. Гарчи шам нуридан ажралса-да, машъал бўлганда унинг пилтасини ёқа олади.

Эл ичида отим ҳам йўқолмайди ва молу давлатим ҳам беоналарга қолмайди.

Қалъамга йиғилган хазина-давлатим бариси сенинг қўлингга қолади.

Шамоллар ҳам у зийнатли уйларимга киролмайди, ҳеч кимса ҳам саройимга қўл чўзишга ботинолмайди.

Руҳим авлодим билан шодланиб, қавму хаёлим бахтли яшажак.



2435. Эмдики бу иш қошимға келди,  
Ҷар неки дедим бошимға келди.

Субҳимға етишти шоми меҳнат,  
Шомимға юз урди субҳи риҳлат.

Тўш-тўшдин ичимға қўйди юз ғам,  
Бу бир ғаму сендин ўлди юз ғам.

Шамъимғаки зулмат ўлди ходис,  
Оҳинг бўлуб ўчмагига боис.

Жон қуши тилаб учарни ҳардам,  
Фаръединг анга яна бериб рам.

2440. Ишқ ичра тушарга жони зоринг,  
Билдукки йўқ эрди ихтиёринг.

Ҷар амрки бўлса ғояти бор,  
Ҷар маҳлаканинг ниҳояти бор.

Ишқ аҳли жаҳонда кўрмадукму?  
Бу води аро югурмадукму?

Бўлмоқ бу сифат бир ишда мағлуб.  
Аҳли хирад олида эмас хўб.

Баҳр ичраки тушти бенавойи.  
Чиқти агар урди дасту пойи.

2445. Толпинса чиқар ғариқ юмкин,  
Толпинмаса ўлмойин не мумкин.

Сен ҳам бу балода қолма мундоқ,  
Бир йўли ўзунгни солма мундоқ.

Тушса қадаҳи биллур аро мўр,  
Тадбир керак чиқорға йўқ зўр.

Ҷар дарлки ҳақ кишига берди,  
Ҷам ҳақдин анинг давоси эрди.

Ҷақким сенга солди бу балони,  
Ожиз эмас этгали давони.

2450. Бу дағдағадин канора иста,  
Ҷар фикр ила ўлса чора иста.



2435. Мана эндиликда бу ишлар қошимга келди, айтганларим бошимга келди, тонгимга қулфатларнинг қора шоми келиб етишди, шомимнинг жўнаш тонги отди.

Бошимга ҳар ёқдан ғамлар ёғилди, битта ғамим сен ту-  
файли юз ғамга айланди.

Шамимга зулмат тушган, унинг сўнишига сенинг оҳинг  
сабабчи бўлди.

Жоним қуши ҳар дам учишни тиласа, сенинг фарёдларинг  
уни ҳуркитади.

2440. Жонингнинг бундай ишқ азобига тушишга ихтиёринг йўқ-  
лигини билар эдик.

Ҳар қандай ишқнинг ҳам этаги ва ҳар қандай фалокат-  
нинг пиравардиси бор.

Жаҳонда ишқ аҳли кўрмадикми, бу водийларда югурма-  
дикми?

Бундай аҳволга тушиб, мағлуб бўлиб юриш ақлли одам-  
лар олдида яхши эмас!

Денгизга тушган ҳар бир бенаво, агар қўл-оёғи билан ҳа-  
ракат қилса қутулади.

2445. Ғарқ бўлган талпинса, чиқишга ҳам имкон топади, тал-  
пинмаса ўлмоғи ҳам мумкин.

Сен ҳам бундай балода қолмагин, ўзингни бир йўли унга  
солмагин!

Биллур қадаҳга тушган чумолига ҳам ундан чиқмоқ учун  
куч эмас, тадбир керак.

Ҳақ кишига қандай дард берган бўлса, давосини ҳам ўзи  
қилади.

Ҳақ сенинг бошингга бундай балони солган экан, уни да-  
волашга ҳам ожиз эмас.

2450. Бу дағдағадан ўзингни тортгин, ҳар қандай фикр қилиб  
бўлса ҳам чора топгин!



Бир йўли агар гумон эмастур,  
Тадриж ила ҳам ёмон эмасдур.

Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,  
Сокинлик ила қамиш бўлур қанд.

Юз йил киши умр агар тилар бил.  
Ким сабр керакдур анга юз йил,

Ким этса манора учи воя,  
Бирдур чиқару тушарда поя.

2455. Чиқмоқлиғида агар керак маҳл,  
Лекин тушари баса эрур саҳл.

Сен доғи бу ергаким етибсен,  
Тадриж ила йўлни қатъ этибсен.

Енмоққа ҳам ўлдунг эрса мойил,  
Келганчадурур йўлунгда манзил.

Ён эмдики рахна баста эрмас,  
Мундоқ сафаринг хужаста эрмас.

Мен бўйла хазину зор сенсиз.  
Онанг дағи беқарор сенсиз.

2460. Оқшомдин тонгға жони маҳзун,  
Тонгдин оқшомға ашки гулгун.

«Уғлум» деру ул сифат чекар вой,  
Ким чарх ўқининг қадин қилур ёй.

«Бўтам» дебон айлар ул сифат печ,  
Ким қолмас руҳидин асар ҳеч.

Йиғлаб урар ўйла тош уза бош,  
Ким қолур аламда бошидин тош.

Бу ўт чу димоғин этти маҳрур,  
Оқ сочи сочар юзига кофур.

2465. Билмиш чекарингни кўҳи андуҳ,  
Андуҳи бўлубдур ўйлаким кўҳ.

Туфроққа йиқилмоғинг чу билмиш,  
Туфроқ уза ул дағи йиқилмиш.

Бу дарддан бирданига қутулмасанг ҳам, лекин секинлик билан қутулиш мумкин.

Секин-аста болалар ҳам ақлли бўлади, босиқлик билан қамиш ҳам қандга айланади.

Агар киши юзга кирмоқни тиласа, унга юз йил сабр қилмоқ керак.

Ҳар ким минора учига чиқмоқчи бўлса, чиқиш ва тушишда зиналари бирдақдир.

2455. Юқорига чиқиш бир оз қийин бўлсада, ундан тушиш осонроқдир.

Сен ҳам секинлик билан йўл босиб ўтиб, бу ерга етибсан.

Қайтиш тилагида бўлсанг, яна шунчалик йўл босишинг керак.

Қайт энди, йўллариңг боғлиқ эмас, бундай сафаринг яхши эмас!

Сенсиз мен бундай зору ғамгин, онанг ҳам сенсиз беқарордир.

2460. Оқшомдан тонгача мунгли товуш билан йиғлаб, тонгдан оқшомгача қонли кўз ёш тўкади.

«Ўғлим» деб чеккан нолалари чарх ўқининг қаддини эгади.

«Болам» деб шундай зорланиб тўлғанадиким, руҳидан ҳам асар қолмайди.

Йиғлаб бошларини тошга ураркан, бошига урилган тошлар ҳам аламда қолади.

Бу ўт димоғини ҳароратга солиб, оқ сочига эса кофур сочади.

2465. Сенинг тоғдек кулфатлар тортишингни билганидан, унинг ҳам ғамлари тоғдек бўлди.

Тупроққа йиқилмоғингни билгач, у ҳам тупроқ устига йиқилди.



Сенсиз эрур ўйла дарду ғамлиқ,  
Ким қолмишдур бир-икки дамлиқ.

Мен бўйлаву ул заиф бўйла,  
Кел иккаламизга чора айла!

Уммеди ҳаётимиз кетибдур,  
Оҳанги раҳилимиз етибдур.

2470. Бегонани уй сори ёвутма,  
Ўрнунги қизиқдурур совутма.

Биз икки сенинг ғамингдин ўлсак,  
Сен ўлмай мотамингдин ўлсак.

Бу ишта ҳақ айласа хитобинг,  
Фикр этки, не бўлғуси жавобинг?»

Сурди чу отоси бўйла афсун,  
Йиғлаб оёғига тушти Мажнун.

Кирпик била чун йўлин супурди,  
Посухда бу навъ нукта сурди:

2475. «Кей хайлинг эшиги қиблагоҳим,  
Дардинг ўтини ёрутқай оҳим.

Хар чораки сен қилиб тахайюл,  
Кўнглум ўти хирманин қилиб кул,

Хар сабрки сен топиб ниҳони,  
Ашким сели оқизиб они.

Бу неча такаллумики сурдунг,  
Қуйган кўнгул ўтиға су урдунг.

Йўқ, йўқки қўярға доғ уза доғ,  
Ўт ёқдингу қуйдунг устига ёғ.

2480. Нутқунг неки айлади рақамзад,  
Айтурға жавоб йўқ менга ҳад.

Ҳукмунг менга орзуйи жондур.  
Бошимға бу ҳукм ҳам равондур.

Олингда не сўз де олғамен чўқ.  
Гар бўлса жавобим ул дағи йўқ.

Сенсиз шундай дарду ғамларни торта бериб, бир-икки дамлик умри қолибди.

Мен ҳам, у заиф онанг ҳам шундай бўлиб қолдик, энди келиб ҳар иккимизга чора топгин ахир!

Ҳаётдан умидимиз кетиб, ўлиш чоғимиз ҳам яқинлашибдир.

2470. Бегоналарни уйга яқинлаштира, иссиқ ўрнингни совутма!

Биз иккимиз сенинг ғамингда ўлсак, тирик бўлсанг-да мотамингда ўлсак.

Бу ишда тангри сенга хитоб қилганда, ўйлачи, нима деб жавоб берасан?»

Отаси шундай таъсирчан илтижолар қилгач, Мажнун ҳам йиғлаб отасининг оёғига йиқилди.

Киприклари билан отасининг оёқ остини супуриб, жавобиди шундай деди:

2475. «Эй қабилангнинг эшиги қиблагоҳим, оҳим дардинг ўтини ёритган.

Уйлаган чораларинг хирмонини кўнглимнинг ўти кул қилди.

Сен ўйлаган сабрларни кўз ёшларим сели оқизиб кетди.

Шунча гапирган гапларинг билан, куйган кул устига сув урдинг.

Йўқ-йўқ, доғ устига доғ солиш учун ўт ёқдинг-да, устига ёғ қуйдинг!

2480. Ҳар бир айтган сўзларингга, жавоб бергани менда ҳад қолмади.

Сенинг ҳукминг жоним орзусидир, бу ҳукми бажо қилиш эса менинг бурчим.

Сенинг олдингда нималар ҳам айта олар эдим, жавоб бўлса ҳам у яна йўқ ҳисоб.



Лекин сенга бу эмас ниҳони,  
Ким бўйла қазойи осмоний.

Ким тори ўлуб бу нотавонга,  
Расво қилди бори жаҳонга.

<sup>2485.</sup> Бу навъ бало бўлурга жори,  
Бўлмас кишининг ўз ихтиёри.

Ишқ ўтики бир шарора ондин,  
Тўфон қўпорур бори жаҳондин.

Юз шуълани масканимга урди,  
Минг барқни хирманимга урди.

Хирман сари тушти бир шарора,  
Қуймакдин эмастур анга чора.

Минг барқ тушурса ишқи бебок,  
Нетгай анинг ўгрусиди хошок.

<sup>2490.</sup> Не буйруғунг ўлса сўз демасмен,  
Мажнун мен, лек Қайс эмасмен.

Сарвики сен айладинг тааммул,  
Хас бўлдию хас будам эрур кул.

Бу кулга магарки гирдбоди,  
Бергай яна сарвдек саводи.

Етгандаки айладинг назора,  
Кўрдунгки мени сияҳситора.

Йўқ майли сукуну азми рафтор,  
Не меҳнат аро эдим гирифтор.

<sup>2495.</sup> Қочмоқлиғим эрди тонимасдин,  
Балким тонирингга арзимасдин.

Дад ҳар сори кетса кетмак ўлмас,  
Насносни одам этмак ўлмас.

Бўлмоғлиғ итнинг эрур муродим,  
Йўқ итча ўзумга эътимодим.

Ит кимсага бевафолиғ этмас,  
Бошин олиб ўзга сори кетмас.

Лекин сенга шуниси ҳам яширин эмаски, бу ишларнинг ҳаммаси тақдирдан эди.

Бу балоларнинг ҳаммаси менинг бошимга тушиб, расвойи жаҳон этди,

2485. бундай, балоларнинг юз бериши кишининг ўз ихтиёри билан бўлмайди.

Ишқ ўтидин чиққан бир учқун, бутун жаҳонга тўфон солади.

Юз шуълани маконимга уриб, мингларча чақмоқларни хирмонимга урди.

Бир учқун хирмонга тушар экан, унинг куйишдан бошқа чораси бўлмайди.

Раҳмсиз ишқ, мингларча чақмоқлар ёғдирса, унинг қарши-сида хашак нима ҳам қила олар эди.

2490. Ҳар қандай буйруғинг бўлса ҳам қайтармайман, лекин мен энди Қайс эмас, балки Мажнунман.

Сен ўйлаган сарв, хасга айланди, эндиликда бўлса хас ҳам кул бўлди.

Бу кулни яна куюнлар айлантриб, сарвга ўхшатиб, осмонга чиқарар.

Сен келиб менга назар солганда, мен бахти қаронинг,

бир жойда туришга майлим, ҳаракат қилишга мажолим йўқ, азоб-уқубатларга гирифтор эдим.

2495. Қочишим сени таинмасликдан, балки танишингга арзимасликдан эди.

Ваҳший ҳайвонлар орқасидан кетиш ярамайди, одам-ёввойисини эса, одам қилиб бўлмайди.

Сенинг итинг бўлсам дейман, лекин ўзимга итчалик ишончим йўқ.

Ит бўлса одамга бевафолик қилмайди, бошини олиб бошқа томонга ҳам кетмайди.



Мен иясига узр қўлғон итмен,  
Бу даштда телба бўлғон итмен.

2500. Мумкин эса телба ит ойилмоқ.  
Ёхуд анга иътимод қилмоқ.

Сен доғи мени хирад ниҳод эт,  
Ҳар иштаки қилсам эътимод эт.

Узрумни қошингда қўлдум охир,  
Ҳар ишта маоф бўлдум охир».

Чун этти узрининг тамомин,  
Тез урди жамоза сори гомин.

Ешти расани жиҳозидин чувт,  
Уз бўйнига боғлади ани руст.

2505. Топшурди расан бошин отоға,  
Деди: «Не десанг бу мубталоға?


Итмен илигингда бўйни боғлиқ»,—  
Деб қилди ўзини тўрт аёғлиқ.

Ешти ота бўйнидин расанни,  
Азм эти ҳаво қилиб ватанни.

---

То тутти жунун йўлин Навойи,  
Ким бўлди ватанға раҳнамоӣи.

2509. Мажнундек отоси доғи йўқтур,  
Масканға ҳавоси доғи йўқтур.





Мен, ўз ишига уэр сўраган ва бу даштда телба бўлган итман.

2507. Агар телба итнинг тузалиши ва унга ишониш мумкин бўлса,

сен ҳам мени ақлли қил, ҳар ишни қилсам ҳам ишонгин.

Тавба билан сендан ёрдам сўрайман ахир, ҳар бир ишимдан афв сўрайман ахир!»

деб сўзини тамомлагач, дарров ўрнидан туриб, туя томонга қараб кетди.

Туянинг арқонини ечиб, уни ўз бўйнига маҳкамлаб боғлади.

2508. Арқоннинг бир учини отасига тутқазиб деди: «Бу мубталога нима дейсан?


Қўлингда бўйним боғланган итман!» деб ўзини тўрт оёқлиқ қилди.

Отаси эса унинг бўйнидан арқонни ечиб, ўз юрти сари равона бўлдилар.

Жунун йўлига тушган Навоий ватаннинг раҳнамоси бўлди.

2509. Мажнундек отаси ҳам йўқ, ўз масканига ҳаваси ҳам йўқ.





### БИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

*Навфал билан Мажнун отаси ораларида  
ошналик ипининг маҳкам боғланмоғи. Маж-  
нуннинг биёбонга қочиб, Лайли чўпонига  
ийлиққони ва қўйлар орасига яшириниб,  
Лайлини кўрмоғи, Лайлини кўргач қурбон  
қўйи, хўтан кийигидек йиқилғони*

**Б**

Ўз ноқасининг раҳилкўши,  
Бу навъ чекар ҳуди хуруши:

Ким чун ҳашамиға келди Мажнун.  
Шод ўлди аларки эрди маҳзун.

Ҳам қўйди отоси нотавонлиқ,  
Ҳам бўлди оноси тоза жонлиқ.

Кийдурдилар анга хаззу дебо,  
Хилъатлари барча чусту зебо.


Ҳар сори етишти бу ҳикоят  
Ким: «Хўш анга айламиш сироят»

<sup>2515.</sup> Эл кўнглида бу хаёл пишти  
Навфалға дағи хабар етишти.

Ул худ еб апинг ғамии ҳамиша,  
Зикрин қилиб эрди вирду пеша.

Кўнглига хаёлидин тафаккур,  
Жонига висолидни таҳайнор.

Бу сўзни эшитгач ўлди хўшдил,  
Бориб кўрарига бўлди мойил.



### ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

*Навфал билан Мажнун отаси ораларида  
ошналик ипининг маҳкам боғланмоғи. Маж-  
нуннинг биёбонга қочиб, Лайли чўпонига  
йўлиққони ва қўйлар орасига яшириниб,  
Лайлини кўрмоғи, Лайлини кўргач қурбон  
қўйи, хўтан кийгидек йўқилғони*

Сўз карвонининг карвонбошиси хуруш билан шундай қў-  
шиқ бошлайди:

Мажнун уйига келганда, ғамгин бўлган қариндошлари  
қайтадан шодландилар.

Отасидаги нотавонлик йўқолди ва онасига ҳам янгидан  
жон кирди.

Мажнунга чиройли, ипакдан тўқилган либос кийдирди-  
лар.

«Мажнун ўзига келибди» деган дарак ҳар томонга тарқа-  
либ кетди.

2515. Эл кўнглига жойлашган бу хабар Навфалга ҳам бориб  
етган эди.

Навфал ҳам ҳамisha Мажнуннинг ғамини еб, доим унинг  
фикри-ёдини қилиб юрарди, яъни,

Фикрини унинг хаёли банд этган эди, жонини унинг висо-  
ли ҳайратга солган эди.

Мажнуннинг келган хабарини эшитган Навфал, кўп хур-  
санд бўлиб, бориб кўришни орзу қилди



Отландию сурди ул тараф от,  
Мажнун эли ҳам хабар топиб бот.

2520. Соз айлаб асоси меҳмони,  
Хушдиллиқ ила тушуруб они.

Мажнун била ул сипаҳбади чуст,  
Юз меҳр била қучуштилар руст.

Оқшомғача комронлиғ айлаб,  
Бу хайл анга мизбонлиғ айлаб.

Ул худ бўлубон бу ишга хушқол,  
Мажнун ўз ишига қолибон лол.

Чун навфали меҳр юз ёшурди,  
Мажнунни фалак ёшин ошурди.

2525. Раҳ тўша кулича ёйди кавкаб,  
Навфал дағи йўлга солди маркаб.

Борур эди барча йўл аро шод,  
Мажнун қолибон уй ичра ношод.

Лекин отасиға юзланиб ком,  
Ким Навфал анинг сори қўюб гом.

Ҳам айлади шоду хуррам они,  
Ҳам хайл ичнда мукаррам они.

Кўнглига тушуб бу сўзки Навфал,  
Мажнунни чу кўрмиш эрди аввал.

2530. Лайли эли бирла ҳарб этиб биғ,  
Ким чекти анинг иши учун тиғ.

Мажнун ғамини чу ер экандур,  
Пайванд сўзин дағи дегандур.

Шак йўқки эрур бу ишга мойил,  
Ким қилди бизинг ҳашамни манзил.

Йўқса Мажнунға йўқтур ул йўл,  
Ким келгай ани кўрар учун ул.

Эмди будурур адаб менго ҳам,  
Ким ҳай элини қилиб фароҳам.

Отланиб Мажнун қабиласига жўнади, бундан хабар топган Мажнун эли ҳам,

2520. меҳмондорчилик тантанасини жойига қўйиб, уни шодлик билан кутиб олдилар.

Мажнун билан бу лашкарбоши катта меҳрибонлик билан маҳкам қучоқлашдилар.

Мажнун эли Навфалга иззат ва икром билан оқшомгача мезбонлик қилдилар.

Навфал бундай меҳмондўстликдан жула хурсанд бўлди, Мажнун эса ўз ишига ҳайрон бўлар эди.

Қуёш навфали ўзини яширганда, осмон Мажнунни ёшини кўпайтирди.

2525. Юлдузлар йўл кулчаларини ёйиб юбордилар, Навфал отланиб йўлга тушди.

Йўл бўйи ҳамма шод-хурсанд кетар, Мажнун бўлса уйда ношод қолган эди.

Мажнуннинг отаси Навфалнинг келишини ўйлаб юрарди, меҳмоннинг бу ташрифи билан муродига етди.

Чунки Навфалнинг келиши уни ўз қабиласида иззат, ҳурматини оширди, ва шод-ҳуррам этди.

У, Навфалнинг Мажнунни илгари кўрганлигини ёдига туширди:

2530. У, Мажнун иши учун ўчакишиб, Лайли элига тиф тортган эди.

Мажнуннинг ғамини еб, уни ўзига куёв қилиш тилагини ҳам айтган эди.

Шаксиз бу ишга майли борлигидан, бизнинг саройга келиб тушди.

Шундай бўлмаганда эди, Мажнунни кўриш учун ҳам келмас эди.

Энди мен ҳам одоб, ҳурмат юзасидан бутун қабила аҳлини тўплаб,



2535. Онинг сари хизмат этгабиз фош,  
Ким бўлғай анинг ишига подош.

Топсақ яна лутф ила мадоро,  
Ул сўзни ҳам этсак ошкоро.

Рози эса бахтдин қувонсоқ,  
Йўқ деса қабила сори ёнсоқ.

Истатти ҳашам улуғларин бот,  
Арз этти аларға бу мақолот.

Борисиға дилпазир тушти,  
Қилмоқлиғи ногузир тушти.

2540. Мажнун иши чунки эрди матлуб,  
Онинг борури кўринмади хўб.

Ҳар неки керак қилиб муҳайё,  
Ерим кеча ўйлаким сурайё.

Жамъ улубон айлабон бу тадбир,  
Қилдилар ўшул гуруҳи шабгир.

Бу гом аро юз фасона бошлаб,  
Ҳарбирки туганди ёна бошлаб.

Борур эдилар дебон бу сўзни,  
Бу сўз била хушдил айлаб ўзни.

2545. То даштни онча қилдилар тай  
Ким Навфал уйиға қўйдилар пай.

Ул ҳам қилиб улча шарти икром,  
Манзилда бериб аларға ором.

Қилди тарабу нишот онча,  
Ул хайл ила инбисот оича.

Ким бори кўруб маҳални қобил,  
Бўлдилар ўшул ғаразға қойил.

Навфалға ғараз чу бўлди масмуъ,  
Кўнглига бу нукта келди матбуъ.

2550. Дедики: «Бу сўз дейилмиш эрди,  
Мажнунға бу ғам ейилмиш эрди.

2535. унинг хизматига бориб, ҳурмати бадалига ҳурмат кўрсатсам.

Агар у лутф кўрсатиб, бу таклифга рози бўлса, муддаомизни баён қилсак

Рози бўлса бахтдан қувонсак, йўқ деса яна қабилага қайтсак.

қабиладаги улуғларни чақириб, уларга ўз мақсадини арз этди.

Бу сўз ҳаммаларига маъқул тушди, тездан шу ишга киришишни лозим топдилар.

2540. Асл орзу Мажнун иши бўлганидан, унинг боришини лозим кўрмадилар.

Бутун керакли нарсаларни тайёрлаб, ярим кечада ҳулкардек,

тўпланишиб, ҳар турли тадбирларни кўриб, йўлига равона бўлдилар.

Йўлда бу мақсад борасида, юз хил афсоналарни, навбатма-навбат сўзлашиб,

шундай сўзлар билан ўзларини хурсанд қилиб борар эдилар.

2545. Кўпгина даштни босиб ўтганлардан кейин, Навфалнинг уйига кириб бордилар.

Навфал ҳам иззат ва икром билан меҳмонларни ўз уйига жойлаб ором берди.

Анча ўйин-кулги, ашулалар билан меҳмонларни жуда хурсанд қилди.

Меҳмонлар қулай фурсатдан фойдаланиб, ўз тилакларини Навфалга айтдилар.

Навфалга уларнинг тилаги ҳам маълум бўлди, ҳам маъқул тушди.

2550. Ва шундай деди: «Мен ҳам илгари бу сўзни Мажнунга айтиб, унинг ғамини еган эдим.



Қилдим чу қабул анга рақамзад,  
Эмди дағи қилмоғум дурур рад.

Сиз эмди қўюнг ҳашам сори гом,  
Мен сур ишини қилай саранжом.

Сизга дағи улча дастрасдур,  
Ортуқ менга орзу эмасдур.

Соз айлаб этинг буён азимат,  
Ким фурсат эрур бәсе ғанимат.

<sup>2555.</sup> То ўйлаки бўлса шарт пайванд,  
Мажнунни қилай ўзумга фарзанд».

Миоди никоҳ топти таъйин,  
Ул хайлға ёнмоқ ўлди ойин.

Шод уй сари бўлдилар равона,  
Билмайки не феъл этиб замона.

Ул тунки аларға қолмай ором,  
Навфал сари урмиш эрдилар гом.

Мажнунки уй ичра қолди дилтанг,  
Кўздин тўқар эрди ашки гулранг.

<sup>2560.</sup> Чун қўймади ҳажр ўти қарорин,  
Ишқ илгидин олди ихтиёрин.

Ишқ ўти чекиб забона чиқти,  
Уйдин яна бехудона чиқти.

Дашт узра югурди бесару пой,  
Гаҳ тортиб ҳую, гаҳ чекиб вой.

Ёй эрди қаддию, новак оҳи,  
Гардунни қилиб нишонагоҳи.

Бу — ёйиға чун қураp эди ўқ,  
Гардун кўзига урар эди ўқ.

<sup>2565.</sup> Оҳи ҳавода қилиб таку дав,  
Ул навъки меҳру осмонрав.

Элтур эди ёр меҳри они,  
Бош урғуча меҳри осмони.



Модомики унга шундай таклиф қилган эканман, ҳозир ҳам ўша фикрдан қайтмайман.

Сиз энди ўз қабилянғизга бемалол бора берсанғиз ҳам бўлади, тўй тайёрилигини ўзим бажараман.

Сизнинг ортиқча ташвишга тушиниғизни мен тиламайман.

Фурсатни ғанимат топиб, тайёрилигини кўриб, биз томонга келинг.

2553. Пайванд шартларини (никоҳни) бажо келтириб, Мажнунни ўзимга фарзанд қилайин...»

Никоҳ ваъдаси тайинлангач, меҳмонлар қайтишга қарор бердилар.

Шодлик билан уйга қайтдилар, лекин замонанинг нималар қилишини билмас эдилар.

Уша кеча улар оромсиз, Навфалникига қараб кетганларида,

Мажнун аламга ботиб уйда қолган ва кўзидин гул ранг ёшлар тўкар эди.

2560. Ҳижрон ўти унинг қарорини қўймасдан, ишқ унинг ихтиёрини қўлидан олган эди.

Ишқ ўтига тушиб, куйиб кетганидан беҳуд бўлиб уйдан чиқди.

Бошьяланг, ялангоёқ ҳолда гоҳ «ҳув», гоҳ «вой» деб дашт бўйи югурар эди.

Мажнуннинг қомати ёй, оҳи ўқ бўлиб, дунёни нишонга олган эди.

У бу ёйга ўқ жойлаб, дунёнинг кўзига ўқ урар эди.

2565. Унинг оҳлари ҳавода осмон бўйи сайр этгучи қуёшдек югурар эди.

Ёрнинг муҳаббати уни қуёш чиққунига қадар олиб кетар эди.



Чун жадайни соғди чарх золи,  
Сут қатраларин оритти ҳоли.

Ул сут била санъат айлабон зол,  
Кўргузди панир қурси филҳол.

Олиға етишти бир сурук қўй,  
Чўпони кўрунди ошнорўй.

2570. Мажнунни дағи шубон чу кўрди.  
Аҳволини лутф бирла сўрди.

Мажнун деди: «Эй юзи ҳумоюн,  
Қайда сени кўрмиш эрди Мажнун?»

Қим талъатинг ошно кўрунди,  
Дардиға сўзунг даво кўрунди.

Сен ҳам анга айладинг навозиш,  
Ул доғи навозишингға нозиш».

Чўпон қўюбон аёғиға бош,  
Бу навъ такаллум айлади фош —

2575. Қим: «Менким ишим эрур шубонлиқ,  
Қўй бирла қўзиға меҳрибонлиқ.

Тилсиз гала ҳамзабонидурмен,  
Лайли қўйининг шубонидурмен.

Сени кўруб эрдим ул ҳашамда,  
Мактабда сабақ ўқур аламда.

Ишқинг аламп дағи билурмен.  
Ҳар чора қилай десам қилурмен».

Мажнун тобониға қўйди бошин,  
Наъл этти ўтуқлариға қошин.

2580. Дедики: «Аё дамнинг равонбахш,  
Нутқунг ўлган танимға жонбахш.

Исодек ўлукни тиргузурсен.  
Хуш муъжизадурки кўргузурсен.

Йўқ, йўқки, шубонлиқ ичра Мусо,  
Илгингда асо ҳам аждаросо.

Бу фалак кампири эчкисини соғиб, сут қатраларини оҳисталик билан артди (яъни шарқдан оқариб тонг отди).

Шу сут билан барча ҳунарни ишлатиб, тездан тўғарак патирини кўрсатди (яъни қуёш чиқди).

Шу вақт унинг кўзи бир гала қўйга тушди, чўпони таниш кўринди.

2570. Мажнунни кўрган чўпон ҳам, ҳурмат билан унинг аҳволини сўради.

Мажнун деди: «Эй муборак юз, Мажнун сени қайда кўрган эди?»

Еруғ юзинг менга ошна кўринди, дардимга сўзинг даво кўринди.

Сен ҳам мени иззат қилдинг, мен ҳам сенга эркаландим».

Чўпон унинг оёғига бош қўйиб, қуйидаги сўзларни айтди:

2575. «Менинг ишим чўпонлик, қўй билан қўзига меҳрибонликдир.

Бу тилсиз галанинг ҳамзабони, Лайли қўйларининг чўпонидирман.

Сени у қабилада азоб билан сабоқ ўқиган чоғларингда кўрган эдим.

Ишқингнинг азобини ҳам биламан, ҳар қандай чора бўлса ҳам қиламан»

Мажнун товонига бошини қўйиб, қошини этикларига наъл этди.

2580: Мажнун деди: «Эй нафаси баданимга қон бериб, сўзи танимга жон бағишловчи,

Исодек ўликни тиргизиб, ажойиб муъжизаларни кўргизсан.

Йўқ-йўқ, чўпонликдаги Мусосан, қўлингдаги таёғинг ҳам аждарга ўхшагандир.



Мусо неки, Хизри роҳим ўлдунг,  
Ғам зулматида паноҳим ўлдунг.

Еткур менга оби зиндағони,  
Яъники кўрай йироқдин они,

2585. Ким ҳажрида хаста жон мен асру,  
Раҳм айлаки нотаваон мен асру.

Чўпон деди: «Эй хужаста соҳиб,  
Оқшомғача бўл менга мусоҳиб.

Чора тарафи назора айлай,  
Бир навъ ишингга чора айлай».

Мажнун чекибон дуосига тил,  
Бўлди анга ул кун ўйлаким йил,

Мағриб сари меҳр айлагач рўй,  
Сурди чўпон ҳашам сари қўй.

2590. Бир қўй терисин чиқорди филҳол,  
Мажнунга дедик: «Эгнингга сол.

Қўйдик бу терини хилъат айла,  
Бошдин аёғнингга кисват айла.

Қаддингни ғанам ичинда ҳам қил,  
Ошиқ эсанг они мугтанам бил,

Ким келгусидур бути пари чеҳр,  
Андоқки ҳамал фазосига меҳр.

Қизлар била ўйнаю талошо,  
Қўй соғмоғин этгали тамошо

2595. Етганда бошингга сен билурсен,  
Не навъ назораким қилурсен».

Мажнун ёпиниб терини маҳкам,  
Қўйлар аро айлабон қадин ҳам.

Борур эди тўрт аёғланиб тез,  
То қилди замона фитна ангез.

Қўйлар чу қабилаға ёвушти,  
Қизларга хиром жўши тушти.

Мусо нима, балки йўлимнинг Хизири ва ғам зулматида менинг паноҳим бўлдинг.

Менга обиҳаёт бергин, яъни Лайлини узоқдан бир кўрайин.

2585. Ҳижрон билан жоним жуда хаста бўлган, раҳм қилгинки, жуда нотавонман!»

Чўпон деди: «Эй ақл-фаросат эгаси, оқшомгача менинг ҳамсухбатим бўлгин.

Мен бутун тадбирларни кўриб, ишингга бир чора топайин».

Мажнун эса уни дуо қилди, лекин бир кун унга худди бир йилдек кўринди.

Қуёш мағриб томон юз тутгач, чўпон ҳам қўйларни Лайли қабиласига ҳайдади.

2590. Бир қўй терисини дарров Мажнунга бериб деди: «Устингга ёпингин.

Қўйдек, бу терини ўзингга кийим қилиб, бошдан-оёғинггача ўраб олгин.

Қўй, эчкилар орасида энгаш, ошиқ бўлсанг бу вақтни ғанимат бил.

Баҳор осмонига чиққан қуёш каби, пари юзли гўзал яъни Лайли,

У, қизлар билан ўйнаб-қувнаб, қўй соғиштни томоша қилиш учун келади.

2595. сенинг бошингга етиб келгач, истаганингча уни кўрасан».

Мажнун қўй терисини ёпиниб қўйлар орасига кириб, қаддини букиб эмаклади.

Замона фитна чиқаргунча, у тўрт оёқлаб борар эди.

Қўйлар қабилага етганда, қизлар томошага чиқиш учун ошиқдилар.



Анжум кибп чиқтилар шитобон,  
Лайли ул арода моҳи тобон.

2600. Чун ишқ аро кўп бўлуб малолли,  
Ошuftау тийра зулфу холи.

Ҳижрон ўтидин узорида тоб,  
Гулбарги сиришк бирла сероб.

Гисуки бўлуб йўлиға жоруб,  
Оламға сочиб ғубору ошуб.

Фитнаки кўзига сурма тортиб,  
Жон нақдин олурға кўз қарортиб.

Мужгоиики қатл айлаб оҳанг,  
Юз шуъласи дудидин тутуб ранг.

2605. Утлуғ юзиким бўлуб дилафрўз.  
Мажнункушу балки нуктадон сўз.

Бу навъ жамол ила етишти,  
Юз ғанжу далол ила етишти.

Мажнунға кўрунғач ул паризод,  
Ойини ҳаёти бўлди барбод.

Бир оҳи фалак шикоф чекти,  
Қим кўкни анга ғилоф чекти.

Қўй ичра йиқилди зору бедил,  
Қўйдекки қилурлар они бисмил.

2610. Ул нолаки чекти бемадоро,  
Қўйларға рам ўлди ошкоро.

Бўтрашти чу ҳар бириси бир ён,  
Қолди орада ғариб гиръён.

Лайли ичин ўртаб ўтлуғ оҳи,  
Келди билайин дебон камоҳи.

Боқса ётур эрди ер уза пўст,  
Ул пўст аро ниҳон бўлуб дўст.

Баским ғам ўти танин қарортиб,  
Ул мушк ўзига нофа тортиб.

Қизлар юлдузлар каби тезлик билан чиқдилар, Лайли улар орасидаги моҳи тобон эди.

2600. Бу ойнинг ишқ билан азоби ортиб, ўзи паришон, зулфи ва холи қоп-қорайган эди.

Айрилиқ ўтидан юзлари тобланиб, гул барги каби юзи кўз ёшлари билан сероб бўлган эди.

Кокиллари йўлини супуриб, оламга говға, тўполоннинг чанг, губорини сочар эди.

Фитна унинг кўзига сурма тортиб, жонини олиш учун кўзини қорайтирган эди.

Юз шуъласининг тутунларидан қора рангга кирган, киприклари эса ўлдирмоқни чоғлар эди.

2605. Унинг ўтли юзи шундай жозибали бўлганки, Мажнунни ўлимга, доноларни куйдиришга чоғлайди.

Шундай жамол ва юз, ноз-ғамзалар билан етишди.

Мажнун у паризодни кўргач, расми ҳаёти барбод бўлди.

Фалакни тешиб юборгучи «оҳ» тортиб, кўкни унга ғилоф этди.

У сўйилган қўйдек типирчилаб, қўйлар орасига йиқилиб қолди.

2610. У шундай бир нола чекдики, ундан қўйлар ҳуркиб кетдилар.

Ҳар бириси ҳар томонга дув-дув қочдилар, фақат ўртада ғариб, гирён (Мажнун) қолди.

Мажнуннинг ўтли оҳи Лайли юрагини куйдирганидан, «нима аҳвол бўлди экан?» деб ёнига келди.

Қараса, бир пўст ётар, пўст орасида эса у дўст яширинган эди.

Ниҳоят ғам ўтидан тани қорайиб, у мушк нофа тортган (яъни тери ёпинган) эди.



2615. Мушкин кўрунуб тани низори,  
Лайли сочининг нечукки тори.

Гулрухға чу бўлди қисса маълум,  
Оҳ урдию ҳуши бўлди маълум.

Ер узра йиқилди сарвқад ҳур,  
Туфроқ уза тушти гўйиё нур.

Ишқ ичра тани низор бирла,  
Ҳамхобалиғ эти ёр бирла.

Ошиққи эрур ишида содиқ,  
Маъшуқ бўлур бошида ошиқ.

2620. Қизлар бўлубон ул ишдин огоҳ,  
Ким бўйла йиқилди икки дилхоҳ.

Гулрухни кўтардилар ҳам улдам,  
Васл ўлмай аларға ҳушсиз ҳам.

Азм айлаб ўкуш фасона бирла,  
Ул амрда юз баҳона бирла.

Саҳрода қолиб ғарибу бехеш,  
Ҳайратда шубони чораандеш

Ким топса хабар қабила аҳли,  
Бирдам йўқ анга ҳаёт маҳли.

2625. Мундоқда ики жамозалиқ тез,  
Етилар этиб жамозалар хез.

Бу ҳолат ичинда топқоч они,  
Бир ноқа чўқурдилар равони.

Ноқа уза они қўйдилар чуст.  
Илгин аёғини тонгдилар руст.

Воқиф бўлмай қабилада эл,  
Азм ўлди аларға ўйлаким ел.

Мундоқ деди ровийи фасона,  
Ким келгач отоси уйга ёна.

2630. Билдики кетибдур ул ҳамул шом,  
Кўп йиғлади уйда тутмай ором.



2615. Унинг мушк каби қорайган ҳолсиз гавдаси, Лайлининг паришон соч толаларидек ётар эди.

Гул юзлига бу воқиа маълум бўлгач, у ҳам бир оҳ уриб ҳушидан кетди.

Тупроққа тушган нурдек, у сарв қомат ҳур ёри устига йиқилди.

Ишқ ичида тани ҳолсизланган бемадор Лайли ёр билан бирга ётди.

Ошиқ ишида содиқ бўлса, маъшуқи бошида ошиқ бўлади.

2620. Икки дилхоҳнинг бундай йиқилишидан қизлар огоҳ бўлиб қолдилар.

Гул юзлини дарров кўтариб олдилар, булар ҳушсиз ҳолда ҳам, бир-бирлари билан қовушолмадилар.

Қизлар турли баҳоналарни топишиб, Лайлини олиб кетдилар.

У кимсасиз ғариб, ҳушсиз ҳолда саҳрода қолди, чўпон эса ҳайратда қолиб, чора излашга тушди.

Агар қабила аҳли бу воқиядан хабар топса, уни бир нафас ҳам тирик қўймасди.

2625. Шу вақтда икки туялик, туяларини жадаллатиб, етиб келишди.

Улар Мажнунни бу ҳолатда кўриб, дарров бир тевани чўкирдилар.

Унинг тездан оёқ-қўлларини боғлаб, туяга танғидилар.

Қабила аҳлига билдирмай, шамол тезлигида йўлга тушдилар.

Достонларни нақл қилгучи бундай дейди: Мажнуннинг отаси уйига қайтганда,

2630. Мажнуннинг ҳам ўша кеча кетганлигини билиб, уйда беором кўп йиғлади.



Йиғлай-йиғлай изин иришти,  
Ул ерда етиштиким етишти.

Боғлаб тева узра чунки топиб,  
Келтурди уйига тегру чопиб,

Еткургунча ҳашамға они,  
Юз қатла лабиға етти жони.

Чун етти қабилага ёбондин.  
Ёд этмади қўй била шубондин.

2635. Эй водийи Айман ичра қўйчи,  
Итмен сенга ўз қошингда қўйчи!

2636. Шуғлунг била бошладим йўлумни,  
Тут лутф ила сен дағи қўлумни.



Йиғлай-йиғлай изидан бориб, Мажнун ётган жойга ҳам етди.


Уни топиб, тевага боғлаб, жадаллик билан уйига келтирди.

Уни қабилага келтиргунча, жони юз марта оғзига тиқилди.

У чўлдан қабилага келтирилганда, ҳушсизлигидан қўй ва чўпонни ҳам эслай олмас эди.

2436. Эй, Яман даштининг чўпони, итинг бўлайин, ўз ёнингга олсангчи!

2634. Сен билан машғул бўлиб иш бошладим, сен ҳам илтифот қилиб менинг қўлимдан тутгин!





ВИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

*Отаси Мажнунни кўп насиҳатлар билан  
Навфал қизига уйлантиришга рози қилгони,  
Навфал саройида никоҳ тантанаси ясал-  
гони ва Мажнуннинг қизни ташлаб даштга  
кетгони*



ашшотаки сўз дурини терди,  
Бу бикрға бўйла жилва берди:

Ким уйга чу келди зор шайдо,  
Мағзи аро бўлди ҳуш пайдо.

Йиғлаб отаси қилиб шикоят,  
Этиб яна панди бениҳоят.

2640. Ул сўз демайин малолатидин,  
Боқмай отаға хижолатидин.


Фаҳм ўлғоч отосининг малоли,  
Туфроғ этиб они инфюли.

Юз ерга қўюб тутуб қулоғин.  
Кўп ўпти отосининг аёғин.

Дедики: «Кечур туноҳим охир,  
Ким лутфунг эрур паноҳим охир?»

Кўргач ота ажз иътирофи,  
Деди: «Бу ишинггадур талофи.

2645. Қилғои биринин ружуъ қилсанг,  
Не ишга десам шуруъ қилсанг.



## ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

*Отаси Мажнунни кўп насиҳатлар билан  
Навфал қизига уйлантиришга рози қилгони,  
Навфал саройида никоҳ тантанаси ясал-  
гони ва Мажнуннинг қизни ташлаб даштга  
кетгони*

Пардозчи сўз дурларини териб, бу ҳикоя қизига шундай жилва берди:

У зори шайдо (Мажнун) уйга келганда, ҳушига келган эди.

Отаси йиғлаб, шикоятлар қилди ва яна кўп панд-насиҳатлар айтди.

2640. Уз оғир аҳволдан отасига бир сўз ҳам деёлмади, ниҳоят хижолат тортганлигидан отасига қараёлмас эди.

Отасининг тортган азобини кўргач, таъсирланиб, ўзини ерга ташлади.

Юзларини ерга қўйиб, қулогини тутиб, қайта-қайта отасининг оёқларини ўпди.

Деди: «Сенинг лутфинг паноҳимдир, гуноҳимни кечиргин ахир!»

Отаси ўз ўғлининг шундай ожизона эътирофини эшитгач, деди: «Сени бу аҳволдан қутқазиш учун,

2645. бутун қилган ишларингдан қайтиб, нима иш буюрсам шуни қилсанг.



Мендин тиласанг ризо қабул эт.  
Не шаръ эгар иқтизо қабул эт».

Мажнунки футувват аҳли эрди,  
Иҳсону мурувват аҳли эрди.

Ҳуш ўлса димоғи ичра сокин,  
Тарки адаб эрмас эрди мумкин

Одоби ҳидоят аҳли янглиғ,  
Ойини вилоят аҳли янглиғ.

2650. Андоқки тилаб худо ризосин,  
Андиң сўнг ото-оно ризосин.

Деди: «Сенга ҳарнеким ризолур,  
Қилмоғлиғ ани менга сазодур.

Ҳукм этки не навъ этай шиорим,  
Этмакда ани не ихтиёрим?»

Бўлди отаси бу нуктадин шод,  
Навфал ишидин сўз этти бунъёд:

«Ким Навфалким Арабладур тоқ,  
Йўқ, йўқ, не Арабки, тоқи офоқ.

2655. Кўп бўлди сенинг учун аламсанж,  
Кўнглига ишингда етти кўп ранж.

Чунким йўқ эди азалда тақдир.  
Топмади ишинг бутарга тадбир.

Эмгақлари бўйнунга эрур қарз,  
Узрин қўлмоқ сенга эрур фарз.

Эмди будурур анинг ризоси,  
Ҳам хаста отангнинг илтимоси,

Ким зоҳир этиб тариқи пайванд,  
Қилсақ анга доғи сени фарзанд.

2660. Бир ётлиғи бор эмиш париваш,  
Боштин-аёғи латифу дилкаш.

Иффат ҳарамиде ул жамила,  
Савдосида зор юз қабила.

Менинг розилигимни олмоқчи бўлсанг, шариат нима буюр-са шуни қабул этгин».

Мажнун жувонмард, эҳсонли, ва мурувватли кишилардан эди.

Агар унинг ақли-ҳуши жойида бўлганда беодоблик қилиши мумкин эмас эди.

У, одобда улуғ одамлардек, расми одати авлиёлардек эди.

2850. Аввал худонинг ризолигини, ундан сўнг ота-она розисини тилаб, деди:

«Сен нимадан ризо бўлсанг, уни бажариш менинг бурчимдир.

Ҳукм эт, қандай ҳаракат қилайин, айтганларингни қилишда менда нима ихтиёр бор?»

Отаси бу гаплардан хурсанд бўлиб, Навфалнинг иши тўғрисида сўз бошлади:

«Навфал бутун Араб элида ягонадир, йўқ, балки бутун оламда тоқдир.

2853. Сенинг учун у, кўп алам тортди ва сенинг ишларинг учун кўп азоб-машаққатлар тортди.

Тақдир азалда йўқлигидан, сенинг ишингни битказиш учун бирор чора тополмади.

Унинг чеккан азоблари бўйнингдаги қарздор, унга узр кўрғазиш сенинг учун фарздор.

Энди унинг ризоси ва хаста отангнинг ҳам илтимоси шундайдир:

у билан пайванд тариқини тузиб, сени унга фарзанд этсак.

2860. Унинг парига ўхшаган, бошдан-оёғигача гўзал, дилкаш бир қизи бор эмиш.

Ифбат ҳарамидаги у гўзалнинг куйида, юзларча қабила-лар саргардонлар.



Васлин тилар элга худ адад йўқ,  
Айтурға анга валек ҳад йўқ.

Бу иш биладур менга мубоҳот,  
Таъхирда келди бийми офот.

Мендин тиласанг ризо, ризо бер,  
Бу қисса ризосини менго бер!»

2665. Мажнун тилин андоқ айлади банд,  
Ким бўлди ризоси бирла хурсанд.

Хушвақт ўлубон қўпуб тарабнок,  
Индатти қабила аҳлини пок.

Ҳарнеки керак ул иш яроғи,  
Омода қилиб зиёда доғи.

Мажнунни ясаб либос бирла,  
Тун-кун киби кишу ос бирла.

Ҳеч иш била фавт қилмай авқот,  
Навфал сорн азм қилдилар бот.

2670. Ул ҳам чу эшитти можарони,  
Жамъ айлади хешу ақрабони.

Жашн анжуманин азим қурди.  
Ул хайлни базм аро тушурди.

Ойини тарабға қўйдилар юз,  
Ичку эди неча кеча-кундуз.

Чун бўлди тараб ишига анжом,  
Бирдам кўтарилди базмдин жом.

Қўп зийнату зеб этиб иковни,  
Гулчеҳра келин била куёвни.

2675. Қизни асраб ҳижоб ичинда.  
Ойдек тўқуз ниқоб ичинда.

Базм ичра куёвга қўйдуруб гом,  
Бердилар эл ўртасида ором.

Ултурди хатиби Ийси иъжоз.  
Ҳақ ҳамду саносин айлаб оғоз.



Унга етишмоқ орзусида бўлганлар беҳисоб кўп эди, лекин уни сўрашга жасорат кўрсатолмасдилар.

Бу иш билан фахрланаман, агар қайтарсанг ва орқага сурсанг, қўрқинч, ваҳималар келтиради.

Мени ризо қилмоқчи бўлсанг, ўзинг ҳам ризолик бериб, бу ишнинг ризосини менга топширгин?!»

2665. Шу йўсинда Мажнуннинг тилини боғлаб кўндирди, унинг ризосидан хурсанд бўлди.

Хушвақт бўлганидан, оламга сиғмай бутун қабила аҳлини ўз уйига чақиртирди.

Бу тантанага керак бўлган бутун нарсаларни ортиғи билан тайёрлади.

Мажнунни кеча ва кундузидек қора либослар билан безантирди.

Ҳеч иш билан вақтни зое кетказмасдан, тезликда Навфалникига жўнади.

2670. У ҳам бу воқидан хабар топиб, бутун ҳешу ақрабосини тўплади.

Қатта тўй маросимини ясаб, келган меҳмонларни базм орасига солди.

Хурсандчиликка берилишиб, неча кеча-кундуз майхўрликлар бўлди.

Шодлик тантанаси тўхтади, базмдан май косалари кўтарилди.

Гул юзли келин билан куёвнинг ҳар иккаласига зеб-зийнатлар берди.

2675. Қизни ойдек тўққиз ниқоб ва пардалар ичига ўради.

Куёвни базм ичига келтириб, кишилар орасига ўтиргизди.

Исонамо муъжизалар кўрсатгучи мулла, ҳақ ҳамду саносин ўқиб,



Ой бирла қуёшни айлади ақд,  
Боши уза сочтилар бәсе нақд.

Чун меҳр келин киби ёшунди,  
Тун ерга қуёв киби букунди.

2680. Гардун кўрубон бу иш мувофиқ,  
Келтурди тўқуз табақда сочиқ.

Ул уйгаки урмиш эрдилар тахт,  
Тахт устида солмиш эрдилар рахт.

Бошладилар ул, икковни хандон,  
Йўқ кулгу вале аларға чандон.

Мажнунни қарин қилиб париға,  
Топшурдилар ойни муштариға.

Уй гирдидин элини сурди Навфал,  
Ким қолмади анда элга мадхал.

2685. Ул теграда жамъ ё жариди,  
Алқисса йўқ эрди офарида.

Бир пос чу тундин ўтти ул хайл,  
Тўшлуқ-тўши қилди уйқуға майл.

Навфал йироқ ўлтуруб ичиб мўл,  
Ҳардам қилур эрди бир тахайюл.

Савдоси бу йўлға тутти они,  
Ким уй ёниға келиб ниҳони.

Секин қилиб уй кийизини пора,  
Ул фуржадин айлади назора.

2690. Кўрди еридин қизинки қўпти,  
Мажнун қошиға келиб ер ўпти.

Бунъёд эттики: «Эй ягона,  
Ишқ ичра ягонани замона.

Ҳам меҳри сафо юзунгда толиъ,  
Ҳам нури вафо энгингда ломий,

Бу нукта эрур қошимда равшан,  
Эл олида ҳам эрур муайян.

ой билан қуёшни никоҳ қилди ва уларнинг бошларидан кўп кумуш ва олтинлар сочдилар.

Қуёш ҳам келилардек яширинди, тун ҳам куёв каби ерга буқинди.

2680. Олам ҳам бу ишни мувофиқ кўриб тўққиз табақда сочиқ келтирди (тўққиз осмоннинг юлдузлари дейилмоқчи).

Буларнинг иккови учун тахт ясатилиб, кўрпалар тўшалган эди.

Уйин-кулги вақти чоғлиқ билан уларнинг икковини келтирдилар, лекин куёв билан қиз чандон кулмас эдилар.

Мажнунни парига яқинлаштириб, уни харидорига топширдилар.

Навфал уй теварагини кишилардан холи қилди, элнинг ҳам қатнови тўхтади.

2695. У атрофда ҳеч қандай киши ҳам қолмаган эди.

Вақт ярим кечага яқинлашганда, эл ҳам ўз уйларига кетиб, уйқуга ғарқ бўлдилар.

Навфал май ичиб, узоқ ўтирди, турли-туман хаёлларга борар эди.

Шу хаёллари уни яширинча уй олдига олиб келди.

Секингина уй кигизини йиртиб, ўша тешикдан мўралаб,

2700. қизнинг ўрnidан туриб, Мажнун қошига бориб, ер ўпаётганини кўрди.

У деярди: «Эй, танҳо (йигит), эй, ишқ ичра замонанинг яғонаси.

ҳам пок муҳаббат юзингда балқиган, ҳам вафо нури устингда шуълаланган.

Менга ҳам равшан, элга ҳам маълум бўлган бир сўз



Ким Лайли ишида нотавонсен,  
Ишқида жаҳонға достон сен.

2708. Кўнглунгдур анинг ғамида маҳкам,  
Ким ишқи эрур сенга мусаллам,

Кўнглунг ўтидин совутмоғунгдур,  
Ул борида ёр тутмоғунгдур.

Иккимиз отосининг ризоси,  
Солмиш сенга бу иш ибтилоси.

Чун кишвари ишқнинг шаҳисен,  
Ишқ аҳли ўтининг оғаҳисен.

Бордур менга доғи дардманди,  
Ишқим расаниға пойбанди.

2700. Дардим ўти ичра тоби онинг,  
Мен доғи келиб хароби онинг.

Леки иккимиз ўти ниҳони,  
Не мени улус билиб, не они.

Фикр айлаки ул асири маҳжур,  
Фаҳм этса сенинг била менга сур.

Бу кеча анинг не ҳоли бўлғай?  
Умри кунининг заволи бўлғай!

Сирримни сенга чу айладим фош,  
Сендин менга будур эмди подош.

2706. Ким рози бўлуб ғароматимға,  
Бўйунгни қўюб маломатимға.

Қилмай мени эл аро фазиҳат,  
Қўпсанг дағи айласанг азимат.

Ҳар кимгаки бу фасона етса,  
Ул хайл сени маломат этса,

Мен бўлмасам эл аро муотаб,  
Қилсанг сен ўзунгни-ўқ мухотаб,

Бу навъ мурувват ўлса сендин,  
Изҳори футувват ўлса сендин.

борки, у ҳам бўлса, сенинг Лайли куйида нотавонлигинг, ишқида жаҳонга дoston бўлганингдир.

2695. Унинг ғами кўнглига маҳкам жойланиб, ишқи бўлса сенга топширилгандир.

Кўнглингни унинг ўтидан совутмайсан, унинг борлигида ёр тутмайсан.

Оталаримизнинг ризоси натижасида шундай ишларга дучор бўлибсан,

ишқ ўлкасининг шоҳисан, ишқ аҳлининг ўтидан хабардорсан.

Ишқ занжирига оёғи боғланган, менинг ҳам бир дардмандим бор,

2700. у, дардим ўтида куйгандир, мен ҳам ўшани деб хароб бўлганман.

Лекин иккимизнинг ҳам ўтимиз яширин, на уни, на мени эл билмайди.

Ўзинг ўйлаб қара, у ҳижронга асир бўлган, сен билан менга бўлаётган бу тўйни эшитиб қолса,

бу кечада унинг аҳволи нима бўлади? Умрининг кунига завол етишади-ку!

Сирларимни сенга айтдим, энди сенга бир ўтинчим бор:

2705. Мен туфайли маломатга қолсанг ҳам, шу оғир сўровимга рози бўлсанг,

мени халқ олдида обрўсизлантирмаслик учун, бу ердан туриб кетсанг.

Кимки бу воқнадан хабардор бўлиб, сени маломат этса,

мен элнинг қаҳрли мазаматига қолмасам, сен шундай маломатларга ўзингни тутсанг.

Менга шундай мурувват бағишласанг ва шундай мардлик кўрсатсанг.



2710 Уммедим эрурки қодири пок,  
Лайлиники келди нодири пок.

Уз ҳифзи аро зимонда тутғай,  
Ҳар маҳлакадин амонда тутғай.

Ҳам ҳажрида олмағай шикибинг,  
Ҳам васлини айлағай насибинг».

Мажнунға етиб бу сўздин озор,  
Ул хаста ишиға йиғлади зор.

Дедиким: «Аё рамида пайванд!  
Бўл ишқу муҳаббатингға хурсанд.

2715 Ерингға вафо шиоринг ўлсун.  
Ким тенгри ҳамниша ёринг ўлсун.

Мен худ тушубон ичимга андуҳ,  
Қилғум эди азми водию кўҳ.

Кўнглунгни қилур учун риоят,  
Ошуфта замир эдим бағоят.

Бу лутфки сендин ўлди зоҳир,  
Узрунгни нечук қўлай мен охир?».

Кетмаккаки жазм ниятим бор,  
Кетсам сенга худ не миннатим бор.

2720 Мен худ кетар эрдим ушбу соат,  
Бердинг сафаримға иститоат.

Миннат сенга йўқ, ўзумга қўйдум.  
Жон бирла ики кўзумга қўйдум»,—

Деб қўпти анга дуолар айлаб,  
Мундоқ караму атолар айлаб.

Соз этти оғолиғу сингиллик,  
Кўп истади синглидин биҳиллик.

Чиқти дағи азми пўя этти.  
Ғам бодиясиға кирди кетти.

2725 Навфал кўрубон бу турфа ҳолат.  
Қиз бирла куёв аро мақолат.

2710. Лайлини пок ва нодр қилиб яратган тангри таолодан умидим шуки,

уни ўз паноҳига олиб, ҳар бир бало-қазодан омонда сақласин.

Ҳажрида сени сабр ва тоқатли қилиб, васлини ҳам сенга насиб этсин!»

Мажнун бу сўзлардан озор тортиб, бечора қизнинг аҳволига зор-зор йиғлади.

Деди: «Эй кўнгли ранжиган! Ўз ишқ ва муҳаббатингга хурсанд бўл!»

2715. Ерингга вафо этмоқ шиоринг бўлсин, тангри ҳамиша сенинг ёринг бўлсин.

Менинг ҳам ичимга қайғу чўкканидан, тоғ, водиларга кетмоқчи эдим.

Кўнглингни кўтариш учун юрагим ғоят куйган ва қайғуда эди.

Сен шундай лутфни изҳор этдинг, энди қандай қилиб сенга миннатдорлик билдирсам?

Ўзимнинг ҳам кетишга ниятим бор, кетсам сендан нима деб хафа бўламан.

2720. Мен ўзим ҳам шу соатда кетмоқчи эдим, сен сафаримга мадад бердинг.

Миннатни сенга эмас, ўзимга, балки жон билан икки кўзимга қўйганман».

Шундай дуолар ва эҳсон-муруватлар бағишлаб ўрнидан турди.

Ака-сингиллик меҳри билан, синглидан кўп афвлар сўраб,

уйдан чиқди-да, яна ғам саҳросига кириб кетди.

2725. Қиз билан куёв орасида бўлган шундай сўзларни, шундай қизиқ аҳволни кўрган Навфал,



Қўпти доғи уйда тебради данг,  
Май ичра киши еган киби банг.

Кўрган неки ёд этиб уёлиб,  
Не асрай олиб, не айта олиб.

Уйнинг яна сори қаҳру кинда,  
Қиз ошиқи бор эмиш каминда.

Илги аро дашнаи тутиб тез,  
Ким бўлса ул икки ишратангез,

2730. Ул иккени ҳам ҳалок қилғай,  
Ўз кўксини доғи чок қилғай.

Пок эрди чу ишқи ичра ул зор.  
Ишқ айлади анга ўтни гулзор.

Мажнунга тутуб ўзини таслим,  
Қўп топти тариқи ишқ таълим.

Туфроғиға суртубон жабинлар.  
Тавриға деди кўп офаринлар.

Ҳам дилбаридин топиб нишона,  
Ойини вафода ғойибона.

2735. Бехуд қилибон бу ҳолат они,  
Ул меҳру муҳаббати ниҳони.

Чун шавқида тоқати бўлуб тоқ.  
Уй ичра кириб ҳариф муштоқ.

Ер устида айлади танин паст,  
Туфроққа жонни қилди ҳамдаст.

Маъшук чу кўрди нотавонин.  
Юз саъй ила асради фиғонин.

Меҳр ила бошиға соя солди,  
Бошини кўтарди кўнглин олди.

2740. Йилларки бу ишқ арода эрди,  
Кундин-кунга зиёда эрди.

Бермайдур эди иковга пайваст,  
Бу тунгача васл давлати даст.



жиннилардек ва май устига наша чеккан кишилардек  
ўрнидан туриб, уй томон ганраган ҳолда қўзғалди.

Кўрганлариини эсга олиб, уялганидан на айта олар эди, на  
сақлай олар эди.

Уйнинг бир бурчагида қизнинг ошиғи қаҳр ва ғазаб билан  
беркиниб турган эди.

Қўлига кескир ханжар олиб, агар улар ишратга юз қўй-  
салар,

2730. уларнинг ҳар йккаласини ҳам ҳалок қилмоқчи ва ўз кўк-  
сини ҳам чок этмоқчи эди.

У бечора ўз ишқида пок эди, ишқ унга ўтни гулзор этди.

Мажнунга қўл бериб, ишқ маслагидан таълим олди.

Оёғи остига пешонасини қўйиб, Мажнуннинг бундай қил-  
мишларига офаринлар ўқиди.

Ўз дилдорининг ғойибона вафосидан хурсанд бўлди.

2735. Бу яширин меҳр-муҳаббат уни беҳуд қилиб,

Унинг шавқида тоқати тоқ бўлган жазмон йигит, уйга ки-  
риб олган эди.

У ерга йиқилиб, жонини тупроққа қўшди.

Маъшуқ ўз нотавонини кўриб, ўзини юз машаққат билан  
йиғидан тўхтатди.

Меҳрибонлик билан бошига соя солиб, бошини кўтариб,  
кўнглини олди.

2740. Буларнинг орасида йиллар бўйи давом этган бу ишқ кун-  
дан-кунга зиёда бўлар эди.

Шу кечгача васл давлати буларнинг қўлига кирмаган эди.



Бир-бирига меҳр этиб падидор.  
Бўдилар иковла масти дидор.

Жуз нафс муродиким йўқ эрди,  
Ўзга бори ком даст берди.

Тонг отғуча гунгу лол эдилар,  
Сармасти майи висол эдилар.

2745. Чун тонг қуши нола ёд қилди.  
Ошиқ дағи хайрбод қилди.

Бош олдию кетти васлдин шод,  
Маъшуқаси қолди ғамдин озод.

Чун субҳ арусининг юзида,  
Кўргузди сапида дам сапида.

Машшотан чарх тутти ўтру,  
Кун чашмасидан юзига кўзгу.

Сур эли юз урди бомдодон,  
Қиз бирла куёв қошиға шодон.

2750. Ул уйда бири эди, иков йўқ,  
Қиз ёлғуз эди, вале куёв йўқ.

Тўлди яна ғамдин ул арози,  
Мажнун эли худ ўлумга рози.

Навфал билибонки недур аҳвол,  
Айтурға вале тили бўлуб лол.

Мажнун элига баса қўлуб узр,  
Айтур сўзи сарбасар бўлуб узр —

Қим: «Тенгридин эрди бўйла тақдир,  
Неким тақдир эрур, не тадбир.

2755. Не сиздин ўлуб бу иш, не биздин,  
Балким не ўғулдину не қиздин.

Тақдирдин эрди бўйла ҳолат,  
Шукр айлангу рафъ этинг малолат».

Бу узр ила барчани узотти,  
Енди ўзнию узолди ётти.

Бир-бирларига муҳаббат изҳор этишиб, бир-бирларининг дийдорларидан маст бўлдилар.

Бу кеча ҳар икков ошиққа, нафсдан бошқа ҳамма нарса муяссар бўлди.

Висол майидан маст бўлганликларидан, тонг отгунча бир-бирлари билан сўзлашолмай чиқдилар.

2745. Тонг қушлари нола чекканда, ошиқ ҳам хайрлашиб,

ёр билан топишганига хурсанд бўлиб, чиқиб кетди, маъшуқаси ҳам ғамдан озод бўлиб қолди.

Тонг келинининг юзи тўлишиб, оқаришиб келар эди.

Фалак пардозчиси унинг юзига қуёш кўзгусини рўбарў қилди.

Тўй аҳли тонг саҳарлаб, шодлик билан қиз ва куёв олдига келдилар.

2750. Уйда бири бор, икков йўқ эди, қиз ёлғиз эдию, лекин куёв йўқ эди.

Мажнун эли ўша ерда ғамга ботиб, ўлимга ҳам рози бўлдилар.

Аҳволнинг нималигини билган Навфал, нима дейишини ҳам билмай, тили лол бўлиб қолган эди.

У, Мажнун элидан кўп узрлар сўради, айтар сўзи сар-ба-сар узр эди:

«Тангрининг тақдири экан, тақдирнинг чораси бўлмайли.

2755. Бу ишларга сиз ҳам, биз ҳам, ўғил ҳам, қиз ҳам гуноҳкор эмас.

Бу аҳволлар тақдирдан бўлди, шукур қилинг, ортиқча ғам тортманг!»

Шундай узрлар билан уларни узатиб қайтди-да, узолиб ётди.

Ул навъ нуҳуфта ранжу темор,  
Бистар уза жисмин этти бемор.

Бемормен, эй табиби ҳозиқ,  
Ташхисинг эмас вале мувофиқ.

2760. Жонимни олур ғами ниҳоним,  
Дафъ айлаву ё бағишла жоним:



Дард-машаққатлар берган бу сир, унинг жисмини касал-  
лантириб, кўрпага ётқизди.

Эй доно табиб, беморман, лекин текширишинг мувофиқ  
эмас.

2760. Бу яширин ғам жонимни олмоқда, ё уни даф эт, ё жоним-  
ни бағишла.





### ИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

*Ибни Салом билан Лайлининг тўйи ва Лайлининг Ибни Салом қўлидан қочиб, даштда Мажнун билан учрашгани*

илкики бу сафҳа қилди хориш,  
Афсона бу навъ этар нигориш:

Ким ул неча кунки чархи пурфан,  
Ким кўпроқ анга фиреб эрур фан.

Ҳазл этти не ҳазл, беҳаёлиқ  
Мажнунга буюрди кадхудолиқ.

Ҳам Ибни Салом иттифоқи,  
Соз айлади уйлонур яроқи.


<sup>2765.</sup> Ҳар неки керак қилиб мураттаб,  
Лайли ҳашаминага сурди маркаб.

Чиқтилар алар дағи топиб ком,  
Бердилар анга уй ичра ором.

Хайлини дағи тушурдилар бот,  
Базм ичра қадақ кетурдилар бот.

Ул навъки расм эрур зиёфат,  
Айлаб анга доғи кўп изофат.

Айш айладилар неча туну кун,  
Ким не куни майсиз эрди, не тун.



### ИГИРМА УЧИНЧИ БОБ

*Ибни Салом билан Лайлининг тўйи ва Лай-  
лининг Ибни Салом қўлидан қочиб, даштда  
Мажнун билан учрашгани*

Бу саҳифаларни чизган қалам, афсонани шундай ҳикоя қилади:

Ишни кўпроқ ҳийла ва алдовдан иборат бўлган фалак, бир неча кун

Мажнун билан ҳазиллашиб, йўқ, балки, беҳаёлик билан уни уйланишга буюрди.

Иттифоқо Ибни Салом уйланиш учун тўй анжомларини тайёрлади.

1765. Бутун керакли нарсаларни ҳозирлаб, Лайли қабиласига от сурди.

Улар ҳам меҳмонларнинг келиш хабарини эшитиб, Ибни Саломни уйга бошлаб ўтқаздилар.

Унинг билан келган одамларни ҳам қаршилаб, май базми қурдилар.

Одатда бўладиган зиёфатни, ҳаддан зиёда катта қилиб ясадилар.

Бир неча кеча-кундуз айш сурдилар, кечалар ҳам, кундуз ҳам майсиз ўтмади.



2770. Чун бўлди маҳалки ақдп тазвиж,  
Бергай бу нишот ишига тарвиж.

Бўлмиш эди соат ихтиёри,  
Жамъ ўлди қабила аҳли бори.

Тил чекти хатиби ҳарзапайванд  
Ақд ичра куёвни айлади банд.

Чун топти никоҳ иши сарайжом,  
Лайли ҳарамига урдилар том,

Ким майл этибон туманг жафоға,  
Бергайлар ул оғини аждаҳоға.

2773. Ер илги чу илгига ёвушти,  
Мискинға ғариб қисса тушти.

Табъи хафақондин эрди маълул,  
Кўп бўлса эди қадаҳқа машғул.

Аидоқ солур эрди жисмиға печ,  
Ким келмас эди анга нафас ҳеч.

Ичти неча кун чу бемадоро,  
Ул захмати бўлди ошкоро.

Ул навъки тарки ҳуш қилди,  
Улган кишилар киби йиқилди.

2780. Ул бўлди ҳаётидин чу маҳжур,  
Мотамға мубаддал ўлди ул сур.

Улган соғиниб халойиқ оини,  
Бир уйга киюрдилар равонини.

Ғавго бўлди куёв бошиға,  
Ким келмади эл келин қошиға.

Бечора келинини лол этиб фикр,  
Товуси шикаста бол этиб фикр.

Қўнгли аро эрди юз тафаккур,  
Ул бордию келди минг таҳайюр.

2785. Уз қатлиғини айламиш эди биғ,  
Пинҳон қилиб эрди захрлик тиг,



2770. Никоҳ тузиш соати келиб, бу тўй тантанасини яна ривож-  
лантирар эди.

Белгиланган пайтда қабила аҳли ҳам тўпландилар.

Бўлмағур, бемаъни сўзларини ўқувчи мулла ҳам никоҳ ақ-  
ди билан куёвни боғлади.

Никоҳ иши саранжом бўлгач, Лайли уйи томон бордилар.

Мингларча жафоларга майл қилишиб, у ойни аждаҳога  
тонширмоқчи бўлдилар.

2775. Ёринг қўли, қўлига яқинлашганда унга ажойиб воқиа  
дуч келди.

Табиатида хафақон (юрак уриш) касали бор эди, агар  
майни кўп ичса,

шундай тўлғанишга тушар эдики, ҳатто иафаси ҳам тути-  
либ қолар эди.

Бир иеча кун тўхтовсиз ичишни давом қилдирганидан,  
ўша касали яна қўзғаб қолди.

У ҳушидан кетиб, ўлгап кишилардек йиқилди.

2780. Шундай қилиб ҳаётидан ажралгач, тўй мотамга айланди.

Халойиқ ҳам уни ўлган ҳисоблаб, тездан бир уйга келтир-  
дилар.

Барча тўпланишиб, куёв бошига йнғилдилар, келин билан  
ҳеч кимнииг иши бўлмади.

Бечора келинни шуидай фикр босган эдики, у қаноти син-  
ган товусдек мажолсиз эди.

Қўнгли юз хил фикрлар билан банд бўлиб, минг хил ўй-  
ларга борди.

2785. Узини ўлдириш учун бир заҳарлик пичоқ яшириб қўйган  
эди.



Ким хасм топар нафас анга ком,  
Ўлтургай ўзини ком-ноком.

Ағъёрдни ўзни ори этгай,  
Ўз ёри вафоси бирла кетгай:

Тиф ўзига ихтиёр қилди,  
Хасми баданига кор қилди.

Кўргузди бутун фалак нифоқи,  
Кўп амри ғариб иттифоқи.

2760. Бу эрди бирики ул ики фард,  
Ким жонлари эрди дардпарвард.

Баҳри фалак урди ул сифат мавж,  
Ким айлади икки фардни завж.

Ҳарбирни яна биров била жуфт,  
Еткурмади ҳеч дур аро суфт.

Бир буки бу навъ ики кудурат.  
Бир кеча ичинда тутти сурат.

Ҳам ул кеча айрилиштилар бот,  
Ўз бўлмаини ўлдилар яна ёт.

2765. Гўёки мунажжими назарбин,  
Бир эрдик соат этти таъйин.

Бу ишда мунажжим ар забундур,  
Яъни «казабал-мунажжимун»дур.

Алқисса куёв чу бўлди беҳол,  
Заъф айлади пайкарини помол.

Мажмуъ эл онда эрди ул тун,  
Кадбонову золу бикру хотун.

Лайли бўлуб ул балодин озод,  
Топти ғамгин замирини шод.

2800. Кўрдик қошида кимса йўқдур,  
Эл барча куёв бошида — ўқдур.

Кўнгли тўла эрди ҳужра холи,  
Уй ёнида бир қум эрди олий.

Агар душман ўз мақсадига эришгандай бўлса, у чор-ночор ўзини ўлдиришга қасд қилган эди.

Ўзга кишидан ор қилиб, ўз ёрига вафодор бўлиб оламдан ўтишни ўйларди.

Ўзига урмоқчи бўлган заҳарли пичоқ, гўё ёвнинг баданига кор қилган эди.

Бу кеча фалакнинг икки юзламалиги, кўп ажойиб воқиаларни тўғри келтирди.

2790. Бири шундай эди: жонлари дардга тўла бу икки шахсни,

фалак денгизи мавж уриб, ҳар иккаласини ҳам айрим-айрим қовуштирмоқчи бўлган эди.

Буларнинг ҳар бирини бошқа биров билан жуфт қилди-ю, ҳар икки гавҳарни ҳам бежирим сақлади.

Яна бири шуки, бу икки ғамли воқиа бир кеча ичида бўлган эди.

Худди шу кеча, булар тезликда бошқаларга ўз бўлмасдан, ёт бўлиб айрилишдилар.

2795. Гўё шу воқиалардан назарини узмаган мунажжим, бу ишларни маълум бир соатга тайин қилгандек эди.

Лекин бу ишда мунажжим ҳам ожизлик қилар эди, яъни у янглишади.

Алқисса куёв ҳолдан кетиб, кучсизлик унинг танини поймол қилганда,

ўша кеча бутун эл ва аёл, кампир, қизлар унинг бошига тўпланган эдилар.

Лайли у балодан озод бўлиб, ғамгин кўнгли хурсанд бўлди.

2800. Узининг бошида ҳеч ким йўқлигини ва барчанинг куёв бошига тўпланганини кўрди.

Хужра холи эди, кўнгли ҳам тўқ эди. Уй ёнидаги катта бир қумга кўзи тушиб қолди.



Уйдин ташқари қўйди гомин,  
Ул қум уза кўргузуб хиромин.

Тутмас эди лаҳза-лаҳза ором,  
Секин-секин урар эди гом.

Ҳар лаҳза дер эрди шукри бори,  
Борурда йўқ эрди ихтиёри.

2805. То онча масофат айлади тай,  
Ким қилса назар кўрунмагай ҳай.

Мажнун дағиким тутуб биёбон,  
Бу сори келур эди шитобон.

Ул мунга, бу анга чун ёвушти,  
Иккисига изтироб тушти.

Лайли танибон анинг навосин,  
Навҳа аро назми жонфизосин.

Мажнунға етиб анинг насими,  
Қолмай ичида фироқ бийми.

2810. То бир-бирига етиштилар бот,  
Ким кўрди висол бўйла, ҳайҳот?

Чун бир-бирини таништилар жазм,  
Руҳ этти бадан ҳаримиға азм.

Яъни бадан ўлди зору мажруҳ,  
Маъшуқи ўшул бадан аро руҳ.

Руҳи қудусий нузул қилди,  
Хоки тан аро ҳулул қилди.

Икки гуҳар ўрни бўлди бир дурж,  
Икки қуёш авжи бўлди бир бурж,

2815. Бир соғар аро тушуб ики мул,  
Бир гунча аро бутуб ики гул.

Бир жисмда икки руҳ ўлуб гум,  
Бир кўз оросида икки мардум.

Васл айлади иккиликни боқи,  
Ваҳдат қадаҳини тутти соқи.



Уйдан ташқари чиқди-да, қум бўйлаб юриб кетди.

Бир лаҳза тинмай, ором олмасдан, секин-секин қадам ташлар эди.

Ҳар нафасда минг бор шукур қилиб, қандай бораётганлигини ҳам билмас эди.

2808. Жуда узоқ масофани босганидан, Ҳай қабиласи ҳам кўзига кўринмай кетди.

Мажнун ҳам бисбонда, шу томонга шитоб билан келар эди.

Бир-бирларига яқинлашгач, ҳар иккаласи ҳам изтиробга тушдилар.

Лайли, унинг жонига ҳузур бергучи, мунгли таниш қўшиғини эшитди.

Мажнун эса бунинг насимидан баҳра топганидан, кўнглида фироқ ва аламлари қолмаган эди.

2810. Тезлик билан бир-бирларига етишдилар, ҳайҳот!.. Бундай висолга ким эришган экан?

Улар бир-бирлари билан танишдилар, шу чоқ руҳ бадан ҳарамига кириб келгаидек бўлди.

Ҳўни у нотавон, парчаланган баданга маъшуқи руҳ бўлиб кирди.

Муқаддас руҳ учиб келиб бадан тупроғи билан югурилиб кетди.

Буларнинг шу ҳоли, икки гавҳар бир қутида сақлангандек, икки қуёш бир бурчакдан чиққандек бўлди.

2815. Бир қадаҳга икки май қўйилди, бир ғунчадан икки гул очилди.

Бир жисмга икки руҳ сингиб, бир кўзда икки қорачиғ кўринди.

Васл ва иккиликни воқий айлаб, соқий ваҳдат (бирлик) қадаҳини тугди.



Бу бода бирини маст қилди,  
Ул бирини майпараст қилди,

Иўқ, пўқки, икиси маст бўлди,  
Ҳам иккиси майпараст бўлди.

2820. Бу турфаки гар ики эди от,  
Топилмас эди бағайри бир зот.

Икки қадаҳ оби зиндагони,  
Қўшулса, ким айру англар они?

Бу қанд эдию ул зулол монанд,  
Жазб айлади ул зулолни қанд.

Бу сув эди ул ҳубоб ҳосил,  
Бир оҳ ила ўлди анга восил.

Бир лаҳза сипеҳр ўлуб мулойим,  
Фитиа кўзин этти кеча нойим.

2825. Афлок вафоға бўлди боис,  
Афлок уйидин чиқиб ҳаводис.

Ами ила замонаи мушаъбад,  
Атрофиға даҳринг чекиб сад.

Ер эрди сипеҳру, давр ёвар,  
Ақл айламайин бу ишни бовар.

Ҳар неки ҳисоби офариниш,  
Айлаб ул иковга васл хоҳиш.

Ўргамчи шабоққа жулни тирмаб,  
Тумшуғини ришта бирла чирмаб.

2830. Хуффошки сайри давр топиб,  
Оламға қаноти парда ёпиб.

Юзига тушуб бўри қулоғи,  
Андни ёпилиб кўзи чароғи.

Ногоҳ уку чекмагай дебон ун,  
Тумшуғи этиб кўзини чобун.

Қўйчи итин уйқу деви босиб,  
Қўйлар юнги риштасидин осиб.

Бу май бирини маст қилган бўлса, бошқасини майпараст қилди.

Йўқ-йўқ, балки икки маст, ҳам майпараст бўлди.

2820. Бу икки ошиқ-маъшуқларнинг исмлари гарчи икки хил бўлса ҳам кўринишлари бир жисм эди.

Икки қадаҳдаги обиҳаёт қўшилса, ким уни ажрата олар эди?

Буниси қанд, у бири эса сув эди, қанд бўлса у сувни ўзига шимиб олди.

Буниси сув эди, у бири эса сувдан ҳосил бўлган кўпиклар бўлиб, бир оҳ билан унга етишди.

Дунё ҳам бирпас ўз ҳовридан тушиб, тун бутун азоб-кулфатларнинг кўзига уйқу берди.

Жаҳон эса вафо билан тўлиб, бутун бахтсизликлар фалакнинг уйидан чиқиб кетди.

2825. Маккор замона омон-омонлик билан, оламнинг атрофига ёмонликлар ўтмасин деб сад чекди.

Буларга фалак ёр бўлди, даврон ёварлик қилганидан, бу ишга ақл бовар қилмас эди.

Жаҳондаги барча махлуқотлар, шу пайтда ҳар иккаласининг васлини тилар эдилар.

Ўргамчи ҳам шувоққа ўралиб, иплари билан ўз тумшугини боғлаб олган эди.

2830. Кўршаналак ҳам сайр қилишдан чарчаб, қаноти билан оламга парда солган эди.

Бўрининг эса қулоқлари юзига тушиб, кўзининг чироғи ҳам ўчган эди.

Укки бўлса ногоҳ овоз чиқариб юбормаслиги учун, тумшугини парларн ичига олган эди.

Қўйчи итини уйқу деви, ҳар бир жунига кириб олгандек, босиб олган эди.





Макр ила саводи апбаролуд,  
Дўлту тўшугига солибон дуд.

2835. Осуда чаранлаву паранда,  
Уйқуда газандаву даранда.

Имдод аён қилиб табойиъ,  
Бўлмасқа бу навъ васл зойиъ.

Не гард қўруб, не ел равона,  
Сув сокишу чекмай ўт забона.

Епмоққа ҳаво мизожи мойил,  
Утнинг кураси юзига ҳойил.

Ҳам парда тироз ўт ҳарири,  
Инмасга сипоҳи замҳарири.

2840. Ул доғи фалак юзин тутуб пск.  
Бир-бир юзини тўққуз афлок.

Нахсиятидин кечиб савобит,  
Сайёри саодат ичра собит.

Ой курсида йўқ зиё нишони,  
Ер анга қуёш кўмочдони.

Тонг отқуча юммайин кўзин тийр,  
Айлар эди «инякоду» таҳрир.

Зухра не ўқуб, не чолибон чаиғ,  
Парда аро кирмак айлаб оҳанг.

2845. Кўш шамъики ер тубига бориб,  
Хилват кеча шамъни чиқориб.

Баҳром чекиб сипон, солиб шўр,  
Ким боқса ёмон кўз айлагай кўр.

Биржис қўл очибон дуоға,  
Фурсат тилаб икки дилрабоға.

Нахсиятидан Зуҳал юмуб чанг,  
Тунга берур эрди юзидин ранг.

Бу анбаролуд қоронгу кеча, макр билан тулкининг уяси-  
га тутун солган эди.

2835. Парранда ва ҳашаротлар (чаррандалар) тинчланиб, га-  
запта ва йиртқичлар уйқуга толган эдилар.

Бундай васлниг зое кетмаслиги учун, табиат ҳам мадад  
кўрсатарди.

Не гард учиб, не ел эсар эди, сувлар ҳам жимгина оқиб,  
ҳеч қандай ўтнинг ёлқини кўринмас эди.

Ҳаво ўт куррасининг юзини тўсиб олишга мойил эди.

Совуқлиқ сипоҳи тушмасин учун, ўтнинг пардаси тўсқин-  
лик қиларди.

2840. Шу совуқлиқ фалак юзини бутун қоплаган ва тўққиз фа-  
лак бир-бир устун тўсган эди.

Ҳаракатсиз юлдузлар эса, бахтсизлик келтиргучи ниятла-  
ридан воз кечиб, саодат бағишловчи юлдузлар орасидан  
ўрин олдилар.

Ойнинг кулчасида нур ҳам кўринмас эди, у қуёш кўмачдо-  
нига кўмилган эди.

Аторуд ҳеч кўзини юммасдан, «кўз тегмасин» оятини ёзиб  
турар эди.

Зухра юлдузи ашула қилмай, чапг чалолмай, парда ичига  
яширинмоқчи эди.

2845. Қуёш шами ер тагига ботиб, хилват кеча ўз шамини  
чиқарган эди.

Миррих юлдузи пайзалари билан, ҳар ким ёмон кўз билан  
қараса кўр қилмоқчи бўлиб турар эди.

Муштари эса шу икки дилрабога фурсат тилаб, қўл очиб  
дуо қилар эди.

Зухал юлдузи эса бахтсизлик ёғдиришдан номус қилиб,  
тунга ўз юзидан қора ранг берар эди.



Тун қирға булғабон қўлини,  
Берк айлар эди саҳар йўлини.

2850. Совуқ нафасини урмайин субҳ,  
Туи кулларини совурмайин субҳ.

Содиққа нафас урар ҳавас йўқ,  
Козибга худ ул кеча нафас йўқ.

Тун дуди тутуб фалак хамини,  
Тутмиш эди субҳлар дамини.

Йўқ элга ёруғ чароғи бениш,  
Уйқу аро қолиб офариниш.

Ул икки нечукки бахти бедор,  
Бўлуб бири-бирга масти дийдор.

2855. Йиллар бўлган фалак хилофи,  
Бир кечада топибон талофи.

Чирмаштилар ўйлаким тану жон,  
Ё сарви сиҳио ишқпечон.

Гоҳи бу ўпуб анинг аёқин,  
Гоҳ ул ислаб мунунг сатоқин.

Бу гоҳ қилиб қўлини қуллоб,  
Ул танға сочи киби уруб тоб.

Ул гоҳ тутуб мунунг қўлин туз,  
Гаҳ суртубон анга куз, гаҳи юз.

2860. Бу гоҳ очар эди қулочин,  
Чирмар эди қўлга ёр сочин.

Яъни анга ганжиким ҳавасдур,  
Чирмашса йилон ажаб эмасдур.

Ул гоҳ мунга аён қилиб дард,  
Жўлида сочидин оришиб гард.

Яъни бу саводи ғам ғубори,  
Беҳким менга нофаи татори.

Мажнун соғиниб ўзини Лайли,  
Айлар эди нозу ишва майли.

Тун ҳам зулматга қўлларини булғаб, саҳар йўлини тўсар эди.

2850. Тонг совуқ нафасини (тонг шабадаси) урмас, ва тун куллариини ҳам совурмас эди.

Чин тонг нафас олишга ҳам ҳавас қилмас, ёлгон тонгга эса бу кечада ўрин ҳам йўқ эди.

Фалак гирдини тун дудлари тутиб, тонгнинг дамини қайтарган эди.

Элдаги ақл чароғида ёруғ ҳам йўқ, бутун маҳлуқот чуқур уйқуга толган эди.

Улар иккиси бахти уйғоқ кишилардай, бир-бирларининг дийдоридан маст бўлган эдилар.

2855. Фалакнинг йиллар бўйи давом қилган хилоф одати, ҳаракатлари бир кечада тузалган эди.

Сарв дарахтига чирмашган печак гулдек, бу икки тан ва жон бир-бирларига чирмашдилар.

Гоҳ Мажнун, Лайлининг оёғини ўпар, гоҳ Лайли унинг иягини силар.

Гоҳ Мажнун қўлларини ҳалқа қилиб, Лайлининг танига сочи каби ўрар.

Гоҳ Лайли, Мажнун қўлини силар, гоҳ юзини, гоҳ кўзини суртар эди.

2860. Гоҳ Мажнун қулочини очиб ёрининг сочини қўлига чирмар эди.

Яъни у хазинаники ҳавас қиларкан, унга илон тармашиб қолса таажжуб эмас!

Лайли гоҳ ўз дардини изҳор қилар экан, Мажнуннинг тартибсиз сочларидан чанглариини артар эди.

Яъни бу қора ғамнинг ғубори-чанги, тоторнинг хушбўй атиридан ҳам менга яхши дер эди.

Мажнун ўзини Лайли фаҳмлаб, нозу ишвалар қилар эди.



2865. Лайли ўзини соғинди Мажнун,  
Шукр эттики, ёри эрди мақрун.

Ул бу бўлдию лек бу ул,  
Топмади арода иккилик йўл.

Ҳар ишқи ўтуб ҳалокликдин,  
Айру эмас эрди покликдин.

Ишқ аҳли бу навъ ўлсалар пок,  
Гар васл муаббад ўлса небок?

Ошиққи муроди ком бўлғай.  
Ошиқлиқ анга ҳаром бўлғай.

2870. Алқисса ул икки ёри дилбанд,  
Чун бўлдилар ўйла васл пайванд.

Пайванди сипехрининг узулди,  
Оҳанги жафо яна тузулди.

Елғон куларига бўлди роғиб,  
Ким қилди тулуъ субҳи козиб.

Чун субҳ шарори тоғдин ошти,  
Мажнун юрагига ўт туюшти.

Лайлидин ўлуб тараб гурезон,  
Тонг шамъидек ўлди ашк резон.

2875. Билдилар иковки чархи бемехр,  
Ўз меҳрига зоҳир этгуси чехр.

Юз узр пла қўпти сарви навҳез,  
Наргисларин айлаб арғувон рез.

Шарҳ эттики фитнаи ҳаводис.  
Оқшом не иш этмиш эрди ҳодис.

Яъни: «Тураримға юз жиҳатдур,  
Борсам дағи айни маслаҳатдур».

Бағри ярасин бу доғи сўкти,  
Баъзи кеча ўткан ишни тўкти.

2880. Бир-бирларининг ўпуб аёғин,  
Тоза қилибон фиरोқ доғин.

2665. Лайли ҳам ўзини Мажнун ҳисоблаб, ёрга яқин бўлганлигига шукур қилар эди.

Мажнун Лайли бўлиб, Лайли Мажнун бўлди-ю, ораларида иккиликка ҳеч йўл қолмади.

Қўп ҳалокатли ишларни бошларидан ўтказган бўлсалар ҳам, покликдан ажрим эмасдилар.

Ишқ аҳли булардек пок бўларкан, уларга абадий васл муяссар бўлса нима ажаб?

Нафс мақсадида ошиқ бўлганлар учун ошиқлик ҳаромдир.

2670. Бир-бирига кўнгил берган шу ошиқ-маъшуклар, шундай қилиб васлларига эришдилар.

Осмоннинг пайванди узилиб, жафо юриши яна бошланди.

Елгон кулишларга роғиб бўлиб, ёлгон тонг ҳам кўрина бошлади.

Тонгнинг учқунлари тоғдан ошгач, Мажнун юрагига ўт туташиди.

Лайлининг ҳам шодлиги қочиб, тонг шами каби кўз ёшларини тўкди.

2675. Ҳар иккаласи ҳам бемеҳр фалажнинг ўз қуёшига юз кўрсатажагини билдилар.

Янги ўсган сарв (Лайли) ўз узр-ҳурматлар билан ўридан туриб, инаҳло кўзларидан арғувон доналар тўкди.

Уша оқшомда бошига тушган бахтсизлик ва кулфатларни бир-бир шарҳ қилиб деди:

«Менинг бу ерда туришим қанча яхши бўлса ҳам, лекин қайтишим маслаҳатроқдир».

Ҳар иккиси ҳам ўша кеча, бошдан ўтказган воқиаларни айтишдилар.

2680. Бир-бирларининг оёғларини ўпиб, айрилиқ доғини тозаладилар.

Девонаға қолди ғам туни дард,  
Уз буржиға чиқти моҳи шабгарл.

Хуш давлат эрур висол шоми,  
Очилмаса субҳи ҳажр доми.


Ул шом юз илча гар ҳавасдур,  
Чун субҳ дам урди бир нафасдур.



Ғамли туннинг дарди девонага қолди; кечалари дайдиб юривчи ой ҳам ўз минорасига чиққан эди.

Агар айрилиқ тонгининг банд — тузоғи очилмаса, висол шомининг ўзи яхши давлатдир.

2883. Юз йилларча у шомнинг ҳаваси бўлсада, тонг дам ургач унинг бир нафас эканлиги билинади.







## ИЙГИРМА ТУРТИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг Нажд тоғига чиқиб, ўз Лайлисини ёдлаб кийикка қараб айтган сўзлари*

**А**

фсонасаройи дардпарвард,  
Мундоқ деди бу фасонаи дард.

2885. Ким ул кечаким ики дилором,  
Бир-бирининг васлидин олиб ком.

Дашт узра бириси қолди ёлғуз,  
Қўйди бириси қабилага юз.

Холи қолиб эрди хиргаҳи моҳ,  
Солди ўзин анда моҳи хиргоҳ.


Эл бўлмади ҳолидин хабардор,  
Ким васлидин ўлди баҳрабардор.

Ул зумраи номурод ғофил,  
Ким бўлди анга мурод ҳосил.

2890. Чун субҳ куёвдек айлаб оро,  
Жилва била бўлди ошкоро.

Танги нафас этти они асфар,  
Ул ранг илаким гул муасфар.

Соҳиб хафақон куёв кўз очти,  
Бошидағи эл сари сўз очти.



### ИГИРМА ТУРТИНЧИ БОБ

*Мажнуннинг Нажд тоғига чиқиб, ўз Лайлисини ёдлаб кийикка қараб айтган сўзлари*

Дардлар билан парвариш топган афсона куйловчи бу дардли афсонани шундай бошлайди:

2885. Уша кечаси икки дилором бир-бирлари билан учрашгандан сўнг

бири даштда қолди, бири ўз қабиласига, қараб кетди.

Ойнинг чодирини (яъни Лайлининг уйи) бўш қолган эди, шу чодирнинг ойи қайтиб борди.

Лайлининг ҳолидан эл-юрт хабардор бўлмади, унинг васлидан қим баҳра олганлигини ҳеч ким билолмади.

Ибни Салом тўдаси, мақсадларига етишолмасдан ғафлатда эдилар. Лайли эса ўз муродига етган эди.

2890. Тонг куёвдек безаниб, жилва билан кўринди.

Тонг нафаси бўғилганидан, сариқ садбарга гулга ўхшаб ранги сарғайган эди.

Хафақон касалига йўлиққан куёв кўз очиб, бошига тўпланган кишиларга:



Дедики кетурдилар амори,  
Азм айлади ўз висоқи сорп.

Ким заъфи қачонки бўлса зойил,  
Бўлғай яна айлар ишга мойил.

2895. Лайлики уй ичра тутти таскин,  
Ҳажр андуҳидин кўп ўлди ғамгин.

Ёр иси топиб эди димоғи,  
Оисиз бўла олмади фароғи.

Ҳам дардида бор эди қаттиғлиқ,  
Ҳам айшида бор эди ачиғлиқ.

Мажнуиғаки етти давлати васл,  
Фаҳм этмаган эрди лаззати васл.

Қуюб ғам ўтиға ўйлаким хас,  
Васл оти эшитур эрдию бас.

2900. Чун васл ила тоза бўлди жони,  
Нўш этти юз оби зиндағони.

Тўкти бу ҳаёт иўшин айём,  
Тутти яна заҳр тўлдуруб жом.

Ҳажрики анга мураттаб ўлди,  
Аввалғидин эмди асъаб ўлди.

Кўнгли аро юз балойи ҳойил,  
Бўлди, яна Нажд сори мойил.

Ул қулакки Нажд дерлар они,  
Ёр узра келиб сипеҳри сони.

2901. Авжики етиб фалак симонн,  
Қоплондин олиб қамар низонн:

Ҳам қоплонидин асадға эмгак,  
Ҳам таккаси жадй бирла ҳамтак.

Гулгунау вусмадин юзи фард,  
Яъники йўқ анда сабзау вард.

Қолқониға ойнинг уруб тиг,  
Бал меҳр юзига тегуруб тиг.

Амори (кажава) келтиришни буюрди ва ўз саройига жўнади.

Касаллиги қачон тузалса, яна ўз ишини бошламоқчи эди.

2995. Лайли ўз уйига келиб, кўнгли таскинлангач, яна ҳижрон алаmidан кўп ғамга тушди.

Унинг димоғи ёр бўйини искаганидан, бир зум ҳам тинчи-ёлмас эди.

Ҳам дардининг қаттиқлигини чекар, ҳам айшининг аччиқлигини сезар.

Мажнун васл давлатига эришган бўлса ҳам, васл лаззатини сезолмаган эди.

У, ғам ўтида хас каби ёниб, васлнинг отинигина эшитарди, холос.

2996. Энди бу васл билан юзларча обиҳаёт сувини ичгандек жони тоза бўлди.

Замона бу ҳаёт сувини тўкиб, ўрнига яна заҳар тўлган жомни тутди.

Ҳажри шу даражага етгач, аввалгидан ҳам мушкулроқ ҳолга тушди.

Кўнглига юзларча балоларнинг ваҳимаси тушгач, яна Нажд тоғига жўнади.

Нажд деб аталган у чўққи ер юзининг иккинчи осмони ҳисобланади.

2997. Унинг учи фалакнинг қулоғини тешиб, қоплоннинг ўчини ойдан олган.

Наждаги қоплондан, осмон шерига (асадига) кулфат етарди, такаси (эчкиси) эса, осмоннинг такалари (жаддилари) билан баравар югурар эди.

Унинг кўксида ўсимликлар кўкармаган эди, на гуллар на сабзалардан асар бор эди.

Унинг учлари ойнинг қалқонига тигдек тегар, балки қуёшнинг юзига ҳам етар эди.



Тиғи уза пора-пора хора,  
Андоқки қиличда сангпора.

2910. Хоро эди жисми кўҳ то кўҳ,  
Ошиққа нечукки кўҳи андуҳ.

Ошиққа жафо қилур учун фош,  
Қўйнию этаклари тўла тош.

Ҳар хор анга ҳажр нешидек тез,  
Ҳар хора фироқдек гамангез.

Мажнунға бу тоғ авжи маскан,  
Ул авжда хорарўбу хаскан.

Яъни буки тутқоч анда манзил,  
Манзури эди бори қабонил.

2915. Лайли ҳашамин қилиб нишони,  
Кўзидин итурмас эрди они.

Бу навъ қилиб ғамиға чора,  
Ул ҳайни қилур эди назора.

Чиқса эди ул қабиладин дуд,  
Айлар эди кўзни сурма андуд.

Гард ўлса фалак сори аламкаш,  
Бор эрди кўзига тўтиёваш.

Урди яна ул тараф қадамни,  
Тортиб яна оҳи дам-бадамни.

2920. Ул тоғ уза чикти оташангез,  
Андоқки бийнкка ўт чиқар тез.

Тикти яна ул қабилаға кўз,  
Де бошлади ўз-ўзи била сўз.

Даврида вуҳуш бўлди пайдо,  
Ҳуш ичра алар, вале бу шайдо.

Гирдида туюр бўлдилар жамъ,  
Парвона алар, вале бу шамъ.

Бу навъ бўлуб шиори онинг,  
Ул хайл ила рўзгори онинг.



Унинг қиррасидаги тош парчалари, худди қиличнинг тепасига қўйилган тошлардек эди.

2910. Ошиқдаги қайғу тоғидек, унинг борлиги тошдан иборат эди.

Ошиққа жафо кўрсатиш учун, унинг қўйни ва этаклари тош билан лиқ тўлганди.

Ҳар бир тикани ҳажр нишидек ўткир, ҳар бир тош парчаси эса, фироқдек ғам келтиргучидир.

Бу тоғнинг учи Мажнунга жой бўлиб, унда Мажнун тош парчаларини тозалар, хас-хашакларини супурар эди.

Мажнун бу тоғ учини ўзига манзил этгач, бутун қабилалар кўзига кўриниб турар эди.

2915. Лайли уйини мўлжалга олиб, ундан кўзини ҳеч узолмас эди.

Ҳай қабиласига қараш билан, ўз ғамига чора топмоқчи бўларди.

Уша қабиладан чиққан тутунни кўзига сурма қилиб суртар эди.

У қабиланинг тоғ каби осмонга чиққан чанглари, Мажнуннинг кўзига тўтиё эди.

Дамба-дам оқ тортиб, яна ўша тарафга юрди.

2920. Кўкка кўтарилган ўтга ўхшаб, Мажнун ҳам алангадек тоғ устига чиқди.

Яна ўша қабилага кўз тикиб, ўз-ўзича сўзлашди.

Уни ваҳший ҳайвонлар давра қилиб ўраб олдилар, уларнинг ҳушлари жойидаю, бу беҳуш шайдо эди.

Атрофига қушлар жам бўлдилар, улар парвона, лекин бу шам эди.

Унинг иши шундай бўлиб, ҳайвон ва қушлар билан куни ўтар эди.



2925. Ул ваҳшики эрдилар жалиси,  
Бир жайран эди анинг аниси.

Қим кўзию бўйни шўху позук,  
Ҳам пайкари шахси чусту чобук.

Сурат анга лутф хомасидин,  
Нофа анга жон шамомасидин.

Девонаға ёру ошно ул,  
Такъя қилур ўлса муттако ул.

Бўйнин кучар эрди кўргузуб меҳр,  
Суртар эди чеҳрига анинг чеҳр.

2930. Ашкин аритиб қулоғи бирла,  
Жисмини қашиб тувоғи бирла

Васфи ора соз этиб тарона,  
Дер эрди қулоғиға фасона:

«Кей дилшудаларга ошно хўй,  
Бошдин-оёғингға ошно рўй.

Молида танинг ипак кийиб жум,  
Остнингда ипак ерига қоқум.

Ҳам тоза куфул била сарининг  
Ҳам турфа узор ила жабининг.

2935. Оғзинг аро лоладин навола,  
Тилдин қолиб анда барги лола.

Тишлар сенга лола узра мўлдур,  
Мўлдур демайинки риштаи дур.

Килмоқ била лола баргидин қут  
Эрнинг топибон дур узра ёқут.

Ранг ичра ики кўзунг қароси,  
Позаҳри ила қаро ароси.

Юз нўшдин элга еткуруб баҳр.  
Ҳар кўз юмуб очқуча бу позаҳр.

2940. Ё қатл қилурға келди хашминг,  
Позаҳрдин ўлди заҳр чашминг?



2925. Ваҳший ҳайвонлар унинг ҳамсуҳбати бўлиб, бир жайрон унинг дўсти эди.

Бу жайроннинг бўйни нозик, кўзлари шўх, баданлари маҳкам, оёқлари енгил, чопонғич эди.

Унинг сурати лутф қалами билан чизилган эди, жони эса нофамушкнинг хушбўй ҳидидан эди.

У жайрон бу девонанинг ёр ва ошнаси, суянганда суянчиғи эди.

Мажнун меҳрибонлик билан жайроннинг бўйинини қучоқлар ва юзини-юзига суртар эди.

2930. Жайрон эса қулоғи билан Мажнуннинг кўз ёшларини артар, туёқлари билан баданини қашир эди.

Мажнун унинг васфини куйлаб, қўлоғига афсоналар айтар эди:

«Эй, ошиқларга ошна табиатли ва бошдан-оёғигача дўстлик меҳри тўлган.

Силлиқ танларингга ипак кийим кийибсан, тагингда эса ипак ўрнида қоқим-майин жунинг бор.

Елканг ва сағринг тоза, пешона ва бетларинг чиройли.

2935. Емагинг лола бўлганидан, оғзингда лоланинг бир барги тил бўлиб қолибди.

Тишларинг лола устига тушган шабнамдир, уни шабнам демайин, балки ипга тизилган дурдоналардир.

Шу лола баргидан озиқланганинг учун, дудоғинг дур устидаги ёқутга айланибдир.

Икки кўзингнинг қоралиги позаҳр (заҳарни тўхтатадиган) билан қаро орасида алоҳида ранг касб этибдир.

Кўзингнинг ҳар очилиб юмилиши, элга юзларча асалдан баҳра етказди.

2940. Е аччиқланиб одам ўлдиришга қасд қилдингмики, позаҳр билан кўзинг заҳарга тўлибди?



Позаҳр дема, қаро бало ул,  
Жон бирла кўнгул аро бало ул.

Лайли кўзидек фусунгару шанг,  
Бесурма, валеk сурмаги ранг.

Нозук қаламинг назарда мутлақ,  
Йўнғон қаламидурур учи шақ.

Туйноқ эмас англасам камоҳи,  
Юқмиш қалам учиға сиёҳи.

2945. Раъно сўнгакинг сўнгакка пайванд.  
Андоқки қаламда ҳам бўлуr банд,

Бу турфаки ёзғали рақамни,  
Йўнмишсен бандлиқ қаламни.

Ушбу қаламинг била хиром эт,  
Лайли ҳашами сари мақом эт.

Чиққанда баҳор гашти сори,  
Гар тушса сенинг сори гузори.

Давр айла бурун, югур қироқдин,  
Эврул бошиға, вале йироқдин.

2950. Чун давр ила айласанг таку пўй.  
Тупроққа ҳар ўн қадамда юз кўй.

Тут сайрда йўл валеk мендин.  
Хоки раҳи бўл валеk мендин,

Ҳам юзни сенинг юзингга суртай,  
Ҳам кўзни сенинг кўзунгга суртай.

Ул ёнки хиром этар равон бўл,  
Лола била гул аро ниҳон бўл.

Етгач оёғиға сурт юзни,  
Хоки қадамиға икки кўзни.

2955. Бўзлаб ғамим айла ошкоро,  
Мунграб мунгум айт бемадоро».

Бу навъ кийик била ниёзи,  
Қушлар била ўзга навъ рози.

Уни позаҳр демайин, балки жон билан кўнгил орасидаги қора балодир.

Жоду кўзинг Лайлиникидек шўхдир, ўзи сурмасиз бўлса ҳам доим сурма рангдир.

Нозик оёқларинг йўнилган ва учи кесилган қаламга ўхшаб кўринади.

Билсам, туёғинг қалам учига юққан сиёҳи экан.

2945. Бўғимли қамиш қаламдек, нозик суюкларинг ҳам бир-бирига пайванддир.

Таажжубки хат ёзиш учун, бўғинлик қалам очибсан.

Шу қаламинг билан юриб, Лайли саройига бориб жойлангин.

У баҳор гашти билан чиққанда, сен тарафга қараб юрса,

четроқ жойда давра олиб, узоқдан туриб, бошидан айлан.

2950. Унинг атрофида чопиб, айланганинда ҳар қадамда тупроққа юз қўйгин.

Менинг учун сайрининг йўли ва йўлининг тупроғи бўлгин.

Ҳам юзимни юзингга, ҳам кўзимни кўзимга суртайин.

У, хиром этган томонга сен ҳам равон бўл, лола ва гуллар орасига беркингин.

У келгач, оёғига юзингни ва қадамнинг тупроғига икки кўзингни суртгин.

2955. Бўзлаб менинг ғамимни ошкоро этгин, ҳўнграб ғариблигимни ва мунгимни айтгин».

Мажнун кийикка шундай ёлвориб, қушларга ўзгача ҳасрат қиларди.



Ҳарбирга деб ўйла қиссаи ғам,  
Қим қуш тили ёлбориб дамодам.

Жон сафҳаси ўзра нома ёзиб,  
Ҳар лафз ёзарда кўнгли озиб.

Жон риштаси бирла номани чуст,  
Боғлабон алар қанотиға руст.

2960. Гаҳ тайри ҳаводин айлаб иълوم,  
Гаҳ боди сабодин айлаб иълум.

Кўнгли ҳаваси висоли бирла.  
Лекин бу ҳавас хаёли бирла.

Ул васлки топмиш айлабон ёд,  
Онинг била кўнглин айлабон шод.

Юз йил киши ҳажр аро чекиб дард,  
Бўлса нафасе висол парвард.

2964. Ғам йўқ яна бўлса ҳажр пайваст,  
Ул ҳам сенга, ваҳки, бермади даст!



Қушларнинг ҳар бирига дам-бадам қуш тили билан ёлбориб ҳам қиссасини айтар эди.

Жон саҳифаларига нома ёзаркан, ҳар дамда ҳушидан кетар эди.

Бу номани жоннинг иплари билан уларнинг қанотига маҳкам боғларди.

2960. Гоҳ ҳаводаги қушлар билан, гоҳ тонг шабадасидан хабар юборар эди.


Қўнгли висол ҳавасига тушса ҳам, лекин бу ҳаваслар хаёлда эди.

Мажнун, Лайли билан топишган вақтларини ўйлаб, қўнгли шод бўлар эди.

Киши ҳижрон дардини юз йил тортиб, бирдам бўлсин висолга эришса, ундан сўнг

2964. айрилиқ устига, айрилиқ келса ҳам ғами бўлмайди, афсуски ўша дам сенинг қўлингга кирмади!





### ИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

*Мажнун ота-онасининг ўлими ва Мажнун-нинг бу воқияни тушида кўриб уларнинг қабрига келиб йиғлагони*

Б

у базми ғам ичра дардпарвард,  
Бу навъ чекар суруди пурдард:

Ким Навфал уйидин ул жигархун,  
Яъники ғариб хаста Мажнун,

Чун бодия сори азм қилди,  
Тонглаки ото-оноси билди.

Баским келибон улус уёти,  
Қатъ ўлди икисининг ҳаёти.

Озим бўлуб уйга зорлиғдин,  
Эл олида шармисорлиғдин.

<sup>2970.</sup> Юзланди отосиға иситмоқ,  
Тер суйини жисмидин илитмоқ.

Бистар уза ётти дард бирла  
Иссиғ теру оҳи сард бирла.

Кўпроқ неча қилдилар иложи,  
Сиҳҳатқа юз урмади мизожи.

Ҳикмат эли кўргузуб маҳорат,  
Кам бўлмади таъбидин ҳарорат.



### ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ

*Мажнун ота-онасининг ғлими ва Мажнун-  
нинг бу воқияни тушида кўриб, уларнинг  
қабрига келиб йиғлиғони*

Бу ғам базмида дардга тўлган, кўп дардли навҳаларни шу хилда куйлайди:

У жигар қон, яъни ғариб, хаста Мажнуннинг Навфал уйдан чиқиб,

даштга қараб кетганини эрталаб ота-онаси билгандан сўнг,

эл-юрт олдида уятга қолган ота-онанинг ҳаёти тор-мор бўлди.

Эл ичида шармисор бўлганидан ва алам билан куйганидан ҳар иккиси уйига қайтганларида.

<sup>2970.</sup> отасини иситма тутди, бадани терга пишди.

Дард билан касаллик тўшагига ётиб иссиқ терга ботиб, совуқ оҳлар тортди.

Касални тузатиш учун кўп илож-чоралар қилсалар-да, тани саҳат топмади.

Илм аҳллари ва табиблар қанчалик маҳорат кўргазсалар-да, табиатидан ҳарорат кетмади.



Шарбат киби ичса эрди кофур.  
Табъи ўти айлар эрди махрур.

2975. Чун нахли ҳаёт бўлди беварг,  
Шарбат бўлур элга шарбати марг.

Гар берса табиб тухмиёна,  
Бил заҳри гияҳ бутарга дона.

Ич қабз топар таранжабиндин.  
Сафро ортар сиканжабиндин.

Бўлур таъвиз бирла афсун.  
Боис бори ранж ўлурга афзун.

Бас муҳлик эди мариз ранжи.  
Бўлмади илож чора санжи.

2980. Чун етти суруши осмони,  
Топшурди вадияти ниҳони.

Азм айлади тайри сидра маскан,  
Ўз масканин этгали нишеман.

Юзланди қабилаға азойи,  
Сўг аҳлиға тушти ҳой-ҳойи.

Бу воқиа ичра нотавон зол,  
Андинки дегайлар ўлди бадҳол.

Бир ёндин ўғул ғаму шиканжи,  
Бир ёндин абушқа дарду ранжи

2985. Баским ўзин этти пора-пора,  
Йўқ эрди ҳаётинин шумора.

Оқ сочин узубки елга берди,  
Бир тор заиф жисми эрди.

Они доғи гунбази жафокўш,  
Ўз жуфтиға айлади ҳамоғўш.

Гар ўғли фироқи бирла кетти,  
Не бўлса абушқасига етти.

Туттилар анинг дағи азосин,  
Кийдилар анинг дағи қаросин.



Кофурни — оқ доруни шарбат каби ичган сари, баданидаги ҳарорат ўтга айланиб кетар эди.

2975. Вақтики ҳаёт дарахти баргсиз қолса, ундай кишига бирдан-бир шарбат, ўлим шарбати бўлади.

Агар табиб касалга ҳаб дори берса, унинг доналаридан заҳарли гиёҳлар ўсади.

Табибнинг таранжабин (ични юмшатадиган) дориси касалнинг ичини қабзият қилар, исканжабин (сафро моддасини йўқотадиган) дориси бўлса сафрони кўпайтирар эди.

Касал учун қилинган бутун тумор, жодугарлик ва дуохонликлар касалнинг азобини яна ҳам оширишга сабаб бўлар.

Касаллигининг азоби қўрқинчли бўлганидан бу азобларни тўхтатишга илож топилмади.

2980. Кўқдан: «Омонатни бер!» деган товуш келганидан сўнг, ўзидаги жон омонатини топширди.

Унинг юқорига учувчи руҳи ўз жойига бориб ўтирди.

Қабила азада қолиб, ғам аҳли оҳ-войга тушди.

Бу воқналарнинг ичида қолган нотавон кампирнинг аҳволи жуда оғирлашди.

Бир ёқдан ўғил ғами билан қийналиш, иккинчи ёқдан чолнинг дарду- ранжларини тортиб,

2985. натижада ўзини пора-пора этди, ҳаётидан ҳам бошқа умиди қолмаган эди.

Оқ сочини юлиб елларга учирди, кучсиз жисми ҳам бир соч толасидек бўлиб қолган эди.

Жафолар келтиргучи дунё, уни ҳам ўз жуфтнинг қучоғига солди.

Ўғлини кўролмасдан, унинг фироқида кетган бўлсада, лекин чолига етишди.

Қабила, бу бечора кампирга ҳам аза тутиб, унинг учун қора кийдилар.



2990. Гўристане муайян эрди,  
Ким ул ҳай элига мадфан эрди,

Чун егги кўз очмас уйқу чоғи.  
Ёндошти иковла анда доғи.

Мундинки не фиъл қилди гардун,  
Нажд узра хабарсиз эрди Мажнун.

Бир кун ошибон ичига қайғу,  
Келди нафасе кўзига уйқу.

Чун кўзлари бўлди роҳатомез,  
Кўргузди хаёли суратангез,

2995. Ким икки кабутари ягона,  
Бир уйда чиқордилар жавона.

Чун чиқти жавонаға пару бол,  
Чарх айлади они музтариб ҳол.

Ошуфта бўлуб димоғи ройи,  
Бўлмиш эди муддате ҳавойи.

Ота-онадин тамом узулди,  
Саҳройи хиял аро қўшулди.

Ул иккиси келтурурга они,  
Парвоз ила туттилар ҳавони.

3000. Топтилару ром бўлмади ҳеч.  
Жўёйи мақом бўлмади ҳеч.

Ёндилар алар иковла навмид.  
Ким бўлди аён балоёи жовид:

Юққоридин инди икки бургут,  
Қилдилар ики ҳамомани қут.

Чун воқиа кўргучи кўз очти,  
Кўздин қонлиғ сиришк сочти.

Чун истади ул тушига таъбир,  
Ўз ҳолиға дол топти бир-бир.

3005. Ёилдики ото-оноси ўлмиш,  
Хуршеди ҳаёти тийра бўлмиш.

2990. Уша ерда бир гўристон бўлиб, унда Ҳай қабиласининг одамлари дафн этиларди.

Абадий кўз очмас уйқу чоғи келиб, иккови ҳам ўша ерда ёндошдилар.

Фалакнинг бундай ишларидан Нажд тоғида юрган Мажнун хабарсиз эди.

Кунлардан бир кун унинг қайғуси жуда ошиб, кўзига бир нафас уйқу кирган эди,

Кўзлари уйқуга ботиб, роҳатлангач, қизиқ бир туш кўрди:

2995. Қараса, икки каптар бир уйда бола очган,

каптар боласининг қанотлари ўсгач, замона уни изтиробга солди.

Паришон хотир бўлиб, бу каптар бир муддат ҳавойи бўлиб қолди.

Ота-онасидан тамом ажралиб, саҳродаги жониворларга қўшилди.

Ота-онаси, яъни нар ва мода каптарлар уни келтириш учун хавога парвоз этдилар.

3000. Улар ҳамма жойни ахтариб, уни топсалар ҳам, каптар бола ота-онасига ҳеч қулоқ солмади, уларнинг айтганига кўнмади.

Улар иккови ноумид бўлиб қайтганларида, абадий бир балога учраб қолдилар:

Юқоридан икки бургут учиб келиб, бу икки каптарни бир луқма қилади.

Бу тушни кўрган Мажнун кўзини очиб, қонли ёшлар тўкди.

Бу тушнинг таъбирини билмоқчи бўлар экан, бу аҳволни ўз ҳолига ўхшатди.

3006. Билдики ота-онаси ўлиб, ҳаётининг қуёши қоронғуланган экан.



Тоғдин қўпуб айлади қуйи майл,  
Ҳар қўлга тўкуб сиришкидн сайл

Ул ергача айлаб оҳу зори,  
Гом урдикки хайлининг мазори.

Қилди чу қубурни назора,  
Бўлди ики қабр ошкора.

Туфроғлар аро янги ясалғон,  
Ғам балчигидин юзи сувалғон.

3010. Устига ёғиб ғубори меҳнат,  
Бутгон аёғида хори меҳнат.

Меҳнат тиканидин очилиб вард,  
Райҳони машаққату гули дард.

Лоласидакнм, кўрунуб анбуҳ,  
Хуноби фироқу доғи андуҳ.

Тоши ушотиб нишот аёғин,  
Гарди ёшуруб тараб чароғин.

Вазън ики шамъким йўқилғон,  
Андуҳ шамоли тийра қилғон.

3015. Мадфунлари икки ғам сиришта,  
Ул навъки шамъ ичинда ришта.

Дема ики шамъи мунхасифдек,  
Ошиқ танида ики алифдек.

Қилғон ани жисми хоксори,  
Жони била кўнглининг мазори.

Чун кўрди ото-оно мазорин.  
Гўё чоқин урди жисми зорин.

Бошиға совурди опча туфроқ,  
Гўёки йиқилди бу куҳан тоқ.

3020. Тош урмоқ ила тани нажандин,  
Гўёки ойирди банд-бандин.

Чекмак била оҳ ўти духонин,  
Тор айлади даҳр хонумонин.

Тоғдан сапчиб пастга қараб югурди, селдек кўз ёшлар тўкди.

Қабиласининг кабристонигача оҳ-зор тортиб йиғлаб борди.

Қабрларни кўриб юрганида, икки қабрга кўзи тушди:

улар янги ясалган, ғам балчиғидан усти шувалган эди.

3010. Қабрларнинг устини кулфат чанглари босиб, унинг атрофига меҳнат тиканлари ўсган.

Кулфат тиканларидан қизил гуллар, машаққат райҳонлари ва дард гуллари очилган.

Қабрнинг лоласида эса беҳад фироқ қонлари ва ғам доғлари кўринар эди.

Тошлари шодлик пиёласини ушатиб, чанглари хуррамлик чирогини ўчирган эди.

Улар ғам шамоли икки шамни йиқитиб, ўчирганга ўхшайди.

3015. Бу қабрда ётганлар худди шам орасидаги пиликдек ғам билан қовушиб кетганлар.

Буларни ўчган икки шам дема, ошиқ калимасининг ичидаги алифлардир.

Жон ва кўнгилларининг қарори бўлган Мажнун, уларнинг танини шундай топтаган эди.

Ота-онасининг мазорини кўргач, уқубатлар тўлган бада-нига худди чақин теккандек бўлди.

Бошига жуда кўп тупроқлар совурганидан, гўё кўхна осмон бошига йиқилгандек бўлди.

3020. Азобланган баданига тошлар билан уриб, у баданнинг банд-бандидан айириб юборгандек бўлди.

Оҳининг тутунлари билан, дунёнинг хонумонини қорайтириб юборди.



Урди отаси мазорига бош,  
Ким кул-кўмак эгги бошин ул тош.

Чун чекти фиғони жон гудозин  
Мундоқ тўкти нуҳуфта розин:

«Кей бодия аҳли аржуманди!  
Кўк тоқиға ҳимматинг каманди.

3025. Не бодия, балки Макка то Шом,  
Дашт аҳлиға хони ниъматинг ом.

• Аъроби кироми зердастинг,  
Мендин етибон бори шикастинг.

Ҳам кўнглунг ўлуб ғамимда ношод,  
Ҳам умрунг ўлуб ишимда барбод.

Истаб мени бўлғали фароғинг,  
Мендин ўчубон ёруқ чароғинг.

Топмоқда мени сочиб дирамлар,  
Топмай мендин, бажуз аламлар.

3030. Гавҳар била зеблиғ тилаб бош,  
Бошиға ҳамул гуҳар бўлуб тош.

Захмингғаки истабон фатила,  
Доғ ўртагали бўлуб васила.

Тиғики тилаб нечукки поки,  
Ҳам андин ўлуб танингда чоки.

Шамъ истабон уй қилурға равшан,  
Андин куюб, уй демайки, хирман.

Яъни мени мубталони истаб,  
Икки юзи жум қарони истаб.

3035. Олиб бу қаро сенинг қароринг,  
Айлаб қарорўз — рўзгоринг.

Бу ғамда нетиб тирик бўлай, вой?  
Узрунгни не тил била қўлай, вой?

Амринг била чунки тутмадим йўл,  
Рухунгға нечук дейин биҳил бўл?

Отасининг мазорига бош урди, у тошлар унинг бошини  
янчиб йўқотиб юборди.

Шундай жон ачитгучи фиғонлар билан, яширин сирларини  
айта бошлади:

«Эй сахро аҳлининг азизи! Ҳиммагининг каманди осмон  
учигача етган!

3025. Маккадан то Шомгача бўлган бутун дашт аҳли, сенинг  
неъматингдан баҳраманд эдилар.

Араблар ичида ҳурматли кишилар ҳам сенга боқар эди-  
лар, сенинг бутун бахтсизликларинг мендан бўлди.

Кўнглинг ҳам менинг ғамимда ношод бўлди, умринг ҳам  
менинг ишим орқасида барбод бўлди.

Роҳат топаман деб мени истаган эдинг, лекин ёруғ чиро-  
финг мен туфайли ўчди.

Фарзанд деб кўп пуллар садақа қилдинг, лекин мени  
кўриб аламдан бошқа нарса топмадинг.

3030. Гавҳар билан бошингни зийнат бермоқчи бўлдинг,  
у, гавҳар бошингга тош бўлиб тегди.

Яраларингга қўймоқчи бўлган малҳаминг, уни куйдириш-  
га сабабчи бўлди.

Покидек ўткир тиг тиладинг, лекин ундан баданларинг  
тилим-тилим бўлди.

Уйингни равшан қилмоқ учун шам тиладинг, лекин у шам-  
дан бутун хонумонинг куйиб кетди.

Яъни мендек мубтало ва икки юзи қорани истадинг.

3035. Бу юзи қора сенинг ором ва қарорингни йўқотди. Рўзго-  
рингга қора кунлар туширди.

Эй вой, бу ғамларга қандай чидаш берайин, қайси тил  
билан тавба қилайин?..

Амринг билан йўл тутмадим, руҳингни қандай қилиб рози  
этайин?..



Ногоҳ ара мендин ўйла тўйдунг,  
Ким ғам тоғин орқам узра қўйдунг.

Бир-бир сўнгагим ушоттинг охир,  
Туфроқға танимни қоттинг охир.

3040. Ҳар нечаки бор эсам бад ахтар,  
Қилғон эса толийим рад ахтар.

Афв айла карам била гуноҳим,  
Руҳунгни — ўқ айла узрхоҳим».

Тош узра қилиб танини саркўб,  
Мижгонини айлабон заминрўб.

Чун бўлди ватан аноси тўри,  
Тушти яна олам ичра шўри.

Кўксин ёқа ўрниға қилиб чок,  
Урди юрагига тиғи бебок.

3045. Ерни тенгиз этти ашкидин сайл,  
Болиғдин ўлуб қубури ҳар хайл.

Қум устида лек тоби оҳи,  
Ўз жисмини этти тоба моҳи,

Тоба уза жисми сўзноки,  
Бугдой киби кўкси узра чоки.

Андоқ тани дарднок бирла,  
Йўқ, йўқки, бу жисми чок бирла.

Кўп абри баҳордек ўкурди,  
Каф сайл киби юзига урди.

3050. Қилди онасиға мўя оғоз,  
Юз дард ила бўлди навҳа пардоз:

«Кей жонима қибла, қиблама нур,  
Мушкунг бўлуб эмгакимда кофур.

Жоиум тараби кўзум чароғи,  
Кўнглум хуши хотирим фароғи.

Сен Қаъба менгаву мен тилаб дайр,  
Тавфинг сори ҳеч қилмайин сайр.



Ногоҳ мендан шундай тўйиб, ғам тоғини устимга қўй-  
динг-да,

суякларимни бир-бир ушатиб, танимни тупроққа кўмдинг.

3040. Ҳар қанча бадбахт ва толесиз бўлсам ҳам,

карам билан гуноҳимни кечиргин, руҳингни узрхоҳим қил-  
гин

деб бош ва танини тошга уриб, киприклари билан ерларни  
супурди.

Онасининг қабрига келиб тўхтагач, фарёд-фиғонлари  
оламга сиғмай кетди.

Еқа ўрнига кўксини чок қилиб, юрагига раҳмсиз тиғлар  
урди.

3045. Кўз ёшининг селидан ерлар денгизга айланиб, қабрлар эса  
балиқлар каби кўринди.

Оҳининг шиддатидан, қум устида тани қовурилган балиқ-  
қа айланди.

Тани, қизиган қумда кўкси чок бўлган буғдой донасига  
ўхшаб қолди.

Тани дард билан тўлган ҳолда, балки жисми чок бўлган  
ҳолда,

баҳор булутидек ўқуриб, сел каби юзига шапалоқ урди.

3050. Юз дард билан йиғлаб, онасига шундай марсияни ўқиди:

«Эй, жонимнинг қибласи, қибламнинг нури, қора сочла-  
ринг менинг азобларим билан оқарди.

Жонимнинг севинчи, кўзимнинг чироғи, кўнглим ҳуши,  
хотиримга роҳат

бергучи, сен Каъбам эдингу мен бутхонани тиладим, атро-  
фингда ҳеч сайр этмадим (зиёрат қилмадим).



Солиб сенга изтироб ҳардам,  
Қаъбамни қилиб хароб ҳардам,

3065 Қаъбам бўлмиш менинг харобим,  
Тенгрига не бўлғуси жавобим?

Жисминг садафида чархи авбош,  
Солғон эмиш инжу соғиниб тош.

Туққонда не бўлғай ўлсам эрди,  
Туғмоғон ила тенг ўлсам эрди.

Ўлмаё мени мудбири сияҳрўз,  
Бўдум сенга чун балойи жонсўз,

Меҳримға кўнгулни мойил эттинг  
Қўл маҳдим уза ҳамойил эттинг.

3070 Ҳар кун ичинга ишимда қайғу,  
Ҳар тун кўзунга ҳаром уйқу.

Уйқунгни ҳаром этиб фиғоним,  
Тинмай кеча зор йиғлагоним.

Кундуз-кеча меҳнатимда тинмай,  
Ичмакни, емакни ҳам соғинмай.

Гар луқмаи нонки айлабон қут,  
Андин гаразинг менга бўлуб сут.

Бу навъ умед илаки ногоҳ,  
Бўлса сенга золи чарх кинхоҳ.

3065. Меҳнат юкидин қадинг ҳам этса,  
Чин бирла юзунгни дарҳам этса.

Жисмингга зарурат ўлса бистар,  
Бошинг доғи бўлса такъя истар.

Мен ҳам қад ила туруб қошингға,  
Гардун киби эврулуб бошингға.

Қул янглиғ ўғуллуғунгни қилсам,  
Ўғул киби қуллуғунгни қилсам.

Ҳар навъ етишса чархдин банд,  
Менинг била кўнглунг ўлса хурсанд.

Ҳар вақт сени изтиробларга солиб, Қаъбамни хароб эгдим.

3055. Қаъбам хароб бўлгач, танрига нима деб жавоб бераман?

Ўз бошимча фалак, жисмингдаги садаф ичига инжу деб тош солибди.

Туғилган вақтимдаёқ ўлеам бўлмасми эди, кошки туғилмаганлар билан тенг бўлсам эди.

Мен бахтсиз, қора кунларда қолган, тирик қолиб сенинг жонингга бало бўлдим.

Сен менга меҳр қўйиб, қўлинг доим бешигимда бўлди.

3060. Ҳар кун мени деб қайгу ютдинг, тунларда уйқу кўзингга харом бўлди.

Кечалари тинмасдан зор-зор йиғлаб, уйқунгни қочирган эдим.

Кеча-кундуз менинг товушларим билан тинчлигингни йўқотиб, ичмоқ-емоқни ҳам унутган эдинг.

Бир бурда еган ноннинг ҳам менга сут бўлсин учун эди.

Умидинг шундай эди-ю, кампирга ўхшаган чарх сенга ўчакишиб,

3065. азоблар юки билан қаддингни букди, ажинлар тушириб, юзингни тарам-тарам қилиб юборди.

Бошинг ёстиққа етиб, бошингга суянчиқ керак бўлганда,

мен ҳам букилиб қошингда турсам, осмондек бошинга уйрилсам,

қулдек ўғиллигингни, ўғил бўлиб қуллигингни қилсам!

Фалакнинг ҳар хил тузоқларига тушганигда, мен билан кўнглинг хурсанд бўлса.



3070 Чун бўлди бу иш аён ҳамоно,  
Сен зору заифу мен тавоно.

Ҳам шайбга қолди хаста жонинг,  
Ҳам жилвагар ўлди навжувонинг.

Мундоқда мени лаими мудбир,  
Бўлмай нафасе қошингда ҳозир.

Шафқат била тутмайин қўлунгни,  
Кўз бирла супурмайин йўлунгни.

Ранжинг тани нотавонга қўймай,  
Ушбу миннатни жонга қўймай.

3075. Йўқ кам хизматлиғ айладим кўп,  
Кофири ниъматлиғ айладим кўп.

Сендин туну кун жудолиғ эттим,  
Билмаслигу бевафолиғ эттим.

Солғондек ўзумни телбаликка,  
Кўнглунг ола олмадим иликка.

Дардингга худ этмадим давойи,  
Бу турфаки ҳар нафас балойи.

Мендин сени нотавонга етти,  
Кўнглунг аламинда жонга етти.

3080. Гўёки бу ранжи бегарондин,  
Чиқтинг ғаму дард ила жаҳондин.

Мен ҳарзасаройи даштпаймой,  
Йўқким Мажнуни бесару пой.

Рухунгники равзадур паноҳи,  
Жанноти наим жилвагоҳи.

Мендин билсамки шод эмасдур,  
Ўздин ўзума бу зулм басдур.

Бечорамен ўзга найлагаймен.  
Дардимга не чора айлагаймен?».

3085. Деб бўйла суруди бенаволиқ,  
Ё навҳаки айлагай азолиқ.

3070. Ҳақиқатан шундай ишлар бўлдики, сен кучдан кетдинг,  
мен бўлсам улгайдим.

Хаста жонинг борган сари қариликка юз тутиб, мен ҳам  
ўсиб вояга етдим.

Лекин мен бахти қора, лаънати, бир нафас ҳам қошингда  
ҳозир бўлолмадим.

Шафқат билан қўлингни ҳам тутмадим, кўзим билан йўл-  
ларингни супурмадим.

Тортган азобларингга ҳамдардлик кўрсатолмай, ва айт-  
ганларингни ҳам жон билан бажаролмай,

3075. балки хизматингни кам қилишгина эмас, кўп ношукурлик-  
лар қилдим.

Тун-кун сендан жудо бўлиб, хабар олмасдан бевафолик  
қилдим.

Ўзимни телбаликка солгандек бўлиб, кўнглингни ололма-  
дим.

Ўзим дардингга даво қилолмадим, қизинги шуки, ҳар на-  
фасда турли-туман балолар,

мендан сен нотавонга етди, менинг аламларимни тортиб,  
жондан ажралдинг.

3080. Гўё сен менинг бундай бепоён ранжларимни тортиб, ғам  
ва дард билан жаҳондан чиқдинг.

Мен даштма-дашт, беҳуда нолалар тортиб, оёқяланг маж-  
нун бўлиб юрдим.

Руҳингнинг жилвагоҳи жаннат боғларидир.

Ўша боғда ҳам, мендан шод эмаслигингни билсам, шу  
зулм мен учун етарликдир.

Бечораман, бошқа нима қила олар эдим, дардимга қандай  
чора ҳам топардим».

3085. Мажнун шундай ғарибона куйлар билан аза тутиб йиғлади.




Машъуф бу навъ сўзни дерга,  
Кўп урди синуқ бошини ерга.

То заъф қилиб яна димоғи,  
Паст ўлди ер узра жисми доғи.

Уздин яна ул масоба кетти,  
Ким кўйи ото-оноға етти.

Эй дўст, бошимға бир нафас ет,  
Мотамзадалиққа боқу раҳм эт,

❦ Ким бўлди бу бекасу фақиринг,  
Ҳажр ичра ятимингу асиринг.



Ошиқ шундай сўзларни айтгач, шикаст топган бошларини  
ерга урди.


Яна кучсизлашиб, охири ҳушсиз ҳолда йиқилди.

Шу даражада ўзидан кетдики, гўё ота-онасига етгандек  
эди.

Эй дўст, бир нафас бошимга келиб, мен мотамзадага бир  
боқиб, раҳм эт!

❦ Бу кимсасиз фақирнинг ҳажр доғлари ичида етимнинг ва  
асирнинг бўлиб қолди.





## Я И Г И Р М А О Л Т И Н Ч И Б О Б

*Лайлининг Мажнун ота-онасининг ғли-  
мини эшитиб изтиробга тушгани ва рўз-  
горини қора қилгани*

**Б**

у сафҳани айлаган зарафшон,  
Сўз бу сифат этти гавҳар афшон:

Ким телбаки бор эди навосиз,  
Чун бўлди атосизу аносиз,

Уртаб эди они ёр доғи,  
Зам бўлди бу икки зор доғи.

Ҳижрон бериб эрди заҳри қотил,  
Улгунча бу сўги қилди бисмил.

<sup>3085</sup> Фурқат ушотурга тошин отти,  
Синғонни бу сўг ҳам ушотти.


Дард устига дарди чун узолди,  
Ул гўристон ичида қолди.

Бор эрди мақоми ул хатира,  
Олам анга мисли гўр тийра.

Ҳар кун иши шайну нола қилмоқ,  
Юз ғамға ўзин ҳавола қилмоқ.

Уз жониға айламоқ жафолар  
Тутмоқ ўзи-ўзига азолар.





### ИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

*Лайлининг Мажнун ота-онасининг ўли-  
мини эшитиб изтиробга тушгани ва рўз-  
ғорини қора қилгани*

Бу саҳифаларга зар сочувчи, сўз гавҳарларини шундай сочади:

У кимсасиз бечора телба, яна ота-онасидан ҳам ажралиб қолди.

Мажнунни ёр доғи ўртаган эди, бунинг устига яна ота-онанинг ҳам доғи қўшилди.

Ҳижрон унга заҳриқотил берган эди, бу мотам уни ажалдан илгари ўлдиргучи бўлиб тушди.

**Жудолик.** Жудолик Мажнунни ушатиш учун ўз тошини отган эди, бу мотам эса синганни яна майдалади.

Дард устига дард тушганидан, у бечора гўристон ичида қолган эди.

Бу кулфатхона унинг турар жойи бўлиб, бутун олам унга қоп-қора гўрдек кўринарди.

Унинг кундалик иши, қабр ёнига ўтириб, нола қилмоқ ва юзларча ғамга ўзини ҳавола қилмоқдан иборат бўлиб қолди.

Ўз жонига жафолар келтириб, ўз-ўзига азалар тутарди.



3100. Ота-она фурқати ики доғ  
Ҳижрон қўюб икки ўт уза доғ.

Гарчи ики доғ эди ииҳонсўз,  
Ҳижрон ўти эрди барқи жонсўз.

Чун мунча ғаму бало йиғилди,  
Ул ғамкашу мубтало йиқилди.

Заъф ўлди таниға ўйла ғолиб.  
Ким ётти ҳамул даманда қолиб.

Боши уза дому дад солиб шўр,  
Кипиклар эдию ул қолин гўр.

3105. Бўлди анга иш чу бўйла мушкил,  
Бу навъ ривоят этти ноқил:

Ким айдаки гулрухи паризод,  
Бўлди Мажнунни васлидин шод.

Ул васлини чархи бемуҳассал,  
Қилди яна ҳажр ила мубаддал.

Марҳам ярасиға ёққач-ўқ бот,  
Ут ёқти талашиб они, ҳайҳот.

Ўртар эди бу ўт ул сапамин,  
Дўзаҳга солиб гули Ирамни.

3110. Маҳзун эди жони зори асру,  
Бетоб тани шизори асру.

Чун ёриға етти бўйла мотам,  
Ким ўлди анга ото-оно ҳам.

Бу дард ғамин фузунроқ этти,  
Андуҳи пўлин узунроқ этти.

Ул воқияларки даст берди,  
Билмиш эдиким сабаб ул эрди.

Мажнун анинг эрди дардиюки,  
Мажнунининг ото-оно ҳалоки.

3115. Бу ишгаки чарх қилди ҳодис,  
Бир восита бирла эрди боис.

3100. Ота-онадан жудолик икки доғ ва икки ўт эди, ҳижрон бу ўт устига ёғ тўкар эди.

Гарчи бу икки доғнинг ўти яширин куйдирса ҳам, ҳижрон олови жон куйдургучи чақмоқ эди.

Шунчалик ҳам балолар лиғилганидан, у мубтало гамгин йиқилиб қолди.

Заифлик унинг танига ёлиб келиб, шу бузуқ харобанинг ичида ётиб қолди.

Ваҳший ҳайвонлар унинг бошига тўпланиб, говға қилишарди, у ерда фақат кийиклар ва зич гўрларгина бор эди.

3105. Унинг аҳволи шундай мушкулликка тушди, нақл этгучи яна шундай ривоят қиладики,

у ерда гул юзли паризод, Мажнун васлидан шод бўлган

эди, бироқ ўша васлни бу унумсиз дунё, яна ҳажрга айлантирди.

Лайлининг яраси малҳам топгандан сўнг, ҳайҳот... яна бир ўт уни тамоман ёндирди.

У, ўт бу санамни куйдириб Эрам боғининг гулини дўзахга солар эди.

3110. Бетоб тани дармонсиз ва азобга тушган, жони ғоят қийналган эди.

Ёрига тушган бу мотам, Лайли учун худди ўз ота-онасининг аламини тортгандек туюлди.

Бу ҳол унинг дард, аламини ошириб, ҳам йўлини узунроқ қилди.

Мажнун бошига тушган воқияларнинг сабабчиси ўзи эканлигини билар эди.

Мажнун ота-онасининг ҳалок бўлишлари, унинг Лайли кўйида дард тортишидан бўлди.

3115. Фалак туғдирган бундай ҳодисаларга, бевосита сабабчи бўлди.



Бу меҳнат ани нажанд қилди,  
Андух ўтига сипанд қилди.

Йиғлар эди бу фасонани деб,  
Навҳа била бу таронани деб

Ким: «Эй кажрав сипехри худрой,  
Зулмунгдин войу юз туман вой! . .

Жонимға неча ситам қилурсен?  
Кўнглумга насиб алам қилурсен?

3120. Бир гулга неча тапонча урмоқ,  
Япроғларини узуб совурмоқ?

Ҳар баргки бўйла бўлди ҳоли,  
Қилмоқ бори халқ поймоли.

Ул барг ғам элга бермас эрди,  
Бир кавкаби наҳсинг эрмас эрди.

Бир сарвға зарби даст бермак,  
Ҳар шохиға юз шикаст бермак.

Уртаб ўтуини бетааммул,  
Шохин ўту, ўтин айламак кул.

3125. Ул сарв эмас эрди зузаҳобинг,  
Наҳсиятидин жаҳон харобинг?

Бир лаълға неча хора отмоқ,  
Ики тош аросида ушютмоқ?

Ҳам бўлмайин иктифо бу поя,  
Тошлар аро айламак салоя.

Баҳроминга эрмас эрди ҳамсанг,  
Қони била тутмамиш эди ранг.

Чун кўрмак бир ғазоли мушкин,  
Чекмак қатлиға ханжари кин.

3130. Бисмилдин ҳам канора қилмоқ,  
Ҳар узвини бошқа пора қилмоқ.

Бу бор эди бир ғазоли хушбў,  
Худ шум асадинг эмас эди бу.

Бу қулфатлар Лайлининг ғамини ортдириб, уни ғам ўтига  
исриқ қилиб ташлади.

Ғам-ҳасратлардан зорланиб, йиғи таронасини қуйидагича  
бошлади:

«Эй ўзбошимча тескари дунё, зулмингдан вой, юз туман  
вой!..

Қачонгача жонимга ситам ва кўнглимга аламни насиб  
этасан?!

3120. Бир гулни шапалоқлаб, япроқларини совирмоқ қачонгача?!

Бир баргнинг ҳоли шундай бўлгач, яна уни барча халқнинг  
оёқ остига ташлайсан.

У барг сенинг юлдузларингга ўхшаш, элга бахтсизлик  
келтирадиган ва ғам келтирадиган эмас эди.

Бир сарвга қўл узатиб, шохларига юзларча шикаст бе-  
риб

ўтинларини тўхтовсиз ёндириб, шохларини ўт қилиб, ўтини  
кулга айлантиришдан муддаонг нима?!

3125. У сарв сенинг наҳс, жаҳонни хароб қиладиган юлдузинг  
эмас эди-ку!

Бунча энди бир лаълга тош уриб, уни икки тош орасида  
майдаламоқ?

Буларга қаноатланмай, тошлар орасида талқон қилмоқ-  
чисан.

Аторудинг билан бараварлашиб, қондан ранг олган эмас  
эдим.

Бир кийик боласини кўриш билан, уни ўлдириш учун ўч  
ханжарини тортдинг.

3130. Уни сўйиб ташлаш ўрнига, тамоман аъзосини парча-парча  
қилдинг!

Мен бўлсам шундай бир кийик боласи эдим, сенинг ўзинг  
шум эдинг, мен эса шум эмас эдим.



Бир турфа тазарв учун қўюб дом,  
Тутқоч қатлида тутмай ором.

Юлмоққа парип шитоб қилмоқ,  
Ут узра ани кабоб қилмоқ.

Не бўлса бу эрди бир тазарв-ўқ  
Сайд этгучи настри тойирниг йўқ.

3133. Лайлийи заифу бенавоии,  
Юз дарду балоға мубталони.

Ултурмак ила ҳам этмайин бас,  
Ҳажр ўтиға солмоқ ўйлаким хас.

Бу Лайли эди недур хаёлинг.  
Эрмас эди хийла пеша золинг?!

Соврулғасиз, эй раванда эфлок!  
Қўзғолғасиз, эй пужуми бебок!

Жисминин қатил қилдингизла!  
Жонинми залил қилдингизла!

3140. Буғдойи киби неча қоврулойин,  
Сомон киби неча соврулойин?

Ҳам ҳужраи хилқатим бузулди,  
Ҳам риштан тоқатим узулди.

Жисмин гардин вчурди оҳим,  
Эй чарх, аримадиму гуноҳим?!

Бузди кўнглум уйин шиканжинг,  
Эй даҳр, туганмадиму ранжинг?!

Бу дарду шиканж ҳам менгодур,  
Еримдаги ранж ҳам менгодур.

3145. Онингки ото-онаси ўлмиш,  
Гўёки менга бу сўг бўлмиш.

Ул гар бўлуб эрса дардпарвард.  
Лекин менга икки ончадур дард.

Анга ота-онанинг ғамидур,  
Ҳам бу менга, ҳам анинг ғамидур.

Бир ажойиб тустовуқ учун тузоқ қўйиб, тутиб олгач, уни ўлдиришга ошиқасан!

Ошғич равишда унинг парларини юлиб, ўт устида кабоб қилмоқчи бўласан.

Нима бўлсада бир тустовуқ эдим, овчилик қиладиган наср тойиринг-қийғиринг эмас эдим-ку?

3135. Бенаво, заиф, юзи дард-балога мубтало бўлган Лайлини

ўлдириш билан кифояланмай, ҳажр ўтига ҳас каби ташлайсан.

Муддаонг нима, бу Лайли сенинг маккор кампиринг эмас эди-ку?!

Эй ўтиб кетгучи дунё, соврилгайсиз! Эй фалакнинг юлдузлари қўзғолгайсиз!

Жисмимни қилдек қилдингизлар, жонимни хароб қилдингизлар!

3140. Буғдой каби қоврилиб, сомон каби соврилишим қачонгача?

Ҳам борлигим уйи бузилди, ҳам тоқатим иплари узилди.

Оҳим, жисмим чангларини учуриб юборди, эй чарх, гуноҳим тозаланмадими ахир?

Қийноқларинг кўнглим уйин бузди, эй, фалак, азоб-уқубатларинг тугамадими?!

Бу азоб-қийноқлар ҳам меники, ёримдаги ранж ҳам меники.

3145. Унинг ота-онасининг ўлиши, менинг ғамларимни ҳам оширди.

Агар у дардга тўлган бўлса, менинг дардим икки бор кўпайди.

У ота-онанинг ғамини тортса, мен ҳам унинг, ҳам уларнинг ғамини чекаман.



Лайлики балойи фурқати бор,  
Ики Мажнунча меҳнати бор.

Умр анга ғалат ҳавасдур охир,  
Жон тарки ажаб эмасдур охир!»

3150. Чун навҳаси ўти ҳаддин ошти,  
Жисмиға ҳарорати туюшти.

Ул ўтдин иситти меҳри гулчеҳр,  
Андоқки завол чоғида меҳр.

Гулбаргики тердин ўлди сероб,  
Ҳам топти иситма ўтидин тоб.

Тер суйи била арақ нишин гул,  
Ҳуммо ўти бирла оташин гул.

Бор эрди оно ишидин оғаҳ,  
Чун қизни бу навъ кўрди ноғаҳ.

3155. Кўнгли иши изтироб бўлди,  
Гўё жигари кабоб бўлди.

Бағри куяридин ул жигархор,  
Қилди отасин дағи хабардор.

Юзланди анга дағи малолат,  
Ким кўрди қизида саъб ҳолат.

Йиғлаб ота-она, бал аҳиббо,  
Бошиға кетурдилар атиббо.

Кўп бўлди қуёшнинг изтироби,  
Юзда сориғи, танида тоби.

3160. Сихҳатқа табиб хаста толиб,  
Хаста баданиға заъф голиб.

Саъй этти ҳакими Исавий дам,  
Бўлмоди қуёш ҳарорати кам.

Йўқ эрди муолажатда беҳбуд,  
Чун етти ажал илож несуд?

Ҳар кун тани заъфи ортар эрди,  
Андухи узоққа тортар эрди.



Лайли жудолик балосига йўлиққан, шунинг учун ҳам, унинг икки Мажнунча азоби бор.

Унинг учун умрни ҳавас этиш ортиқча бўлганидан, жонидан кечиш ҳам таажжуб эмас!»

3150. Лайлининг навҳа ўти ҳаддан ошгач, жисмига ҳарорат ту-ташди.

Бу ўтдан гул юзли Лайли, ботаётган қуёшдек қизиди;

гул барги каби юзини терлар босиб, иситма ўтидан тобга келган эди.

Терлари гул юзига томиб, иситмаси билан гул юзи чўгдек қизарган эди.

Онаси Лайлининг бу ишидан хабардор эди, қизини ногоҳ шундай ҳолда кўриб,

3155. кўнгли изтиробга тушди, гўё жигари кабоб бўлгандек эди.

Жигари пора бўлган она, кўнглининг куйишига чидаёлмай, отасини ҳам хабардор қилди.

Ота ҳам қизининг қаттиқ аҳволини кўриб, маломатга тушди.

Ота-она ва қавму қариндошлари йиғилишиб, Лайлининг бошига табиблар келтиришдилар.

Қуёшнинг (Лайлининг) эса изтироби ошиб, юзи сарғайиб, танида иситмаси ҳам зўрайди.

3160. Табиб, хастанинг сиҳат топишини истаса ҳам, хастанинг баданида занфлик устун келган эди.

Исовий дам (Исо пайғамбардек нафаси эм бўладиган) ҳақим ҳаракат қилди-ю, лекин қуёшнинг ҳарорати ҳеч қандай маймади.

Шунча муолижалар билан ҳам аҳволи яхшиланмади, ажал етганидан кейин, муалижадан нима фойда чиқади?

Ҳар кун унинг дармонсизлиги ортиб, ғамлари ҳам узоққа чўзилар эди.



Афзун эди дамбадам судон,  
Ким тушти бу сўз ҳам истимон —

3165. Ким: «Дарддин ул асири мотам,  
Улгудек ўлубтурур дамодам.

Гўристон ичра зору маҳжур,  
Улгон кишидек ҳаётидин дур.

Гоҳ ўзида, гоҳ йўқ ўзида,  
Маййит киби нур йўқ кўзида.

Ўз мотами бирла жисми ранжон  
Дардинг худ олур бу жисмидин жон.

Бўлмнш анга юз ғам узра мотам,  
Сенсиз иши мотам узра мотам.


3170. Жони ғаму дард поймоли,  
Ҳаддин тош эрур хароб ҳоли».

Маҳваш чу эшитти бу фасона,  
Ўти бир эди минг ўлди ёна.

Умри кемаси ваҳалға ботди,  
Кўнглини ўлумга қўйди, ётти.

Қилмон яна, эй табиб, парҳез,  
Дардим ўти дам-бадам бўлур тез.

3174. Шарбатдин эрур ичимда тоби,  
Бергил илигимга шарбат оби!



Борган сари бош оғриғи кучайиб борар эди, қулогига шундай сўз эшиғилди:

3169. «Дард ва мотам асирлигида қолган Мажнуун ҳам ўлим ҳолида экан,

у, айрилиқ билан йиғловчи Мажнуун гўристоида ўлган кишидек бўлиб ётар экан.

Гоҳ ўзида, гоҳ ўзидан кетиб, кўзи ўлк кўзидек нурсиз бўлиб қолган эмиш.

Тани ўз мотами билан азобланар, дардинг билан жон бермоқда.

Юзларча гами устига яна мотам тушиб, сенсиз мотамига мотам қўшилди.


3170. Жони ғам ва дард билан поймол бўлиб, аҳволи ҳаддан ташқари хароб бўлган».

Маҳваш, яъни Лайли бу сўзларни эшитгач, бир ўти минг бўлди.

Умрнинг кемаси балчиққа ботиб ўлишига ақли етиб ётди.

Эй табиб, энди парҳез қилмайман, чунки дардим ўти борган сари ошмоқда.

3174. Шарбатдан менинг ичим куйди, қўлимга сув шарбатини бер!





### Я И Г И Р М А Е Т Т И Н Ч И Б О Б

*Куз фаслида Лайлининг ҳаёт шами ўчгани  
ва Мажнуннинг ҳам жони бадан қафасидан  
учгани*

Ч

ун етти хазон елининг оҳи,  
Бўстон чиройини қилди қоҳи.

Епроқ юзи бўлди барча сориг,  
Ойин магар ўлди сориг оғриг.

Ҳар баргки хаставор ётти,  
Ер бистарида оёғ узотти.

Гўё тубида узун сабоғи,  
Бўлди узун айлаган оёғи.


Ел ўйла етишти маҳражондин,  
Ким барг кўтарди меҳр жондин.

3180. Титратмага қўйди юз шажар ҳам,  
Уй кунжига чекти юк самар ҳам.

Сарсар солибон чаманға торож,  
Бўстон элин айлади яланғоч.

Ул ўтки чинор ичига тушти,  
Гардунға шарораси ёвушти.

Бўстон тифли топиб бу ҳйла,  
Ул ўт била куйдуруб фатила.



### ИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ

*Куз фаслида Лайлининг ҳаёт шами ўчгани  
ва Мажнуннинг ҳам жони бадан қифасидан  
ўчгани*

Куз фаслининг совуқ шамоли етиб, бўстоннинг чиройини сомон ранг қилди.

Сариқ касалига йўлиққандек, бутун япроқлар сарғайиб кетдилар.

Ҳамма барглар ер тўшагида касаллардек оёқ узатиб ётдилар.

Баргларнинг тубидаги савоғи, гўё чўзилган оёқлар эди.

Кузакнинг шамоли келгач, барглар ҳам ўз жонларига умидсиз қарай бошлаган эди.

3150. Дарахтлар ҳам титрамоққа бошладилар, мевалар ҳам уй бурчакларига жойландилар.

Бўрон чаманга торож келтириб, бўстон аҳлини эса ялағоч қила бошлаган эди.

Чинор ичига тушган ўт ҳам ўз учқунларини кўкка етказди.

Бўстон болалари (сабза-кўкатлар) бу ҳийлани англаб, ўзларининг пилтадек вужудларини куйдирдилар.



Ел баргин учурса боғ сори,  
Гулрез тўкуб бори чинори.

3185 Гард айлади бсғни шабистон,  
Яфроғ ани қилди кавкабистон.

Бу турфаки юз туман кавокиб,  
Туфроқ сори бўлди барча ғориб.

Бир кўзгу ҳар ахтари хужаста,  
Зоҳир қилибон сабоғи даста.

Юз кўргузмай не келса ўтру,  
Ул навъки олтун ўлса кўзгу.

Сориғ варақ ол обкашдин,  
Ошиқ юзи ашки лаълвашдин.

3190 Ул ашк чекиб бу юзда хатлар,  
Қатра киби ҳар сори нуқатлар.

Ҳар барги шажарға номаи марғ,  
Нуқталари янглиғ айрилиб барғ.

Ел сув уза барги асфарафшон,  
Мови варақи ясаб зарафшон.

Йўқ, йўқки, оқар сув тиғи софи,  
Олтундин ўлуб онинг филофи.

Алвон била ток барги раъно,  
Раъно каф аро нигору ҳинно.

3195 Ул фасл кетибки гулда сунбул,  
Очқай гулгун юз узра кокул.

Лола кафига хизоб бергай,  
Зулфиға бинафша тоб бергай.

Бир вақт етибки тунд сарсар  
Епқай сув ҳарири узра мрамар.

Гул сўгини боғ тоза этгай,  
Гардун уза ел хуруши етгай.

Булбул топмай ўзин азосиз,  
Бўлгай пари бўйниға қаро киз.

Чинор баргини шамол боғ томон учирса, қизил барглар билан гул тўкилгандек бўлар эди.

3185. Чапг-тўзонлар боғни тунга айлантирди, япроқлар юлдузлар оламига ўхшар эди.

Шуниси қизиқки, юз мингларча юлдузларнинг барчаси тупроққа кириб йўқолдилар.

Ҳар бир муборак юлдуз (барг) ойна эди, унинг савоғи ойнанинг дастасидек эди.

Олтиндан бўлган ойна ҳеч нарсани кўрсатмагандек, бу ойналарда ҳам ҳеч нарса кўринмас эди.

Ошиқнинг юзи, лаълга ўхшаш кўз ёшидан қизаргандек сариқ барглар ҳам ўз новдаси орқалп қизарар эди.

3190. Уша ёшлар бу юзга хатлар ёзиб, ҳар томонга қатралардек нақшлар қўярди.

Ҳар бир барг дарахтларга ўлим номаси, барглар эса нуқталардек бир-биридан айрим эди.

Ел сув устига сариқ барглар тўкиб, кўкимтир саҳифаларга зар сочар эди.

Йўқ, йўқ, у оқар сув соф тиф бўлиб, унинг филофи олтиндан қилинган эди.

Чиройлик қўлга хина қўйилгандек, тоқларнинг барги ҳам қизил ранг билан безалганлар.

3195. Гулда сумбул очган, қизил юзга кокил ёйилган фасл кетиб,

Лоланинг кафтига доғ қўйди ва бинафшанинг сочини буради.

Бир вақт изғириқ шамол келиб, сув тахтининг тепасига мрамар тошини ёпади.

Боғ, гулнинг мотамини тутиб, елнинг хуруши осмонга етмиш.

Булбул ўзини азалик ҳисоблаб, ўз парларини қора кигиз қилиб бўйнига илган.



3200. Чун етти бу навъ рўзгори,  
Учради хазонға навбаҳори.

Гулшанға хазон бўлуб ситезон,  
Ашжориға солди барг резон.

Гулбаргини қилди ер уза паст,  
Нахлин қора ерга қилди ҳамдаст.

Ҳам лоласин этти заъфарони,  
Ҳам қилди баҳорини хазони.

Чун солди хазон совурди ҳарён,  
Гул баргларин учурди ҳарён.

3205. Лайлиғаким эрди ҳусн боғи,  
Жаннат гули бошидн аёғи.

Ул заъф насими тез бўлди,  
Бўстониға баргрез бўлди.

Очилди каманд зулфидин тоб,  
Жонлар бўйинидин олди қуллоб.

Ҳусни шаҳин этти заъф ношод,  
Тўтқунларин очиб этти озод.

Озодлар ўлди тез рафтор,  
Тек қолди ҳамонда бир гирифтор.

3210. Қошлари ики қулочин очиб,  
Бўлди кўзи уйларига ҳожиб.

Яъники ҳам анда кирмасун ноз,  
Ҳам бўлмасун ул улусқа танноз.

Қон ёш этти гулинн тоза,  
Машшотаи марг урди гоза.

Яъни «чу ишқ айирса жондин,  
Чиққунгдур сурхрў жоҳандин».

Хай сайлидин ул рухи арақнок,  
Юб гозау, нилу вусмадин пок.

3215. Яъни итуруб хазонда боғи,  
Гул бирла бинафша, сабза доғи.



3200. Боғнинг рўзғори шундай аҳволга тушиб, нав баҳори хазонга учради.

Гулшанга куз уруш очиб, дарахтларнинг баргини тўка бошлади.

Гулнинг баргини эса ерга тўкиб, шохларини ерга тенг қилди.

Ҳам лоласини заъфарон қилди, ҳам баҳорини хазон қилди.

Куз келди-да, гулнинг баргларини ҳар томонга учирди ва совурди.

3205. Лайлики ҳусн боғи, бошдан-оёқ жаннат гули эди.

Унинг касаллик шамоли тезлашиб, бўстонидаги барглар ҳам тўкила бошлади.

Сочлари камандининг чигаллари ечилиб, жонлар бўйнига солинган ҳалқаларни олди.

Ҳусннинг шоҳини касаллик ношод қилиб, ўз тутқунларини ҳам озод қилиб юборди.

Озод бўлганлар тез кетсалар ҳам гирифтор бўлганлардан бири тек қолди.

3210. Қошлари икки қулочини очиб, кўзларининг уйига посбонлик қилар,

яъни у уйга ноз кириб, элга таннозлик кўрсатмасин дер эди.

Қон ёши гулни тоза қилди, ўлим пардозчиси эса юзига упа-элик қўйди.

Яъни «ишқ сени жондан ажратса, дунёдан қизил юз билан кетгин» дегандек бўларди.

Юзидаги ўсма, сурма, упа-эликларни тернинг суви ювиб кетди.

3215. Яъни унинг боғи, куз фаслида гул, бинафша, сабзаларни йўқотган эди.



Шаҳди лаби тобдин қурушти,  
Йўқ, йўқ бири-бирига ёпушти.

Яъни лабин этти нуктадин банд,  
Бўлди учуғ анда муҳр монанд.

Чоҳи зақан оғзин очти дилхоҳ,  
Нилин холи кабутари чоҳ.

Яъни бу кабутар ўлгусидур,  
Туфроғ ила чу кўмулгусидур.

3220. Епти чу етишти бўйла банди,  
Гул узра бинафшагун паранди.

Яъни уёқурда меҳри дилкаш,  
Юзида бинафш абр эрур хуш.

Бу ҳолда нозанин мусофир,  
Қилди сакароти мавт зоҳир.

Жазм эттики кетмаги керакдур.  
Жон таркини этмаги керакдур.

Хилват талаб айлабон замоне.  
Эл касратидин топиб амоне.

3225. Уз олиға истабон аносин,  
Арз этти нуҳуфта можаросин:

«Кей жонинг ўлуб менинг маконим,  
Ким жонинга садқа хаста жоним.

Ранжимни ўзунгга олдинг асру,  
Дарду аламимға қолдинг асру.

Минг йил ҳам агар тирик бўлойин,  
Узрунгни не тил била қўлойин?

Хоссаки гулум хазонға тушти,  
Дай ели бу гулситонға тушти.

3230. Белод сипеҳр қилди ноёб,  
Боғимда гулу, гулум аро об.

Сарвимға ажиб сурат ўлди,  
Ким тарки чаман зарурат ўлди.

Асалдек ширин лаблари иссиқдан қуриди, йўқ, балки бир-бирига ёпишган эди.

Яъни учуқлар муҳрлардек босилиб, оғзини сўзлашдан ҳам тўхтатиб қўйди.

Бағбақа ўрни чоҳдек чуқурлашиб, ундаги қора хол қудуқдаги каптарлардек эди,

яъни бу каптар ўлгиси ва тупроққа кўмилгисидир.

3220. Шундай бандга тушгач, гулнинг устига бинафша рангли парда ёпди.

Яъни дилкаш қуёш ботаётган вақтда, унинг юзни бинафша ранг булут ёпса яхшироқ бўлади.

У нозанин мусофир шу ҳолда ўлим талвасасига тушди.

Бу серғовға оламдан кетиш кераклигини ва жонини тарк этиш мажбуриятида эканини аниқ билди.

Кўпчилик элдан қочиб, бир оз вақтга хилват талаб қилди.

3225. Уз олдига онасини чақириб, юрагидаги яширин сирларини арз этди:

«Эй жони менинг маконим бўлган, жонингга менинг хаста жоним фидо бўлсин.

Менинг ғамларимни ўзингга олиб, дард-аламларимга қолдинг.

Мен агар минг йил тирик бўлсам ҳам, қайси тил билан узрингни айта оламан?

Қисқаси гулим хазонга йўлиқди, қишнинг изғириғи бўлса, бу гулистонга тушди.

3230. Жафо қилгучи фалак боғимдаги гулни ва гулимдаги сувларни қуритди.

Сарвимга қизиқ ҳоллар тушиб, чаманни тарк қилиш зарур бўлиб қолди.



Ҳарҳол ила кетмагнм етибдур  
Бу боғда бўлмоғнм кетибдур.

Бу дамки эрур маҳалли падруд,  
Қиссамни яшурмоғимда йўқ суд

Сен билдингу айладинг мадоро,  
Мен эмди қилурмен ошкоро:

Бу лаҳзаки топшуруб ваднат,  
Туфроғ сори айлагум азимат.

Десамки азоға қилма кўп майл,  
Ҳар сори оқизма ашкдин сайл.

Юз қилма тапонча бирла мажруҳ,  
Бедод ила ранжа айлама руҳ.

Ер тутмағуси бу сўз билурмен,  
Бир ўзга васиятинг қилурмен,

Ким тутма бу сўг аро азо кўп,  
Кийдурма узоринга қаро кўп.

3240. То мумкин ўзунгга сабр ёр эт,  
Таскину шикеб ихтиёр эт.

Тенгри сенга сабр ёр қилсун,  
Хайлинг уза пойдор қилсун.

Гул борса чаманға бўлмасун дард,  
Кун ботса фалакка егмасун гард».

Кўп бўйла дуолар айлаб они,  
Фош айлади нуктаи ниҳони —

Ким: «Бўлса, бу мотам ошкоро,  
Фаҳм этгуси аҳли кўҳу саҳро.

3245. Шак йўқки менинг ғариби зорим,  
Ғам шомида тийра рўзгорим,

Жисмида ҳаёт ёдим ўлғон,  
Ўлмаклиги хайрбодим ўлғон,

Гар дашт уза сайр этар сабодек,  
Гар тоғ аро чирманур садодек;

Ҳар ҳолда кетар вақтим етиб, бу боғда туришим тугаб-  
дир.

Бундай видолашиш маҳалида, сиримни яширишдан фой-  
да йўқ.

Сен билдинг, аммо уни кўнглингда сақладинг, мен энди  
уни ошкора айтаман:

3235. Ҳозир омонатни топшириб, тупроққа кетар эканман,

кўп аза тутма, кўз ёшларингни оқизма.

Юзингни шапалоқ билан жароҳатлантириб, ўз жонингга  
озор берма.

Бу сўзларим маъқул тушмаслигини биламан, лекин сенга  
ўзга бир васият қиламан.

Менинг мотамим учун кўп аза тутиб, ўзингни уриб юзинг-  
га қора кийгизма.

3240. Мумкин қадар сабр қилиб, тинчлик ихтиёр қил.

Тангри сенга сабр берсин, қабиланг устида омонда сақ-  
ласин.

Гул кетса ҳам чаманга дард юзланмасин, кун ботиш билан  
осмон юзини тўзон қопламасин».

Шундай кўп дуолар қилгандан сўнг яширин сақлаган си-  
рини очиб деди:

«Бу мотам ошкора бўлгандан сўнг, бутун тоғу саҳро халқ-  
лари биладилар.

3245. Шаксиз, менинг у ғариби зорим, қайғу шомида қолган  
қора рўзгорим,

ҳаёт эканман, ҳамиша ёдимда бўлган, ўлимда эса хайр-  
бодим бўлган,

гоҳ шамолдек даштларда ҳар тарафга чопиб, гоҳ тоғ ора-  
сидаги садодек чирманиб юрса ҳам,



Бу сўз қулоғига етгусидур,  
Бу ҳодисани эшитгусидур.

Юмкинки қачон бу зор эшитгач,  
Бу қиссаи жонгудоз эшитгач,

3250. Рухум сори руҳи истабон йўл  
Ўз қолибин айлағай тиҳи ул.

Е улки буён азимат этгай,  
Умрум кунидек бошимға етгай.

Ўздин кеториб фироқ жаврин,  
Кўргузгай улусға ишқ таврин.

Туфроғима туфроғини қотгай,  
Руҳини менинг сори узотгай.

Жонсиз бўлубон тани низори,  
Туфроғ уза ётса жисми зори.

3255. Зинхорки айлаб ихтиромин,  
Ёнимда ясоғасен мақомин.

Ул жисми шариф худ эрур пок,  
Ёшинг била ҳам юсанг эмас бок.

Қўй кинаву лутфу меҳр фан қил,  
Жон пардасидин анга кафан қил.

Чирма мени доғи ул кафанға,  
Бир жинс кафан ики баднаға.

3260. Фарзаиддек айлаб анга асбоб,  
Фарзандинг ила қил они ҳамхоб.

Чун руҳ ила руҳ топти пайванд.  
Бир маҳд аро ётқур икки фарзанд».

Юмди тугатиб оносиға сўз,  
Ҳам сўздину ҳам оносидин кўз.

Жонин Мажнун сўзида берди  
Ҳаргиз Лайли дегил йўқ эрди.

Чун кўрди оноси бу қаро кун,  
Чекти бу қаро кун ичра бир ун.

бу сўзлар қўлоғига етади, бу ҳодисани эшитади.

Эҳтимол бу жон қийновчи қиссадан воқиф бўлиб,

3250. менинг руҳимни истаб, унинг жони ҳам ўз гавдасини бўшатиб қўяр.

ёхуд бу тарафга келиб, ҳозирги умрим кунидек бошимга етар.

Жонни фидо қилмоқ билан фироқ жабридан қутулиб, ўлишга ишқ йўл йўриғини кўрсатар.

Тупроғини-тупроғинга қўшиб, жонини эса, мен томонга йўллар.

Унинг зор гавдаси жонсиз бўлиб, тупроқ устида ётса,

3255. зинҳор уни ҳурматлаб, менинг ёнимдан ўрин бергайсан.

Унинг жисми шарофатли, тозадир, кўз ёшинг билан ювсанг ҳам арзийди.

Сен, гина қилмай, меҳрибонлик билан унга жон пардасидан кафан қилғил.

Мени ҳам ўша кафанга ўраб, икки баданга бир хил кафан яса.

3260. Фарзанддек унга асбоблар ясаб, ўз фарзандинг билан бир ерда ётқиз.

Жон-жонга уланса, икки фарзандни бир тобутга ётқиз»,

деб васиятини тугатиб, сўздан тўхтади, кўзини юмди.

Мажнун сўзи билан жонини берди, энди ҳар қанча Лайли деб чақирсанг ҳам у йўқ эди.

Бу қора кунни кўрган онаси шундай қаттиқ фарёд чекдики,



3265. Ким бағри снпехрнинг тешилди,  
Ул нола ўқи гузора қилди.

Эврулди бошиға дилрабонинг,  
Андоқки ажал бошиға онинг.

Кўз қўйди тобонн узра йиғлаб,  
Уйғотғали кирпики қичиғлаб.

Яъни: «Эмас уйқу вақти кўз оч,  
Хандон чекибон аёғни сўз оч».

Гаҳ қўйниға тортибон қўлин чувт,  
Титраб йиғлаб қучар эди руст.

3270. Яъни анга уйқу ҳаддин ортиб,  
Уйғотмоқ учун қўлини тортиб,

Ошуфта сочин гаҳи қилиб жамъ,  
Ул тийра тун ичра кўргузуб шамъ.

Яъни: «Кеча қолмади қаронғу,  
Кўз очки муносиб эрмас уйқу».

Гаҳ оразига юзин тегурди,  
Рухсориға ашкдин су урди.

Яъни су тегиб юзига ногоҳ,  
Сескангай ўз уйқусидин ул моҳ.

3275. Кўп урди бу навъ печ ила тоб,  
Кўз очмади маҳваши гаронхоб.

Уйғонмоғидин чу бўлди навмед,  
Тушти куёшиға шоми жовид.

Оқ сочини ёйди навҳа тузди,  
Ҳар нечаки урди борин узди.

Оҳидин этиб жаҳонни маҳрур.  
Таскинига сепар эрди кофур.

Кўксини яқодек этти пора,  
Ким кўнглидин урди ўт шарора.

3280. Андоқки яқони субҳ этиб чок,  
Чеккай шарарини меҳри афлок.



3265. гўё бу фарёд ўқи учиб осмон бағрини ҳам тешиб ўтди.

У дилрабонинг, яъни Лайлининг бошидан, ўлим айланган-  
дек айланди,

Унинг тобонларига кўзини қўйиб, киприклари билан қи-  
тиқлаб уйғотмоқчи бўлар эди.

«Бу, уйқу вақти эмас, кўзингни оч, оёққа тур, кулиб сўз-  
ла» дер эди.

Гоҳ унинг қўлини қўйнига маҳкам тортиб, титраб, йиғлаб,  
уни қучоқлар.

3270. яъни унинг уйқусини ғоят қаттиқ гумон қилиб, уни уйғо-  
тиш учун қўлини тортарди.

Унинг тўзғиган сочларини тўплаб, у, қоронғи мотам ку-  
нида шам (яъни Лайлининг юзини) кўргизмоқчи бўлди.

«Кечанинг қоронғилиги қолмади, кўзингни оч, ухлаш му-  
носиб эмас» дерди.

Гоҳ юзини юзига қўйиб, кўз ёшлари билан юзига сув се-  
парди.

Яъни юзига сув тегиб, у ой сесканиб ўйғонармикан деб ўй-  
ларди.

3275. Шундай аҳвол билан кўп тўлғанди; лекин оғир уйқуга  
толган маҳваш кўзини очмади.

Унинг уйғонишидан умиди узилгач, қуёшга абадий шом  
тушди.

Оқ сочини ёзиб, навҳалар тузди, ўрилган сочларини юлиб  
ташлади.

Оҳи билан жаҳонни куйдириб, уни совутиш учун кафур  
сепар эди.

Кўксини ёқасидек чок қилиб, кўнглидан алангалар чи-  
қарди.

3280. Гўё тонг ёқасини йиртиб, қуёш ўзининг учқунларини жа-  
ҳонга сочгандек эди.



Тирноғларин чу юзга қўйди,  
Тирноғ, тирноғча ерлар ўйди.

Ўйғонлар ичиндаким сизиб қон,  
Кўз чашмаларидек оқизиб қон.

Деб навҳа била чу тортибон вой,  
Ким: «Не оғир уйқудур бўтам, ҳой?»

Кўз очки эрур ҳавойи равшан,  
Қизларға эрур ҳавойи гулшан.

3285. Бориға тавофи боғ майли,  
Мавқуфки майл этарму Лайли.

Юз зевару дур тоқибдурурлар  
Йўлунгға сенинг боқибдурурлар.

Марғулаи сунбулунг очойин,  
Оламға абиридин сочойин.

Зоҳир қилайин юғонда они,  
Зулмат аро оби зиндағони.

Очқонда ани тарарда қўллар,  
Зулматда қилай падида йўллар.

3290. Урмак очилурнинг ўлса дафъи,  
Ганжинг уза ташлай икки афъи,

Афъиники анбарин таноби,  
Боғларға кўнгуллар анда тоби,

Вусмадин этай қошингни ранггин,  
Кўз туки қиличиға яшил қин.

Кўзунгга савод сурма тортай,  
Эл кўзига даҳрни қарортай.

Гулгула чекарга қилсам оҳанг,  
Зам айлай анга бу чеҳрадин ранг.

3295. Ҳар сори узоринга чекиб нил,  
Емон кўз учун ани қилмай мил.

Шаҳди лабинг остида қўяй хол,  
Ул нуқта кибики ёзсалар «бол»

Тирноқларин юзига уриб, тирноқлар тирноқча ерлар ўйди.

Ўйилган ерлардаги қонлар, кўз булоғидан оққан қонлар-  
дек оқарди.

Навҳа тортиб айтарди: «Эй, бўтам, қандай оғир уйқу бу?!

Кўзингни оч, ҳаволар соф, қизлар эса гулшанга бормоқ-  
чилар.

3285. Барчалари гулшан сайрига майл қилишиб, «Лайли келар-  
микан» деб маҳтал бўлиб туришибди.

Улар юз хил зар-зеварлар тақиб ясанганлар, ҳаммалари  
кўз тутмоқдалар.

Ўрилган сочларингни ёзиб, дунёга хуш ҳидларини таратай.

Уни ювиш билан зулмат орасидаги ҳаёт сувин кўрсатай.

Уни тараш учун қўл юргизиб, қоронғилик ичида йўллар  
кўрсатай.

3290. Уриш, таралиб кетишнинг дафи бўлар экан, юзинг хази-  
наси устига икки илон ташлай.

Илон ҳам эмас, қора чилвир, унда кўнгилни боғлайдиган  
бурамлар бор.

Ўсмадан қошингни кўкартириб, раҳмсиз кўзинг қиличи-  
га яшил қон ясай.

Кўзларингга сурма қорасини тортай-да, эл кўзига дунёни  
ҳам қорайтай.

Сенинг юзингга эликни суртмоқчи бўлганимда, унга юзим  
қизиллигини қўшай.

3295. Ёмон кўздан сақлаш учун юзларингга нил чекай.

«Бол» сўзи остига нуқта қўйганларидек, ширин лабинг  
остига хол қўяй.



Холе қўяйин юзунга ёна,  
Бўстон фурузи ичра дона.

Сочинг қилай ўйла миъжар оро,  
Ҳам анда ниҳон, ҳам ошқоро.

Эгнингга солай либоси гулранг,  
Ким рангги хирадни айлагай данг.

3300. Ясаб сени офти замона,  
Гулшан сори айлайин равона.

Қизлар била ул тараф хиром эт,  
Дин аҳлига зуҳдни ҳаром эт.

Мажнун дағи интизор тортар,  
Боғ ичра фиғони зор тортар.

Сен кеч бориб ул батанг келса,  
Истай сени бедаранг келса.

Сўз айтса не қилай хитобин?  
Сўрса сени не берай жавобин?

3305. Ҳам мени, ҳам они зор қилма,  
Андин мени шармсор қилма».

Ул бўйла қилиб жаҳонни тийра,  
Оҳи била осмонни тийра.

Ташқори ато яланг қилиб бош,  
Йиртиб яқо, кўксига уруб тош.

Ялғуз ота йўқки қавму хайли,  
Тортиб бу азода войи-вайли.

Лайлига солиб бу ҳол тақдир,  
Мажнун сўзин айлай эмди тақрир:

3310. Ётмиш эди ул қубур ичинда,  
Урьён аҳли нушур ичинда.

Гўристон ичра жони поки,  
Гўр аҳли киби вужуди хоки.

Лайлига чу бўлди нотавонлиғ,  
Йиқти ани доғи хаста жонлиғ.

Бўстондаги гултожихўроз доналари каби юзингга яна хол қўяй.

Сочингни шундай рўмол билан боғлайки, унда ҳам кўринсин, ҳам яширинсин.

Шундай гул ранг либослар кийдирайки, ақл ҳам лол бўлиб қолсин.

3300. Сени замона офати каби ясантириб, гулшан сари юборай.

Қизлар билан гулшанга юриш қилиб, дин аҳлига зоҳидликни ҳаром қил.

Мажнун ҳам интизорлик тортиб, боғ ичра фиғону зор қилмоқда.

Сен кечикиб борганингда, у дилтанг бўлиб, дарҳол қайтса,

ва мендан сўраса нима деб жавоб бераман?

3305. Ҳам уни, ҳам мени зор қилма, ундан мени шармисор қилма»

У оҳи билан жаҳонни ва осмонни бундай қорайтирганида,

ташқарида отаси бошяланг, ёқаларини йиртиб, кўксинга тош уриб йиғларди.

Ёлғиз отаси эмас, балки бутун қавми қариндошлари бу азада ҳасрат ёши тўкардилар.

Тақдир Лайлини шу ҳолга солди, энди Мажнун сўзини бошлай:

3310. Мажнун ўликлар билан бирликда қабристонда яланғоч ётарди.

У ҳам гўристон ичида бўлган ўликлар каби жондан ажралган ва тани ҳам тупроққа аралашган эди.

Лайлига эса бундай нотавонлик етиб, бу хаста жонлик уни йиқитган эди.



Маъшуқ чу дарднок бўлди,  
Ошиқни не де ҳалок бўлди.

Онинг била барча ҳол бирла,  
Гаҳ туш била, гаҳ хаёл бирла.

3315 Гаҳ пок замиру, гоҳ хотиф,  
Дилдоридин айлаб они воқиф.

Ул кунга дегинчаким париваш,  
Бўлди ажал илгидин қадақкаш.

Девонада эрди печ ила тоб.  
Титраб кўнгли нечукки сиймоб,

Ким етти қулоғига туруше,  
Айтур эди бу хабар суруше:

«Кей дарду бало сипоҳига шоҳ!  
Ишқ аҳли қошингда хоки даргоҳ!

3320 Ҳам кишвари дард қаҳрамони,  
Ҳам зумраи ишқ ҳукмрони.

Ишқ аҳлига қуллуғунг ҳавасдур,  
Қўпқилки ётурға вақт эмасдур,

Ким тушти хазонға тоза боғинг,  
Тонг елига учради чароғинг.

Булбуллуғунг ўлса айла парвоз,  
Парвоналиғингни қилғил оғоз!

Ер ўлди сафар ишига машғуф,  
Ҳамраҳгадурур валек мавқуф

3325 Ҳамраҳлиғин айлагунгму зоҳир,  
Ё бўлсунму ул ой мусофир?»

Девона чу билдиким недур ҳол,  
Гарчи тани эрди заъфдин нол.

Қоплон киби секриди ётоғдин,  
Ё ўйлаки кўк ғазоли тоғдин.

Юз урди қабила сори ҳоли,  
Оғзида тараннуми висоли.

Маъшуқ шундай дардли бўлганида, ишиқнинг иши албатта ҳалок бўлиш-да.

Мажнун гоҳ тушида, гоҳ хаёлда, ишқилиб ҳамиша Лайла билан бирга бўларди.

318. Гоҳ пок кўнгил, гоҳ ҳотиф (ғойибдан келган товуш) уни дилдоридан воқиф қилиб,

у маҳваш ажал қўлидан майин олгунча бўлган ҳолларни айтар эди.

Ул девона, яъни Мажнун симобга ўхшап титраб-қалтираб ётганида,

тўсатдан қулоғига бир овоз эшитилдиким, у қўйидаги шум хабарни эълон қилмоқда эди:

«Эй дарду-бало қўшинларининг шоҳи! Ишқ аҳли эшигинг олдида тупроқ бўлган зот!

319. Эй, дард ўлкасининг қаҳрамони ва ишқ аҳлининг ҳакими!

Ишқ аҳлига хизмати ҳавас бўлган, тургин, эндиликда ётиш чоғи эмас!

Боғингга хазон етиб, чироғинг эса тонг шамолига учради.

Булбул бўлсанг парвоз қил! Парвона бўлсанг Лайли шамида ёнгин!

Ер сафар ишига киришди, бир ҳамроҳга маҳтал бўлиб сени кутиб турмоқда.

320. Унга йўлдош бўласанми ёки у ўзи ёлғиз кетаверсинми?»

Мажнун Лайлининг ҳолини билгач, тани жуда кучсизланиб кетган бўлса ҳам,

қоплон каби ўрнидан сакраб турди, ёки осмон кийиги тордан ирғигандек бўлди.

Дарҳол қабила томон югурди ва оғзида висол куйини тарабдан этиб,



Жон құлға тутуб нисорлиққа,  
Секриб ўзи жонсипорлиққа.

3330. Ҳам ашки нишот анга ёгиндек,  
Ҳам пўяда секриди чоқиндек.

Меҳри ўти ёритиб жаҳонни,  
Бал меҳр киби тутуб жаҳонни.

Не кўнглида қатлдин ҳароси,  
Не душмангиндин ичида ёси.

Ул ваҳм қилиб салобатиндин,  
Баъзи даду дом офатиндин.

Урди Лайли эшигига гом,  
Дадлар тутубон йироқроқ ором.

3335. Хайл ичра шукухиндин таваҳҳум,  
Аидоқки қилиб илик-аёғ гум.

Чун етти ул остонға боши,  
Кирди уй ичига бетоҳоши.

Лайли қилибон сафарға ният,  
Айларда оносиға васият.

Ҳар нуқтаки айлабон гузорнш,  
Мажнунни қилур эди снпориш.

Ким кирди уй ичра ёри жони,  
Йўқ, йўқки рафиқи жовидони,

3340. Бир-бирга назар кушод топти,  
Ҳам бу ва ҳам ул мурод топти.

Жониниға ул фидо қилиб жон,  
Бу жон берибон нечукки жонон.

Ул азм этти чу топти йўлдош,  
Бу олмади йўлидин аннинг бош.

Эл кирди уй ичра бешумора,  
Мажнун сори қилдилар назора.

Жисми ётиб эрди ерга мақрун,  
Лайли била бормиш эрди Мажнун.



жонини қўлига олиб садақа қилмоқчи, Лайли учун ўз жонини қурбон қилмоқчи бўлди.

2330. Шодлик кўз ёшини ёмғирдек ёғдириб, яшиндек сакраб юрарди.

Меҳрининг ўти жаҳонни ёритиб, балки қуёш каби бутун жаҳонни ёритиб,

ўлдирилишдан кўйглида ҳеч қандай қўрқинч ва душмандан ҳам ваҳимага тушмасди.

Эл эса унинг ҳайбатидан ва баъзилар ваҳший ҳайвонларнинг офатидан кўрқувга тушардилар.

Шу онда у Лайли эшигига қадам қўйди, лекин йиртқич ҳайвонлар орқада қолган эдилар.

2340. Мажнуннинг бундай ҳайбатидан Лайли қабиласи қўрқиб, жойларидан қимирлаёлмай қолдилар.

Лайлининг ҳовлисига етганида, ҳеч тортинмай уй ичига кирди.

Лайли ўлими олдида, онасига қилган васиятларида,

Мажнун бу даргоҳга келаркан, унга ҳеч қандай озор берилмаслигини илтижо қилган эди.

Бу жондан азиз ва абадий йўлдош уй ичига кириб,

2340. бир-бирини кўргач, ҳам у, ҳам бу муродларига етдилар.

Лайли жонинга қандай жон фидо қилган бўлса, Мажнун ҳам жонондек жон берди.

Лайли абадий уйқуга кўз юмиб, йўлдошига етишди. Мажнун эса унинг йўлидан бош тортмай, ўз жонини фидо қилди.

Ҳисобсиз кишилар уйга кириб, Мажнун ишига назар солганларида,

унинг жонсиз гавдаси ерда узала тушиб, Лайли билан барабар ётганини кўрдилар.



2345. Ҳайрат қилиб ул қабилани лол,  
Ким топти вуқуъ бўлмоғон ҳол.

Айлаб бори элни ишқ поки,  
Ишқ ичра бу ўлмаги ҳалоки.

Чун таъзият ўтин эттилар паст,  
Бу турфа ҳадис ўтти пайваст:

Ким дафн иши бор дурур зарурат,  
Ул тутқусидур не навъ сурат.

Бори дедилар: «Бу икки ғамнок,  
Ҳар шойибаи фасоддин пок,

2350. Ким умрларида ишқи қотил,  
Қилмай нафасе аларни хушдил.

Ҳажр ичра тўюб рамида жондин,  
Армон била бордилар жаҳондин

Чун руҳлариғадур ниҳони,  
Жаннатда висоли жовидони.

Нетгай қўшулуб ики бадан ҳам,  
Гўр ўлса аларға бир кафан ҳам.

Васл ўлди чу руҳларға ҳосил,  
Туфроққа туфроқ ўлса восил».

2355. Ҳам шўх васиятин қилиб, ёд,  
Барча бу фасонадин бўлуб шод.

Айлаб не кераклик ўлса мавжуд,  
Маййитни ясаб нечукки маъҳуд.

Бир наъшқа солдилар иковни,  
Жонсиз келину, ўлук куёвни.

Кирди ики жисм бир кафанға,  
Гўқ, йўқ, ики руҳ бир баданға.

Бир наъш ила ул ики дилором,  
Андоқ эдиким дугона бодом.

2360. Йўқ, йўқ, дема они икки дона,  
Ул дона эмас эди дугона.

8345 Кўрилмаган бундай воқиа, у қабилани ҳайратга туширган эди.

Уларнинг бундай ишқ ичида ўлмоғи, барча элнинг ҳам ишқини пок айлади.

Таъзия ўтини пасайтиргандан сўнг, ўртада шундай бир ажиб сўз ўтди.

Қайси суратда кўмиш кераклиги тўғрисида гап-сўзлар бўлди.

Барчалари дедиларки: «Бу ҳар икки ғамгин бутун бузуқликлардан пок эдилар.

8346 Ҳаёт чоғларида бу раҳмсиз ишқ уларни бир нафас бўлса ҳам шодлантирмади.

Айрилиқ биёбонида жонларидан тўйиб, армон билан оламдан ўтдилар.

Уларнинг руҳлари жаннатда абадий висолга етишади.

Шунинг учун ҳам ҳар икки баданни қўшиб, бир кафан, бир гўр ясаш керак.

Жонлари бўлса бир-бирига қўшилди, тупроқлари ҳам туироқларига қўшилиши мувофиқдир».

8347 Лайли ҳам шу васиятни қилганини эсларига туширгач, барчалари шод бўлдилар

ва керак нарсаларни ҳозирлаб, ўликни одат бўйича ясантирдилар.

Бир тобутга солдилар икковни, жонсиз келину ўлик кувони.

Ҳар икки гавда бир кафанга жойланди, йўқ-йўқ, балки икки жон бир гавдага кирган эди.

У икки дилоромнинг бир тобутда ётишлари, худди бир бодом пўсти ичида бўлган қўш донага (дугонага) ўхшар эди.

8348 Йўқ-йўқ, уни қўш дона дема, у дона дугона ҳам эмас,



Дугонагаким ики бадандур,  
Ҷарбирига бошқа бир кафандур.

Бир дона эди вале ики жузв,  
Бир-бирига мутгасил ики узв,

Ким шиддати ваҳдати висоли,  
Бермай анга иккилик мажоли.

Донадек ўлуб ики бадан бир,  
Дона қобуғи киби кафан бир.

3365. Алқисса ул икки ёри жони,  
Топқоч бу висоли жовидони.

Наъш узра ёпиб ҳариру дебо,  
Ранги хушу, нақши доғи зебо.

Бош устига элтмак қилиб фан,  
Ул ергачаким бор эрди мадфан.

Тобут ила икки дилрабони,  
Мадфан ичига кириб чиҳони.

Еткурдилар ўз нишонасиға,  
Туфроқ ғарибхонасиға.

3370. Туфроққа қўюб аларни ҳайҳот,  
Чун тийра уй эрди чиқтилар бот.

Ешурди чу ою куи юзни абр,  
Чун гўр бир эрди, бўлди бир қабр.

Ишқ аҳлиға ўчти шамъи уммед  
Ким ер қуйи ботти ою хуршед.

Не ишқ элига шоҳ қолди,  
Не ҳусн авжида моҳ қолди.

Лайли отаси, оноси бирла,  
Хайли дағи ақрабоси бирла.

3375. Ҷар кун ики вақт эди йиғилмоқ,  
Ул қабр бошида навҳа қилмоқ.

Бир-бир берди мурури айём,  
Туфроққа аларға доғи ором.

дугона икки бадандап иборат бўлиб, ҳар иккаласининг бошқа-бошқа кафанлари бор.

Булар эса шундай бир донадирки, аслида икки жузв деб айтиш мумкин бўлса ҳам, лекин ҳар бири бир-бирига ёпишган бир узв эди.

Буларга васл ваҳдати (бирлиги)нинг шиддати, иккилик мажолини бермаган эди.

Ҳар икки бадан дона каби бир бўлганидан, дона қабуғи каби кафанлари ҳам бир бўлди.

3365. Алқисса бу жона-жонлар, абадий висолни топишгач,

тобутлари устига ранго-ранг чиройлик ипак пардаларини ёпдилар.

Уларни бош устига кўтариб, гўристонгача олиб бордилар.

Бу икки дилрабони тобут билан гўр ичига оҳистагина олиб кирдилар.

У мўлжалланган жойгача олиб бориб, тупроқ ғарибхона-сига (лаҳад)га қўйдилар.

3370. Ҳайҳот . . . Уларни тупроққа қўйгач, у қоронғи гўрдан тез-да чиқдилар.

Қора булутлар ой билан қуёш юзини бекитгач, гўр бир бўлгандек қабр ҳам бир бўлди.

Ишқ аҳлининг умид шамлари ўчди, чунки ой билан қуёш ерга ботган эди. . .

На ишқ аҳлининг шоҳи ва на ҳусн осмонининг моҳи қолди.


Лайлининг ота-онаси, қавму қариндошлари биргалашиб,

3375. ҳар кун икки маҳал йиғилиб, қабр устида йиғлашар эдилар.

Замон ўтиши билан, булар ҳаммалари ҳам бир-бир тупроққа жойланди.


Эй навҳагар, айла навҳа бунъед,  
Ким умр биноси келди барбод.

3576 Гар бўлди ул икки ёр озим,  
Не мен қолғуму, не дилнавозим!



Эй навҳа чекувчи, йиғла! Умр уйи барбод бўлмоқда...

2378 У икки ёр кетган бўлса, мен ҳам, кўнгил кўтарувчи ёрим  
ҳам қолмағусидир.





ПИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

*Ишқ таърифида*

ишқ, ғариб кимиёсен;  
Бал ойинаи жаҳоннамосен.

3390. Ҳам зотинга дарж кимиёлиқ  
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ.

Буким сеиғадур бу иккидин зот,  
Бир-бир қилайии икисин исбот.

Қилдим эса кимиё хитобинг,  
Андин ҳам эрур бийик жанобинг.

Берди анга бу натижа гардун,  
Ким мисга етишса қилғай олтун.


Инсонники халқ қилди халлоқ,  
Гўқ тийнат анга бағайри туфроқ.

3393. Сеиким анга ошнолиқ эттинг,  
Тупроққа кимёлиғ эттинг.

Олтун қилдинг узорин онинг  
Балким тани хоксорин онинг.

Бу навъ ила доғи қилмадинг бас,  
Ҳажр ўтига солдинг ўйлаким хас.





## ИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

*Ишқ таърифида*

Эй ишқ, ажойиб кимёсан, балки ойнайи жаҳонномасан

3380. Сенинг вужудингда кимёлик ҳам, ойнайи жаҳоннамолик ҳам бор.

Сенинги тузилишинг икки хил экан, ҳар иккисини ҳам исботлаб берайин.

Сени кимё дедим, мартабанг ундан ҳам буюкроқдир.

Фалак сенга шундай куч берганки, мисни ҳам олтин қила-сан.

Яратгучи инсонни яратган экан, унинг гавдасининг лойи тупроқдан бошқа нарса эмас.

3385. Сен инсонга яқинлашгач, унга ошнолик қилгач, у кимёга айланди.

Инсоннинг юзини, балки тупроқда аралашган танини ҳам олтин қилдинг.

Бу билан чекланмай, у бечорани хас каби жудолик ўтига солдинг.



Ул ўтда чу ихтизоз топти  
Андоқки керак гудоз топти.

Ҳар ғашлиғдинки эрди ноқис,  
Бўлди бу гудоз бирла холис.

3390. Ҳам олтун ўлуб бу пайкари хок,  
Ҳам ўлди бу навъ холису пок.

Чун холису поку бегаш ўлди,  
Олтун неки кимиёваш ўлди.

Гарчи ситаму жафо қилурсен,  
Туфроғни кимиё қилурсен.

Иккинчи дедим ёруғсен асру,  
Андоқки жаҳоннамой кўзгу.

Мунда доғи топилур тафовут,  
Ким очса назар билур тафовут.

3395. Ул ойинаким Скандар этти,  
Пўлоддин ўйла пайкар этти,

Ким Рум аро чекиб манори,  
Боқтурди ани фаранг сори.

Чун берди жамолиға кушойиш  
Кўргузди Фарангдин намойиш.

Топқоч ани бу сифат зиёлиқ,  
Тоқти отиға жаҳоннамолиқ.

Бу навъки ул демиш эмасдур,  
Менким не дедим ҳамону басдур.

3400. Ҳуршеди жаҳонкушой сен-сен,  
Миръоти жаҳоннамой сен-сен,

Ким қилди сенга назарни равшан,  
Кўрди еру кўкдагин муайян.

Чун боққали ихтиёр топти,  
Ҳарсорики боқти ёр топти.

Ҳам нақши вужудин этти фони,  
Ҳам топти бақойи жовидони.

у, ўтда тўлғаниб, куйиб, бутун вужуди кул бўлиб, эриб кетди.

Шу куйиш (эриш), билан унинг вужудидаги ҳар бир ғаш (кирлар) йўқолиб олгиндек пок бўлиб қолди.

3390. Бу тупроқдан яратилган гавда олтин бўлди, ҳам сараланиб покиза ҳолга келди.

Ўтда куйиб, пок, кирсиз, олтингина эмас, кимё бўлди.

Гарчи сятам, жафолар кўрсатсанг ҳам, тупроқни кимё қиласан.

Эй ишқ! Иккинчидан, сени жуда ёруғ, жаҳонни кўрсатадиган кўзгу дедим.

Бунда ҳам тафовут бор, кўзи ўткир кишигина унинг фарқини билади.

3395. Искандар ҳам пўлатдан бир ойна ясаб,

Рум элига минора солиб, минорадан ўша ойнани Фарангистонга қаратган эди.

У ойнанинг жамолида бутун Фарангистон акс этиб, кўриниб турарди.

Ойнанинг сифати шундай бўлгач, унга, «Ойнайи жаҳоннамо» деб исм беришди.

Ҳақиқатан эса, Искандарники эмас, балки менинг айтганим ойнайини жаҳоннамодир.

3400. Эй ишқ! Жаҳонни нурлантирувчи куёш ҳам сенсан, оламни кўрсатувчи кўзгу ҳам сенсан.

Қимнинг кўзи сенга тушган бўлса, у, ер ва кўкдаги нарсаларни равшан кўради.

Қачонки сени кўришга ихтиёр этар экан, ҳар томонга боқса ёрини кўради.

Қимнингки кўзини равшан қилибсан, у ўз вужудини йўқотиб, абадий ҳаётга эришди.



Бу ишқки бахти комрондин  
Холн бўлмай замони ондин.

3405 Гарчи ики навъ ўтти рози,  
Аввалғини англағил мажози,

Ким дарду гудозу сўз бирла,  
Юз шуълаи жонфуруз бирла.

Чун айлади покликка мавсуф,  
Ул навъ қилур бировга машъуф,

Ким ишқ аро фироқ ила дард,  
Узлукдин этар тамом ани фард.

Бил сўнграғи ишқни ҳақиқий,  
Ким давлат эрур анинг рафиқи.

3410 Аввалғи вужудин этса зойил  
Чун бўлса икинчисига мойил.

Йўқ-йўқки иккинчи они чекса,  
Кўнглига висол тухмин экса.

Ул навъ кетурса турктози,  
Ким қолмаса сурати мажози.

Мазҳарда кўрунмайин нишони,  
Музҳарда ўзини топса фони.

Мақсуд будур, ҳаётдин бу,  
Бал хилқати коинотдин бу.

3415 Мажнунға бири бўлуб мусаллам,  
Баҳра топти икинчидин ҳам.

Эрмас эди ўзидин бу ишлар  
Бал ишқдин эрди ул кашишлар.

Ҳаркимгаки ишқ юз кетурса,  
Ё машъали шавқ иуъла урса,

Тоғ эрсаки сув қилур вужудин,  
Нобуд этар набуду будин.

Тур узра тажалли айлагач фош,  
Чайқалди сув янглиғ ул катиг тош.

Бахт ва давлат ҳисобланган ишқдан бир нафас ҳам холи бўлмайин,

3405. Бу ишқни икки хил қилиб сирини айтдим, аввалгиси ишқни мажозидир.

Кимки дард, эриш, куйиш, юзларча шуъла билан ёруғланиб,

Поклик билан яхши сифатга эга бўлса, шундагина бировга ошиқ бўлади.

Унинг ишқи ичида тортган фироқ ва дардлари, уни ўзликдан тамом ажратиб, ягона қилиб қўяди.

Сўнгги ишқ ҳақиқийдирким, унга етишса, давлат унга рафиқдир.

3410. Аввалгисида киши тозаланиб, иккинчисига ўтса,

йўқ, йўқ, ўтиш эмас, балки ишқи ҳақиқий ўзига тортиб, унинг кўнглига висолнинг уруғини экса,

ҳам уни бутунлай торож этиб, унинг сурати мажозидан ҳеч асар қолмаса,

кўринадиган жойдан кўринмасдан мақсадга сиғиб кетса,

ҳаётдан ва коинотнинг яратилишидан мақсад шудир.

3415. Мажнун бу икки ишқнинг бирига етишиб, иккинчисидан ҳам баҳра топди.

Бу ишлар Мажнуннинг ўзидан бўлмай, балки, ишқ уни ўзига жазб этган эди.

Кимгаки ишқ дуч келиб, ёки шавқнинг машъаласи шуъла урса,

тоғ бўлса ҳам уни сув қилиб эритиб, бор-йўғини нобуд этиб юборади.

У ишқ чақмоғи Тур тоғидан ловуллаб кўринганда, тошлар ҳам сувдек эриб чайқалган эди.



3420 Бу шуъла кўнгулга тушса кори,  
Куймакда анинг не ихтиёри.

Бу ўт не кишига бўлса рўзи,  
Куйдурса не тонг жаҳонни сўзи.

Ишқ ичраки жисми тўлғонур бил,  
Ул навъдурурки ўт уза қил.

Тонг йўқ бу ўт этса ашк аро ғарқ,  
Емғур ёғар андаким тушар барқ.

Ғар ашк бу ўтни айламас кам,  
Емғур сувидин чоқинга не ғам?

3425. Ким зарқу риёву шўр бирла,  
Ошиқ этар ўзни зўр бирла.

Ишқи ўти бўлмас элга жозиб,  
Андоқки, зиёда субҳи козиб.

Рангин кўпалак эрур дилафрўз  
Парвона киби эмас жигарсўз.

Ошиқ дема кимни кўрсанг асфар  
Ким бўлмади заъфарон муасфар,

Бежазб сариф эрур риёлиқ,  
Самғ айлайолурму қаҳраболиқ.

3430. Сафратда нечаки қилса тавбих,  
Олтун била тенг бўлурму зирних.

Ҳар оҳки шайдга ёвуқдур,  
Не иссиғ ул оҳу, не совуғдур,

Ошиқ совуғ оҳ чекса ногоҳ,  
Оламга солур ўт ул совуқ оҳ.

Чун урди хазн ели совуқ дам,  
Епроқни қурутди, чўркади ҳам.

Бедард кишики ашк тўккай,  
Ул қатрадурурки машк тўккай.

3435. Сўз аҳли эрур тўкар замон ёш,  
Бир шамъки ашки этса дупрош.

3420. Бу ишқ шуъласи кўнглига тушиб таъсир қилгач, куймоқдан бошқа чора йўқ.

Бу ишқ ўти кимга насиб бўлса, ундан жаҳоннинг куйишига ажабланиб бўлмайди.

Ўтда қил қандай буралса, куйган ошиқнинг жисми шундай тўлғонади.

Бу ўт ошиқни кўз ёшига фарқ этса, ажабланма, Ёмғир ёққанда, чақин ҳам кўриниб туради-ку.

Кўз ёши бу ишқ ўтини камайтиролмас экан, бу таажжубланурлик эмас, чунки ёмғир сувидан чақинга нима гам?

3425. Кимки ёлғондан куюш ва оҳ-вой, зор билан ўзини ясама ошиқ қилиб кўрсатар экан,

ундай кишининг ишқ ўти, элни ўзига тортолмайди, ёлғон тонгга ўхшаган бўлади.

Капалакнинг ранги қанчалик дилга ёқимли бўлса-да, ammo парвонадек жигар куйдирувчи эмас.

Ҳар қандай ранги сариқ кишини ошиқ деб бўлмайди, чунки ҳар бир сариқ гул ҳам заъфарон бўлолмайди.

Жазб этолмайдиган сариқ юз у риёли бўлади, каҳрабо ҳам бўла олмайди.

3430. Сариқликда қанчалик машаққатлар кўрган билан зирних (олтингургурт билан маргимуш) олтин бўла олмайди.

Ҳар қандай «оҳ» қуёшга яқин бўлса-да, у иссиқ ҳам совуқ ҳам эмас.

Ҳақиқий ошиқ ногоҳ совуқ оҳ чекса, унинг шу совуқ оҳи ҳам оламга ўт солади.

Куз шамолни совуқ нафаси билан япроқни қуритади ва ҳам қорайтиради.

Бедард кишининг тўккан кўз ёши мешкдан тўкилган томчига ўхшагандир.

3435. Ишқ аҳлининг кўз ёши тўкиши шамнинг дурдоналар тўкишига ўхшайди.



Ишқ ўлди кишига боиси дард,  
Қилмоқ ики кавн фикридин фард.

Парвонани пшқ этмаса маст,  
Урғайму ўзини ўтқа пайваст?

Улдамки куярда кечти жондин,  
Не фикри анинг ики жаҳондин?

Телба ўзин ўтқа солса ногоҳ,  
Қавнайн ишидин қачондур огоҳ.

3440. Ўт секриси тифл эмас хабардор,  
Ким ҳирқатида не навъ асар бор?

Қўрган киши ўт қўрар забона,  
Куйган киши кўргузур нишона,

Ким ишқ насибидур азалдин,  
Ул ишқ эрур барий халалдин.

Парвонада холлиқ қаноти,  
Ишқ ўтидин ўлди доғ зоти.

Бу доғдин ибтидойи аҳвол,  
Ишқ этмади они форигулбол.

3445. Бу ишқ ўтиға давому бўлғай?  
Ҳар ким тиласа равому бўлғай?

Ераб, мени дардимани маҳжур,  
Ким ишқ ўти жоним этти маҳрур.

Қўнглумни бу ўтлин этма маҳзун,  
Бал шавқин қил дамодам афзун.

Ҳам ахгаридин таним қурутқил,  
Ҳам шуъласидин кўзум ёрутқил.

Оҳимники дудидин нишон эт,  
Ул дуд ила кўз ёшим равон эт.

3450. Қўнглум қушиким самандар ойин,  
Оташқадасида топти таскин.

Сочқил шараридин анга дона,  
Бир ҳемаси узра ошъёна.



Кишининг дардли бўлишига сабаб ишқдир, ишқ кишини  
иккала дунёдан ҳам ажратиб қўяди.

Парвонани ишқ маст этмаса, ўзини доим ўтга урадами?

У куяр вақтда жонидан кечган экан, икки жаҳон унга  
нима?

Телба ногоҳ ўзни ўтга солар экан, икки дунё ишидан қан-  
дай хабардор бўлади?

3440. Ўтнинг сачрашидан болаинг хабари йўқ, ўзининг куйи-  
шини ҳам билмайди.

Узоқдан қараган киши фақат ўтнинг алангасини кўради,  
куйган кишининг бўлса нишонаси қолади.

Ишқ кимгаки азалдан насиб бўлса, унга ҳеч қандай за-  
рар тегмайди, у озод ва пок бўлади.

Парвонанинг қанотидаги холлар, ишқ доғининг нишона-  
ларидир.

Яратилишиданоқ унинг қанотида доғ бор, у, ишқдан аж-  
ралган эмас.

3445. Бу ишқнинг ўтига даво ахтариб бўладими, ҳар бир орзу-  
манд кишига у насиб бўладими?

Ё раббий, мендек дардманд, ҳижронда қолган кимсанинг  
жонини ишқ ўти куйдирса ҳам

кўнглимни бу ўтдин ғамгин қилма, балки шавқини дамба-  
дам кўпайтиргин.

Севги ўтининг учқунларидан танимни қуритиб, шуъласи-  
дан кўзимни равшан қилгин.

Оҳимни у ўтнинг тутунига ўхшатиб, шу тутун билан кўз  
ёшимни равон этгин.

3450. Кўнглимнинг қуши самандар каби ишқнинг ўтхонасида  
ором топди.


Шу ўтнинг учқунларидан кўнглим қушига дона сочгин,  
унинг тутантириқ хас-хашакларидан ашёна (уя) бергин.

Ул дона била гўқ айла они,  
Бу шуъла аро пўқ айла они.

---

Еқ муғбача шуълаи мажуси,  
Ким дарди ғамидур обнуси.


<sup>3454</sup>. Яъники муғона соғаринг ол,  
Бир соғар ила ичимга ўт сол!



У дона билан кўнглим қушини тўқ этиб, ўша шуълалар  
орасида йўқ қилиб юборгил.

Эй косагул, отошпарастрлар алангасини ёққин! Менинг га-  
ним абнус ёғочига ўхшаган қора қайғудандир.

344 Яъни бир пиёла майингдан бериб, ичимга ўт солгин!





ИГИРМА ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Султон Увайс Баҳодирга насиҳат*

Й соқийи давр! Бир қадаҳ тут,  
Ҳузн аҳлиға соғари фараҳ тут.

Аввал қадаҳингни айла гардун,  
Қуйгил анга бодаи шафақгун.

Чун бўлди лаболаб ул пиёла,  
Қил они менинг сори ҳавола.

Қўргач ани ҳушдин боройин,  
Бир дам била они сипқоройин,


Ким топмасун ул сипеҳри соғар,  
Атрофида қатрадин бир ахтар.

<sup>3460.</sup> То сўзда фалак нишонлиғ айлай,  
Ахтар киби дурфишонлиғ айлай.

Топқач дури баҳру лаъли кони,  
Шаҳзода нисори айлай они.

Шаҳзодаи маъдалатшиор ул,  
Етти ота шоҳу шаҳриёр ул.

Султони замон, Увайс ул шоҳ,  
Ким чарх анга келди хоки даргоҳ.



## ИГИРМА ТУҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Султон Увайс Баҳодирга насиҳат*

Эй замоннинг соқиси, ғам аҳлига шодлик қадаҳини тутгин.

Қадаҳингни гардун (осмон) қилиб, унга шафақ ранг бо-  
да қуйғии.

У пиёла лиммо-лим бўлиб тўлгач, сўнгра менга ҳавола  
қилгин.

У қадаҳни кўриш биланоқ ҳушдан кетиб, шундай шимп-  
райинки,

осмонга ўхшаш у тўлиқ қадаҳ, ўз атрофида бир томчи  
юлдузни ҳам тополмасин.

8460. Шундай қилиб, сўзимни фалакдек юқорилатиб, юлдуз-  
дек дурлар сочайин.

Дарёнинг дурри ва қоннинг лаъли каби сўзларни топгач,  
уларни шаҳзодага бағишлайин.

У адолатли шаҳзодадир, унинг етти отасигача шоҳ бўл-  
гандир.

Бутун қоинот, замона султони шаҳзода Увайс барғоҳининг  
тупроғи ҳисобланади.



Зотиға сиришта иззу тамкин,  
Ҳам лутф ишида чуст ҳам кин.

3465 Кин андаки, бўлса разм чоғи,  
Лутф андаки, ичса базм аёғи.

Базм ичра демайки барча авқот,  
Махлуқ анга лутфи маҳздин зот.

Зотида ҳаё била адаб ҳам  
Ул навъки амму холу аб ҳам.

Табиъда сахо била шужоат  
Даҳр этса не тонг анга итоат.

Васфида неча дейилса маъни,  
Гардунни буюк демак, не яъни.

3470 Ҳам ақл ила будурур мувофиқ,  
Ким улки сўз ичра бўлса содиқ,

Сафҳа уза килк этиб равона,  
Ёзгай неча панди мушфиқона.

Эй гулшани мулк сарви нози!  
Қай нозки, сарви сарфарози!

Бу бир неча сўз қулоққа олғил,  
Балким неча дур қулоққа солғил.

Билким не жаҳондадур вафое  
Не умр биносиға бақое.

3475 Ҳам сув узадур жаҳон қарори,  
Ҳам ел била умрнинг мадори,

Ким тупроғу сувға шод бўлғай,  
Елга қачон иътимод бўлғай?

Юз йил киши гар жаҳонда шаҳдур,  
Йўқ эрса гадойи хонақаҳдур.

Марг аждари чун оғиз очар кенг,  
Ютмоққа шаҳу гадо эрур тенг.

Гар айш аро сен ва гар ғаму дард,  
Ҳақ ёдидин ўлма бир замон фард.

Унинг зоти иззат ва оғирликдан иборат бўлиб, лутф ишида чаққон ва ғазабда тенгсиздир.

3465. Уруш чоғи қаҳр-ғазаби жўш урса, базм чоғи май пиёласини кўтарганда лутф бағишлайди.

Фақат базмда эмас, лутф доимо у билан биргадир, унинг гавдаси холис лутфдан ярагилгандир.

Амаки, тоға ва оталари ҳам, унинг ўзи ҳам ҳаёли ва одоблидир.

Унинг табиатида саҳо билан шижоат бор, шундай бўлгач, унга бутун дунё итоат қилар экан, ажабланмаслик керак.

Уни мақташ, осмонни буюк деган сўздир.

3470. Ақл билан ўйлаб қараганда тўғри сўзли содиқ киши,

саҳифаларга қалам югуртиб, шафқатли кишилардек унга насиҳат қилиш керак.

Э, мулк гулшанининг истиғноли сарви, нозли сарв ҳам эмас, балки жуда ҳам юксак сарви!

Бу сўзларимга қулоқ солиб, бу дурларни қулоғингга исирга қилгин.

Жаҳоннинг бевафо эканлигини ва умр биносининг бебақо эканлигини унутма.

3475. Жаҳон сувнинг устида, умр бўлса елнинг устида қарор топгандир.

Ким сув билан тупроққа шод бўлди? Шамолга қачон суяниб бўлибди?

Киши юз йил жаҳонда шоҳ ёки хонақоҳда гадойлик қилса ҳам,

ўлим аждари оғзини кенг очганда, ютилиш учун шоҳ билан гадо тенгдир.

Сен хоҳ айш ичида бўлгин, хоҳ ғаму дард орасида бўлсанг ҳам ҳақни (тангрини) бир нафас унутма.



3480 Ҳам қаҳриға боқу тарскор ўл,  
Ҳам раҳм тигиға умедвор ўл!

Шаҳар десанг ўлғай олинга паст,  
Паст ўл дарвешларға пайваст.

Топсанг неча шаҳлар узра шаҳлиқ,  
Фақр аҳлиға айла хокираҳлиқ!

Бўл банда ото-оноға яксон,  
Ким ҳақ деди волидайн ихсон.

Қуллуқларин айла расму одат,  
Кавнайн аро бил муни саодат.

3496. Шоҳики отанг анга оғодур,  
Ул сенга оғодуру отодур.

Бу икки отоға қил ўғуллуқ  
Йўқ-йўқки, бу икки шаҳға қуллуқ.

Бу навъ ики жаҳон худованд  
Ким сен бўлдунг аларға фарзанд.

Ўздин икисини айла хушнуд,  
Ким дунъяю охиратдадур суд.

3500 Қул бўлсанг аларға шоҳдурсен,  
Доройи жаҳонпаноҳдурсен.

Бўлса биридин ризо бағоят  
Етса яна биридин иноят,

Ким ҳар кишварға ҳукм сурсанг,  
Иқболу шукуҳ кўсин урсанг.

Зинҳорки зулм риштасин уз,  
Инсоф ила адл қасрини туз.

Мулк аҳлиға меҳрибонлиқ айла,  
Андоқ рамаға шубонлиқ айла,

3505 Ким бўрилиқ этса қовла они,  
Ул ер итн бирла овла они.

Бедоди етар замонда асра  
Қўйни бўридин амонда асра!



3480. Ҳам худонинг қаҳридан қўрққин, ҳам раҳматидан умидвор бўлгин.

Агар шоҳлар менга буйсунсин десанг, қашшоқ, гадолардек доим ўзингни паст тутгин.

Шоҳлар шоҳи бўлганингда ҳам фақир одамлардан узоқлашма, уларнинг йўлига тупроқ бўл.

Ота-оналарга баравар эҳсон, мурувват кўргазгин.

Сенинг доимо одат ва расминг уларга қуллик қилиш бўлсин, буни икки дунёда ўзингга саодат билгин.

3495. Сенинг отанг шоҳ Султон Ҳусайннинг акасиدير, у сенга, ҳам ака, ҳам ота ўрнидадир.

Бу икки отага ўғиллик қилгин, йўқ-йўқ, икки шоҳнинг қули бўлгин.

Бу икки жаҳон соҳибларига сен фарзанд бўлдинг.

Иккисини ҳам ўзингдан ҳушнуд қилгин, бу дунё ва охирапта сенга фойда бўлади.

3500. Уларга қуллик қилишинг, сенинг шоҳлигинг ва жаҳон паноҳ шаҳаншоҳлигингдир.

Бири сендан ризо бўлса, биридан карам, илтифот топасан.

Бир мамлакатнинг ҳукмдори бўлиб, иқболи шавкатнинг ноғарасини чалгудек бўлсанг,

албатта зулм ипини узиб, инсоф ва адолат биносини қургин.

Мамлакат халқига меҳрибонлик қилиб, қўйларга чўпондек муомалада бўлгин.

3505. Ким бўрилиқ қилса уни қувлаб, ўша ернинг ити билан уни овлагин.

Золимларнинг зулмидан халқни асраб, қўйни ҳам бўридан омон сақлагин!



Мазлумға золнм этса бедод,  
Додин бериб айла хотирин шод.

Мақсудини айлайолмаса арз,  
Такрор ила сўрмоғини бил фарз.

Лутф айла ани сўрарда ойин,  
Ким топқай изтиробни таскич.

3510. Таскин била англа ҳолатини,  
Адл айлабон ол малолатини.

Не зулм қилурға элни қотқил,  
Не зулм қўлин ўзунг узотқил.

Қассобдин ўйға гар хўришдур,  
Ултургали они парваришдур.

Эл молин ўзунгга мол билгил,  
Хайлин ўзунга аёл билгил.

Яъни нечук асралур аёлинг,  
Маҳфуз нечукки турса молннг.

3515. Андоқ бори эл аёлин асра,  
Ўғридин амонда молин асра.

Бедоғда борса халқ моли,  
Маҳшар куни шаҳгадур саволи.

Гар шаҳрда истасанг раёсат  
Саҳрода анингдек эт сиёсат,

Ким дағдаға топмағай муҳожир,  
Хоҳи гузарию, хоҳ тожир.

Тожирғаки даст топти раҳзан  
Рожиҳдур анинг ёнида қаҳзан.

3520. Бу турфаки ҳар не қолса андип  
Чун шаҳрға етти бийм жондин.

Тамғочи этиб бошиға жавлон,  
Ҳардам тилагай закоти ҳайвон.

Мундоқ нималардин ихтиёт эт,  
Чун нафъини топтинг инбисот эт.

Мазлумга золим зулм эткудек бўлса, унинг додини бериб,  
мазлумнинг хотирини шод қилгин.

Мазлум ўз мақсадини арз этолмаса қайта-қайта сўрашни  
фарз билгин.

Уларнинг аҳволини сўрар чоқда сенинг ҳунаринг лутф  
бўлсин, шундагина уларнинг изтироби таскин топади.

3510. Мулоўйимлик билан унинг ҳолатини англаб, адл билан уни  
ғамдан қутқар.

Амалдорларнингни зулм қилишдан тортиб, ўзинг ҳам зулм-  
га қўл узатмагин.

Қассобнинг қора молини парвариш билан семиртириши,  
уни ўлдириш-сўйиш учундир.

Элнинг молини ўзингникидек билиб, элни ўз бола-чақанг-  
дек билгин.

Яъни, ўз бола-чақанг қандай асралиб, молнинг қандай  
сақланса,

3515. элнинг бола-чақасини ҳам шундай асраб, эл молини ҳам.  
ўғридан омон сақлагин.

Элнинг моли золимларга кетса, маҳшар куни шоҳ жавоб-  
гар бўлади.

Агар шаҳарларда бошлиқ бўлсанг, саҳрода (қишлоқда)  
ҳам шунингдек сиёсат юритгин.

Токи мусофирлар, йўловчилар, савдогарлар озор топма-  
синлар.

Қароқчи савдогарни тўсганда, қўлидаги паншаҳасини ҳам  
найза ўрнида ишлатиб, уриб ола беради.

3520. Шуниси қизиқки, ўғридан қолган нарса билан, жонидан  
қўрқиб шаҳарга етганда,

тамғачи ҳам унинг бошига келиб: «молингнинг закотини  
бер!» дейди.

Бундай нарсалардан ўзингни асрагин. Шундай ишларнинг  
фойдасини кўргач, хурсанд бўласан.



Ҳар фисқ хаёли қилса хотир,  
Тенгрини бошингда англа ҳозир.

Нафсингга не зулм бўлса мақсуд  
Шаҳни илаингда айла мавжуд.

3525. То барча ишинг дегандек ўлғай,  
Кўнглунг нечук истагандек ўлғай.

---

Соқи, қадаҳики шоҳзода,  
Тутқай менга ул қадаҳда бода.

3529. Ложуръа бурун ўзи сумургай,  
Ул навъ менга дағи ичургай.



Ҳар қандай ёмонликлар хотирингга келса, тангрини эсингга туширгин.

Зулм қилиш мақсадинг бўлиб қолса, шоҳни (Ҳусайн Бойқарони) кўз олдингга келтир.

XXX. Мана шунда бутун ишларинг жойида ва кўнгилдагидек бўлади.

---

Эй соқи, бир қадаҳ олгин, шаҳзода унга май қўйиб, менга узатсин.

XXXI. Олдин ўзи шимириб, сўнгра менга ҳам ичирсин.





### УТТИЗИНЧИ БОБ

*Дард, алам достонининг хотимаси*

з шукурки бу фасонаи дард,  
Ҳар лафзида юз нишонаи дард.

Жон пардаларидин анда авроқ,  
Жондин безаб ул варақни ушшоқ.

Ёзғонда мидоди кўз қароси,  
Ёзғон қора қайғу можароси.


Ҳар ёзғон алиф келиб нишонда,  
Бир кесган алиф нишони онда.

Нутқа асари ниҳон тикондин  
Йўққим, қора солмоғон тугондин.

❦ Ҳар доли анинг қади хамида,  
Дард икки ёнида орамида.

Айни нечаким назарға келган,  
Ул наълки ҳажр аро кесилган.

Сўз бошлари ичра ҳарф бар ҳарф,  
Бу қондин ўлуб ёзарда шингарф.



## УТТИЗИНЧИ БОБ

*Дард, алам достонининг хотимаси*

Шукурлар бўлсинки, бу дард достонидир, ҳар сўзида парднинг юзларча нишонаси бордир.

Унинг варақлари жон пардаларидандир, ошиқлар бу варақларни жон билан безантиргандирлар.

Қўзининг қорачиғини сиёҳ қилиб, бу қора қайғу можаросини ёзган.

Бунда ёзилган ҳар алиф, ошиқларнинг кўксига ёзилган, кесилган алиф нишонидир.

Бунинг нуқталари ниҳон доғларининг асиридир, йўқ, балки у доғ қораларидандир.

3535. Бундаги долларнинг ҳам бўлган қадди, дард сўзининг икки ёнидаги долларидир.

Бундаги айнларнинг кўриниши, ҳижрондаги ошиқларнинг кўксига урилган наълга ўхшагандир.

Бу асарнинг ҳарфма-ҳарф сўз бошларининг\* қизилдан ёзилиши ошиқларнинг қонидандир.

---

\* Ҳар бобнинг сарлавҳаси қизил сиёҳда ёзилган, бу мисрада шунга ишора қилинаётир.



Сафҳа юзи дард жилвагоҳи,  
Мистар хати ҳажр шоҳроҳи.

Андӯх сипоҳиға тушуб шӯр,  
Жон мулкин олурға келтуруб зӯр.

<sup>3540</sup> Ҳар сатр келиб ясоли анда,  
Пархош элидин мисоли анда.

Иўқким, бори меҳнату ғам аҳли,  
Ғам дашти ичинда мотам аҳли.

Мажнун ғамидин бори азолиқ,  
Лайли ўлуми учун қаролиқ.

Яъни бу сифат фироқнома,  
Бўлди менга қатрарез хома.

Сўнггин нечаким узоттим охир,  
Йиғлай-йиғлай тугаттим охир,

<sup>3545</sup> Эй боди сабо, қарор тутма,  
Тинмоқни мизожинга ёвутма.

Кез кишвару, тоғу, дашту, води,  
Етмай қўйма жаҳон саводи.

Ишқ аҳлиға даҳр аро нидо қил,  
Бу қисса туганганин адо қил!

Ҳар қайдаки бўлса беқароре  
Оворау тийра рўзгоре,

Борча бу тараф азимат этсун,  
Тинмай нафасе қошимға етсун.

<sup>3550</sup> Қирсун бу саводи аъзам ичра,  
Кезсун бу билоди мотам ичра.

Бу хиттаки ишқ кишваридур,  
Саргаштаи меҳру ховарийдур.

Ишқ аҳли учун мадорис онда,  
Дард аҳли тутуб мажолис онда.

Ҳар кимдаки бор эса ҳаёле  
Қасб этмак ишқ аро камоле.



Саҳифаларнинг юзида дард жилваланади, унинг ҳар бир чизиғи ҳажрнинг катта йўлидир.

Андух қўшинининг тўполон-ғовғалари жон мулкени олишга зўр беради.

3540. Бундаги ҳар бир сатр, уруш қўшинига ўхшаб саф тортгандир.

Иўқ, бу сафларнинг бариси меҳнат ва ғам аҳлидир, ғам даштида мотам тугган кишилардир.

Буларнинг ҳаммаси Мажнун ғамидан аза тутиб, Лайли ўлими учун қора кийгандирлар.

Яъни фироқнома, менинг қаламимдан тўкилган томчилардир.

Бу мотамномани қанчалик чўзган бўлсам, шунча мотамзада бўлдим, ниҳоят, йиғлаб-йиғлаб тугатдим.

3545. Эй тонг шамоли, тўхтамасдан эсгин, тинмоқни мижозингга фором кўрмасдан

тоғ, дашт, водиларга ва жаҳоннинг бутун бурчакларига бориб,

жаҳондаги ишқ аҳлига, бу қиссанинг тугагани тўғрисида нидо (хабар) қилгин.

Қаердаки беқарор, овора, бахти қаро кишилар бўлса,

уларнинг ҳаммаси менинг олдимда тездан ҳозир бўлсинлар.

3550. Менинг бу улуг мотамли қора шаҳримга кириб кезсинлар.

Бу ер ишқ мамлакати бўлиб, бунда сарсон, саргашта бўлганлардан бири қуёшдир.

Бунда ишқ аҳли учун мадрасалар қурилгандир, дард аҳли бу мадрасада мажлислар тузмоқдалар.

Қимнингки хаёлида ишқ ичида камолга эришиш орзуси бўлса,



Бир мадрасада ясай висоқин  
Хужра аро соз этай яроқин.

3555. Аввал сабақин нигориш айлай,  
Ул мадрасада сипориш айлай,

Ким олиға қўюб ул варақни  
Десун биров анга ул сабақни

Ҳар кимсага улча қобилият,  
Кўрсун сабақи ғаму балият.

Бор анда ғизо ғами жигартоб,  
Сув ўрнида қатра-қатра хуноб.

Кундуз ўқумоқ бало ҳадисин,  
Ишқ ичра юз ибтилоа хадисин.

3560. Шом ўлса емак чароғ дуди,  
Андух ўти бирла доғ дуди.

То ҳар ким иши қилиб баромад,  
Ишқ аҳли аро бўлуб саромад.

Мағзи аро тушса ишқ жўши,  
Чиқса унидин бало хурўши.

Меҳр ўтиға ўртаниб вужуди,  
Ешурса қуёш юзини дуди.

Оҳи ели туфроғин учурса,  
Ашки суви ўгини ўчурса.

3570. Ҳам жисмидин ўлмаса асар ҳеч,  
Ҳам кўнглидин ўлмаса хабар ҳеч.

Бу хиттаниким қилиб иморат  
Эл кирмагин айладим ишорат.

Ул икки ягонаи замона,  
Ким ишқда келдилар ягона.

Чун чиқтилар ушбу хокдондин  
Жаннат сари бордилар жаҳондин.

Мунда берибон қарор аларға,  
Олий ясадим мазор аларға.

бу мадрасага жойлаб, ҳужрасига керакли нарсаларни ҳам тайёрлаб берайин.

8555. Бошлаб сабоқларини ёзиб, шуни вазифа қилиб берайин.

Бу варақларни унинг олдига қўйиб, биров унга шундан сабоқ берсин.

Кимки шунга қобилиятли бўлса, ғам ва балоларнинг дарсини ўқисин.

Бу ҳужрадагиларнинг овқати жигарни куйдирадиган ғамлардир, суви бўлса, қон қатраларидандир.

Кундузи ўқиладиган сабоқлар бало ва ишқ ҳодисаларидан иборатдир.

8560. Кечки емоқлари эса, чироқ, андуҳ ва бало тутунларидир.

Кимнингки иши ривожланиб, ишқ аҳли орасида шуҳрат топиб,

миясида ишқ жўш уриб, овозидан балонинг ҳуруши чиқса,

вужудини муҳаббат ўти тутиб, унинг тутунларидан қуёш бекилса

оҳининг шамоли куйган вужудининг тупроғини учириб, кўз ёшлари унинг ўтини ўчирса,

8570. жисмидан асар қолмай, кўнглини ҳам йўқотган бўлса,

ана шундай кишилар учун бу ишқ ерига иморат солиб, элнинг киришини кўзда тутдим.

Замонанинг яғонаси бўлган у Мажнун ва Лайлилар ишқ бўйича яғонадирлар.

Улар бу тупроқ дунёсидан чиқиб, жаннат сари кетдилар.

Мен улар учун бу ерда қароргоҳ, муҳташам мазор ясадим.



3575. Айвон била тоқ бешумора,  
Ул навъки гунбазу манора.

Ул чарх киби рафиъ гунбад,  
Ким бўлди аларға икки машҳад.

Қандили ичинда шамъ мастур  
Кеча анга баски тўкулуб нур.

Лутф ичра кабутари паридек,  
Йўқ-йўқки, ҳарам кабутаридек.

Ожиз бўлуб ул дағи бир ишта,  
Азбаски қанот уруб фаришта.

3580. Беишққа анда бор бўлмай  
Завқу тараб ошкор бўлмай.

Беншқ кўрунмай анда кўзга  
Ҳарён зойир малакдин ўзга.

Бу хайлки тортибон ғаму дард,  
Ҳар ким ғами ишқ аро келиб фард,

Ким барча тутуб мусаллам они  
Ул пардада йўл топиб ниҳони.

Чун бу ҳарам ичра бўлди маҳрам,  
Юз файз етиб юзига ҳардам.

3585. Ераб ангаким мурод эрур ишқ,  
Сармояи иътиқод эрур ишқ.

Бу равза сорп кетургил они,  
Бу мартабаға етургил они.

Ҳардам яна завқу ҳол бергил  
Ишқ ичра дағи камол бергил.

Ҳам ишқини жовидони айла,  
Ҳам ишқда они фони айла.

Нопокки бўлса ишқдин ёт,  
Ошиқ қўюб эрса ўзига от.

3590. Қон ёш тўкуб ўйлаким суроҳи,  
Тўфони фаеод ичинда роҳи.

3675. Бу мазорнинг айвон ва пештоқи миноранинг гумбазиядек юксак ва беададдир.

Фалакдек юксак гумбазлар бу иккисининг қабридир.

Қандилига бекитилган шамга кечаси юқоридан нур ёғилиб туради.

Нозикликда у гумбазнинг каптарлари парига ўхшагандир, йўқ-йўқ, ҳарам каптарларидирлар.

Бу гумбаздаги каптарлар учолмайдилар, чунки фаришталар қанотлари билан уриб, уларни учгани қўймайдилар.

3680. Ишқсиз кишилар бу ерга келмайдилар, бу ердаги завқ ва хушнудликлардан маҳрумдирлар.

Ишқсизлар бунда кўринмайдилар, бу ернинг зиёратчилари малаклар эмас, ишқ аҳлидир.

Бу, ғам ва дард кўрган кишиларининг ҳар бири, ишқда ягона бўлганларнинг

барчаси, буни қабул қилишиб бу пардада яширин йўллар топдилар.

Кимки бу ҳарамнинг маҳрами бўлиб, ундан файзлар олса,

3685. Кимнингки муроди ва эътиқодининг сармоясини ишқ бўлса,

ундай кишини бу равза (жаннат)га келтириб, бу мартабага мингазгин.

Доимо унинг аҳволини завқли қилиб, ишқ бобида камолга етказгин.

Унинг ишқини ўлмас, абадий этиб, ишқда уни йўқотгин.

Ишқдан ёт бўлган нопоклар, ўзига ёлғондан ошиқ номини берсалар,

3690. шишадан тўкилган қизил майдек кўзидан қон ёш тўккан нопокнинг йўли фасод тўфони ичида бўлади.



Кўргузмак иши йилон киби печ,  
Йўқ заҳрдин ўзга кўнглида ҳеч.

Ишқ ичра тугуб ўзини номи,  
Мақсуд анга бўлса нафс коми.

Ул ком ила кўнглини овутма,  
Бу равза сори ани ёвутма.

Мен хастаки бу рақамни чектим,  
Таҳрири учун қаламни чектим.

3525. Езмоқта бу ишқи жовидона,  
Мақсудум эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди руҳ майли,  
Афсона эди анинг туфайли.

Лекин чу рақамга келди мазмун,  
Афсона анга либоси мавзун.

Бу эрди ғаразким ул гуруҳе,  
Ким сўзда аён қилиб шукуҳе,

Бу нома учун бўлуб рақамкаш,  
Сафҳа юзин эттилар мунаққаш.

3600. Гар нукталари жаҳонни тутти,  
Ғавғолари инсу-жонни тутти,

Чун форси эрди нукта шавқи,  
Озроқ эди анда турки завқи,

Ул тил била назм бўлди малфуз,  
Ким форси англар ўлди маҳзуз.

Мен туркича бошлабон ривоят,  
Қилдим бу фасонани ҳикоят,

Ким шухрати чун жаҳонга тўлғай,  
Турк элига доғи баҳра бўлғай.

3605. Невчунки букун жаҳонда атрок,  
Кўптур хуштабъу софи идрок.

Гар модда камрак эрса не ғам  
Чун завқдур асл ул эмас кам.

У ёлгон ошиқ илон каби ўралгани билан унинг кўнглида заҳардан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

Ўзини ясама ошиқ қилиб, мақсад ва муддаоси нафс бўлса,

ундай ёлгончи ошиқни асло муродига етказма ва бу рав-зага келтирмагин.

Мен хастаки бу асарни ёзибман ва таҳрири учун қалам тортибман,

3595. Бу абадий ишқни ҳикоя қилишдан мақсадим афсона эмас эди, афсона деб ёзмадим.

Балки бунинг мазмунига руҳ мойил бўлди, лекин афсона бунга бир баҳона, сабаб бўлди.

Бу сатрларга тийран мазмун ёзилди, афсона бўлса унга ярашиқ либос бўлиб тушди.

Анави гуруҳ (Низомий ва Хисравлар) ҳам сўзда шукуҳ,

дабдаба билан, бу номани ёзиб, саҳифалар юзини безаган эдилар.

3600. Гарчи уларнинг сўзлари ва ғовғалари жаҳонни ва киши-ларни ўзига қаратган бўлса ҳам,

лекин улар ёзган нозик маъноларнинг шавқи форсча бўлиб, унда туркича завқ озроқ эди.

Форси тил билан сўзлар назм этилганидан, фақат форсча биладиганларгина баҳра топдилар.

Мен эса қиссаларни турк тилида тузиб, бу афсонани ҳикоят қилдим.

Бу асарнинг шуҳрати жаҳонга тўлиб, турк эли ҳам баҳра топсин дедим.

3605. Чунки ҳозир жаҳонда соф идрокли, хуштабиат турклар кўпайган.

Гарчи бу асаримнинг ўғити камроқ бўлса-да, ҳам емаслик керак, чунки унинг аслида завқ кам эмасдир.



Инсонға эрур камол матлуб,  
Андин дағи дарду ҳол матлуб,

Ҳар кимга улум бўлса восил,  
Гар дардию ҳоли йўқ не ҳосил?

Ўт солса жаҳон элига Мажнун,  
Бир куйгучи бўлғуси Филотун.

<sup>3610.</sup> Анқони киши қачон қилур ёд,  
Ул лаҳзаки булбул этса фарёд?

Сомиъ неча бўлса дардпарвард.  
Афсонада ҳам керакдурур дард.

Эшитгучи бўлса дардпайванд,  
Бордур ичи онинг ўтқа монанд.

Қил ўтқа назораким куяр чоғ.  
Сув ўчурур они, ёндурур ёғ.

Мен доғи бу майниким сузубмен,  
Туркопа суруд анга тузубмен.

<sup>3615.</sup> Эл кўнглинга андин ўлғуси жуп,  
Ким келди бу навҳанинг мўнги кўп.

Мўнглуғ мену мўнг била паёмим,  
Мўнглуғ кишилар сўзи каломим.

Шак йўқки қачонки бу ўқулғай,  
Ким ўқуса хотири бузулғай.

Кўздин чу оқизса ашк сайли,  
Мажнун киби ёд этарда Лайли,

Номамки юзин қаро қилибмен,  
Исьёну гунаҳ аро қолибмен.

<sup>3620.</sup> Ул сув етибон юғай қаросин,  
Ёзғои бори журм можаросин.

Ёраб, бу рақамки бўлли марқум,  
Ҳар ким ўқумоқдин этса маълум.

Ҳарнеки ўқур тааммул этса,  
Деган ғаразим тахайюл этса,



Инсоннинг тилаги камолга эришмоқдир, яна унга дард-  
шавқ ҳам мақсад бўлмоғи лозим.

Кимки билимдон экан, ундай кишининг дарди бўлмаса,  
ундан нима фойда?

Мажнун жаҳон аҳлига ўт солса, Афлотун ҳам шу ўтда  
куйгусидир.

3610. Булбул сайраб турганда, кишининг анқо билан нима иши  
бор?

Кулоқ солгучи ишқ дарди билан тарбияланган бўлса  
ҳикояда ҳам шундай дард бўлмоғи керакдир.

Эшитгучи дардга пайванд бўлса, унинг ичи ўтга ўхшаган  
бўлади.

Ўт ёнаётган чоқда қарагин, сув уни ўчирса, ёғ ёндирди.

Мен ҳам бу майни сузиб, туркича нағмалар тараним  
этдим.

3615. Бу нағма эл кўнглига мувофиқ келади, чунки бу навҳа-  
нинг мунги кўпроқдир.

Мунглиман, мунгдан хабардорман, дардли кишиларнинг  
сўзи менинг сўзимдир.

Шубҳасиз бу асар қачондир бир ўқилса, ўқувчининг хотири  
бузилади.

Мажнун Лайлини ёд этгандаги каби унинг кўзидан сел-  
дек ёшлар оқади.

Гуноҳ ва хатоларим орасида бу номанинг юзини қора  
қилдим.

3620. У сув етишиб, ёзилган барча гуноҳ можаролари қорасини  
ювиб кетсин.

Ераб, менинг бу ёзганларимни ҳар ким ўқиб англаса,

ўқиганларини андиша билан ўйлаб, менинг муддаоларимни  
хаёлига туширса,



Айб истамак ўлмаса муроди,  
Бер борча ҳунар сори кушоди!

Боғла оёғиға ишқ домин,  
Қуй бўғзиға дарду шавқ жомин.

3023 Занжири жунунға баста айла,  
Бу бандин анга хужаста айла.

Қилсанг ғами ишқ ила ани шод,  
Бергил мени доғи кўнглига ёд!

Шояд бу маҳал бир оҳ урғай,  
Ким гарди жаройимим учурғай.

Ул ел учуриб тани низорим,  
Раҳмат уйида бериб қарорим.

3029 Исъёнима афв бўлғай омин.  
Ёрабки, бу навъ бўлғай омин!



мақсади айб этиш бўлмаса, шундай кишиларга бутун  
фаннинг эшигини очиб бергин!

Оёғига ишқ кишанини боғлаб, оғзига шавқ шаробини қуй-  
гин.


3623. Уни жунун занжирига боғлаб, бандлар билан уни мубо-  
рак айлагин.

Ишқ ғами билан уни хурсанд қилганигда, мени ҳам  
унинг хотирига туширгин.

Шояд шу вақтда бир «оқ» тортиб, менинг гуноҳларимни  
ўчирса,

ўша «оқ» шамоли менинг заиф танимни учуриб, раҳмат  
уйидан қарор топсам.

3629. Гуноҳларим кечирилсин, омин, тангри тилагимга етказсин,  
омин!



## МУНДАРИЖА

<i>Лайли ва Мажнун. Т. Жалолов</i> . . . . .	3
<i>Биринчи боб. Ҳайбатли қора тунда ҳаёл отига минмоқ, ишқнинг юз офатлик даштига етмоқ, ишқнинг шабчироғини топиб, Лайли ҳаёли билан кўришмоқ ва Мажнун савдосига тушмоқ</i>	14—15
<i>Иккинчи боб. Қайснинг тўғилғони, ишқдан парвариш топиб эл кўзига ширин ва иссиқ кўриғони</i> . . . . .	30—31
<i>Учинчи боб. Қайснинг мактабда илм ўрғайғони ва Лайли ҳуснини кўриб кўйгил оёғига ошиқлик тиконлари санчилғони</i> . . . . .	40—41
<i>Тўртинчи боб. Баҳор чоғида Мажнун Лайлини боғда кўриб ҳушидан кетиб қолғони</i> . . . . .	60—61
<i>Бешинчи боб. Қайснинг ҳушига келиб булбулдек нола қилғони ва яна ҳушидан кетғони, буни отаси эшитиб, ўғлининг бошига келғони ва ўзи билан олиб кетғони</i> . . . . .	76—77
<i>Олтинчи боб. Қайснинг Лайли қабиласи томон жўнаши, у қабила-нинг чегарасига бориб, ити билан ҳамсуҳбат бўлғони ва Лайлини кўриб, у ҳам бу ҳам ўзидан кетғони</i> . . . . .	90—91
<i>Еттинчи боб. Қайснинг ғойиб бўлганидан қабила аҳли хабардор бўлиб, уни бир қум ичнда ҳушсиз топиб уйга келтирғонлари ва ақл-ҳушини йўқотиб, мажнунлик билан шуҳрат топғони.</i>	108—109
<i>Саккизинчи боб. Мажнуннинг ошиқлигидан Лайлининг отаси хабардор бўлиб, Мажнуннинг отасига аччиқ, заҳарли сўзлар билан ҳужум қилғони, бу сўзлар таъсиридан Мажнуннинг отаси ўғлини кишанга солғони</i> . . . . .	118—119
<i>Тўққизинчи боб. Мажнуннинг фироқ ва ҳижрон тануридаги ўтдек тўлғонғони, тузоққа тушган қушдек изтироб чекқони ва ҳақимнинг дору дармонларидан дардининг бадтар кучайғони ва кўйгил ўтининг таъсиридан занжирларнинг сувдек эриб, Мажнуннинг саҳро сари азм этғони</i> . . . . .	128—129
<i>Унинчи боб. Лайлининг гулшандан уйга қайтар чоғида Ибни Салом уни кўриб, ошиқ бўлғони. Лайли отасига совчилар юборғони ва розилик олиб хурсанд бўлғони, Лайлининг бундан хабар топиб, ғам билан касал бўлғони</i> . . . . .	146—147
<i>Ун биринчи боб. Лайли, Ибни Салом совчи юборғонини билиб, қонли кўз ёшлари билан изтиробга тушғони ва қизнинг бу аҳволини кўрган онанинг йиғи-сиғи кўтарғони</i> . . . . .	158—159

- Ун иккинчи боб.* Отаси Мажнунни ишқ даштидан келтириб, Каъбага олиб боргони ва Мажнуннинг эса муножот билан кўнглидаги яраларини ёргони, ҳожилар орасида ғовга қўноргони 170—171
- Ун учинчи боб.* Мажнуннинг вахшатлик элдин улфатлик риштасин узгони ва биёбоннинг ваҳший ҳайвонлари билан дўстлашиб, Навфалга дуч келгони 184—185
- Ун тўртинчи боб.* Лайлини Мажнунга олиб бермоқ учун Навфалнинг Лайли отасига элчи ва хат юборгони, Лайли отаси унинг талабини рад этгач, Навфалнинг уруш очгони . . . 200—201
- Ун бешинчи боб.* Лайли отаси енгилишини кўриб, душманга урмоқчи бўлган тиг билан ўз қизининг қонини оқизмоқчи бўлгони, Мажнун уни тушида кўргони, Навфал олдида юлдуздек ёш тўккони ва Навфалнинг урушни тўхтатгони . . . 214—215
- Ун олтинчи боб.* Мажнуннинг Навфалдан айрилиб, биёбонга кетгони, Зайдга йўлиқиб, аҳволини айтгони, унинг бошига тушган кулфатдан Зайдга алам ергони ва Зайдни Лайли қабиласига жўнатгони . . . 224—225
- Ун еттинчи боб.* Қуёш ўзининг иссиқ нурлари билан ҳар ёқни қизитганда, Мажнун Лайлнинг кўчиб кетган жойига бориб, қўтир ит билан дўстларча учрашгони, ўткинчи кишилар билан суҳбатлашгони ва Зайднинг Лайлидан хабар еткизгони. . . 236—237
- Ун саккизинчи боб.* Лайлнинг Мажнунга ёзган мактуби . . . 258—259
- Ун тўққизинчи боб.* Мажнуннинг Лайлига ёзган жавоб мактуби 270—271
- Иигирманчи боб.* Мажнуннинг отаси даштга бориб йўқолган девонасини топгони, уни ўзига келтириб, сўзлашгони ва насиҳат билан уйга олиб боргони . . . 284—285
- Иигирма биринчи боб.* Навфал билан Мажнун отаси ораларида ошналик ипининг маҳкам боғланмоғи. Мажнуннинг биёбонга қочиб, Лайли чўпонига йўлиққони ва қўйлар орасига яшириниб Лайлини кўрмоғи. Лайлини кўргач қурбон қўйи, хўтан кийигидек йиқилгони . . . 302—303
- Иигирма иккинчи боб.* Отаси Мажнунни кўп насиҳатлар билан Навфал қизига уйлантиришга рози қилгони, Навфал саройида никоҳ тантанаси ясалгони ва Мажнуннинг қизни ташлаб даштга кетгони . . . 320—321
- Иигирма учинчи боб.* Ибни Салом билан Лайлининг тўйи ва Лайлнинг Ибни Салом қўлидан қочиб, даштда Мажнун билан учрашгони . . . 338—339
- Иигирма тўртинчи боб.* Мажнуннинг Нажд тоғига қочиб, ўз Лайлисини ёдлаб кийинка қараб айтган сўзлари . . . 356—357
- Иигирма бешинчи боб.* Мажнун ота-онасининг ўлими ва Мажнуннинг бу воқеани тушида кўриб, уларнинг қабрига келиб йиғлагони . . . 368—369
- Иигирма олтинчи боб.* Лайлининг Мажнун ота-онасининг ўлимини эшитиб изтиробга тушгони ва рўзгорини қора қилгони 366—387
- Иигирма еттинчи боб.* Куз фаслида Лайлининг ҳаёт шами ўчгони ва Мажнуннинг ҳам жони бадан қафасида учгони . . . 398—399
- Иигирма саккизинчи боб.* Ишқ таърифида . . . 426—427
- Иигирма тўққизинчи боб.* Султон Увайс Баҳодирга насиҳат. . . 438—439
- Уттизинчи боб.* Дард, алам дostonининг хотимаси . . . 448—449

*На узбекском языке*

АЛИШЕР НАВОИ

ЛЕЙЛИ И МЕДЖНУН

*Гослитиздат УзССР — 1958 — Ташкент*

*Технический редактор Я. Б. Панхасов  
Корректорлар: Т. Иброҳимов ва Н. Содақов*

\* \* \*

*Босмахонага берилди 6/V 1957 й. Босишга  
рухсат этилди 19/XII 1957 й. Формати  
60×92<sup>1/2</sup>—29,0 босма л. 29,0 шартли босма  
л. Нашр л. 20,24+6 вклейка. Индекс:  
Ўзб. классик адабиёти Р08809. Тиражи 50000.  
ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти.  
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома  
№ 47—57.*

\* \* \*

*ЎзССР Маданият министрлига Ўзглавизда-  
танинг 3-босмахонаси. Тошкент, Ленинград  
кўчаси, 15. Заказ № 231.  
Баҳоси ледерин муқовада 8 с. 30 т.  
Баҳоси қоғоз муқовада 7 с. 80 т.*

